

солиқ Михаил Саакашвили электр
или электр солиқ коррупция
солиқ монополия либераллаштириш
электрон ҳукумат хусусийлаштириш рақамли иқтисодиёт

Грузия муваффақиятга қандай эришди?

рақамли иқтисодиёт электр бозор иқтисодиёти
солиқ Михаил Саакашвили бюрократия
иқтисод коррупция солиқ
коррупция электрон ҳукумат
либераллаштириш Саакашвили электр
электрон ҳукумат монополия
СОЛИҚ радиация
либераллаштириш коррупция
бозор иқтисодиёти солиқ коррупция либераллаштириш
бюрократия либераллаштириш электр бюрократия
солиқ рақамли иқтисодиёт

Лариса Буракова

монополия электр электрон ҳукумат солиқ
рақамли иқтисодиёт бозор иқтисодиёти

Лариса Буракова

Грузия муваффақиятга қандай эришди?

Тошкент
2021

УЎК 328.185(479.22)

КБК 66.3(5Гру)

Б 94

БУРАКОВА, Лариса

Грузия муваффақиятга қандай эришди? / Лариса Буракова, рус тилидан Абдулазиз Абдуллаев таржима-си. Тошкент: "Ofset-print" МЧЖ, "Nihol" nashriyoti, 2021. 328 бет.

ISBN 978-9943-23-186-3

Таржимон

Абдулазиз Абдуллаев

"Asaxiy books" лойиҳаси доирасида таржима ва чоп қилинди

Коррупцияга қарши қандай курашиш мумкин?

Бутун мамлакатни электр ва газ билан узлуксиз таъминлашнинг иложи борми?

Одатда, коррупцияни батамом йўқотиш мушкуллигини кўп таъкидлайдилар. Давлат тўнтариши билан ҳукумат тепасига келган Саакашвили бунинг уддасидан чиқди ва Грузияда жуда қисқа муддатда коррупцияни етарли даражада кескин камай-тирди, бюрократия ҳамда ортиқча овозагарчиликларга барҳам берди, мамлакат иқтисодининг сезиларли даражада ўсишига замин яратди.

Иқтисодчи Лариса Буракованинг ушбу китобида мана шу ислохотларга батафсил изоҳ берилган. Нашр муаллифнинг икки йиллик кузатувлари маҳсули бўлиб, илк бор рус тилида 2011 йилда чоп этилган.

УЎК 328.185(479.22)

КБК 66.3(5Гру)


ISBN 978-9943-23-186-3

© "Asaxiy books" МЧЖ, 2021

© Лариса Буракова, 2011

Мამუკატ-პორტრეტი
 ბიჭვარუხ შალვაძის-მეგრული-გულბატაძის
 ნაშრომია. თბილისი.
 დაბეჭდილია 1909 წელს.
 სახელის სიგრძე: 12 მკვარამი (12 სტრიქონი)
 ტექსტის სიგრძე: 1030 მილიმეტრი (103 სტრიქონი)
 72 სტრიქონი

მეგრული-ქართული
 ხარისხობითი-პარტიკული-ბურჟუაზიული-გულბატაძის
 კლასიკური-ქართული-მამუკატ-პორტრეტი-1909 წელს
 წარმოადგენს 1322 აკრძალვას.
 ტექსტის სიგრძე: 1030 მილიმეტრი (103 სტრიქონი)



Муқаддима

Бундан бир ярим йил аввал, Лариса Буракова “Грузия муваффақиятга қандай эришди?” китобини тайёрлаётганини эшитганимда, жамиятда ҳали турғунлик туйғуси ҳукмрон эди, шунинг учун мазкур асар жамиятни жароҳатлаган умидсизликка қарши даво бўлишидан хурсанд бўлгандим. Китобда “яши томонга тез ўзгариш мумкин”лиги ҳақидаги эзгу хабар баён этилган, бунга далил сифатида кўп томонлама бизга (Россияга – *тахририят изоҳи*) ўхшаб кетадиган мамлакат тажрибаси муҳокама қилинган. Бугунги кунда Грузияда квартира савдо-сотиғини расмийлаштириш, автомобилга рақам олиш, фирма ёки нотижорий ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун ярим соат ҳам вақт кетмайди, бунга ҳаттоки муҳр ва устав капитали ҳам талаб қилинмайди. Полициячилар шундай фаолият юритадиларки, натижада мамлакатнинг кўплаб аҳолиси тунда машиналарини қулфламайди. Давлат автомобиль назорати (ДАН) ходимлари пора олмайдилар, сабаби оддий – мамлакатда ДАН тарқатиб юборилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарали ишлаши туфайли мамлакатда илгари амалга ошириш имкони бўлмаган жараёнларга йўл очилган. Худди биздаги сингари, Грузия шаҳарларида ҳам спорт майдончалари аввалги полиция томонидан жуда тез бузиб ташланганди, энди эса улар яна қайта бунёд этилмоқда. Шаҳарлар орасида Европа даражасидаги йўллар пайдо бўла бошлади – илгари бунга бизда ҳам кенг тарқалган “келишилган танловлар” тўсқинлик қиларди.

Ҳамма жойда жамият тафаккури ва ҳаракатла-

рида жонланиш сезилаётган, 1980-йиллар охирида унутилаёзган дастурлар кураши яна қайта бошланган бугунги кунда бу китобни хавотир билан ўқимоқдаман: ўзгаришлар учун имконият пайдо бўлганида, ундан фойдалана оламизми? Монтек Ахлувалия таъкидлаган “заиф ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги кучли келишувлар”нинг Ҳиндистонга хос ёндашув усули Россияда ҳам шаклланмоқда. Модомики, асосий мақсад “заиф ислоҳотлар” бўлса, мазкур ёндашув аслида унчалик ёмон эмас. Бироқ агар полицияни ислоҳ қилишнинг грузинча вариантыдаги шахсий таркибнинг 90 фоизи ишдан бўшатилиши ва маош миқдори бир неча марта оширилиши ҳолатлари ходимлар сонини 15 фоизга камайтириш ва маошларни 15 фоизга ошириш сингари мўътадил “мукаммаллаштириш” усули билан солиштирганда, айнан охирги усул хомхаёл экани ҳамда муваффақият келтирмаслигини ич-ичимдан сезяпман.

Шундай бўлса-да, тан олишим жоизки, китоб мени кескин ислоҳотларнинг мўътадил ислоҳотлардан афзаллигига ишонтиришдан кўра, аслида қандай ислоҳот мўътадил деб ҳисобланиши ҳақидаги янгича қарашимни шакллантирди. Агарда бирор идоранинг барча ходимларидан фақат раҳбар ва бош ҳисобчи ишга келаётган бўлса, идора фаолиятининг тугатилиши вазиятнинг асл ҳолатини тасдиқлайди, холос. Башарти дориларнинг сифати ва хавфсизлиги АҚШ ёки Европа Иттифоқида(ЕИ) текширувдан ўтган экан, уларнинг Грузияда қайта текширувдан ўтказилиши қўшимча сарф-харажатларни келтириб чиқаради, аслида эса бу харажатлардан осонгина воз кечиб қўя қолиш мумкин. Аксарият грузинча ислоҳотларда мен кескинликдан кўра ҳалолликни кўраман: тан олиш жоизки, кўплаб давлат муассасалари ходимлари шахсий мақсадлари учун ишламайди ва яқин келажакда ҳам бундай бўлмайди.

Бу каби ҳалолликни ҳозирги пайтда Россияда давом этаётган мамлакатни ривожлантириш стратегияси ҳақидаги баҳсларга қўшиш ўзимиз излаётган “стратегия”нинг асл моҳиятини ёдимизга солган бўларди. Биз стратегияга қандайдир бир ҳаракат режаси, амалга ошириш ёки ёддан чиқариш мақсадга мувофиқ бўладиган ишлар рўйхати сифатида қарашга жуда ўрганиб қолдик. Лекин стратегия негизида доимо бутун кенгликларни қамраб олишдан воз кечиб, ҳаракатларни бир қатор йўналишларга жамлаш қарори ётади. Грузин сиёсатчиларининг давлат фаолиятини чеклашга тайёрликлари стратегияни яхши ҳис қилишнинг ёрқин намунаси бўла олади. Катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, Грузия айнан шу ҳис ёрдамида барчасини уддалай олди.

Евгений Ясин,
*“Олий иқтисодиёт мактаби” Миллий тадқиқот
университетининг илмий раҳбари*

Муаллифдан

2007 йил август ойининг охирида – Америкадаги Катон тадқиқот институтининг рус тилида сўзлашувчилар учун мўлжалланган лойиҳаси доирасида илк бор эркинлик ғояларига қизиқувчи талабалар учун ёзги мактаб ташкил этилди. Мен талаба сифатида қатнашган бу мактаб ўқитувчилари орасида Каха Бендукидзе бор эди.

Бой тажрибага ва қандайдир жуда табиий, интуитив эркинлик туйғусига эга бўлган қизиқарли ҳикоянавис Каха Автандилович ахборотга ғоят чанқоқ ўқувчилар галасини доимо ўз атрофига жалб этарди. Ярим тундан кейин ҳам давом этадиган ўша сўхбатлар ҳамон жуда илиқ таассуротлар билан эсга олинади.

Машғулотларнинг охириги кунига келиб, биз – талабалар нафақат ҳамфикр, балки дўст бўлиб улгургандик ва ҳазил аралаш ўз келажак фаолиятимиз истиқболларига аниқлик киритардик. Кимдир ўзини Президент маъмурияти раҳбари ўрнида кўрса, яна кимдир шаҳар мэри сифатида тасаввур қиларди... Ўзим, эҳтимол, биринчи марта батафсил ўйлаб кўрганимдан сўнг ўша вақтда Бендукидзе эгаллаб турган лавозим – ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири вазифаси мен учун ҳам жуда қизиқ бўларди, деган хулосада тўхталдим.

Ўшандан бери ислохотлар ҳам, Грузия ҳам аввалига фақат қизиқишларим мавзусига айланган бўлса, кейинчалик тадқиқотларим манбаига айланди. Биринчи марта 2008 йилнинг октябрида, илк бор Грузияга ташриф буюрганимда, менда мазкур китобни ёзиш нияти пайдо бўлди ва кейинчалик бу ҳақиқий лойиҳага айланиб кетганидан ўзим ҳам ҳайратдаман.

Шу вақтлар давомида мен Грузияда деярли Москвадан ҳам кўпроқ бўлдим. Мухолифат вакиллари, кўплаб ислохотлар муаллифлари ва ижрочилари билан танишдим, такси ҳайдовчилари ҳамда Грузиянинг турли регионлари аҳолиси билан суҳбатлашдим, кўплаб янги дўстлар орттирдим. Албатта, ўзим билган ва кўрган-кечирганларимнинг барчасини китоб орқали тақдим этишнинг иложи йўқ. Лекин ҳеч бўлмаганда, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақидаги тасаввурларимни шакллантирган далиллар, ҳикоялар ва таассуротларни билдириб ўтишга ҳаракат қиламан.

Шу сабабдан китобхонларга ҳам ислохотларни ўйлаб топган ва амалга оширган кимсаларнинг “овозларини эшита олиш”, ўз ишининг усталари билан суҳбат давомида ўзим муттасил равишда туйган қувончни ҳис қилиш имконини тақдим этиш мақсадида, китобга кўплаб тўғридан-тўғри нутқлар киритилган. “Бевосита иштирок таассуроти”ни кучайтириш учун эса матнда бош ислохотчиларнинг таржимаи ҳоллари ҳам келтирилган.

Албатта, “Нима яхши-ю, нима ёмон?” тушунчасини шахсан ўзим қандай идрок қилишим суҳбатдошларни танлашимга таъсир ўтказди. Мен учун бендуномика (янги грузин ҳукуматининг радикал либерал ташаббусларини мухолифат шундай атайди) – янги Грузиянинг ривожланишида устувор йўналишга эга бўлган иқтисодиёт. Ва бу китоб – ушбу фаннинг ўзига хос дарслари мажмуаси – Каха Автандилович билан, унинг қарашлари менга яқин ва тушунарли бўлган издошлари, елкадошлари билан кўплаб соат давом этган суҳбатлар натижасида пайдо бўлган.

Ва ниҳоят, мазкур йўналиш билан шуғулланишим сабабини тушунтириб ўтишни лозим деб биламан. Грузияда амалга оширилган ва айни пайтда ҳам рўй бериб келаётган ислохотлар жуда қизиқарли, фойда-

ли, мароқли ва айтиш мумкинки, ноёбдир. Мазкур мамлакатда амалга оширилган кўп ислохотларни Россия ҳам қўлласа бўлаверади ва қўллаши шарт ҳам. Аслида, Россиядаги баъзи қонунчилик ташаббусларида грузинча асослар яққол кўзга ташланади. Лекин улар худди Грузиядагига ўхшаш натижаларга олиб келишига айна вақтда ишонч йўқ.

Ҳозирча бизга грузинча ислохотлар ҳақида кўп нарса маълум эмас. Уларни муҳокама қилиш энди-энди бошланмоқда. Лекин грузинча вино ва минерал сувларга эмбарго қўйилганидан ташқари, гўёки Грузиядан келадиган ва Грузия ҳақидаги маълумотларга ҳам тўсиқ қўйилгандек тасаввур уйғоняпти. Мазкур тўсиқ сатирик ва ёзувчи Михаил Жванецкийнинг кўпчиликини ҳайрон қолдирган ҳолда давлат телеканали орқали узатилган истехзога тўла сахна чиқиши учун мавзу бўлди: “Кўзда ёшим билан сизлардан илтимос қиламан: бизга Грузияни очинг. Эндиликда буни мен “у томонга” гапиряпман. Буни шунчаки телекамера тўйнуғига гапиряпман. Телекамеранинг титраб турган тўйнуғига... Титраётган тўйнуқ... Бизга Грузияни очинг! Ҳамма гапиряпти, грузинларнинг ички сиёсати ташқисидан ақллироқ экан. Ҳамма гапиряпти, грузинлар коррупцияга барҳам беришганмиш. Ҳамма гапиряпти, лекин мен буни аниқ билмайман, чунки бу ҳақда бирор манбадан ўқий олмайсан. Ҳамма айтяпти, улар ўзларида ДАН фаолиятига нуқта қўйишганмиш. У ерда ёшлар, йигирма етти ёшли инсонлар вазир лавозимида ишлаётганмиш. Вазирликлар таркиби эса фақатгина бир неча инсонлардан иборат экан. Уларнинг тажрибаларини ўзлаштиришимизга, у томонда қандай воқеалар рўй бераётганини аниқлаш учун тўйнуқдан ўша томонга бир мўралашимизга нима халақит беради? У томонда нималар рўй бераётганини бизга хабар қилинг. Бу нарсалар ҳақида гапирмаётганлари

учун у томон гўё жаннатдек тасаввур уйғотяпти”¹.

Грузияда охирги етти йилда рўй берган воқеалар ҳақида маълумотлар ҳақиқатан жуда кам. Воқеаларнинг нотўғри талқин этилиши, атайлаб ошкор қилинмаслиги, тушунчаларнинг аралаштириб ёки алмаштириб юборилиши, кўпинча эса рўй бераётган ўзгаришларнинг жадаллиги ҳам ислохотлар ҳақида кўплаб афсоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу сабабдан ислохотлар ҳақидаги ҳикоялардан китобхонни ҳеч нима чалғитмаслиги учун ўз китобимни мазкур афсоналарни муҳокама қилишдан бошлашга қарор қилдим.

* * *

Менга интервью берган, материаллар тақдим этган, грузин тилини билмаслигимни енгиб ўтишимда кўмаклашган, бебаҳо фикрлар ва кўрсатмалари билан ёрдамини аямаган инсонлар иштирокисиз мазкур китоб ёзилмаган бўларди. Мен Михаил Авалиани, Реваз Адамия, Евгения Антонова, Георгий Ахалая, Вахтанг Барамидзе, Лили Бегиашвили, Каха Бендукидзе, Ираклий Берекашвили, Рима Бериашвили, Леван Варшаломидзе, Гела Васадзе, Эка Габададзе, Демур Гиорхелидзе, Паата Гоголидзе, Хатуна Гогоришвили, Галактион Гонадзе, Нино Горгадзе, Леван Готуа, Ладо Гургенидзе, Гия Жандиери, Мариам Жапаридзе, Эмзар Жгереная, Давид Жинчарадзе, Татулия Долидзе, Михаил Иашвили, Андрей Илларионов, Георгий Касрадзе, Александр (Сандро) Качарава, Александр (Алеко) Качарава, Анна Кванчилашвили, Кетеван Кинкладзе, Эроси Кицмаришвили, Нана Клдиашвили, Тамуна Ковзиридзе, Кетеван Кокрашвили, Эка Колбая, Шалва Кочладзе, Юрий Кузнецов; София Лебанидзе, Вато Лежава, Лаша Мгеладзе, Вахтанг Мегрелишвили, Галина Морозова, Георгий Мосидзе, Вадим Новиков, Теона Одзелашвили, Лана Ониани, Тамта Отиашвили,

¹ Дежурный по стране (www.jvanetsky.ru/data/text/vs/dejurnyi84).

Олег Панфилов, Владимир Папава, Ираклий Петри-
ашвили, Арчил Почхуа, Николоз Пруидзе, Александр
Рондели, Михаил Саакашвили, Нана Сакварелидзе,
Натия Самушия, Ираклий Сирадзе, Гиги Угулава, Тато
Уржумелашвили, Шота Утиашвили, Натия Хантадзе,
Тамара Хвтисиашвили, Георгий Цхакая, Давид Чант-
ладзе, Георгий Чантурия, Звиад Чеишвили, Алекси
Чикваидзе, Георгий Чиковани, Георгий Чхиквадзе,
Екатерина Шарашидзе, Эдуард Шеварднадзе, Павел
Шеремет, Паата Шешелидзе, Жабა Эбаноидзе ка-
би инсонларга, номлари келтирилишини хоҳламаган
инсонларга, шунингдек, онамга, опамга ва унинг тур-
муш ўртоғига самимий ташаккуримни изҳор этаман.
Номлари санаб ўтилган инсонларнинг ёрдамисиз ки-
тобни якуний кўринишга келтира олмаган бўлардим.

КБФ (кўп билдириладиган фикрлар)¹

Грузиядаги ислохотлар ҳақида қандай аудиторияда нутқ сўзлашимдан қатъи назар, муҳолифларимнинг далиллари асосан доимо бир хил фикрлар тўпламидан иборат бўлган. Мазкур фикрларнинг барчаси ҳам ҳақиқатдан йироқ. Уларнинг баъзиларини изоҳлаб ўтишни хоҳлардим.²

1. “Грузинча мўъжиза” фақатгина Ғарб давлатларининг, биринчи навбатда АҚШнинг катта кўламдаги моддий кўмаги эвазига содир бўлди.

¹ Ҳисоблашлар Иқтисодий таҳлил институтида амалга оширилган. Мавзуга алоқадор материалларни (шу ўринда ва бундан кейин, алоҳида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, муаллиф изоҳи) www.iea.ru/georgia.php сайтидан топиш мумкин.

² Шарҳларда куйидаги даврлар ҳақида гап боради:

1992–2003 йиллар – Президент Эдуард Шеварднадзе маъмурияти даври;

2004 йилдан бошлаб – Президент Михаил Саакашвили бошқаруви даври;

1992–1994 йиллар – бирламчи (ўтиш) иқтисодий пасайиш даври;

1995–2007 йиллар – рус-грузин уруши ва жаҳон иқтисодий инқирозига давом этган биринчи иқтисодий ўсиш даври;

1995–2003 йиллар – Президент Шеварднадзе бошчилигидаги иқтисодий ўсиш даври;

2000–2003 йиллар – Президент Шеварднадзе бошчилигида Атиргул инқилобига давом этган иқтисодий ўсишнинг охириги тўрт йили

(мазкур давр давомийлиги бўйича Президент Саакашвили бошчилигидаги ислохотларнинг энг фаол тўрт йиллигига мос келади);

2004–2007 йиллар – Президент Саакашвили бошчилигидаги энг фаол ислохотлар даври;

2008–2009 йиллар – энг аввало рус-грузин уруши ва жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири тўғрисидаги иқтисодий ўсишнинг секинлашиш, сўнгра иқтисодий пасайиш даври;

2010 йилдан бошлаб – иқтисодий ўсишнинг иккинчи даври.

Дарҳақиқат, Грузияга хориждан салмоқли ёрдам келиб тушади. Лекин дунёнинг 180 дан ортиқ давлати ташқаридан ёрдам олади ва уларнинг барчаси ҳам грузинча иқтисодий ўсиш суръати билан тенглаша олмайди. 1992–2007 йиллар оралиғида ривожланишга расмий ёрдам³ (РРЁ) сифатида Грузияга ҳаммаси бўлиб 4,3 миллиард АҚШ доллари (2005 йилги нархлар бўйича) келиб тушган бўлса, шундан 3 миллиард доллари 1992–2003 йилларга, 1,3 миллиард доллари ислохотларнинг биринчи тўрт йиллигига (2004–2007 йиллар) тўғри келади. Шу билан бирга, 1994 йилдан 2003 йилгача бўлган 9 йил давомида (радикал ислохотлар бошланишигача иқтисодий ўсиш даври) РРЁ ҳажми ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан ўртача 7,7 фоизни, мамлакатнинг йиллик ўртача иқтисодий ўсиш суръати эса 5,9 фоизни ташкил этди. Кейинги 4 йилликда (2004–2007) РРЁ ҳажми ЯИМнинг 4,7 фоизигача камайган бўлса, Грузиянинг йиллик ўртача иқтисодий ўсиш суръати 9,3 фоизгача ошди.

2004–2007 йиллар оралиғида Грузияга кўрсатилган РРЁ миқдори жон бошига 298 доллардан (2005 йилги нархлар бўйича) тўғри келди. Жон бошига нисбатан ҳисоблаганда, ўша йиллар давомида дунёнинг 44 мамлакати кўпроқ моддий ёрдам олди. Лекин ЯИМнинг жон бошига нисбатан ўсиш суръати бўйича Грузиядан фақатгина бир мамлакат – Арманистон ўтиб кета олди, холос.

³ Ривожланишга расмий ёрдам (РРЁ) имтиёзли шартлар асосида тақдим этилган кредитлардан, Ривожланишга кўмаклашувчи қўмита (РКҚ)га аъзо мамлакатлар, кўп қиррали ташкилотлар, шунингдек, РКҚга аъзо бўлмаган мамлакатлар расмий муассасаларининг грантларидан ташкил топган бўлиб, РКҚ рўйхатидан РРЁ оладиган мамлакатлар ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда фаровонлигини рағбатлантириш мақсадида тақдим этилади. РРЁ 25 фоиздан кам бўлмаган грант элементларига асосланган кредитлардан ташкил топган (10 фоизлик ставка миқдорида ҳисобланади).

Мазкур тўрт йил давомида АҚШ томонидан Грузияга 349 миллион доллар (2005 йилги нархлар бўйича), яъни Грузия қабул қилган барча ёрдамнинг чорак қисмидан кўпроғи миқдориди кўмак тақдим этилди, бу эса жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 79 доллардан тўғри келади. Айнан ўша дамда жаҳоннинг 14 мамлакатига АҚШ тақдим этган ёрдам бундан кўпроқ эди. Масалан, Арманистон учун бу жон бошига 87 доллардан тўғри келарди. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, ислохотлардан бевосита олдинги тўрт йилликда (2000–2003 йиллар) Грузияга АҚШ тақдим этган ёрдам ислохотлар давридаги (2004–2007 йиллар) кўрсаткичдан кўп бўлиб, мос ҳолда 413 миллион доллар ва 349 миллион долларни ташкил этади. Лекин ислохот давридагидан фарқли равишда, аввалги давр учун маблағ киритиш иқтисодий муваффақиятга олиб келмади – 2000 йилдан 2003 йилга қадар ЯИМ жон бошига нисбатан 28,7 фоизга, 2004–2007 йиллар оралиғида эса 40,6 фоизга ошди.

2. Грузия иқтисодиёти муҳожирларнинг пул ўтказмаларига боғланиб қолган.

Ҳа, унча катта бўлмаган давлатларда фуқаролар истеъмол даражасини бир меъёردа ушлаб туриш учун бу каби воситалар манбаи муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Лекин “бой қариндошлар”нинг пуллари иқтисодий ўсиш тезлигини кафолатлайдимиз? 2004–2007 йиллар давомида хорижлик жисмоний шахсларнинг пул ўтказмаларидан Грузияга 1,38 миллиард доллар (2005 йилги нархлар бўйича) ёки жон бошига 315 доллардан пул келиб тушди. Айнан ўша йилларда жаҳоннинг 55 мамлакатидида жон бошига пул ўтказмалари миқдори Грузиядагидан ортиқ бўлди. Лекин мазкур мамлакатлардан фақат иккитаси – Латвия (хориждан ўтказилган пуллар жон бошига 804 доллардан тўғри келган) ва Арманистон (694 доллар) иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича Грузияни ортда қолдира олди.

2004–2007 йиллар давомида икки пул манбаси – грантлар ва хориждан келадиган пул ўтказмаларидан тушган бегараз маблағлар миқдори Арманистонда Грузиядан кўпроқ (жон бошига нисбатан мос равишда 1010 доллар ва 613 доллар)ни ташкил этганди. ЯИМ йиллик ўртача ўсиш суръати Арманистонда Грузияга қараганда ортиқ (мос равишда 12,8 фоиз ва 9,3 фоиз) бўлганини айнан мазкур нисбат билан тушунтиришга ҳаракат қилиш мумкин. Шунга қарамасдан, катта миқдорлардаги РРЁ олган ўнлаб мамлакатларнинг ўсиш суръатлари пастлигича қолди.

3. Саакашвили бошқаруви даврида мамлакат қарз ботқоғига ботиб қолди.

Грузиянинг ташқи қарзи билан боғлиқ вазият қуйидагича кўриниш олган. 2003 йилнинг охирида ташқи қарзлар 1,849 миллиард долларни, яъни ЯИМнинг 46,3 фоизини ташкил қилган бўлса, 2007 йил охирига келиб, унинг абсолют ҳажми деярли ўзгармасдан қолди, яъни 1,838 миллиард долларни ташкил этди. Лекин иқтисодиётнинг тез ривожланиши ва лари пул бирлиги реал курсининг ўсиши туфайли ташқи қарзнинг ЯИМга нисбати 18,1 фоизгача камайди. Сўнгра – 2008 йилги ҳарбий ва 2009 йилги инқироз шароитларида – Грузия иқтисодиётини тиклаш учун мамлакатга катта миқдордаги кредитлар тақдим этилди. Натижада мамлакатнинг ташқи қарзи ортди ва 2010 йил охирига келиб 4,199 миллиард долларга етди, шу тарзда ЯИМнинг 35,6 фоизини ташкил этди. Бошқача айтганда, бугунги кундаги ташқи қарзларнинг грузин иқтисодиёти ҳажмига нисбати барибир Эдуард Шеварднадзе давридагидан камроқдир.

2002 йилда Россияда ҳам тахминан шу каби ҳолат кузатилганида – ташқи қарз миқдори ЯИМнинг 35,3 фоизини ташкил этганида, бу (узроҳ: Россияда) жиддий муаммо талқин қилинганди. Давлатнинг тўлиқ қарзини қоплаш учун ЯИМнинг 2,2 фоизи сарф-

ланиши тўфайли Россиядаги ҳолат янада мураккаброқ эди. Кредитлар бўйича тўловлар тез орада ечими йўқ муаммога айланишидан хавотирлар бор эди. Барчага маълумки, бундан кейинги йилларда Россия қарз ҳалокатидан қутулиб қолди – иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга ёрдам берган стратегия (солиқ ислоҳоти, фоизсиз давлат харажатларининг камайиши, давлат бюджетти профицитлигини таъминлаш, барқарорлаштириш фондининг ташкил этилиши) қўл келди.


Бугунги кунда Грузиянинг ташқи қарзни қоплаш харажатлари ЯИМнинг 1 фоизидан ошмайди, ташқи қарзлар бўйича ўртача чамаланган ставка миқдори эса бор-йўғи 2,1 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, мамлакатнинг халқаро валюта захиралари 2003 йил охирида 196 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2010 йил охирига келиб, 11 баравардан кўпроқ ўсган ҳолда 2,264 миллиард долларга етди.

Қарз билан боғлиқ вазиятнинг барқарорлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич сифатида анъанавий равишда фоизлар бўйича тўловнинг экспортга нисбати ишлатиб келинади⁴. Бу нарса охириги 7 йил ичида Грузияда сезиларли тарзда камайди: кредитлар бўйича экспортга нисбатан йиллик тўловлар 2003 йилда 17 фоиз, 2007 йилда 4,8 фоизгача тушди ва 2010 йилда 7,4 фоиз даражада бўлди.

4. Саакашвили ватанни сотиб юборди, ҳаммасини хорижликлар харид қилди.

Ҳокимият тепасига янги жамоа келиши билан, 2004 йилда хусусийлаштириш жараёни жадаллашгани ҳақиқатан ҳам тўғри. Шеварднадзе бошқарувининг охириги беш йиллигида (1999–2003 йиллар) давлат мулкани сотишдан 62 миллион доллар келиб тушган

⁴ Ташқи қарз статистикаси. Муаллифлар ва фойдаланувчилар учун қўлланма. Халқаро валюта фонди, 2003-189-182 таҳрифалар (www.imf.org/external/russian/pubs/ft/eds/eng/eng/guide.pdf)



бўлса, кейинги беш йилда (2004–2008 йиллар) мазкур кўрсаткич 1,44 миллиард долларни ташкил этди.

Мулкнинг хорижликлар томонидан хусусийлаштирилиши грузин иқтисодиётида қанчалик муҳим аҳамият касб этди? 2006 йилдан 2009 йилгача маҳсулот ишлаб чиқаришдаги хорижий компаниялар ҳиссаси 28,4 фоиздан 35,2 фоизгача ошди. Бу бир қарашда унча ҳам кўп эмасдек кўринади. Лекин асосий капиталга сармоя киритиш даражаси бўйича хорижликлар ростдан ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. 4 йил (2006–2009 йиллар) давомида улар 2 миллиард доллар (2006 йилги нархлар бўйича) сармоя киритган бўлсалар, мазкур кўрсаткич хусусий резидентларда 1,5 миллиард долларни, давлатда эса 1,6 миллиард долларни ташкил этди.


5. Грузия иқтисодиёти Россияга боғланиб қолган. У Россия эмбаргоси шароитида кўп яшаб қола олмайди.

Россия ҳукумати Грузия иқтисодиёти Россияга қарам бўлмаслиги учун қўлидан келган барча ишни қилди: газ нарҳини кескин оширди, грузин вноси ва минерал сувига эмбарго қўйди, савдо, транспорт ва почта алоқасини чеклади, Грузия фуқароларига виза беришни бекор қилди, грузин фуқароларини Россиядан чиқариб юборди; грузинларга қарши ташвиқот кампаниясини авж олди; ҳарбий ва дипломатик босим ўтказди, уруш олиб борди ва мамлакатнинг бешдан бир қисмини босиб олди.

Бу чоралар натижаси ўлароқ, савдо алоқалари жадаллигининг кескин тушиб кетгани ҳайратланарли эмас. Грузиянинг умумий экспорт ҳажмидаги Россиянинг улуши 2005 йилда 17,8 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2009 йилда 1,6 фоизгача тушиб кетди. Грузиянинг умумий импорт ҳажмидаги Россиянинг улуши 2005 йилда 15,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 6,6 фоизни ташкил этди.

Россия билан савдо алоқаларининг қисқаришидан

Грузия зарар кўрдими? Албатта, бусиз мумкин эмас. Лекин 2003 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда Грузия ЯИМ ҳажми 49,3 фоизга кўпайган бўлса, Россияда – мамлакат анъанавий экспорт маҳсулотларининг ҳаддан ташқари қимматлигига қарамай – мазкур кўрсаткич 34,8 фоизни ташкил этди.



Грузия ташқи савдоси таркибида Россиянинг солиштирма ҳажми (фоиз ҳисобида). Манба: Грузиянинг External Trade Статистика хизматлари офиси (www.geostat.ge/index.php?action=page&p_id=137&lang=eng) маълумотлари бўйича ҳисобланган.

6. Грузиянинг ўзида ишлаб чиқариш мавжуд эмас, ташқи савдога фақатгина темир-терсак чиқарилади.

Ислохотлар бошлангунгача бўлган даврда қора металл ҳақиқатан ҳам экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатида етакчилик қилган эди – 2004 йилгача бўлган даврда темир-терсакнинг экспорт ҳажмидаги улуши 14,8 фоизга тўғри келган, металл-қотишмалар эса учинчи ўринни эгаллаганди (6,6 фоиз). Лекин кейин вазият ўзгарди. 2010 йилда грузин экспортининг 16,7 фоизини металл-қотишмалар (экспортнинг етакчи тармоғи) ташкил этган бўлса, қора металл улуши 6,9 фоизга тушиб кетди. Азотли ўғитлар (2010 йилда 4,6 фоиз) ва мис концентратлари (2010 йилда 4,5 фоиз) доимий равишда ўнта энг асосий экспорт маҳсулоти сафидан ўрин олиб келмоқда. Ташқи савдо учун тўсиқларнинг камлиги туфайли 2005 йилдан бошлаб автомобиллар қайта экспорти

(2010 йилда 14,4 фоиз) жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Грузия 2006 йилдан бошлаб электр энергиясининг нетто-экспортчисига айланди, 2010 йилга келиб эса хорижга электр энергияси сотишдан келиб тушган фойдалар (36,5 миллион доллар) вино экспортдан олинадиган фойдалар (39,3 миллион доллар) билан деярли бир даражага чиқди.

7. Агарда давлат харажатлари ва бюджет камомади ортиб борадиган бўлса, демак, бу либерал ислохотлар эмас.

Албатта, давлат харажатлари ва бюджет камомадининг ортиб бориши ҳамда ишончли молиявий сиёсат ўзаро мос келмайди. Лекин ўз базавий функцияларини бажариши учун давлат қанчадир миқдордаги ресурсларга эга бўлиши керак. Мазкур ресурсларнинг оптимал даражасини қандай аниқлаш мумкин? Масалан, бюджет юкламасининг Грузиядаги ҳақиқий қийматини бошқа мамлакатлар билан солиштириш орқали буни амалга оширса бўлади. Бу ўринда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳам эътиборга олиш керак. Чунки иқтисодий ривожланишнинг турлича қийматларига эга бўлган ҳолда давлат иқтисодиётдан бир хил масштабда ресурслар чиқариб олишда давом этаверса, бу ҳолат турлича натижаларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Кўринишидан ҳудди Грузия кўламидаги иқтисодий ривожланишга эга бўлган давлат учун мамлакатнинг 2004–2007 йиллардаги давлат харажатлари ҳажми оптимал қийматларга яқин⁵. Балки, айнан шу сабабдан ҳам мазкур даврларда Грузия иқтисодиёти жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан тезроқ ўсган бўлиши мумкин. Солиқ ставкаларининг пасайиши туфайли солиқлар тушумлари ошди, натижада бюджет даромадлари ҳам ўсди ва бир вақтнинг ўзида давлат харажатлари

⁵ Давлат харажатлари оптимал қийматларини ҳисоблаш усуллари борасида қ.: Илларионов А., Пивоварова Н. "Размеры государства и экономический рост" // *Вопросы экономики*. 2002 йил №9. 18–45-саҳифалар.

ҳам ортди. Умуман олганда, давлат харажатларининг ўсиши нисбатан мувозанатлашганди: тўпланган бюджет камомати 2005–2007 йилларда ЯИМнинг 0,2–0,3 фоизини ташкил этди.

Бироқ 2008–2009 йилги инқироз ҳолатидан кейин, ҳозирги пайтга келиб – давлатнинг иқтисодиётдан чиқариб олган ресурслари кўрсаткичи оптимал қийматлардан жиддий фарқ қила бошлаган дамда, мазкур кўрсаткични мамлакатда рекорд даражада ўсиш суръати таъминланган 2004–2007 йилги ҳолатига қайтариш зарур.

“Худди бошқа мамлакатларда кузатилгани сингари, Грузияни ҳам рецессия (нисбатан мўътадил пастлаш) четлаб ўтмади, лекин бу вазиятда ҳукумат солиқларни ошириш эмас, балки камайтириш йўлини танламоқда, – дея изоҳлайди Эстониянинг собиқ бош вазири ва Грузия президентининг собиқ махсус маслаҳатчиси Март Лаар. – Бундан кўринадики, иқтисодий эркинлик аслида энг яхши сиёсатдир, кўпгина собиқ совет мамлакатларида юз бераётганидек куч ишлатиш сиёсатини қўллаш – катта хато”⁶.

8. Арманистон ҳеч қандай либерал ислоҳотларни қўлламаган ҳолатда ҳам Грузиядан тезроқ ўсмоқда.

Арманистон ҳақидаги бундай тасаввур хатодир, чунки мазкур мамлакатда ҳам либерал ислоҳотлар ўтказилган, лекин улар асосан эртароқ – 1990-йиллар ўрталарида амалга оширилганди. Ва айнан ўша дамдан бери арман иқтисодиёти юқори ўсиш суръатларини кўрсатмоқда. Арманистонда давлатнинг иқтисодиётга юкласи узоқ вақт давомида оптимал кўрсаткичларга яқин бўлди – 2000–2008 йиллар давомида бюджет харажатлари ЯИМнинг 20-25 фоизини ташкил этди. Арманистон эриша олган иқтисодий сиёсатнинг сифат даражасига эришиш Грузияга фақат 2007 йилдагина насиб қилди⁷ – бунга ислоҳотлар туфайли эришилди.

⁶ Лаар М. “Подобно другим странам, рецессия затронула и Грузию” // *Business Грузия*. 2009 йил 12 март (bizzone.info/2009/gov/1236902505.php)

⁷ Масалан, иқтисодий эркинлик индекси (Heritage Foundation Index

9. Грузияда ҳеч ким ишламайди. Ишсизлик даражаси жуда юқори, 70 фоизгача боради.

Ишсизлик даражаси юқорилаб кетган, бу – тўғри. Грузия статистика хизматининг маълумотларига кўра, у 17 фоизни ташкил этади. Аммо фантастик даражадаги 70 фоиз рақами қаердан олинмоқда? Гап шундаки, баъзи грузин экспертлари ўз-ўзини иш билан таъминлаганлар⁸ сирасига кирувчи инсонларни ҳам ишсизлар сафига қўшишни, фақатгина ёлланган хизматчиларнигина иш билан таъминланганлар, деб ҳисоблашни таклиф этмоқдалар.⁹

1990-йиллар ўрталаридан бошлаб Грузияда ўз-ўзини иш билан таъминлаш асосий меҳнат фаолиятига айланиб улгурганди. Одамлар яшаб қолиш учун натурал (ўз оиласи эҳтиёжи учунгина маҳсулот ишлаб чиқарадиган) хўжаликлар билан шуғулланишга мажбур бўлардилар, шу тарзда 2003 йилга келиб иқтисодий фаол аҳолининг 58,3 фоизи ўз-ўзини иш билан таъминловчиларга айланди. Амалга оширилган ислохотлар натижасида мазкур кўрсаткич камайди ва 2009 йилга келиб 53,2 фоизгача тушди. Айтгандек, илгари давлат ишида ишлаган, ҳозир эса, масалан, такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаши натижасида аввалги иш жойидаги маошидан кўп пул топаётган инсонлар ҳам одатда ўзларини “ишсиз” деб ҳисоблайдилар.

10. Кўплаб соҳаларда давлат назорати бекор қилингани учун ҳам аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида.

of Economic Freedom) бўйича, қонун устуворлиги ва бошқарувнинг самарадорлиги (Aggregate Governance Indicators, World Bank) бўйича.

⁸ Ўз-ўзини иш билан таъминлаганлар – даромад олиш ёки оилавий фойда кўриш (пул ёки натурал кўринишда) мақсадида маълум бир фаолият билан банд бўлган шахслар ёки ҳисобот даври давомида қандайдир сабабга кўра расман фаолият кўрсатмаган тадбиркорлар.

⁹ “Службу статистики обвиняют в занижении данных по безработице” // *Business Грузия*. 2010 йил 7 май (bizzone.info/government/2010/1273263568.php).

Ёнғинга қарши инспекция, санитар-эпидемиологик хизмат, транспортларни мажбурий техник кўриқдан ўтказиш, маҳсулотни мажбурий сертификатлаш ва стандартлаштириш каби баъзи соҳаларнинг давлат назорати ростдан ҳам бекор қилинган. Лекин бундан авваллари ҳақиқатдан ҳам назорат амалга оширилармиди? Бюрократик тартиблар бекор қилинганидан истеъмолчилар зарар кўришдими? Расмий назоратнинг бекор қилинишидан фуқаролар соғлиғи ва ҳаётига хавф-хатар ошдими?

Автоинспекция ва мажбурий техник кўриқ тугатилганига қарамай, йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) натижасида ҳалок бўлганларнинг ҳар 1000 та автомашинага тўғри келадиган сони 2003 йилда 1,79 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 1,05 кўрсаткичга камайди.¹⁰

Ёнғинга қарши инспекция тугатилган, аммо 1997–2003 йилларда ёнғин натижасида ҳалок бўлганлар сони 434 нафарни ташкил этган бўлса, 2004–2010 йилларда 371 нафарга камайди. Илгари қудратли коррупция манбаи бўлган ва аслида ишламайдиган назорат механизмларининг бекор қилиниши туфайли мазкур соҳалардаги коррупция ҳам камайиб бормоқда, шу билан биргаликда инсонлар соғлиғи ва ҳаётига қўшимча хавф-хатарлар пайдо бўлгани йўқ.

11. Грузияда маиший коррупция йўқ, лекин элитар коррупция Шеварднадзе давридагига қараганда солиштириб бўлмайдиган даражада кўп.

Энг аввало, маиший коррупция даражаси камайганини ҳатто танқидчилар ҳам тан оладилар. Аслида энг муҳими ҳам шу. Элитар коррупция ҳақида гап кетганда, бунга аниқ мисоллар келтириш керак. Вақти-вақти билан давлатга нисбатан бу каби айбловлар қўйилаётган бир неча йиллар давомида на ¹⁰2010 йилда Грузияда ҳар 1000 нафар аҳолига 147 та автомашина тўғри келган. Россияда ҳудди шу каби моторлаштириш даражасида (1997–1998 йиллар) ҳар 1000 автомашинага тўғри келадиган ҳалок бўлганлар сони 1,29 кўрсаткични ташкил этган эди.

бирор кимса “элитар коррупция” ҳодисасини баҳолаш усулини баён этди, на коррупциянинг мавжудлиги тасдиқланди.

2011 йил февралда парламентда бўлиб ўтган йиллик ҳисобот вақтида депутатлардан бири ҳукуматни элитар коррупцияда айблади. Бунга жавобан Михаил Саакашвили айблов учун аниқ мисол келтиришни ва коррупцияга аралашганларнинг исми-шарифини баён қилишни сўради. Парламент мажлиси пайтида ҳам, ундан кейин ҳам мазкур сўровга жавоб бўлмади.

Глобал коррупция барометри маълумотларига кўра, ҳукуматнинг коррупцияга қарши уринишларини самарали деб ҳисоблайдиган респондентлар (сўровда қатнашганлар) ҳиссаси бўйича Грузия 86 мамлакат орасида иккинчи ўринни эгаллайди (77 фоиз), охириги уч йилда коррупция кўламини камайди, деб ҳисоблайдиган респондентлар ҳиссаси бўйича эса биринчи ўринни (78 фоиз) банд этган.

12. Грузия – полиция давлати. Мамлакатда Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) тотал ҳокимлиги ўрнатилган.

“Полиция давлати” атамаси нимани англатади? Бу фуқаролари полициядан кўрқадиган давлат деганими? Ёки фуқаролари полицияга ишонадиган давлатми? Грузияда полицияга ишониш даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлиб, 70 фоиздан ортади¹¹. 2005–2010 йиллар давомида ўтказилган кўплаб сўровларда полиция фуқароларнинг энг ишонадиган институтлари қаторидан доимий равишда жой олиб келмоқда ва черков ҳамда қуролли кучлардан кейинги ўринни эгаллаган.¹² Кўплаб бошқа мамлакатларнинг, шунингдек, Россиянинг ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бундай эътироф ҳақида фақат орзу қилишлари мумкин, холос.


Энг аввало, шахсий таркибнинг ҳалоллиги ва виждонлилиги, жиноятларни рўйхатга олиш тартибининг

¹¹ IRI, USAID, Baltic Surveys // The Gallup Organization, IPM Georgian National Study, September 27 – October 7, 2010 www.iri.org.

¹² Ibid.

Ўзгаргани (жиноят содир этилганлик факти ҳақидаги ҳар қандай маълумот дастлабки тергов бошлаш учун асос бўлади) ва жиноятчилик даражасининг кескин камайиши каби кўплаб омиллар полицияга бўлган юқори даражадаги ишончнинг асосини ташкил этган. Масалан, шахсга қаратилган оғир жиноятлар (қотиллик, қасддан соғлиққа оғир даражада зиён етказиш, зўрлаш, талон-торож қилиш) сони охириги 5 йил ичида илгари орзу қилинмаган даражада – уч баравар(!) камайди.

Албатта, мазкур баёотда субъектив баҳолаш элементлари мавжуд бўлса-да, шунга қарамай, “грузин полицияси мўъжизаси” муаллифларидан бири саналадиган Ички ишлар вазири Вано Мерабишвилининг ҳис-туйғуларини тушуниш мумкин: “Агарда бу полиция давлати деб аталса, у ҳолда мен Грузиянинг полиция давлати эканлигидан фахрланаман!”¹³



Шахсга қаратилган оғир жиноятлар сони, ҳар 100 минг аҳолига нисбатан. Манба: Грузия статистика хизмати (www.geostat.ge/index.php?action=page&p_id=602&lang=eng) маълумотлари бўйича ҳисобланган.


13. Саакашвилини Грузияда барча ёмон кўради.

Демократик жамиятда фуқароларнинг ҳокимиятга муносабати сайловлар деб аталадиган восита ёрда-

¹³ Виноградов Д. “Грузинский опыт реформы МВД: обыватели довольны, оппозиция – наоборот” // *РИА-Новости*. 2010 йил 22 сентябрь (www.rian.ru/ocherki/20100922/278068474.html).

мида аниқланади.¹⁴

Атиргуллар инқилоби тугаган заҳоти Михаил Саакашвилининг юқори даражада қўллаб-қувватланиши сабабини Шеварднадзе режимининг қулаши оқибатида фуқароларни қамраб олган эйфория ҳолати билан тушунтириш мумкиндир. Лекин тўрт йил давом этган ислохотлардан сўнг 2008 йил январигаги иккинчи президентлик сайловлари вақтида Саакашвилининг қўллаб-қувватланишини у ва жамоаси амалга оширган ўзгаришларнинг сифатига ҳам, услубларига ҳам, натижаларига ҳам берилган баҳо, деб қабул қилиш тўғри бўлади.



Грузиядаги президент ва парламент сайловларида овоз бериш натижалари, 2004–2008 йиллар (фоиз ҳисобида).


Манба: Грузия Марказий сайлов комиссияси.

Бундан ташқари, 2008 йилда ҳукмрон партия Президентдан ҳам кўпроқ овоз олди, бу эса фуқароларнинг алоҳида бир шахсдан кўра мамлакатнинг умумий ривожланиш векторини қўллаб-қувватлаганини кўрсатади. Сайловчилар танлаган йўлларида афсус чекмаганини 2010 йил майда маҳаллий

¹⁴ Айтгандек, сайловлар натижалари жамиятга нафақат натижавий рақамлар кўринишида тақдим этилади, МСК сайтида барча участка сайлов комиссияларининг сканерланган протоколларини кўриш мумкин (Грузия Марказий сайлов комиссияси сайти www.results.cec.gov.ge).

Ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар натижалари исботлади. Мазкур сайловларда 65,8 фоиз овоз олган Саакашвилининг “Умуммиллий ҳаракат” партияси жамият томонидан қўллаб-қувватланиш кўрсаткичини янада ошириб олди.

Халқ томонидан қўллаб-қувватланиш даражасини сайловлар ва референдум натижаларини келтирган ҳолда, 1990-йилларнинг биринчи ярмида Борис Ельцин ва унинг ислоҳот ўтказувчи жамоасининг қулаши билан солиштириш мумкин. 1991 йил июндаги биринчи президентлик сайловида Ельцинга берилган овозлар фоизи мураккаб рақобатли курашда унинг муносиб ғалабасига гувоҳлик беради.



Россияда президентлик ва парламент сайловларида овоз бериш натижалари, 1991–1995 йиллар (фоиз ҳисобида).

Манба: Россия Марказий сайлов комиссияси.

Ислоҳотларнинг оғир натижаларига қарамай, улар бошланганидан 15 ой кейин – 1993 йил апрелда ҳам Президентга ишонч даражаси сақланиб қолди. Асосан давомли оғир иқтисодий инқироз ва парламентнинг тарқатилишидан келиб чиққан руҳий ларза туфайли орадан саккиз ой ўтибоқ – 1993 йил декабрда сайловчиларнинг ислоҳотчиларнинг асосий сиёсий ташкилоти – “Выбор России”га (“Россия танлови”) бўлган ишончи кескин тушиб кетди. Яна икки йилдан

кейин эса рус ислоҳотлари муаллифларини қўллаб-қувватлаш батамом йўқолди.¹⁵

* * *

Юқоридаги барча айтиб ўтилган гаплар Грузияда ҳамма муаммолар ҳал этилган, деган маънони англатадими? Албатта, йўқ. Мамлакатда юқори ишсизлик даражаси сақланиб қолган, инфляция камаётгани йўқ.¹⁶ Давлатнинг иқтисодиётдаги улуши жуда катта. ЯИМга нисбатан харажатлар оптимал даражадан юқори. Бюджет мувозанатланмаган. 2009–2010 йилларда хусусийлаштириш кўлами кескин тушиб кетди. Қишлоқ хўжалигида ўзгаришлар жуда секин рўй берапти, ундаги ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми камайиб борапти. Кўплаб ислоҳотларнинг суръати пасайгани, баъзилари эса ортга қараб кетаётгани ҳушёрликни оширишни талаб қилади.

Мавжуд муаммоларни пайқаш, муҳокама қилиш ва уларни ечиш учун янгича ёндашувларни қўллаш лозим. Лекин ушбу муаммолар шундай қисқа муддатда эришилган ютуқларни босиб юбормаслиги керак.

¹⁵ Ельцинга нисбатан унчалик мурасасиз муҳолифатда бўлмаган барча партиялар инobatга олинса, 1993 йилги Давлат Думасига сайловларда “Выбор России” 51,8 фоиз овозга эришган бўлса, 1995 йилда мазкур кўрсаткич 38,1 фоизни ташкил этди.

¹⁶ Истеъмол нархларининг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 1997–2003 йилларда 7 фоизни, 2003–2010 йилларда эса 7,3 фоизни ташкил этди. 2011 йил февралда инфляциянинг йиллик суръати 13,7 фоизга етди.

• Биринчи боб •

“Ўйин қоидаларини ўзгартиргани келдик”

Сентябрнинг илиқ оқшоми. Тбилисининг қадимий районларидан бири – Авлабарига сайёҳлар кўзи билан қаралса, тор эгри-бугри кўчалари, эскирган уйлари, балконлардан осилиб турган гиламлари, қўшнилари кўчада бемалол суҳбат қуришлари билан у Тбилиси ҳақида суратга олинадиган фильмлар декорациясини эслатиб юборади. Такси шошилмасдан йўлдан тепаликка кўтарилади, бурилади ва шу ерда қадимий Грузия ҳақидаги фильмга нуқта қўйилади. Замонавий ихчам бино – Грузия Президенти Михаил Саакашвилининг иш жойи. Афтидан, маҳаллий аҳоли кечки сериалларни томоша қилишдан кўра президент идораси қаршисидаги ўриндиқларда ўтиришни одат қилган, чунки бу ердан туриб бинога киришчиқиш эшигида нималар рўй бераётганини кузатиш қулай.

Бинонинг ичи ёруғ, батартиб, ҳийла одми кўринишда, фақат расмиятчилик доирасидагина бўлмаган кўплаб фотосуратлар билан безатилган бўлиб, бунинг бари унча катта бўлмаган компаниядаги муҳитни эслатиб юборади. Мазкур суратларни томоша қилиб, ахборот хизмати бошлиғи Натия Бандзеладзе билан суҳбат қурарканман, бир соат тез ўтиб кетади. Учрашувдан эса ҳамон дарак йўқ. “Келинг, ташқарига чиқайлик – сизга шаҳарни кўрсатаман. Акс ҳолда, ҳали яна бироз муддатга кутиб қолишингиздан хижолатдаман”, – ташвишланади Натия. Тез орада Саакашвили қабулхонасидан қўнғироқ бўлди: Президент учрашувнинг кечикишидан афсусда экан-

лиги ва кутиб зерикиб қолмаслик учун Натия билан бирор жойга айланиб келишимни таклиф қилгани айтилди.

Михаил Саакашвили

1967 йил, 21 декабрда Тбилисида туғилган. 1992 йилда Т. Шевченко номли Киев университетининг Халқаро муносабатлар институти, халқаро ҳуқуқ факультетини муваффақиятли тамомлаган. 1994 йилда Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университетида ҳуқуқ магистри даражасига эришган.

Страсбург инсон ҳуқуқлари институтида, шунингдек, Флоренциядаги Европа ҳуқуқи академиясида ва Гаага халқаро ҳуқуқ академиясида таҳсил олган.

1995 йилда Грузияга қайтгач, “Грузия фуқаролари иттифоқи” партиясидан парламент депутатылигига сайланган. 1996 йилда парламентнинг конституцион ва ҳуқуқий масалалар бўйича қўмитаси раиси бўлган. 2000 йил октябрда Адлия вазири лавозимини эгаллаган, лекин 2001 йилдаёқ истеъфо берган ва “Умуммиллий ҳаракат” мухолиф партиясига асос солган. 2002 йилда Тбилиси шаҳар Қонунчилик мажлисининг раиси этиб тайинланган.

2004 йил, 4 январда Грузия Президенти этиб сайланган ва 2008 йил 5 январдаги муддатидан олдинги сайловларда мазкур ҳуқуқий ҳолатини яна бир бор тасдиқлатиб олган.

Инглиз, француз, испан, рус ва украин тилларини билади.

Мен аллақачон Президент билан муомала қилиш тажрибасига эга эдим – тўғри, аввалги суҳбатдошим собиқ Президент бўлган. Эдуард Шеварднадзе ўзи-

нинг Крцанисидаги дала ҳовлисида мени қабул қилишга илтифот билан рози бўлганди. Учрашувга белгиланган вақтдан сал эртaroқ етиб бориб, соқчига паспортимни кўрсатдим. Эшиклар ёпилди. Ноябрьнинг охирлари, ҳаво совуқ эди, лекин мени ташвишлантираётгани бу эмас: ичкаридаги вазиятдан беҳабар ёпиқ эшиклар ортида турарканман, хавфсизлик хизматининг бундай ишлаши учрашувимни кечиктириб юборишидан чўчигандим. Орадан ярим соат ўтса ҳам, паспортим қайтарилмади ва мен Шеварднадзенинг ёрдамчисига кўнғироқ қилишга мажбур бўлдим: “Ҳа, сиз ҳали ҳам кўчадалигингиздан хабарим бор. Жаноб Президент ҳозир телефонда гаплашяпти. Шунинг учун озроқ кутиб туришингизга тўғри келади”. Учрашувни кейинги кунга кўчиришни ўзим хоҳламадим, чунки кейин нима бўлади, билмасдим, кутишдан бошқа илож қолмаганди. Совуқ шамолда кутиб турмасдан бирор жойга кирсам бўладими, деган саволимга соқчилар бош чайқашди, холос.

Шеварднадзенинг дала ҳовлисидаги ёпиқ дарвоза ортида бир ярим соат кутганим билан солиштирсак, амалдаги Президент эътиборлилиги ва куюнчаклиги билан эскисидан кескин ажралиб турарди. Ҳар иккиси билан суҳбатларимиз ҳам бошқача кечди.

Ярим тундан сўнг кабинет эшиклари очилди ва Саакашвили узр сўраган ҳолда суҳбатни бошлашимиз мумкинлигини билдирди. Мен суҳбатни узоқдан бошлашга аҳд қилдим:

– Дунёқарашингиз қандай шакллангани ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Бир вақтлар зиёлилар деб аталган оилада туғилиб ўсганман. Мени катта бобом, катта бувим, бобом, бувим ва онам тарбиялашган. Катта бувам умрининг ўн беш йилини Сибирда ўтказган, катта бувимнинг деярли барча оила аъзоларини отиб

ташлашганди. Шу сабабдан ҳам, уларнинг мавжуд тузумга нисбатан қарашлари аниқ шаклланганди.

Ўқитувчиларим жуда яхши инсонлар эди. Масалан, француз тили ўқитувчим Мари Чавчавадзе император Николай II саройида тарбия олганди. Инқилобдан кейин узоқ йиллар давомида Францияда яшаган. Келиб чиқиши ўрта осиелик олийнасаб оилага бориб тақаларди, грузин генерали Чавчавадзегга турмушга чиққанди. Мари Чавчавадзенинг совет жамоатчилиги давлат тузилмасини кўргани кўзи йўқ эди. У оз фурсатларда менда эрк ҳиссини шакллантира олди. Бу жиҳатдан мен ўз вақтида либерализмнинг ёрқин тарафдори бўлган инглиз тили ўқитувчим Гела Чарквианига ҳам ўхшаб кетаман.

– Шундай қилиб, Шеварднадзе бошчилигидаги ҳукуматга сиз аллақачон ўз қарашларига эга ислохотчи сифатида келдингизми?

– Шеварднадзе, гарчи ислохотчи сифатида ном қозонган бўлса-да, барибир менда унга нисбатан эҳтиёткорона муносабат ҳар доим бўлган. Айтгандек, у билан Зураб Жвания ва Нино Буржанадзе ҳамроҳлигида охирги марта учрашганимизда, “Нино, сен деярли тиззаларимда катта бўлгансан, шунинг учун сендан буни кутмагандим. Зураб, сен учун кўп нарса қилганман, шунинг учун менга нисбатан бунчалик кескин бўлмаслигинг керак. Миша билан эса ҳеч қачон муносабатларимиз яқин бўлмаган”, деганди. Бир сўз билан айтганда, орамизда масофа борлигини ўзи ҳам тан олганди.

Аслини олганда, Шеварднадзе ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун ҳар доим мувозанатни сақлашга мажбур бўлганди, лекин бахтга қарши, бирор муаммони ҳал қилиш учун ҳеч қандай аниқ қарашларга эга эмасди. У ислохотчилар ва ислохотчи бўлмаганлар, коррупционерлар ва коррупционер бўлмаганлар орасида мувозанат сақларди,

холос. Бу эса вақти келиб майнавозчиликка айланиб кетиши турган гап. Шеварднадзе – трагик шахс. У ҳеч қандай сиёсий гуруҳларни ўз ёнида ушлаб қолмади, билишимча, ҳаттоки дўстлари гуруҳини ҳам қолдирмади. Чунки у бир умр шахслар, ғоялар, платформалар ва турли гуруҳлар орасида мувозанат сақлаш билан банд бўлди. Аслида эса ўз ҳокимиятидан бошқа яна қандай ғояни ифода этгани ҳам номаълум.

Шеварднадзе истеъфо берган илк пайтларда менда унга нисбатан илиқ туйғулар бор эди. Чунки ҳокимият алмашиши тинч йўл билан амалга оширилганди ва унинг ўзи ҳам ҳеч қандай қарши ҳаракатларга қўл урмаганди (аслида у ҳеч нарса қила олмасди ҳам). Лекин биринчи ҳафтадаёқ ундан жаҳлим чиқди, чунки барча нарса тўлиғича талон-торож қилинган, ташиб кетилганди, вазият жуда оғир эди.

Бир неча мисоллар келтираман. Ўзимга тегишли бўлиб улгурган кабинетга кирганимда, у ерда сувли челақ турарди. Нега? Чунки сув узатиш кечқурунги соат ўндан кейин тўхтатиларкан. Маълум бўлишича, ҳар доим шундай экан. Мен эса одатда ярим тунгача ишлардим, шунинг учун бу ҳолат ёқмади. Маъмуриятим раҳбаридан дарҳол сув таъминоти бошлиғига телефон қилиб, агарда сув билан таъминланишда узилиш кузатилса, у ўзини қамоқда кўриши мумкинлиги ҳақида дағдаға қилиб қўйишини сўрадим. Ҳа, айнан шу кўринишда айтишини сўрадим. Ўша оқшомдан бошлаб 24 соат давомида сув таъминотида узилиш бўлмади. Айтиб ўтишим керакки, ушбу бошлиқ “қинғир” йўл билан жуда кўп пул ишлаб юрган экан. Шунча пул топаётганидан ва шу билан бир вақтда, президентни ҳам сувдан қисиб қўйганидан хурсанд бўлиб юрган.

Ёки биринчи маошим – 40 доллар пулни кел-

тириб берганларини эслайлик. Мен Шеварднадзе бундай маошга қандай яшагани билан қизиқдим. Айтишларича, шунча вақт давомида мана шу пулга яшаб келган.

Санаб ўтганларимдан барчаси аслида қандай бўлганини тасаввур қилиш мумкин.

Эдуард Шеварднадзе билан суҳбатимизда ҳам шахслар ҳақида гап борганди: “Ўзим тарбиялаган инсонлар – ёшлар бошқарувга келдилар. Улар орасида Жвания ҳам бор. Бу одамдан умидим катта эди. Ақлли, ўқимишли, саводли, дипломатларга хос ақл эгаси, вақти келганда, қатъият кўрсата оладиган, етарли даражада мослашувчан эди. Ишонаманки, агарда уни ўлдирмаганларида, Грузия бошқа йўлдан кетарди ва бу йўл кўпроқ фойда келтирган бўларди”. Эвфемизмлар орқасига беркинмаган, инсонларга, шунингдек, ўтмишдаги ва ҳозирги пайтда бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини яшириб ўтирмаган Саакашвилидан фарқли равишда, Шеварднадзе амалдаги ҳокимият эгаларига баҳо беришни қатъий рад этганди.

– Шеварднадзе ҳукуматида ҳамфикр жамоангиз қандай шаклланди?

– Ўша вақтлар ажойиб дамлар бўлганди. Барча парламент қўмитасига келар, чунки ўша ерда қандайдир қизиқ воқеа рўй бераётганини тушуниб етгандилар. Улар асосан 1990-йиллар ўрталарида ўзлари ташкил этган нодавлат ташкилотларда фаолият юритаётганлар эди. Аксарияти чекка ҳудудлардан келган, оддий оила вакиллари. Аввал Жвания кичик жамоа ташкил этди. Сўнг мени юридик қўмитанинг раиси этиб сайлашгач, мен ҳам ўн-ўн бешта ёш ходимни танлов асосида саралаб олдим.

Улар орасида ҳозирги Конституциявий суд раиси (Георгий Папуашвили), Адлия вазири (Зураб Адеишвили), Олий суд раиси (Константине Куб-

лашвили), Марказий сайлов комиссияси раиси (Зураб Харатишвили) ҳам бор эди. Мисол учун, ҳозирда радикал мухолифлардан ҳисобланадиган Коба Давиташвили ҳам улар қаторида бўлган. Тўғри, у ўша пайтларда ҳам жамоага бутунлай қўшилиб кета олмаганди. Ваню Мерабишвили эса Ер эгалари ассоциациясидан эди. Мазкур ассоциация АҚШнинг кўмак дастури¹ доирасида ташкил этилган, унга яхши жамоа йиға олган жуда ғаройиб ҳурфикрли америкаликлар аъзо бўлганди. Ер ислоҳотлари ҳақида жуда қизиқ лойиҳалар яратилганди. Ассоциациянинг кўплаб аъзолари айни пайтда ҳукуматда иш олиб бормоқдалар.

Аслини олганда, тасодифий инсонларнинг ўзи йўқ эди. Барчамиз қандайдир бир-биримизни топа олгандик. Мансабпарастлар эмас, ҳақиқий жонбозлар жамоаси эдик.

– Лекин бу одамлар ҳақидаги фикрингиз вақт ўтиб ўзгарган бўлса керак?

– Деярли ўзгармади. Адлия вазири бўлган вақтимида ёзган китобимда² ўша пайтдаги қарашларим баён этилган бўлиб, ундаги ҳар бир фикримни ҳозир ҳам тасдиқлай оламан. Кўп инсонлар худди аввалгидек қолганлар. Баъзилар мухолифатга ўтиб кетди, баъзилари таназзулга юз тутганларини очик айтаман. Лекин умуман олганда, жамоа жуда қизиқарли эди. Ўйлашимча, жамоадаги кўплаб инсонлар идеализм ва мақсадга интилувчанликни сақлаб қолганлар. Чунки мақсадга интилиш бўлмаса, идеализм ҳам бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, идеализм бир восита сифатида керак. Мақсад сари

¹ USAID (United States Agency for International Development) – АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги – жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларига ноҳарбий ёрдам (ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инсонпарварлик ёрдами дастурлари) тақдим этувчи мустақил агентлик.

² Саакашвили М. “Грузия учун ҳал қилувчи кўраш”. 2001.

ҳамон интиляпмизми, демак, ҳозир ҳам ғайратимиз сўнмаган. Ўйлашимча, кўпчилигимизнинг сочларимиз тўкилиб улгурган, айримларимизнинг сочларимизга оқ оралаган бўлса ҳам, ёшлик руҳини сақлаб қола олганмиз.

– Наҳотки Нино Буржанадзега нисбатан муносабатингиз ҳам ўзгармаган бўлса?

– Йўқ. Юридик қўмитада ишлаётганимда бу аёлни Жвания олиб келганди, чунки жамоада эски номенклатурадан чиққанлардан ҳам бирор киши бўлиши керак, деб ўйлаганди. Бу иш шундай инсон ҳам радикал ислохотчиларга қўшилиб кетганини Шеварднадзе кўриши учун қилинганди. Атиргуллар инқилобидан кейин ҳам Нино Буржанадзе янги ҳукуматнинг қонунийлигини таъминлаш вазифасини бажарди, шунинг учун у бизга жуда керак эди. Лекин Буржанадзе парламентда муҳим қарорларни деярли қабул қилмади. Ўз қарашларига ҳамоҳанг бўлган бирорта гуруҳ ташкил эта олмади, чунки унда аниқ қарашларнинг ўзи йўқ эди. Ғоя йўқ, сиёсий дастури ҳам мавжуд эмас, лекин атрофига маслакдош кераклиги аниқ бўлгач, у ҳеч кимга таниш бўлмаган қариндошлари ва оиласининг яқин дўстларидан иборат узун рўйхатни тақдим этди. Биз эса бундай бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида айтдик. У хафа бўлиб, эшикни қаттиқ ёпиб кетди. Бор гап шу.

– Яхши, балки Буржанадзе ҳеч қачон жамоангизнинг ҳақиқий аъзоси бўлмагандир, лекин Ираклий Окруашвили жамоангизда эди-ку, шундайми?

– Окруашвили ростдан ҳам биз билан эди. Лекин кейинчалик коррупция белгилари яққол намоён бўла бошлади. Кутилмаганда у барча одамларимиздан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги дўстларимиздан ҳам қўрқа бошлади. Айтиш мумкинки, қўрқув ҳисси ундан шубҳаланишлари-

дан аввал бошланганди: кўринишидан, у ўғирликни бошлаган заҳотиёқ кўрқишни ҳам бошлаганди, шунинг учун ўзини ғалати тутаётганди. Мендан сўрамасдан тергов бошлаганларида ва гумонлар Окруашвилига бориб тақалганида, у мудофаа вазири лавозимидан озод қилишларини сўради. Коррупция ишининг барча тафсилотлари менга маълум эмасди, шунинг учун Окруашвилига иқтисодиёт вазири лавозимини таклиф этдим. Лекин у икки кунда бу жойдан ҳам қочиб кетди. Умуман олганда, нима сабабдан у қамоққа олинди? Биз тузган ҳукумат аъзоларидан бири, алоқа қўмитасининг собиқ раҳбари³ бир неча миллион доллар пулни ўмарганди. Тбилиси–Нью-Йорк самолётида ўтирган пайтимда у хориждаги ҳисоб рақамларига пул ўтказишни бошлаган, бир сўз билан айтганда, тергов маълумотлари унга бориб тақалгани сабабли мамлакатдан қочиб кетаётганди. Прокуратура эса мени хабардор ҳам қилмай, уни қўлга олган. Мазкур раҳбар яқин дўсти ва ҳамкори бўлгани учун Окруашвили энди навбат ўзига ҳам келишини тушуниб етганди. Шу сабабдан ўша заҳотиёқ телевидениега борди – ўша пайтда ОАВда биз ҳақимизда қандай гап-сўзлар юрган бўлса, ўша гап-сўзларни ва ғийбатларни худди ҳақиқатдек, ўз кўзи билан кўргандек сўзлаб берди. Энди бунга нисбатан жавобимиз қандай бўлиши ҳақида қарор қабул қилишимиз керак эди. Агарда у қамоққа олинса, барча “Ҳақиқатгўй қамоққа олинди”, деб ўйлаши мумкин эди. Ёки шунчаки заифлигимизни кўрсатиши ва “Кечирасизлар, хато қилибмиз” дейишимиз керак эди... Албатта, кўчаларда ҳукуматга нисбатан танг муносабат кузатилиши мумкинлигини

³ Дмитрий Китошвили 2007 йилда Саакашвилининг пресс-спикери ва парламент бўйича котиби лавозимларида ишлаган, 2006 йилда эса Коммуникациялар бўйича миллий комиссия раҳбари бўлган.

тушунсак-да, биринчи йўлни танладик. Лекин айнан шу ҳолатда қатъий бўлишимиз талаб қилинарди.

– Зураб Ногаидели-чи? Ахир унинг бошчилигида кўплаб муваффақиятли ислохотлар амалга оширилди-ку. Нега йўлларингиз айро тушди?

– Умуман олганда, инсонларга жуда ишонаман ва бу нарса ҳаётдаги энг яхши тамойилдир. Лекин Ногаидели жуда шубҳали ишларни қилди, айниқса, бу унинг Бош вазирлиги даври охирида яққол кузатилди. Масалан, хусусийлаштириш жараёнида тендер ғолиби деб аташга арзимайдиган кимсаларни қўллаб-қувватлади, яъни кимларнингдир қизиқишларини ҳимоя қилаётгани аниқ бўлиб ўлгурганди. Лекин шунда ҳам бу ҳаракатлар замирида шахсий қизиқиш ёки коррупция мавжудлигидан шубҳаланмадик. Баъзи кимсаларни у фақатгина дўстлик нуқтаи назаридан тавсия этяпти, деб ўйладик. Лекин бу ҳам бизнинг тамойилларимизга мос келмайди. Унинг захираси тугади ёки ўзи чарчади, деб ҳисобладим ва ҳеч қандай ёмон ниятларсиз ишдан бўшатдим. Умуман олганда, унинг Бош вазирлиги келгусида самарасиз бўлган бўларди. Сўнгра тўсатдан унда жуда кўп пул борлиги ойдинлашди. Албатта, бунча миқдордаги пул осмондан шундай тушиб қолмайди. Тўғриси уни айтганда, биз уни кўздан қочирдик.

Қанчалик ғалати туюлмасин, Саакашвилининг сўзлари ҳар доим ҳам Шеварднадзенинг фикри билан қарама-қарши келавермаслигига гувоҳ бўлдим. Ҳайратланарли тарафи, мамлакатга турли даврларда раҳбарлик қилган икки Президент нималарга тўқнаш келганини тавсифлаганида, уларда нафақат ўхшаш кайфият, балки айнан бир хил фикрлар ифодасини кўриш мумкин эди.

Шеварднадзе ўз президентлигининг бошланғич босқичини шундай таърифлаган: “Муаммолар жуда

кўп эди, чунки мен 1992 йилда қайтганимда Грузия деярли вайрон бўлиб улгурганди. Иқтисод ҳам, сиёсий тизим ҳам барбод бўлганди. Барчасини оқ қоғоздан бошлашга тўғри келганди”. Мана бу эса Саакашвилининг сўзлари:

Совет даврига хос барча нарса тез фурсатда барҳам топиши борасида Грузияга омад кулиб боқди, дейиш мумкин. Лекин яхлитлигимиз, электр таъминоти, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизими ҳам тубдан емирилган, янги бошқарув тизими эса ҳали ташкил этилмаганди. Барчаси вайрон бўлгани учун янги тизимни қуриш майдончаси бўм-бўш эди. Ёруғлик йўқ, кўчага чиқиш хатарли, эртанги кунга умид сўнган пайтда шунчаки ислохотлар эмас, балки кескин ўзгаришларга бўлган интилишларни ҳис қилмаслик мумкин эмас. Бу каби ҳолатда ким кескин ижобий ислохотлар режасини таклиф этса, одамлар ўшанинг орқасидан эргашадилар. Биз ана шундай режани таклиф этдик.

Биз фақатгина танқид қилибгина қолмадик, Тбилиси шаҳри учун маҳаллий бошқарув сайловларида иккинчи ўринга кўтарилдик.⁴ Биринчи ўрини эса сўл қарашларга эга популистик партия – лейбористлар эгаллади. Уларга рақиб эканализми, ўринларига жуда яқинлашиб қолганимизни ҳис қилган лейбористлар бизга Тбилиси шаҳар кенгашини бошқариш имконини бериш биздан қутулишнинг энг осон усули бўлиши мумкин, деб ўйладилар. Уларнинг фикрича, шу йўсинда биз ўзимизни ўзимиз синдиришимиз мумкин эди. Бир томондан улар ҳақ эди – маҳаллий кенгашнинг ваколатлари жуда чегараланганди. Яъни кенгаш шаҳарга тегишли шусиз ҳам бечораҳол бюджетнинг 10 фоизинигина назорат қила оладиган пуч идора

⁴ Маҳаллий бошқарув органларига сайловлар 2002 йил, 2 июнда бўлиб ўтган.

ҳисобланарди. Лекин натижа шундай бўлиб чиқдики, бошқарувнинг шу каби кичик дастагига эга бўлган ҳолда ҳам баъзи нарсаларни ҳаракатга келтира олдик. Масалан, Тбилисида асфальтли футбол ва баскетбол майдончалари қурдик. Ҳозирги кунга келиб шу каби минглаб сунъий қопламали майдонлар қурилган. У вақтда эса қирқта асфальтли майдонча қурилганди. 1980-йиллар ўрталаридан бошлаб ҳеч ким ҳеч нарса қурмагани учун қурилишлар инсонларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Сўнгра жиддий кампания ташкил этдик, ҳар бир қишлоққа бордик, кўплаб қўлларни тутдик ва инсонларни эшитдик, улар билан суҳбатлашдик. Шу каби суҳбатлардан бир ҳафта кейин ўз дастуримизни яратдик. Кунига олти-етти учрашув ташкил этардик, ҳар бир учрашув бир-бир ярим соат давом этарди. Жуда тиғиз ушбу дастур уч ой давом этди. Бизгача бу каби ҳаракатни ҳеч ким, ҳеч қачон амалга оширмаганди.

Грузия – кичик мамлакат ва жойларда ҳам қўллаб-қувватловчилари бўлган партиялар орасида биз ягона партия бўлиб чиқдик. Бу жараён худди юмалоқланаётган қор сингари катталашиб борди, шунинг учун ҳам парламент сайловларида ғалаба қозонишимиз ўзимиз учун ҳам кутилмаган ҳол бўлмади.⁵ Албатта, ҳеч ким ғалабани бизга бериб қўйгиси келмади. Шунинг учун бизга аввал иккинчи, сўнгра учинчи ўринни таклиф этдилар. Сўнгра яна иккинчи ўринга ўтишимизни, биринчи ўрин эса аллақачон эгаллаб бўлинганини тан олишимизни сўрадилар. Аслида, агар бизга ўзимиз эгаллаган биринчи ўринни берганларида, ҳокимиятдагиларда

⁵ Грузияда парламент сайловлари 2003 йил 2 ноябрда бўлиб ўтган. Экзит-полларга кўра, Саакашвилининг “Миллий ҳаракат” партияси етакчилик қилган. Марказий сайлов комиссияси (МСК) маълумотларига кўра, ўша пайтда амалдаги Президентнинг “Янги Грузия учун” партияси ғалаба қозонган.

ҳаракатларини давом эттириш учун яна бир ярим йил вақт бўларди. Биз эса парламентда кичик фракцияга эга бўлардик. Лекин Шеварднадзе ўжарлик қилиб туриб олди. У мослаша олмаслик қобилиятини тўлиқ намоён этди. Унинг муносиб тарзда эришган ғалабамизни бермасликдан бошқа бирор прагматик ечим таклиф қила оладиган яқдил жамоаси ҳам йўқ эди. Ушбу ҳолат эса ҳаракатларнинг кескинлашувига ва Шеварднадзенинг истеъфосига олиб келди. Шеварднадзени, ташкилотчиликда нўноқ жамоасини яхши билган ҳолда, сценарий айнан шу тарзда кечишини бошиданоқ билгандим. Лекин, шуни айтиб ўтишим керак, бошқа мухолифатчиларнинг ҳеч бири бунга ишонмаганди. Чунки ҳаммада “Шеварднадзегга бу амал бир умрга берилган, у биз билмаган яна нималарнидир биларди”, деган аҳмоқона фикр бор эди. Менинг эса ишончим комил эди – бу ёғига у ҳеч нарса билмасди.

Грузия олти йил ичида нималарга эришганини ҳар сафар эшитганимда (ёки ўзим санаб ўтганимда), доимо фильм суратга олинишида иштирок этаётгандек ҳиссиётларни бошдан кечираман. Лекин энди “декорация”лар эмас, “сценарий” ривождаги кескин ўзгаришларни кўраман. Грузия собиқ Президенти Шеварднадзенинг фикрига кўра, “...бугунги кундаги раҳбарларнинг обрўи шундаки, улар коррупцияга қарши кенг кўламли курашни авж олдирдилар ва маълум натижаларга ҳам эришдилар. Аниқ қайси соҳаларда экани муҳим эмас – бу умумийлик касб этди. Ҳозир ҳам пора олмоқдалар, лекин жамият орасидаги коррупцияга қарши кураш етарли даражада муваффақиятли кечди”. Сўз билан баён қилинганда муваффақият андазаси анча содда кўринади.

– *Энг аввало, бўшаб қолган ғазнани тўлдириш керак эди. Ва биринчи бўлиб қилган ишимиз – бизга*

зудлик билан бир неча ўнлаб солиқчилар, бир неча ўнлаб ҳалол полициячилар, ҳалол вазирлар керак, деган хулосага келдик. Лекин бунинг учун ҳеч бўлмаганда энг кам миқдордаги маош тўлаш зарур эди. Шунинг учун UNDPга⁶ бордик ва улардан биз таклиф қилмоқчи бўлган лавозимдаги шахсларнинг маошларини шунчаки истисно тариқасида (илгари улар ҳеч қачон бундай қилмагандилар) молиялаштиришларини сўраддик. Улар ўз навбатида хусусий донорларга мурожаат қилдилар, мазкур донорлар орасида Жорж Сорос ҳам бор эди; лекин у мазкур жараёнда жуда арзимаган ўрин тутди ва эҳтимол, унинг фонди томонидан ажратилган пул умумий йиғилган маблағнинг 1 фоизини ташкил этганди, холос. Лекин шу мурожаат тўғрисида Грузия ҳукуматига маош Сорос томонидан тўланади, деган уйдирма келиб чиққан. Ўн беш-йигирматача йирикроқ донорлар ҳам бор эди. Пулнинг маълум бир қисмини улар бердилар, асосий қисми эса UNDP томонидан олти ой давомида тўланди. Агар биринчи йил давомида солиқ тушумларини 40 фоизга кўпайтирар олсак, яхши бўлади, деб ўйлагандик, аслида эса 60 фоизга ошира олдик. Бу эса янги полициячиларни ёллашимизга ҳам, вазирларга маош тўлашимизга ҳам имкон яратди.

– Солиқларни бунчалик тез йиғишга қандай эришилди?

– Коррупцияга берилган амалдорларни қамоққа олдик, натижада қолганлар меъёрида ишлай бошладилар. Кунлик назорат пайдо бўлди. Яъни оддий-

⁶ UNDP (United Nations Development Programme, БМТТД) – БМТ Тараққиёт дастури – БМТ қошидаги ташкилот, табиий ресурсларни қидириш ва тадқиқ қилиш, ўқув муассасаларини ташкил этиш, энергетик ресурсларни ривожлантириш йўналишларида ҳукуматларга ёрдам кўрсатади, консўльтацион ва экспертлик хизматларини тақдим этади, мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашади, қурилмалар келтириб беради ва ҳоказо. БМТТД ёрдами текинدير.

гина қилиб айтганда – тартиб ўрнатилди бошлади. Муаммо нимада? Хуфиёна иқтисодиёт мавжуд эди, барча пул кимнингдир чўнтагига тушарди. Эндликда чўнтакка солиш мумкин бўлмай қолди, улар ғазнага келиб туша бошлади.

Бир томондан олиб қаралганда, агар керакли инсонларни жой-жойига аниқ қўйиш орқали ҳамма ечимга эришилса, мазкур китобни ёзишдан наф ҳам йўқдек эди.

– Керакли пайтда керакли инсонлар пайдо бўлгани тўғрисида Грузияга омад кулиб боқди. Ёки бундай эмасми?

– Албатта, бизда яхши кадрлар бор эди. Лекин уларнинг сони етарли эмасди. Бир неча сиёсий партиялар коалицияси сифатида парламентга киргандик. Ҳар доим одамларни йиғиш билан банд бўлдик. Улар орасида вақтинча келиб-кетадиганлари ҳам учраб турарди. Лекин умуман олганда, ўша жамоа ўзаги сақланиб қолганди.

Мана, масалан, Шеварднадзе атайлаб ҳар хил одамларни йиққанди, чунки инсонларни қандайдир ғоялар эмас, ҳокимиятга интиқлик ва коррупцияда иштирок этиш бириктириши керак, деб ўйларди. Ташқаридан чиройли кўриниши учун ислохотчиларнинг кичик гуруҳи ҳам бор эди. Бизнинг вазиятимизда эса жиддий сиёсий куч саҳнага чиққанди. Аслида ҳатто шу куч ҳам тўлиқ парламентни шакллантириш учун етарли эмас, ҳукуматни шакллантириш ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлаверади.

Мисол учун ташқи ишлар вазирининг лавозимига келиб чиқиши грузин муҳожирлари оиласига бориб тақаладиган Тбилисидаги француз элчиси (Саломе Зурабишвили)ни тайинладик. Ва барчаси ўз-ўзидан изга тушиб кетади, деб ўйлагандик. Аслида эса,

юмшоқ қилиб айтганда, бу аёлнинг қарашлари бизга анча тушунарсиз бўлиб чиқди. Қандайдир вақт давомида балки, у барча нарсани яхши билар, эҳтимол, биз тушунмаётгандирмиз, деган хаёлда бўлдик. Норозилик аста-секинлик билан йиғилиб борди. Шунда парламент биринчи бўлиб ундан истеъфога чиқишини сўради.

– Иқтисодий ривожланиш вазири ҳақида нима дея оласиз?

– Россияда шундай олигарх, либерал – Каха Бендукидзе бор экани ҳақида билардик. Лекин у аслида қандай одам эканлиги жуда оз сонли инсонларгагина маълум эди. У билан гаплашдик. Биздан барча нарсаларни сотиб олгани келган бошқа рус олигархлари сафида у ҳам бор эди. Кейин эса бу сафардан бизга фақат Бендукидзе “мерос бўлиб қолган”и ойдинлашди. У бор-йўғи беш дақиқа сўзлади, лекин менда жуда яхши таассурот қолдирди. Сўнгра мен Зураб Жванияга балки, бу инсонни вазир этиб тайинлармиз, дедим. Уни шу тарзда ишга ёллаган эдик.

– Билишимча, масалан, Эроси Кицмаришвилининг фикрига кўра, иқтисодий сценарийларни танлашда бошқа муқобил йўллар ҳам бўлган...

– Кицмаришвили “Рустави-2”⁷ аввало Жванияга ёрдам берган, кейин охирги босқичда, сайловларда ҳақиқатан ғалаба қилганимиз туфайли, бизга ҳам кўмаклашишга мажбур бўлган экан, демак, ўзининг грузин Березовскийсига айланиши учун айна давр келди, деган фикрда бўлган. Натижада тўлов сифатида унга бутун бизнесни беришимизни талаб қилди ва бунга жавобан кескин рад жавобини олди. Шу тарзда йўлларимиз айро тушди. У бизга ёрдам кўрсатганига миннатдорлик ўрнида грузин

⁷ “Рустави-2” – хусусий телекомпания бўлиб, хусусан, Эроси Кицмаришвили томонидан 1994 йилда ташкил этилган.

иқтисодиёти назоратини қўлга олишни истади. Биз эса ҳеч кимга бу тарзда миннатдорлик билдирмаймиз. Коррупцияга учраган бир гуруҳни худди шундай бошқа бир муқобилига алмаштириш учун майдонга чиқмаганмиз. Биз ўйин қоидаларини ўзгартириш учун келганмиз.

Мана, кутубхонадаги қандайдир китобларнинг йўқолгани туфайли яқиндагина энг яқин дўстларимдан бири қамоққа олинди. Бу ҳолат мени қаттиқ хафа қилди. Уч кун олдин дўстим билан ресторанда тушлик қилгандим, ўшанда у ўзининг улкан режалари ҳақида сўзлаб берган, улар менга жуда ёққанди. Лекин ҳозир у қамоқда, мен эса ҳеч нарса қила олмайман. Айтиб ўтилган инсон дўстим эканини ҳамма билади, лекин бу каби ҳолатларда мендан сўраб ўтирмайдилар. Ҳаётда бундай воқеалар учраб туради. Ҳаттоки президентнинг дўстлари ва қариндошлари билан ҳам юз бериши мумкин. Биз айнан шундай тизимни яратяпмиз.

– Шундай қилиб, муваффақиятнинг асосий омиллари нималардан иборат?

– Ислоҳотларни пайсалга солмаслик керак. Имкониятлар дарчаси жуда тез ёпилиб қолиши мумкин. Мурасага бормаслик керак. Чунки келишувлар охир-оқибат зиён келтириши мумкин. Шунинг учун, маслаҳатим – радикал бўлиш керак, қаерга кетаётганини аниқ англай билиш ва ўша томонга қараб жуда тез ҳаракатланиш зарур. Ҳеч қандай ҳолатда ортга қайтмаслик лозим. Асосийси – аниқ ғоя ва қатъий ҳаракат. Ғоя мавжуд бўлса бас, одамлар ўзлари келадилар.

Ўйлашимча, ислоҳотларни бир киши эмас, бутун бир жамоа амалга оширади. Бендукидзе жуда муҳим двигателлардан бири эди. Эски тизимни қандай қилиб бузиш борасида режа ишлаб чиқиш бўйича у жуда яхши бузувчи, кўп нарсалар эса

вайрон қилиниши керак эди. Янгисини қуриш учун, айниқса, катта жамоа талаб қилинади. Бу жамоадаги кишиларни қандайдир қаҳрамонлар ёки заковатли, қобилиятли инсонлар деб ўйламайман. Уларни шунчаки эзгу мақсадли ва бу мақсадларни ҳаётга татбиқ қилишни хоҳлайдиган, шунингдек, биргаликда ишлаш имкониятига эга ваколатли инсонлар деб биламан.

Умуман олганда, инсонларга ўзларининг муҳим эканликларини тушуниб етиши учун кўмаклашиш – менинг услубим. Биринчидан, агарда жанжалли ҳолатлар келиб чиқмаса, бу ерда ҳеч қандай қарорларни якка ўзимиз қабул қилмаймиз. Иккинчидан, атрофимдаги одамлар менга қарши боришлари, қарши фикрда бўлишлари мумкин. Бунинг учун улар жазоланмайдилар, аксинча, бундай хатти-ҳаракатлар қўллаб-қувватланади. Мен озчилик маъқуллаган томонда бўлишим мумкин, бироқ кўпчилик қабул қилган қарорга бўйсунаман. Учинчидан, бу ерда мақтов умуман рағбатлангилмайди – буни ҳамма аниқ билади, фитналар ҳам ёқланмайди. Жамоанинг ҳеч бир аъзоси олдимга бошқа бировининг устидан шикоят қилиб келмайди. Бунинг иложи йўқ. Инсонларга ўзларининг тенг ҳуқуқли, муҳим бўғин эканликларини ҳис қилиш имконини берадиган маълум ўйин қоидалари мавжуд. Ҳар бир инсон ўз соҳасида керакли. Худди шундай муҳит ташкил этилгач, ишлаш ҳам жуда осон бўлиб қолади. Ўз мансабингдан фойдаланган ҳолда доимо босим ўтказсанг, вақти келиб, ҳар қандай инсон қўзғолон кўтариши тўрған гап. Агар тилёғламалик қилганларга рағбат кўрсатсанг, биринчидан, бундай инсонлар бошқалардан ҳам шуни талаб қиладилар. Иккинчидан, ўзимнинг шахсий тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтишим мумкинки, бундай инсонлар биринчи имконият туғилиши биланоқ ортингдан пичоқни дастасигача чуқур урадилар

– *албатта, сиёсий маънода айтяпман. Шунинг учун атрофингда эркин фикрлайдиган, ўзинг билан тенг бўлган ва ўзини сенга тенг деб ҳисоблайдиган одамлар бўлгани маъқул. Худди шу нарса мустақамликни таъминлайди. Ишончлилик айнан шундан бошланади, сенга бўйсуниб, қаерга борсанг, ортингдан кўр-кўрона эргашадиганлардан эмас.*

– **Баъзи инсонларнинг жамоангиздан кетишларини йўқотиш сифатида қабул қиласизми ёки бунини хавф-хатар сифатида кўрасизми?**

– *Йўқ, йўқ! Ҳамманинг жамоада қолишидан худонинг ўзи асрасин – у ҳолда уруф-аймоқчилик бўлиб кетади. Биз шахсий садоқат тамойилини эмас, ғояга садоқат тамойилини тутганмиз. Аксинча, фикримга кўра, айрим инсонларнинг жамоадан тушиб қолгани, кетгани жуда табиий, соғлом жараёндир. Бу жараёнсиз янги қон қўшилмайди, бу жараёнсиз биз тамойилларга, мамлакатга, мамлакатнинг қонунларига садоқат эмас, балки шахсий садоқат асосида ташкиллаштирилган қандайдир гуруҳга айланиб қолган бўлардик.*

Масалан, мана – Ладос Гургенидзе⁸. Унинг бизнесдан сиёсатга кириб келишини ҳисобга олсак, шу маънода ғаройиб инсон. У билан қарашларимизда умуман (орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, бунини ҳозир ҳам кўриш мумкин), умуман қарама-қаршилик бўлмаган. Сўнгра яна қайтадан яхши бизнесменга айланди. Ўз қизиқишлари ҳамда умумий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат учун хизмат кўрсатишда давом этди. Бундай инсонлар ростдан ҳам ҳақиқий топилма, бундайлар жуда кам учрайди. Айтгандек, унинг Ника Гилаури⁹ ҳақида гапириб, “У энг яхши Бош вазир бўлади” дея

⁸ Ладос Гургенидзе – 2007 йил ноябридан 2008 йил октябригача Грузия бош вазири.

⁹ Ника Гилаури – 2009 йил февралдан Грузия бош вазири.

тавсия қилгани мени ҳайратга солганди. Чунки Гилаури бир пайтлар Гургенидзенинг ҳукуматида фаолият кўрсатган вақтида улар ўртасида кўп-лаб ихтилофлар келиб чиққанидан хабарим бор эди. Айнан сенинг лавозимингни эгаллайдиган инсон сендан ҳам яхши бўлишини айта олишга ҳамма ҳам қодир эмас. Айниқса, бу инсон билан аввалдан чиқишмаган бўлсанг.

Грузин намунасини ўрганишимдан мақсад – қандай нарсаларни ўзимизда қўллаш, қандайларини эса қўллаб бўлмаслигини аниқлаш эди. Лекин эришилган ҳар бир ютуқни грузинча ўзига хосликка йўяр, масалан, Россия ва Грузия орасидаги географик тафовутга кўра қабул қилишни одат қилиб олгандим. Лекин Саакашвилининг сўзларига кўра, мамлакатнинг улкан ўлчамлари ислохотлар учун тўсиқ эмас, аксинча, устуворлик ҳисобланади.

– Мамлакатни мукамалликка яқинлаштира олдингизми?

– Ўйлашимча, менталитетни ўзгартира олдим. Бундан икки йил олдин инглиз тилини билмайдиганларга университет дипломини бермаслик ҳақида гапира олмасдим. Мени тириклайин еб ташлаган бўлардилар. Ҳозир эса бу ҳақда гапириш мумкин. Бунга талаб қилишдан мақсад шахсий фойда кўриш ёки инжиқлик эмаслигини, аслида узоқ келажакни ўйлаётганимизни халқ тушуниб етди. Барчамиз яшаб қола олишимиз учун жамиятга ёрдам бермоқчи эканлигимизни англаб етдилар. Бизга ишондилар. Бу жиҳатдан ҳозир ҳукумат катта кредитга эга.

Грузия носовет жамиятига айланмоқда. Бу ўналишдаги барча қадамлар аллақачон кўзга ташланиб улгурган.

Ислохотлар натижасини мустаҳкамловчи асосий омил менталитетдир. Авваллари чегаралар-

ни очамиз, Ғарбдан ўрганамиз ва қарангки, аҳвол яхшиланади, деб ўйлардик, лекин иш у қадар осон эмас экан. Мен ўз вақтида суд ислоҳотини амалга ошириб, барча судьяларни малака ошириш учун Ғарбга жўнатдим. Кимларнидир бир ҳафтага, кимларнидир ярим йилга. Лекин тизим эскилиги ва коррупциялашгани туфайли улар Ғарбдан қайтиб, яна шу тизимга сингиб кетдилар. Шунчаки энди немис ёки инглиз тилини билардилар, холос. Шундай экан, таълимга йўналтириш ёки бошқа чоралар ўз-ўзидан менталитетни ўзгартириб қўя олмайди. Фақатгина ҳаммаси бир йўналишда ҳаракатлансагина менталитет ўзгаради.

– Яна нималарни амалга ошириш керак?

– Иқтисодий нуқтаи назардан, ҳозир давлат харажатларини максимал равишда камайтириш ва хусусий секторга ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдириш имконини бериш керак, деб ҳисоблайман. Акс ҳолда, йиллик иқтисодий ривожланиш натижаларида икки хонали сон кўрсаткичига эриша олмаймиз. Бу қайғули, чунки агар давлат бирор вазифани амалга оширишга бел боғласа, у бу ишни хусусий секторга қараганда тезроқ ва яхшироқ амалга оширади. Лекин бу аслида меъёрий ҳол эмас, чунки у ташаббусни ўлдиради. Албатта, яқин келажак учун қайғурганда, бу бизга фойдали, шу қаторда ёқимли ҳам, лекин барибир тезликни пасайтиришимиз ва хусусий секторга ташаббус кўрсатишлари учун имкон беришимиз керак.

– Шундай қилиб, сизнинг фикрингизча, Грузия муваффақиятга қандай эришди?

– Биз бунни жуда хоҳлагандик, барчамиз шунинг устида ишлагандик. Шу билан бирга, ҳали ўз мақсадимизга етмадик. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам ҳаракат бошланди. Ҳозир ҳаракат ҳамма соҳада бўляпти. Менталитет ўзгаряпти. Одамлар янги ўйин қоидаларини қабул қиляпти. Одамлар

ишляпти, улар бу жамиятда ўзлари учун ҳам ўрин бор эканига ишонган. Инқилоб дегани байроқни силкитиб кўчага чиқиш эмас, – бу ҳодиса бир неча кунгина давом этиши мумкин. Энг асосий жараёнлар кейин келади. Ҳар кун тер тўкиб ишлаш, шу қаторда, ўз машҳурлигини ислоҳотлар учун сарф этишинг керак. Машҳурликка эришиш шунчаки бир мақсад эмас. Машҳурлик ўткинчидир, айниқса, сен аллақачон амалдаги сиёсатчи бўлмасанг. Шунинг учун машҳурликни ислоҳот учун ишлатиш зарур.

Ҳақиқий ислоҳотлар ички қувватни ташқарига чиқаради. Ички қувват аслида инсонни биров бошқарганида эмас, балки ўз-ўзини бошқарганида юзага чиқади. Бусиз муваффақият бўлмайди.

• Иккинчи боб •

Янги мамлакатнинг пайдо бўлиши

1991 йил, 31 мартда Грузия ССРда бўлиб ўтган референдум иштирокчиларининг 98,9 фоизи давлат мустақиллигини тиклаш учун овоз берди. Орадан тўққиз кун ўтибоқ, Грузия Олий совети тегишли расмий қарор қабул қилди. Шундай қилиб, Грузия давлати Литвадан сўнг иккинчи бўлиб Совет Иттифоқидан чиқди ва ўша йилнинг 11 мартадаёқ мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил, 9 апрелдан – Тбилисидаги қайғули воқеалар¹ – ИИВ ва Мудофаа вазирлиги қўшинлари томонидан ваҳшиёна тарзда тарқатиб юборилган митинг, бунинг оқибатида 19 киши ҳалок бўлгани, юзлаб одамлар жароҳатлангани, минглаб инсонларнинг заҳарловчи воситалар таъсирига дучор бўлгани каби ҳодисалардан роппа-роса икки йил ўтиб, суверен Грузиянинг янги тарихи бошланди.

Пойтахтдаги ўша муҳлатсиз митинг Абхазиянинг Лихни қишлоғида бўлиб ўтган 30 минг кишилик йиғилиш вақтида Абхазиянинг Грузиядан ажралиб чиқиши ҳақида киритилган таклифга жавобан бутун мамлакат бўйлаб бўлиб ўтган оммавий чиқишлардан сўнг ташкил этилган эди. Барчага маълумки, Грузиянинг яхлитлиги муаммоси ўша вақтда ҳам, кейин ҳам ўз ечимини топмади. Лекин нафақат митинг, балки унинг тарқатиб юборилиши ҳам иттифоқ, ҳам

¹ Заключение комиссии Съезда народных депутатов СССР по расследованию событий, имевших место в Тбилиси 9 апреля 1989 года (sobchak.org/rus/docs/zakluchenie.htm). О результатах расследования тбилисских событий 9 апреля 1989 года. Генеральный прокурор СССР Н.С. Трубин (www.warandpeace.ru/ru/analysis/view/16942).

маҳаллий ҳокимиятга бўлган ишончнинг батамом йўқолишига олиб келди.

Грузин миллий ҳаракати йўлбошчиси, таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси, Грузиянинг Хельсинки гуруҳи таъсисчиларидан ва 1989 йилги апрель митинги ташкилотчиларидан бири Звиад Гамсахурдия 1990 йил ноябрда Грузия Олий совети раиси, 1991 йил майда эса 87 Ҷоиз овоз олган ҳолда Грузиянинг биринчи Президенти этиб сайланди. Ўзининг қисқа муддатли президентлиги даврида Гамсахурдия Грузия-Жанубий Осетия зиддиятини янги босқичда янада кучайтириб юборди ва деярли фуқаролик урушининг келиб чиқишига сабаб бўлди. 1991 йил декабрда Грузия қуроли кўшинлари сафига кирувчи Миллий гвардиянинг Тенгиз Китовани қўмондонлигидаги қисмлари ва Жаба Иоселиани бошчилигидаги “Мхедриони” ҳарбий миллатчилик отрядлари томонидан кўтарилган қўзғолон натижа-сида Гамсахурдия бошқарувига барҳам берилди. Артиллерия ва танклар билан амалга оширилган тўқнашувларда икки ҳафта ичида Тбилисининг стратегик объектлари қўлга киритилди, парламент биносига ҳужум уюштирилди, Звиад Гамсахурдия эса мамлакатдан қочиб кетди.

Ҳокимият Ҳарбий кенгаш қўлига ўтди. Тез орада у Грузия Давлат кенгаши сифатида қайта шаклланди, Грузия ССР Компартияси собиқ биринчи секретари Эдуард Шеварднадзе 1992 йил 10 мартда кенгаш раҳбарлигига келди. У 1995 йилгача парламент раиси сифатида, кейин эса 1995 йил 5 ноябрдаги сайловларда 72,9 Ҷоиз овоз олган ҳолда, Президент сифатида мамлакат раҳбарлигида қолди.

Қочқинда ўтказган бир йилдан сўнг мамлакатга қайтган Гамсахурдия қувғиндаги ҳукуматни бошқаришга киришди. Звиадчилар деб номланган унинг тарафдорлари Ҷарбий Грузия ва Абхазия шаҳарларини эгаллаган ҳолда, партизанлик ҳаракатини давом

этирдилар. Лекин 1993 йил ноябрда звиадчилар эгаллаган барча ҳудудларни амалдаги ҳукумат қўшинлари қайта назоратга олди. Звиад Гамсахурдия эса 1993 йил 31 декабрда ўз жонига қасд қилиб, ҳаётига нуқта қўйди (ўз жонига қасд қилиш факти ҳалигача шубҳа остида бўлиб келмоқда).

Тенгиз Китовани 1995 йилда қўлга олинди ва ноқонуний қуролли уюшмалар ташкил этгани учун беш йил қамоқда ўтирди. Қаршилиқнинг асосий ташкилотчиларидан яна бири, ўша вақтга келиб таққиланиб улгурган “Мхедриони” отрядлари бошлиғи – Жаба Иоселиани ватанга хиёнати, президентга суиқасд уюштиргани ва бир қатор қотилликлари учун 1998 йилда 11 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лекин 2001 йилда (вафот этишидан икки йил олдин) Шеварднадзе томонидан афв этилди.

Сиёсий танглиқнинг барҳам топиши Грузияга осойишталик олиб келмади. Сиёсий инқироздан ижтимоий-иқтисодий инқироз келиб чиқди ва Шеварднадзе ўз бошқаруви вақтида инқирозни бартараф эта олмади. Ўзининг президентлигига у қўйдагича баҳо беради: “2003 йилда истеъфога кетганимда, вайрон этилган Тбилиси қайта тикланган, Европа интеграцияси жараёнида аллақачон Грузия иштирок этишга уринаётгани сиёсий факт бўлиб улгурганди. Боку–Тбилиси–Жейхан нефт қувури қурилиши жадаллик билан давом эттирилаётганди. 2003 йилга келиб Грузия мустақил парламентга ва мустақил, ислоҳ қилинган суд тизимига, эркин матбуот ва нодавлат ташкилотларнинг етарлича кенг тармоғига эга эди”².

Менинг фикримча, бу ерда экс-президент берган баъзи баҳоларнинг баҳсли эканлиги эмас, балки бу баҳоларнинг телеграф хабари кўринишида эканлиги

² Шеварднадзе Э. “Когда рухнул железный занавес”. *Встречи и воспоминания*. М.: Европа, 2009.

диққатни ўзига тортади: деярли ўн йилдан ортиқроқ мамлакатни бошқариш жараёни фақатгина учта хатбошидан иборат матнда жо бўлган.

2003 йил, 2 ноябрдаги парламент сайловлари натижаларини қалбакилаштиришга қарши чиққан Саакашвили бошчилигидаги мухолифатчилар қўлла-рида атиргуллар тутган ҳолда парламент биносини эгаллаб олдилар. Бу воқеа мамлакат ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган Атиргуллар инқилобининг бош-ланиши бўлди.

Эътиборга арзигулик ўхшашликни қаранг: Шеварднадзе президентлик лавозимини тарк этган кун грузинлар байрам қиладиган 2003 йил, 23 ноябрга – Грузиянинг ҳимоячиси муқаддас Георгий кунига тўғри келди (бу байрам йилда икки марта – 23 ноябрда ва 6 майда нишонланади).

2004 йил, 4 январда 96 фоиз овоз тўплаган Михаил Саакашвили президентлик сайловининг биринчи босқичидаёқ ғолиб чиқди.³ Аввалига ноаниқ бўлган ҳиссиётлар тез орада ишончга айланди: янги Грузия бунёд бўлди. Аввалги тузум тугаганига шубҳа қолмаслиги учун ҳукумат раҳбарияти давлатнинг барча рамзларини ўзгартирди: 2004 йил январда янги байроқ, майда янги мадҳия, октябрда янги герб тасдиқланди.

Ажабланарлиси, муқаддас Георгий кунининг иккинчи марта байрам қилиниши ҳам тасодифсиз ўтмади. Ажария Автоном Республикасининг якка ҳукмрон раҳбари Аслан Абашидзе 2004 йил 6 майда

³ 2004 йил 4 январдаги Грузия президенти сайловида рўйхатга олинган 1,7 миллион сайловчидан 1,68 миллион киши қатнашди (ўша пайтда Грузия аҳолиси 4 миллиондан сал ортиқроқ эди). Сайловда иштирок этиш 87,97 фоизни ташкил этди. Грузия МСК маълумотларига кўра, сайловчиларнинг 96,27 фоизи “Умуммиллий ҳаракат” йўлбошчиси Михаил Саакашвили учун овоз берди. Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ва Европа кенгаши сайлов жараёнида ҳеч қандай жиддий қонунбузарликларни қайд қилмади.

истеъфо берди ва Грузияни тарк этди⁴. Унинг дахлсизлик кафолати эвазига кетиши натижасида оммавий қуролли зиддиятнинг олди олинди. Қон тўкишларсиз ўтган иккинчи инқилоб марказий ҳокимиятга мухторият устидан назоратни қайтариб берди. Президент Саакашвили сўзлари билан мазкур инқилоб “Аслан Абашидзе қочиб қолди, Ажария озод бўлди!” дея ифодаланган эди⁵.

Абашидзе режимининг қулаши ягона давлат тизимини шакллантиришга, бутун мамлакатни мажбуран модернизация қилишга киришиш имконини берди. Саакашвили қўйидагича эслайди:

Грузияда жиноий гуруҳлар назорат қилинмаган дамлар ҳам бўлган. Бу даврларда қонун чиқарувчи амалдорлар ўғирлик билан шуғулланган бўлсалар, ўғрилар мамлакатда ўз қоидаларини ўрнатган эдилар. Шундай даврлар кечганки, коррупция нафақат ягона ҳамкорлик, балки ягона фикрлаш шакли сифатида намоён бўлган, у вақтларда қонун бузилиши учун белгиланган ҳақ мавжуд бўлгани туфайли ҳам қонун мавжуд эди. Гарчи қонунга ҳеч ким риоя қилмаса-да, шундоқ ҳам қаттиқ бўлган қонунчилик янада қаттиқлаштирилди. Сўнг Атиргуллар инқилоби содир бўлди, бир вақтда иқтисодий-сиёсий инқилоб бошланди... биз тартибга солувчи иқтисодиётдан воз кечиб, либерал иқтисодиёт йўлидан боришимизни эълон қилдик.

“Биз” – Шеварднадзе президентлиги давридаёқ ҳокимият тизимларида шакллана бошлаган ёш ислохотчилар жамоаси.

⁴ 2004 йил 6 майда Батумига келган Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Игорь Иванов Абашидзени Москвага олиб кетди.

⁵ Сепашвили Г. “Абашидзе ‘сбежал’” // *Civil Georgia*. 2004 йил 6 май (www.civil.ge/rus/article.php?id=5184).

2001 йилгача парламентга раислик қилган Зураб Жвания, 2001 йилдан кейин мазкур лавозимни эгаллаган Нино Буржанадзе ва парламентнинг юридик қўмита раиси Михаил Саакашвили (1996 йилдан) биргаликда инқилобий ҳаракатни бошқарган учлик иттифоқини ташкил этдилар. Иқтисодий сиёсат ва ислохотлар бўйича қўмитаси раиси Вано Мерабишвили (2000 йилдан), молия вазири Зураб Ногаидели (2001–2002 йилларда) кейинчалик ислохотларни амалга оширишда асосий шахсларга айландилар.

“Ўзининг советларга хос ўтмиши ва тажрибасига кўра, Шеварднадзе бир нарсани яхши англаб етди: у ўзидан кейин ҳокимиятга мамлакат билан биргаликда баробар ривожланишга тайёр инсонлар келиши учун ҳам кетиши керак. Ва у шундай қила олди”, – дейди қатъият билан 2002–2006 йилларда БМТда Грузия элчиси лавозимида ишлаган Реваз Адамия.

“Биз” – Грузия сиёсий саҳнасидаги бутунлай янги ўйинчилар.

Саакашвили Президент эканлиги ҳақидаги биргина факт билан совет номенклатураси тоифасига тегишли бўлмаган инсонларни ҳокимиятга жалб эта олди. Ғарбда касбий таълим олган бу ёшлар янги турдаги бошқарув элитасининг шаклланишига йўналиш бердилар.

Атиргуллар инқилоби туфайли бутун дунё бўйлаб сочилиб кетган амбицияли грузинлар ўз билимлари ва тажрибаларига мамлакатда талаб борлигига аввал ишондилар, сўнгра эса қаноат ҳосил қилдилар.

Кўплар Грузияга бошқа мамлакатлардан таклиф этилди.

Екатерина Шарашидзе АҚШда ўн беш йил яшаб, Ҳарвард университети ва Массачусетс технологиялар университети бизнес-мактабида таҳсил олганидан сўнг Грузияга қайтганди. Аввалига у Грузия Президентининг иқтисодий ривожланиш ва тўғридан-тўғри хорижий сармоялар бўйича махсус маслаҳат-

чиси, сўнгра – 2006 йил ноябридан 2009 йил декабригача – Президент маъмурияти раҳбари (2008 йил, февраль–декабрь ойларида у иқтисодий ривожланиш вазири бўлиб ҳам фаолият кўрсатган) лавозимларида ишлади.

Давид Чантладзе 1999 йилда яшаш учун Лондонга кўчиб кетгани, у ерда Лондон иқтисодиёт мактаби магистратурасини тамомлаганидан сўнг молия тизимида ишлаган. Инқилобдан кейиноқ Грузияга қайтди: “Дўстларим мендан қайтишимни сўрагандилар, улардан бири адлия вазири эди. Ўша вақтда хориж университетларини тамомлаган, ғайрат-шижоатли ва бутунлай янги мамлакат қуриш истагидаги барчани чорлагандилар”. Аввалига у солиқ кодексини ислоҳ қилиш бўйича комиссия аъзоси, сўнгра давлат амалдори сифатида ўзгаришларда иштирок этди. 2005 йил мартда атроф-муҳит ва табиий ресурсларни ҳимоя қилиш вазирининг биринчи ўринбосари, 2007 йилда эса шу соҳа вазири этиб тайинланди.

Бу каби ватанга қайтганлар кўп бўлди. Натижада янги бошқарув тизимининг аксарияти илгари ҳеч қачон ҳокимиятга интилмаган инсонлардан ташкил топди.

Масалан, давлат хизматида мансаб пиллапояларидан жуда тез кўтарилган Грузия даромадлар хизмати бошлиғи Георгий Цхакая шундай эслайди: “Агар менга Шеварднадзе даврида давлат лавозимларидан бирини эгаллашимни айтсалар, бу гапни айтган кимсага тарсаки туширган бўлардим, чунки у вақтларда бундай хаёлга боришнинг ўзи одобсизлик саналарди!”

Бош вазирнинг айна даврдаги бош маслаҳатчиси Вато Лежава мутахассислиги бўйича архитектор. У ҳам кўнглидан шундай ҳис ўтганини айтади – Атиргуллар инқилобидан кейин “ғалати ва тасодифий равишда”

давлат амалдорига айланган: “Ҳеч қачон давлат ишида ишлаш ҳақида орзу қилмаганман, шундай бўлган тақдирда ҳам, фаолиятим бугунгача – беш йил давом этиши хаёлимга келмаган”.

“Кўплар сиёсатга бизнестдан, шунинг билан бир-галикда, асосан бошқа мамлакатдан кириб келдилар, – изоҳлайди Екатерина Шарашидзе, – шунинг учун биз ислохотларга бюрократия кўзи билан эмас, балки бизнес кўзи билан, ҳаттоки хорижлик кўзи билан қарардик”.

2004 йил 1 июнда муваффақиятли рус бизнесмени Каха Бендукидзеинг иқтисодиёт вазири этиб тайинланиши хусусий соҳадан давлат хизматига ўтишининг энг ёрқин намунаси бўлди, дейиш мумкин.

Каха Бендукидзе

1956 йил, 20 апрелда Тбилисида туғилган.

1977 йилда Тбилиси давлат университетининг биология факультетини, 1980 йилда М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети аспирантурасини тамомлаган. 1985 йилда Москвага кўчиб ўтган ва Биотехнология институти қошидаги лабораторияни бошқарган.

1988 йилда “Биопроцесс” уюшмасини ташкил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. 1996 йилда оғир саноат соҳасига тегишли бўлган “Бирлашган машинасозлик заводлари” (БМЗ) машинасозлик компаниясини ташкил этган, компаниянинг директорлар кенгаши раиси ва бош директорига айланган.

Бир вақтнинг ўзида Россия саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмасига (РСТУ) вице-президентлик қилган ҳолда солиқ ва бюджет сиёсати бўйича қўмитани бошқарган.

2004 йил февралда БМЗ бош директори лавозимидан истеъфо берган. 1 июнда Тбилисига қайтган ва Грузия иқтисодиёт вазирлиги вазифасига тайинланган. 2004 йил август-декабрь ойларида иқтисодий ривожланиш вазирлиги сифатида фаолият юритган, сўнгра Ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазирлиги этиб тайинланган. 2008 йил, 30 январдан 2009 йил, 7 февралгача Грузия ҳукуматининг иш юритиш бўлими бошлиги сифатида ишлаган.

Унинг ўзи бўлиб ўтган воқеаларни қуйидагича хотирлайди:

2004 йил февралда БМЗ бош директорлигидан истеъфого чиқдим. Ҳалиям қандайдир ишлар бор эди, лекин энди ҳар кун қарор қабул қилишдан озод бўлгандим. Олий иқтисодиёт мактабига кўпроқ эътибор беришга киришдим.⁶ Нима билан шуғулланишим мумкинлиги ҳақида ўйлай бошладим. Май-июнь ойларида денгиз соҳилидан уй олиш учун Францияга, Испанияга боришни режалай бошладим, каталоглар қарашга киришдим. Шунда тўсатдан менга Аркадий Вольский⁷ кўненироқ қилиб, бирга Грузияга боришимиз кераклигини айтди. Мен бошқа режаларим борлигини билдирдим. У “Кўйсангчи, бизни тушунишинг керак, сенсиз нима қила оламиз? – дея ўз гапини ўтказди. – Ҳаммамиз борамиз. Саакашвили таклиф қилган, Путин маъқуллади. Барча нарса тайёр, бизга чартер

⁶ Давлат университети саналадиган Олий иқтисодиёт мактабининг профессори сифатида Бендукидзе талабалар учун маҳорат дарслари ўтказар, турли мамлакатларнинг бизнес ва давлат ҳокимияти вакиллари билан учрашувлар ташкил қиларди.

⁷ Вольский 1992 йилдан 2005 йилгача Россия саноат ишлаб-чиқарувчилари ва тадбиркорлари уюшмаси бошлиги вазифасида ишлаган.

буюртма қилинган. Илтимос қиламан, сенсиз жуда ноқулай бўлади”.

Бунгача Грузияга деярли бормагандим. Нега? Чунки мамлакатда электр энергияси йўқ, сув таъминотида доимий узилишлар бўлиб турар, барчаси бетартиб эди... Қариндошларим ва дўстларим менинг уйимга келардилар.

Яхши, бораман, дея ўйладим. Шаҳар чанг, кўчалар аянчли ҳолатда, электр чироқлари ён-маслигига қарамай, нимадир ўзгарганини ҳис қиламан. Симпозиум бўлиб ўтмоқда⁸, қатнашчиларидан бири – ўша пайтлардаги ички ишлар вазири (Георгий Барамидзе) эғлон қиляпти: бўлди, Грузияда уюшган жиноятчиликка чек қўйилади. Юқори амалдаги “суянчиқлар” бўлмайди. Давлатнинг ўзи “суянчиқ”дир. Барака топ, дейман хаёлимда. Қани энди, буни амалга ҳам ошира олса!..

Шунда кутилмаганда Президент маъмурияти бошлигидан қўнгироқ бўлиб қолди: Президент сиз билан учрашишни ва иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида фикрингизни билишни хоҳляпти, деди. Учрашдик. Саакашвили сўради: – Иқтисодий дастуримиз ҳақида қандай фикрдасиз?

Шу ўринда айтиб ўтишим керак – симпозиумда иқтисодиёт вазири ҳам иштирок этганди, лекин унинг дастури худди Леопольд исмли мушукники каби эди: озроқ хусусийлаштирамиз, давлат корхоналари янада яхшиланиши учун уларни ҳам мустаҳкамлаймиз, – бу жойини тўғрилаймиз, у жойини тўғрилаймиз...

– Дастур яхши, – дедим, – лекин Грузия учун эмас, бошқа бир мамлакат учун яхши.

⁸ 2004 йил 27–28 майда Тбилисида биринчи рус-грузин иқтисодий форуми бўлиб ўтган.

– Умуман олганда, иқтисодиёт учун нима керак?
– Яхши суд тизими, барқарор ишлайдиган қонунлар бўлса етарли, шунда ҳаммаси жойида бўлади.

– Лекин суд тизими осон иш эмас, – жавоб беради Саакашвили, – адлия вазири бўлган вақтимда бу билан шугулланганман. Бу узоқ йилларга чўзиладиган иш. Иқтисодий дастурга келсак, менинг фикримча ҳам бундай дастуримиз йўқдек, барчаси жуда секинлик билан амалга оширилаётгандек туюляпти. Ислохотлар амалга оширилмаётганидан ҳам норозиман. Бош вазир билан гаплашиб олишингиз керак.

Бош вазир Зураб Жвания билан учрашдик. Тўрт соатча суҳбатлашдик, Грузиянинг ўзига хослиги нимада эканлигини муҳокама қилдик. Мамлакат қанчалик кичкина бўлса, ташқи дунё учун шунчалик очиқ бўлиши керак, чунки бундай мамлакат ҳақиқатан ҳам савдо марказига айланиши мумкин, уни саноатлаштириш эса қийинроқ кечади, лекин бу жараёнга ҳам тўсқинлик қилмаслик керак, дея тушунтирдим.

– Ўзингиз қандай таклиф бера оласиз? – қизиқди Бош вазир.

– Бошқа мамлакатлардаги бир қанча машҳур ислохотчиларни айтишим мумкин, – дея жавоб бердим, – биз шу инсонлар билан биргаликда вақти-вақти билан йиғилишимиз ва сизларга маслаҳатлар беришимиз мумкин.

– Маслаҳат бериш – яхши, албатта. Лекин ҳар кун бу маслаҳатларни ким амалга татбиқ қилиши керак?

– Биласизми, фикримча, Иқтисодиёт вазирлиги аслида жуда шарт эмас. Асосийси, эркинлик нима эканини тушунадиган инсон бўлса кифоя.

– Шундай инсонлардан бирини биламан, лекин...

Бош вазир ўйланиб қолди ва ўша заҳотиёқ сўради:

– Ўзингиз вазир бўлишни хоҳламайсизми?

– Ўйлаб кўрмаган эканман, – дея жавоб бердим.

– Агар мен таклиф қилсам-чи?

Ўн-ўн беш сония ўйладим:

– Мен ҳам бўлишим мумкин.

– Жуда ажойиб! Президентнинг олдига борамиз.

Кейинги кун учрашдик.

Суҳбат давомида таъкидладим:

– Умуман олганда, ишларимни тамомлашим учун менга вақт керак. Бир ярим-икки ой бера оласизларми?

– Қанақа бир ярим-икки ой?! – ҳайрон бўлди Президент. – Бир ярим-икки кун десангиз, тушунишим мумкин!..

– Ие, бу қанақаси бўлди? – дедим.

– Энди кеч, – жавоб берди Президент, – ишлаш керак!

Бугун маълумки, 2003 йил ноябрдаги Атиргуллар инқилоби фақатгина муқаддима экан. Янги мамлакатни қуриш йўллари ва услубларини танлаш ҳақиқий инқилоб бўлди. Чунки бошқа вариантлар ҳам йўқ эмасди.

Грузиянинг Россиядаги собиқ элчиси, Шеварднадзе вақтида муҳолиф “Рустави-2” телеканали асосчиси бўлган, инқилобдан сўнг бир йил Грузия Савдо-санотат палатасига президентлик қилган ва кейинчалик жорий грузин ҳукуматига нисбатан муҳолифат йўлини танлаган Э. Кицмаришвили мамлакатни ривожлантириш бўйича хоҳишларини шундай тавсифлайди:

(Инқилоб) йўлбошчиларидан бири эдим, лекин сояда қолиб кетдим, чунки амал, мансабга даввогарлик қилмагандим. Мен вазиятни ҳоқимиятга эришган инсонларга нисбатан бошқача кўрардим.

...Лекин аввалбошида грузин-рус муносабатларининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий таркибий қисмлари билан боғлиқ қарашлар жуда ижобий эди. Февраль ойида (2004 йил) Россияга биринчи марта сафар қилган Саакашвили билан учрашиш учун барча рус олигархларининг 60 фоизи келганди: (Анатолий) Чубайс, (Владимир) Потанин, (Олег) Дерипаска, (Владимир) Евтушенков ва кўплаб бошқалар шу ерда эдилар. Яъни катта пуллар тикилганди.

Қарашларим тадрижий эди. Бизнес одамиман, иқтисодиёт муаммоларини амалий жиҳатдан биламан. Назариячи бўлмаганим туфайли бу каби ишлар билан шуғулланадиган, тизим ярата оладиган йирик назариячи олимларни таклиф этишимизга умид қилгандим.

Бу концепция беш йиллик режалар, иқтисодиётнинг ҳаракатга келиши учун рельс ва тўсин вазифасини ўтаб берувчи инқироз кабинетини яратишни кўзда тутарди. Сўнгра бу инсонлар ўз келажакларини бемалол таъминлаган ҳолда сиёсатдан бутунлай кетишлари керак эди. Мана бу ҳақиқий тизимли ёндашув бўларди ва кўплаб донорлар мазкур ёндашувни қўллаб-қувватлашга тайёр эдилар. Айтгандек; бу борада ҳатто Егорь Гайдар билан музокараларга киришгандим.

Натижада, Кицмаришвилининг сўзларига кўра, сиёсий ҳамкорлари уни ўзлари учун қандайдир маънода хатарли деб ҳисобладилар, бунда айнан Бендукидзеининг келиши ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Афтидан, Бендукидзе ҳам ўша томондан – “рус олигархлари” муҳитидан келгандек туюлади, лекин унинг мафкураси жуда либерал кўринишда эди: унинг фикрича, давлат ўзига қатъий тегишли бўлмаган ва

яхши ўддалай олмаётган вазифалардан воз кечиши лозим. Лежаванинг таъкидлашича, бу каби мафкура “ҳокимиятнинг микроконъюнктураси”га айланган ҳолда “урфга айланиб” ҳам улгурган эди: жамиятнинг шу каби инсонлари хатти-ҳаракатлари туфайли парадигма ўзгара бошлаганди”.

“Инсон барча нарсалар учун меъёрдир. Шу сабабдан ислоҳотларга нисбатан бизнинг асосий ёндашувимиз – ўзгараётган дунё марказига инсонни жойлаштириш, унинг мазкур дунёни ўзгартиришига ва мустақил қарор қабул қилишига халақит бермасликдир”⁹, дея ишонади Бендукидзе.

Бутун Грузиянинг бюджети Бендукидзенинг компанияси бюджетидан камроқ эди¹⁰, бу эса давлатнинг самарасизлигини кўрсатувчи сабаблардан фақат биттаси эди. Янги иқтисодиёт вазири энг радикал воситалардан фойдаланган ҳолда давлатнинг самарасизлигига қарши курашга киришди, натижада ҳеч қанча ўтмай, “Бульдозер” лақаби билан атала бошлади.

2004–2008 йилларда Бендукидзе аппарати учун кадрлар танлаш билан шуғулланган Михаил Иашвили шундай эслайди:

Каха – ҳар қандай давлат деворларини ёриб ўта оладиган инсон. Яна у ақлини ишлата олиш, ишлатганда ҳам жуда яхши ишлатишга одатланган кучли феъл-атвор соҳиби. Ай-

⁹ 2004 йил, 10 декабрда Стратегик ишланмалар марказида бўлиб ўтган, Стратегик тадқиқотлар марказининг беш йиллигига бағишланган “Иқтисодий ислоҳотлар: русча кун тартиби ва жаҳон тажрибаси” конференциясида Бендукидзенинг нутқидан стенограмма (www.old.csr.ru/_upload/editor_files/file0056.doc).

¹⁰ 2003 йилги Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига (МҲХС) кўра БМЗнинг фойдаси 546,2 миллион долларни (www.omz.ru/media/about-company/corporate/statements/OMZ_2003_FS_Eng.pdf), Грузия марказий бюджетининг ўша йилги даромади 434,9 миллион долларни ташкил этган (Грузия Молия вазирлиги маълумотларига кўра: www.mof.ge/en/3992 га қаранг).

тиш мумкинки, ҳукм ўтказадиган, қаттиққўллик хусусиятлари бор. Ислоҳотларни амалга ошира оладиган қобилиятли кишилар ҳар доим кераклигини яхши тушунасиш. Лекин шундай шахс ҳам мавжуд бўлиши керакки, у юқорида айтилган қобилиятли инсонларни энг асосий жойларга тайинлаш ва зиён етказилишидан сақлаб қолиши керак – чунки улар маълум бир тоифали ҳамда жуда кучли кишиларга халақит беришлари турган гап.

Кўпинча Бендукидзени ОАВ “кулранг кардинал” деб таърифлайди. Аввалига иқтисодиёт вазири, сўнгра ислоҳотлар бўйича давлат вазири, ундан кейин – Давлат иш юритиш бўлими бошлиғи, қандай вазифада бўлмасин, ҳаттоки давлат хизматидан истеъфода чиққанидан сўнг ҳам, унга давлат сиёсатига таъсир ўтказа оладиган инсон ўрнида қаралади.

Жорий ҳокимиятнинг доимий танқидчиси, 1994–2000 йиллардаги иқтисодиёт вазири Владимир Папава ҳаттоки “бендуклар” деган махсус атама ўйлаб топди ва шу орқали Бендукидзе жамоасини “рангсиз” ва “ўз хусусиятига эга бўлмаган” дея ҳақоратомуз тавсифлади: “Бу инсонлар Бендукидзенинг фикрларини намуна қилиб олганлар. Улар ўз шахсий тамойилларига эга эмаслар”¹¹.

Мен ўзларини жон деб “бендуклар” деб атайдиган ва ҳаттоки “Facebook” ижтимоий тармоғида махсус гуруҳ ташкил қилган¹² инсонлар билан танишман¹³. Мазкур гуруҳга Бендукидзе билан ҳеч қачон бирга ишламаган, лекин унинг мафкураси, шу каби ҳаёт тарзи тарафдори бўлганлар ҳам қўшилган.

¹¹ www.papava.info/publications/vin_arian_patara_bendukebi.pdf (грузин тилида).

¹² www.facebook.com/group.php?gid=122223599350 (грузин тилида).

¹³ “Бендуклар” гуруҳидагилар тавсифларига www.larisaburakova.com сайтида кўз югуртириш мумкин.

Бендукидзе жамоасидаги ғайрат-шижоатли, меҳнатсевар ёшлар ўзларининг қатъиятлари, ҳаётни яхшилашга бўлган хоҳишлари ва интилишлари, катта натижаларга эришилган бўлса-да, шу билан тўхтаб қолмасликлари туфайли ҳурматга лойиқлар.

Давлат ҳаёт сифатини яхшилашни кўзлаган – Грузияни 2003 йилгача кўрган ихтиёрий одамга бу ўзгаришлар яққол кўринади. Уйларда электр чироқлари ёняпти, бутун мамлакат бўйлаб замонавий йўллар қуриляпти, бутун-бутун шаҳарлар янгиляпти. Давлат ўз олдида аҳолининг амалдорлар билан ҳар қандай муносабатларини осонлаштиришни мақсад қилиб қўйган – давлат органлари билан бундай осон мулоқотга эришилгани ҳайратга солади, айниқса, собиқ Совет Иттифоқидан ажралиб чиққан қўшнилар учун бу ҳақиқатан ҳайратланарли эди.

Бугун саноқли сониялар ичида мамлакатга кириш визасини олиш (олтмишдан ортиқ давлатлар учун эса виза умуман талаб қилинмайди), хорижга сафар учун паспорт олиш ёки мамлакат ичкарасида шахсни тасдиқловчи гувоҳномага эга бўлиш, машина савдосотиғи тўғрисида келишувни расмийлаштириш, хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, мулкка эгалик ҳақида маълумотномага эга бўлиш (тўғри маънода!) мумкин.

Беш йил ичида етмишдан ортиқ ислохотларга қўл урилди. Болгариянинг амалдаги молия вазири – “Doing Business” Жаҳон банки рейтинги асосчиси Симеон Дьянковнинг сўзларига кўра, охириги элик йил ичида Грузиядан ташқари ҳеч қандай мамлакатга турли соҳаларда бу каби чуқур ва тезкор ислохотларни амалга ошириш насиб этмаган.¹⁴ USAID ташкилотининг баҳолашича, худди шунга ўхшаш ҳодисалар 1960-йилларда Сингапурда, 1970-йилларда Жанубий

¹⁴ USAID. Key Results Achieved by the USAID-Government of Georgia Business Climate Reform Partnership. Tbilisi, 2009. P. 4.

Кореяда, 1980-йилларда Ирландияда, 1990-йилларда Эстонияда ва 1998–2002 йилларда Словакияда юз берган.

Грузиядаги ислохотларга турлича қараш мумкин. Улардан ўзим учун “бендуномика”нинг уч дарсини ўзлаштирдим. Шубҳасиз, мазкур дарслар янги грузин ҳукумати қўллаган усуллар рўйхатининг ҳаммаси эмас, лекин бу дарслар Грузиядаги барча кейинги ўзгаришларнинг асосини ташкил этади.

• Учинчи боб •

Биринчи сабоқ: бюрократиядан халос бўлиш

Давлат аппаратини қисқартириш

2004 йил, 11 февралда Грузия парламенти мамлакатнинг ижро этувчи ҳокимиятини ислоҳ қилиш лойиҳасини тасдиқлади. Давлат бошқарувини максимал даражада камайтириш ёки “энг кам аралашадиган давлат” тамойили устувор йўналиш дея эълон қилинди.

Бош вазирнинг амалдаги бош маслаҳатчиси Вато Лежава институционал янгиланишларнинг бевосита иштирокчиси бўлган. У давлат хизматига 2004 йил мартда Инфратузилмалар ва ривожланиш вазирлиги орқали кириб келди. Ташкилот Шаҳарсозлик вазирлиги ва Транспорт ҳамда коммуникациялар вазирлигининг бирлашиши натижасида ташкил этилган эди. Кейинчалик Инфраструктуралар ва ривожланиш вазирлигининг Иқтисодиёт вазирлиги билан бирикиши натижасида Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ташкил этилди ва “мерос бўйича” вазир ўринбосари сифатида Лежава янги вазирликка ўтди:

Инқилобдан кейиноқ барчамиз нимадир янгиллик яратиш кераклигини, эскилари энди ҳеч нарсага ярамаслигини тушуниб етгандик. Коррупцияга қарши курашишимиз кераклигини ҳам аниқ билгандик. Лекин ислоҳотларни қай тарзда ва қандай мақсадда амалга ошириш зарур – бу аниқ эмасди. Янгича давлат тузилмаси ташкил этишимиз лозим, дея ўйлардик, лекин қандай тузилма тузиш кераклигини унча тушунмасдик. Нимадир қилишни бошладик ва етакловчи, ус-

тувор мафкура бўлмаса, ислоҳотларни ҳам амалга ошириш мумкин эмаслигини тўсатдан англаб етдик: масалан, вазирларнинг хатти-ҳаракатлари бир-бирига зид бўлиши мумкин эди. Яъни иккита вазирнинг ҳар бири яхши, янги ва коррупциясиз нимадир қилишни хоҳлаши мумкин, лекин бу ҳаракатлар мафкуравий жиҳатдан турлича бўлиши эҳтимоли бор эди. Фақатгина 2004 йилнинг иккинчи ярмига келиб, ўз мафкурамизни аниқлаштириб мустаҳкамлай олдик. Каха Бендукидзе ўзининг “Виждондан бошқа ҳамма нарсани сотиш мумкин” деган можароли иқтибоси билан бу жараёнда муҳим ўрин тутди. Яъни ички ҳиссиётга асосланган ҳолда эркин иқтисодиёт томонга ташланган қадамларимиз ҳали аниқ кўриниш касб этмаган бир вақтда, айнан шу сўзлар биз учун келажакда мафкуравий платформа вазифасини бажариб берди.

Давлат аппаратини кескин қисқартириш ислоҳотнинг асосий қисми бўлди.

Янги ҳукумат ҳокимиятга келиши туфайли аста-секин амалга ошириладиган ўзгаришлар билан максимал натижаларга эришиб бўлмаслиги, нафақат янги нафас олиб кириш, балки нафасни бутунлай ўзгартириш кераклиги ойдинлашди.

Афтидан, собиқ Президент Эдуард Шеварднадзенинг “Ўз истеъфом ҳақида эълон қилган ўша суҳбат чоғида Саакашвилига ҳам, давлат вазири Зураб Жванияга ҳам бир хил маслаҳат бердим. Кадрлар аро тозаловга ўша заҳотиёқ киришмасликлари керак – бу хато бўлиб чиқиши мумкин. Чунки аксарият лавозимларда ўз ишининг тажрибали усталари ишлардилар”, деган маслаҳатлари эътиборсиз қолиб кетди.¹

¹ Шеварднадзе заявил: “Я никогда не прощу русских” // Newsru.com.

Давлатнинг барча тузилмалари, барча лавозимлари, барча функциялари қайта кўриб чиқилди. Бу борада Вато Лежаванинг фикри қуйидагича:

Бюрократия ҳар доим ўзи учун юмуш топа олади, деган аксиома мавжуд. Стол қўйиб, амалдорни ўтқизиб қўй ва унга ҳеч нарса берма – у барибир ўзи учун нимадир ўйлаб топади. Уч йилдан сўнг эса мен бўлмасам, ҳаммаси таназзулга учрайди ва фожиа рўй беради, деб айта бошлайди.

Муаммо фақатгина кўп сонли давлат аппаратида ҳам эмасди: ноаниқ ташкил этилган тузилма ҳам самарадорликни пасайтирарди. Давлатда назорат органлари ва инспекциялар шунчалик кўп тўпланиб қолган эдики, назорат қилувчиларнинг ўзлари ҳам ваколатлари чегарасини билмай қолар ва жавобгарликни бир-бирларининг зиммаларига юклардилар. Кўпинча ишдаги вазифалар такрорланарди, аксарият ҳолларда бу бирор назорат йўқлигидан рўй берарди.

Фақат катта тозалашлар орқали буюк ишларга қўл уриш мумкин эди. Ҳамма ерда аттестациялар, танловлар, суҳбатлар, ишдан бўшатишлар, ишга янги одамларни ёллаш жараёнлари кетаётганди. Мамлакатнинг ўрта муддатли ривожланишини ўзида акс эттирган умумдавлат сиёсати ҳар бир вазирлик, ҳар бир ташкилот томонидан тарғиб қилина бошлади. Лекин ўзгаришларга ҳақиқий рангни Иқтисодий ривожланиш вазирлиги берарди.

Бендукидзе аппаратини ташкил этиш билан шуғулланган Михаил Иашвилининг эслашича, унга жуда оддий вазифа юклатилган – “Ақлли одамларни танлаш керак” эди. Натижада вазирликда илгари ишлаган мингга яқин ходимдан юз эллиқдан ортиқ бўлмаган киши қолди, холос. Сўнг жиддий танлов натижасига кўра улар сафига бутунлай янги одамлар

келиб қўшилди. Улар орасида талабалиқдан тўғридан-тўғри вазирликка келганлар ҳам бор эди. Аввал Бендукидзеинг қўл остида ишлаган, сўнг мансаб пиллапояларидан шиддат билан юқорига кўтарилган кўплаб ходимларнинг айтишларига кўра, “кўчадан” тўғри келиб, ҳеч бир кимсанинг қўллаб-қувватлашисиз, фақат ўз қобилиятига кўра давлат ишига кириш ва мансаб пиллапояларидан кўтарилиш мумкинлигига бошида улар ишонмагандилар.

Масалан, инқилобгача беш йил Иқтисодиёт вазирлигида ишлаган Звиад Чешвили қуйидагича эслайди:

Кунларнинг бирида лавозимимни кўтариш бўйича комиссияга чақиришди. У ерда вазир, вазир ўринбосарини ҳам қўшиб ҳисоблаганда йигирматача одам бор эди; бир соатга яқин мен билан гаплашишди ва бир поғона юқорига кўтарилишим кераклиги ҳақидаги тўхтамга келишди. Вақт ўтиб борса ҳам, мансабим оширилмаётганди, аксинча, кимларнингдир дўстлари, қариндошлари кўтарилаётганди. Шу тарзда ўттиз доллар атрофида маош берилувчи ўша лавозимда беш йил қолиб кетдим. Қаха иқтисодиёт вазири бўлган вақтида, мен вазирликни алақачон тарк этгандим, лекин қайтиш хоҳишим ҳам йўқ эмасди. Ариза топширдим, тестдан ва шахсан вазир билан суҳбатдан ўтдим, сўнгра ўша заҳоти ишни бошладим. Икки ҳафтача оддий маслаҳатчи бўлиб ишладим, кейин эса департамент бошлиги лавозимига ўтказилдим – унча катта бўлмаган гуруҳга раҳбарлик қила бошладим. Вазирликнинг аввалги таркибидан қолган ходимлар бунга ақлларига ҳам сиздира олмасдилар: улар мени беш йилдан бери билардилар, бу йиллар давомида ҳеч ким мансабимни оширмаганди.

Энди эса келдим-у, департамент бошлигига айлангандим. Албатта, ҳамманинг ўйлашича, гўё Каха қариндошим эди, уларни фикрларидан қайтаришнинг сира иложи бўлмади.

Бу тарзда шиддат билан кўтарилиш қай даражада адолатли бўлганди? Бу саволга жавоб бериш учун Чеишвили фаолиятидаги кейинги ўсиш суръатига назар солиш мақбул бўларди. Бир қанча вақтдан сўнг Ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича вазир маслаҳатчиси лавозимига тайинланганидан сўнг у Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг Лицензиялаш ва рухсатномалар бериш департаменти бошлиғи бўлиб ишлади. Сўнг Ривожланиш департаменти, Ўрмон департаменти бошлиғи, охиrhoқибат эса вазир ўринбосари лавозимларини эгаллади. Фурсат келиб, Иқтисодиёт вазири ўринбосари вазифасида ишлади, шундан кейингина хусусий бизнес билан шуғуллана бошлади.

Иқтисодий ривожланиш вазирлигига Бендукидзе келганидан сўнг ходимлар сони уч бараварга, вазирлик бошқармалари сони икки ярим бараварга қисқарди.

Лили Бегиашвили

1971 йил, 18 июнда тугилган.

1994 йилда Иван Жавахишвили номидаги Тбилиси давлат университетини халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар йўналиши бўйича тамомлаган. 2001 йилда Грузин-Америка университетида оммавий сиёсат бўйича магистр, 2003 йилда эса Иллинойс штати университети юридик коллежида ҳуқуқ магистри даражасини олган.

Инқилобгача бўлган Грузияда Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси, Грузия Парламенти қошидаги юридик департаментнинг юридик экспертиза

офиси бошлиги лавозимларида ишлаган. 2004 йилда Инфратузилма ва ривожланиш вазири ўринбосари, вазирликлар бирлашганидан сўнг эса – иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2005 йил январидан августигача ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири ўринбосари, 2005 йил сентябридан 2008 йил апрель ойигача эса қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари бўлиб ишлаган.

2009 йил сентябргача юридик масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида Жаҳон банкининг Халқаро молиявий корпорацияси (IFC) билан ҳамкорлик қилган, сўнгра Молия вазирлиги қошидаги Даромадлар хизмати бошлигининг ёрдамчиси бўлиб давлат ишига қайтган.

2005 йилда Ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича вазир ўринбосари лавозимида ишлаган Лили Бегиашвили шундай тан олади:

Вазирлигимиз таркибидаги Саноат департаменти фаолиятига нуқта қўйганимизни эслаш мен учун ҳозиргача жуда оғир. Бу департаментда ёши улуг инсонлар, академиклар ишларди. Уларни ишдан бўшатиш бироз ноқулай эди. Лекин асл бозор иқтисодиёти шароитида мазкур департаментнинг нима билан шуғулланиши жуда тушунарсиз эди.

Бегиашвили қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари этиб тайинланганидан сўнг бу ташкилот ҳам сезиларли ўзгаришларга учради. Охир-оқибат, бир неча босқичда давом этган қисқартиришлардан сўнг вазирлик ходимлари сони етти бараварга қисқарди. Бегиашвили шундай эслайди:

Вазирликдаги 4374 та ходим ўрнига 600 та-

сини қолдирганимиз учун мамлакатдаги ярим аҳолининг мени кўргани кўзи йўқ эди. Ҳаттоки ақл бовар қилмас воқеалар ҳам учраб турарди: масалан, вазирлик ҳисобида қўйлар ҳам рўйхатда турарди. Шу билан биргаликда, рақамларга қаралса, уларнинг сони йилдан-йилга камайиб борганини кўриш мумкин. Майли, ҳамма нарса бўлиши мумкин-ку, деб ўйладим. Сўнгра қўйларга жавобгар бўлган кишилардан “Уларнинг жунини нима қиласизлар?” дея сўрадим. Улар ҳеч нарса дея олмадилар, менга ола-кула бўлиб кетган нигоҳларини тикдилар, холос. Бу қўйлар қўпаймагани, аксинча, ўлиб кетаётгани у ёқда турсин, улар ҳатто юнгсиз эдилар!

Ҳозирги пайтда Тбилиси мэрияси ходимлари сони ислоҳотдан олдинги вақтдагидек 2 500 эмас, балки 800 нафарни ташкил этади. 2004–2005 йиллар давомида Молия вазирлиги ходимлари сонини 5 342 тадан 3 673 нафаргача қисқартирди. Атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазирлигида ходимлар сони 5 000 кишидан 1 700 тагача, Ўрмон департаментининг ўзидаёқ 1694 тадан 673 нафаргача қисқарди.

Академик стипендия

Моҳиятан олганда, кадрларни тозалаш анча ҳолис ҳодиса ҳисобланади, асосийси, бу тозаловни амалга ошириш мезонини тўғри танлашдир. Масалан, кекса профессорларга академик стипендиялар тариқасида тўланадиган қўшимча тўловлар билан бўлган вазиятни олиб қараса, бу орқали ислоҳотчилар таркибни янгилаш сиёсатини муваффақиятли давом эттиришни хоҳлагандилар. Лекин кейинчалик маълум бўлишича, масалани бу тарзда қўйишларининг ўзи хато бўлган. Натижада исталган мақсадга тўлиқ эри-

шишнинг иложи бўлмади. Вато Лежава қуйидагича эслайди:

Кекса профессорларни нафақага чиқаришни хоҳлагандик. Каха Бендукидзе, таълим вазири (Александр (Каха) Ломая) ва мен биргаликда бунни қандай қилиб жамиятга мақбул тарзда амалга ошириш ҳақида ўйлардик. Товон пули тариқасида профессорларнинг пенсияларини кўтармоқчи ҳам бўлдик. Лекин бу таклиф менга маъқул келмади, чунки у давлат пенсия пулларининг емирилишига олиб келарди. Натижада кимлардир учун ўзимиз ўз қўлимиз билан имтиёз ташкил этган бўлиб чиқардик – бу имтиёзлар аввал академикларга, сўнгра прокурорларга, кейин эса ҳарбийларга қўлланилгач, охир-оқибат яна ҳозир қабул қилган қароримизга қайтган бўлардик. Шунда бунни “академик стипендия” деб аташни таклиф қилдим. Агарда профессорлар иш ўринларидан воз кечсалар, келгуси уч йил давомида бу стипендияни олишлари мумкин эди.

Отам ҳам худди шу тарзда ишдан кетди ва академик стипендия фақатгина оддий бир ҳийла бўлганини у фақат яқиндагина (2009 йил баҳорда) тушуниб етди. “Бунни ўйлаб чиқарган аблаҳни бир кўрсам эди!” деди у вазаби қайнаган ҳолда. Ўша аблаҳ ўзим эканлигимни ошкор қилмадим.

Айни дамда буларнинг ҳаммасини ортга ўзгартиряпмиз. Биринчи уч йиллик муддат ўтгандан кейинги ёш чегарасини олиб ташладик. Ўйлашимча, бу ислоҳот муваффақиятсизликка учради. Аслида ёшни чегаралаш эмас, шунчаки совет даврида қўлга киритилган профессорликни тан олмасликнинг ўзи тўери бўларди. Илгари ҳамма нарса – илмий даража ҳам, диссертация

ҳам сотиб олинганини ҳаммамиз билсак-да (шу сабабли ҳам на Бендукидзе, на Ломая, на менда номзодлик даражаси бор), фан номзоди даражасини докторлик даражасига тенг бўлади, деб эълон қилиб юбордик. Шунга қарамай, "Олий таълим ҳақида"ги қонунда докторлик даражасига эга бўлмаган инсон профессор бўла олмаслигини белгилаб қўйдик. Бу ҳеч қандай яхшилик келтирмади".

2005 йил мартдан атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари, 2007 йилдан 2008 йилгача эса шу соҳа вазири бўлган Давид Чантладзе шундай ҳикоя қилади:

Бошланишига департамент раҳбарларидан бир варақ қогозга ўз вазифалари мазмунини тавсифлаб беришларини сўраддик. Фақатгина бир варақ кўринишида тавсифлашлари керак эди, акс ҳолда, кўп ёзишни ёқтиришлари сабабли ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди. Агарда бир варақдан ортиқ ёзсалар, қараб ҳам чиқмаслигимизни айтдик. Шундан кейин, масалан, баъзи департаментлар аслида мавжуд эмаслиги ойдинлашди. Албатта, ишдан бўшатиш осон иш эмас, лекин бошқача йўл тутиб бўлмасди – агарда касалига қўшиб қўйилса, соғлом тизим ҳам ҳалок бўлиши мумкин.

Лили Бегиашвили ўз тажрибаси билан ўртоқлашади: судлашиш жараёнида муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, барча ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилиш жараёнлари видеокамерага ёзиб олинди. "Бу ўзини тўлиқ оқлади. Тасвирга олинаётганини ҳамма тушуниб етгани учун ҳам, ҳеч ким суд учун бирор важ-карсон ўйлаб топа олмади. Уч мингта иштирокчидан фақатгина бир нафари судга мурожаат қилди, лекин биз судда барибир ғолиб чиқдик".

Натижада вазирликлар сони ўн саккизтадан ўн учтага камайди. Ўн саккизта давлат департаменти вазирликларга бўйсунадиган муассасаларга ўзгартирилди, шунингдек, бўйсунадиган агентликлар ва муассасалар сони эллик иккитадан ўттиз тўрттагача, вазирлик ва бошқармалар ходимлари сони эса деярли икки бараварга камайди.

“Шубҳасиз, яхши фаолият юритадиган жамиятда бу каби қисқартиришларни амалга ошириш мумкин эмас. Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, радикал ўзгаришларга қўл уришимиз инқирознинг чуқурлигини ҳис қилишга ҳам асосланган эди”, – дея бу воқеаларга изоҳ беради Бендукидзе.

2005 йил январида давлат хизматида меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилиш бошланди. Маошнинг максимал қиймати – вазир ойлиги 1800 доллар ва минимал қиймат 70 доллар бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу икки чегаравий қийматлар орасида қатъий ўрнатилган изчилликнинг ўзи йўқ: ҳар бир вазир ўз соҳасида ўзи истаган миқдордаги маошни белгилай олади. Яроқсиз ягона тариф жадвали тизимига шу тарзда барҳам берилди. Давлат хизматчилари сонининг мукаммаллаштирилиши ва бюджет тушумларининг ортиши² натижасида 2004–2005 йилларда давлат хизматчилари маошини ўн беш баробар кўпайтиришга эришилди.

“Агарда давлат хизматчисининг маоши 20 доллар бўлса, коррупцияга қарши курашишни қандай қилиб унга ишониб топшириш мумкин? Яхшиси, бу ходимнинг ўзи ҳам, бу каби вазифа ҳам бўлмагани маъқул. Яъни ходимлар сонини камайтириш, уларнинг маошларини бир неча марта ошириш ва ҳатто назарий жиҳатдан ҳам кераксиз бўлган бу каби вазифаларга барҳам бериш керак”, – дея тушунтиради Вато Лежава.

² Батафсил маълумот учун бешинчи бобнинг “Солиқ ислоҳоти” бўлимига қаранг.

Маошларнинг оширилиши натижасида давлат сектори рақобатбардош органга айланди, натижада малакали кадрларни жалб қилиш имкони пайдо бўлди. Бунгача меҳнатга ҳақ тўлаш хусусий секторда давлат хизматига қараганда бир неча баравар юқори эди. Вазир 63 доллар, департаментдаги оддий хизматчи эса 17 доллар маош оларди, меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркак кишининг кун кўриши учун белгиланган энг кам пул миқдори эса 2004 йилда 44 долларни ташкил этарди. Давлат хизматчисининг умумий топадиган фойдаси фақат қонуний манбалардан келиб тушадиган пуллардан иборат эмаслигига шубҳа йўқ эди.

“1994 йилдан буён парламентда ишлардим ва маошимиз вазирликдагиларникидан анча кўп эди. Ақлу ҳуши жойида бўлган инсоннинг вазирликка ишга киришга нима қизиқтириши кераклиги менга умуман тушунарсиз бўлган”, – дейди Лили Бегиашвили.

Айнан янги инсонларнинг уринишлари туфайли коррупцияга қарши муваффақиятли кураш имкони пайдо бўлди. Кавказ тадқиқот маркази (CRCC) ўтказган сўров бунинг яққол исботи бўла олади: 2007 йилги сўровда қатнашганлар орасида охириги ўн икки ой ичида пора берганини тан олганлар фақатгина 1 фоизни ташкил этди (солиштириш учун: бу кўрсаткич Арманистонда 8 фоиз, Озарбайжонда эса 20 фоизни ташкил этган).³

Грузин-турк чегарасидаги назорат-ўтиш пунктида барча қўшни мамлакатлар тилларида ва инглиз тилида “Грузия – коррупциядан холи мамлакат. Грузияга хуш келибсиз!” деб, сўнгра ҳар эҳтимолга қарши, “Ёдда тутинг, Грузия қонунларига кўра, пора бериш 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади” дея

³ Georgia Human Development Report by UNDP. The Reforms and Beyond. 2008 (hdr.undp.org/en/reports/nationalreports/europethecis/georgia/NHDR-Georgia-2008.pdf).

огоҳлантириш ёзилган плакатни кўриб, ўзимни тутиб туролмадим ва ундан нусха сўрадим – Россияда бу каби ёзувларни учратмайсиз.

Давлат апаратини мукаммаллаштириш билан бир вақтда давом этган иккита жараён натижасида унинг иш тамойилларида сифат ўзгариши кузатилди. Биринчи жараёнга Молия вазирлиги ташаббускор бўлди – Халқаро валюта фонди таъсири остида бюджетни режалаш истиқболлари ўзгартирилди. Бир йиллик бюджет ўрнига уч йилга мўлжалланган ўрта муддатли режалашдан фойдаланила бошлади. Натижада ислохотларни бир бутун тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлди: бир йиллик режалашда кўриш бурчаги тораяди, ўзгаришларни бир бутун тарзда қамраб олиш қийинлашади. Иккинчи жараён Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бошланди, натижада барча вазирликлар ўзлари учун устувор масалаларни аниқлаб олишга мажбур бўлди. Бу қадамни Бендукидзе қўйидагича баҳолайди:

Бу қисман қулгили ҳам бўлганди. Вазирларнинг ўринбосарлари иштирокида мажлис чақирдим ва ўз вазирликлари вазифаси, келгусидаги ҳаракатлари ва шу қабилар аниқ баён этиладиган ҳужжат ёзишлари кераклигини айтдим. Натижа – тўлиқ ноль. Фақат битта вазирлик – Мудофаа вазирлиги ёза олди. Бу каби нарсалар эса ҳарбий доктрина доирасида институционалаштирилган (НАТО ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик стратегияни ёзиб чиқиш кўникмаларини талаб қилади).

Шунда ҳужжат қандай қисмлардан иборат бўлиши кераклигини ўринбосарим Лили Бегишвилига айтиб туриб ёздирдим ва вазирлик амалга оширмақчи бўлган учта энг йирик ислохотни биринчи ўринда тавсифлаш кераклигини таъкидладим. Бу ёзувни вазирликлар

раҳбарларига жўнатдик. Баъзилар, масалан, Маданият вазирлиги жуда яхши баён қилди. Маданият вазири бу ёзувлар вазирликнинг ўзи учун ҳам жуда фойдали бўлганини айтиб, биз ҳеч қачон бу ракурсдан туриб ўйламаган, майда-чуйдаларга ўралашиб қолган эканмиз, энди фикрни бир жойга жамладик ва жуда қизиқ ҳужжат тайёрлай олдик, деганди. Унинг сўзларига кўра, ўзи ҳам бу ҳужжатни мароқ билан ўқиб чиққан.

Лекин бир неча “қолоқ вазирликлар” ҳам бор бўлиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигидаги ҳолат энг таҳликалисиди. Бир йиллик уринишлар ичида улар ҳужжатни ўн тўртта шаклда ёздилар. Вазирлик нима сабабдан ташкил этилганини ўзлари ҳам билмасдилар. Масалан, вазирлик томонидан сотиш учун бозор йўқлиги муаммоси баён қилинган, шу билан биргаликда, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсад қилиб олинганди. Ахир, бу бўлмагур гап-ку! Ишлаб чиқариш оширилса, лекин сотиш учун бозор мавжуд бўлмаса, муаммо янада чуқурлашади, холос.

Бендукидзенинг ўринбосарларидан бири бўлган Лежаванинг катта ҳиссаси қўшилган оғир меҳнат натижасида ўрта муддатли келажак учун мўлжалланган бешта устувор жиҳат барча вазирликлар томонидан баён қилинди, бу устуворликларни амалга ошириш шартлари ва бу йўлдаги мавжуд тўсиқлар келтирилди. Барча маълумотлар “Асосий маълумотлар ва йўналишлар” номи остидаги битта ҳужжатда жамланди. Бу ҳужжатдан бюджетни режалаштиришда ҳам фойдаланила бошлади.

Ривожланишнинг устувор йўналишлари баён қилинган ҳужжатлар вазирликлар томонидан илгари ҳам у ёки бу усуллар орқали яратилган. Лекин ак-

сарият ҳолларда бу ёзувларнинг асл ҳаётга умуман алоқаси бўлмаган. Масалан, иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни тугатиш дастури олти юзта устувор йўналишдан иборат эди. Бундай ҳолатда қандай қилиб бюджетни самарали режалаштириш мумкин? Лили Бегиашвили шундай эслайди:

Масалан, илгари, парламентда икки ойгача умуман маош бермасликлари мумкин эди. Саккиз ойлаб пул олмаганлар ҳам бор бўлиб, буларнинг барчаси бюджет камомади ёки бюджет секвестри (харажатларнинг мажбурий қисқартирилиши) билан оқланарди. Аслида эса бу бор-йўғи бир жиноий давлат эди, холос. Тасаввур қилинг – сиз қурилиш компанияси бўлсангиз ва таъмирлаш ишларини амалга оширсангиз-у, сизга секвестр туфайли пул тўланмаяпти. Бу, ахир, жиноят-ку!

Бюджетни режалаштиришнинг ўзига хос алгоритмини ишлаб чиқиш туфайли ягона давлат ёндашувини ташкиллаштириш имкони юзага келди. Бюджетдан иложи борича камроқ пул олиш ва режаланган барча харажатларни асослаб бериш тамойили қабул қилинди.

Албатта, баъзида эскича фикрлашлар ҳам учраб турарди. Бу ҳақда Бегиашвили шундай ҳикоя қилади:

Кейинги йил учун бюджет лойиҳасини тайёрлаётганимизда, менинг ёнимга қайсидир агентликдан келиб, бюджетни ошириш кераклигини айтишди. Сабабини сўрадим. Маълум бўлишича, улар янги “Нива” машинасини сотиб олишмоқчи экан. Хужжатларига назар солсам, ўтган йили ҳам “Нива” ёзилган экан. Нима учун яна сотиб олмоқчи эканликлари сабабини сўрадим. Улар эса эскиси бузилиб қолганини ва ҳар йили янги машина сотиб олишларини айтишди. Албатта, машина бир

йилда бузилиб қолмайди, фақат бунгача ҳеч ким эътибор бермаган ва улар бамайлихотир яшаб келаётгандилар.

Бироқ қатъий назорат йўли билан барчасига барҳам берилди:

Бюджет масалалари бўйича ҳукумат сессиясида батони⁴ Каха доим хусусий бизнес ҳимоячиси эди – унга нисбатан ортиқча йигимлар ёки солиқлар қўлланилишига қаршилик қиларди. У ҳар бир рақамни текширадиган ягона вазир эди (шунингдек, Бош вазир ҳам бу ишни яхши кўрарди). Батони Каха унча катта бўлмаган калькуляторли мобил телефонини олиб, унда ҳар бир лойиҳани ҳисоб-китоб қиларди. Гўёки барчаси ҳал бўлгандек, лойиҳа деярли қабул қилингандек кўринар, лекин охир-оқибат Бендукидзе бошини кўтариб: “Бу ерда мана бундай рақам келтирилган. У нотўғри. Тўғри рақам бундай бўлиши керак”, дея сўз очарди. Ва ҳаммаси бошидан бошланарди.

Давлат бошқарувини ислоҳ қилишда айнан барча йўналишлар бўйича зарба бериш (шунингдек, кадрлар тозалови ҳам, иш тамойилини қайта кўриб чиқиш ҳам, бюджетни режалаштиришнинг ўзгариши ҳам) аниқ натижаларга эришиш имконини берди. Фақатгина бюрократияга барҳам беришнинг ўзи аслида ҳеч қандай амалий аҳамиятга эга эмас. Бошқа ислохотлар билан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмаса, барчаси (айниқса, давлат аппарати) яна тезда ўзининг асл ҳолатига қайтиши мумкин. Масалан, айнан ўша дамларда – 2004 йил мартда Россияда эълон қилинган маъмурий ислохотлар “Россия Федерацияси ҳукумати 2006 йилда федерал давлат хизматчилари, ташкилотлар ишчилари ва бюджет соҳасини ташкиллаштириш, шунингдек, унинг фао-

⁴ Грузинчасига ҳурмат билан мурожаат қилиш.

лият юритиши учун харажатлар ошишига олиб келувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас” дея баён этилган 2006 йилги Федерал бюджет тўғрисидаги қонун⁵ билан қўллаб-қувватланганига қарамай, амалга ошмасдан қолиб кетди.


Россиядаги давлат хизматчилари сони 2004 йилга нисбатан 235 минг нафарга қисқаргани ҳақида ҳукумат томонидан 2006 йилда ҳам⁶, 2007 йилда ҳам⁷ эълон қилинган умидли хабарларга қарамай, давлат ҳокимиятининг федерал органларидаги хизматчилар сони 2005 йилда 138,8 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2006 йилда яна қўшимча 61,7 минг нафарга ортгани ҳақидаги маълумот қуруқ қилиб баён этилган. Шунини таъкидлаш керакки, 2005 йилгидек, яъни бевосита ислохотлар давом этаётган даврдигидек кескин ўсиш Россия тарихида бирор марта – 1990 йилларда ҳам, 2000 йилларда ҳам кузатилмаган.

Қизиғи, 2003 йилда давлат бошқаруви, муҳофаза ва ижтимоий таъминот секторларидаги бандлик ҳиссаси Россия ва Грузияда бир хил – 5 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб мазкур кўрсаткич Грузияда 3,8 фоизга камайди, Россияда эса 5,3 фоизга ортди ва келгусида янада тезроқ кўпая бошлади (жадвалга қаралсин).

⁵ Россия Федерациясининг 26.12.2005 да қабул қилинган №189-ФЗ сонли “2006 йил учун Федерал бюджет тўғрисида”ги қонуни, 36-1 моддаси.

⁶ “Численность госслужащих в России сократилась за два года на 235 тысяч человек. Об этом сообщил сегодня руководитель аппарата правительства Сергей Нарышкин” // Официальный сайт телекомпании НТВ. 2006 йил 26 декабрь (www.ntv.ru/novosti/100548).

⁷ “Давлатнинг фуқаровий хизматчилари сони аниқ ортиб кетди... Ходимларнинг бир қисми давлат муассасаларидан бошқарув ҳокимиятининг ҳудудий органларига ишга ўтдилар. Лекин умуман олганда, мамлакатда давлат функциясини бажарувчи хизматчилар сони 235 минг нафарга қисқарди”. Вице-премьер Сергей Нарышкин билан бўлиб ўтган интервью: Мы обязаны сохранить и развить то лучшее, что наработано СНГ (*Известия*. 2007 йил 9 июль (www.izvestia.ru/person/article3105958/)).



“Давлат бошқаруви ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш; мажбурий ижтимоий таъминот” секторидаги бандлик Россия ва Грузиядаги умумий бандликнинг қисми сифатида, 2003–2009 йиллар (%). Манбалар: Российский статистический ежегодник. 2009 йил, 136-саҳифа (www.gks.ru/bgd/regl/b09_13/IssWWW.exe/Stg/html1/05-05.htm); Россия в цифрах. 2010 (www.gks.ru/bgd/regl/b10_11/IssWWW.exe/Stg/d1/06-03.htm); Statistical Yearbook of Georgia. 2009. P. 43 (www.geostat.ge/indexphp?action=wnews&lang=eng&npid=2).

Янги давлат аппаратини яратиш – фақат минимум вазифа, холос, унинг ечими эса янги давлат хизматчилари кучи билан қолган барча соҳаларни ислоҳотларнинг кейинги босқичига ўтказиш имконини беради.

ИИБ ислоҳоти

Бюрократияни бартараф этиш ҳақида гапирганда энг муваффақиятли ва кўзга ташланадиган мисол – ИИБ ислоҳоти ҳақида эсга олмаслик мумкин эмас.

Янги ҳокимиятнинг илк ташаббусларидан бири орадан ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ ўзгартириш мумкин эмасдек туюлган нарсани ўзгартириб юборди ва шу тарзда аҳолини ўз танловининг, ҳокимиятни эса ўз услубларининг тўғрилигига ишонттира олди.

Грузияда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

ҳар доим энг коррупциялашган бўғинлардан бири бўлган, қуролли можаролар, тартиб-интизомнинг кескин сусайиши, такрорий коррупцион амнистиялар, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши тўғрисида ўтган асрнинг 90-йилларида инқироз ҳолатига келиб қолганди.

Жиноят оламининг бир қисми полициягача кириб борган, полициянинг ўзи эса бир томондан – профессионал жиноий гуруҳлар билан, иккинчи томондан – ҳукуматнинг коррупциялашган амалдорлари ва сиёсатчилари билан бирга ишларди. Полиция ва жиноий авторитетлар ҳаракатларини бир-биридан ажратиш қийин бўлиб қолган вазият юзага келганди. Полиция ва фуқаролар ўртасидаги шусиз ҳам мавжуд бўлган жарлик янада чуқурлашганди, коррупциялашган амалдорларга эса арз қилишнинг фойдаси йўқ эди. Кўпинча аҳоли ёрдам сўраб полицияга эмас, жиноий авторитетлар ва қонундаги ўғриларга⁸ мурожаат қиларди...

Энг коррупциялашган тармоқлардан бири йўл полицияси (собикъ ГАИ) бўлиб, ҳам маҳаллий аҳолини, ҳам транзит тарзда ўтиб кетаётган хорижий ҳайдовчиларни талаган ҳолда бутунлай “ўз-ўзини таъминлаш” йўлига ўтиб олганди.⁹

⁸ Қонундаги ўғрилар – ўта махфий ва конспиратив ҳамда собикъ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи(СССР)га хос жиноий уюшма бўлиб, у аниқ асос ва тузилмага эга эмас. Фақатгина жиноий анъаналарнинг қатъий кодекси асосида бошқарилган.

⁹ Кухианидзе А.В. Коррупция и преступность в Грузии после “Розовой” революции // Современные разновидности российской и мировой преступности: состояние, тенденции, возможности и перспективы противодействия: Илмий ишлар тўплами / Н.А. Лопашенко муҳаррирлиги остида. Саратов: Уюшган жиноятчилик ва коррупция муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича Саратов маркази; Сателлит, 2005. 348–355 саҳифалар. (sartracc.ru/i.php?oper=read_file&filename=Pub/kuhianidse(27-05-06).htm).

Парламентнинг Процедура сўровлари ва регламент бўйича қўмитаси бошлиғи Хатуна Гогоришвили полиция ислоҳотигача бўлган даврда унинг ўзи ўтказган тажриба ҳақида сўзлаб берганди: Тбилиси-Батуми маршрутининг 400-километрида ҳаракатланаётган ва тартиб-қоида бузмаган машина ГАИ ходимлари томонидан ҳар 3 км масофада тўхтатилган, мақсад эса фақатгина машина ҳаракатланаётгани учун пора олиш эди.

Грузиянинг ислоҳот рецепти жуда оддий ва тушунарли бўлиб чиқди: ишламаётган, коррупциядан емирилиб кетган бирор ташкилот мавжуд экан, вазиятни тўғрилашнинг ягона йўли уни тугатиш ва янги-сини ташкил этишдир.

“Ислоҳотларни аста-секинлик билан, босқичма-босқич амалга ошириш керак, дея маслаҳат берган бизга хайрихоҳ европаликларнинг маслаҳатларига қулоқ солмадик. Биз жуда дағал ҳаракат қилдик ва Ички ишлар вазирлигидан бир кунда 15 минг ходимни ишдан бўшатдик”, – дея эслайди ички ишлар вазири Вано Мерабишвили.¹⁰

Энг қизиғи, ишдан бўшатиш ва ИИВга қайта ишга олинмаган ходимлар эътироз билдиришга ҳам уринмадилар, чунки эндиликда тизим бошқа қоидалар бўйича ишлаётганини улар ҳам тушуниб етгандилар.

2004 йил ёзида ГАИ бутунлай тугатилди ва деярли икки ойнинг ичида ИИВ АҚШникига ўхшаш кўринишдаги патруль полициясини йўқ жойдан ташкил этди ва тўлдирди. Бу полициянинг вазифаси йўлларда тартиб-интизом ва хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади. У кўчадаги қонун бузилишининг олдини олади, шунингдек, маиший келишмовчиликларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатади.

¹⁰ Лица новой Грузии: интервью с министром внутренних дел страны Вано Мерабишвили // Радио “Свобода”. 2008 йил 16 октябрь (www.svobodanews.ru/content/Transcript/469290.html).

Имтиҳонлар, тестлар, суҳбатлар талабгорларнинг энг яхшиларини саралаб олиш имконини берди. Янги автомобиллар сотиб олинди, янги махсус кийим ишлаб чиқилди ва полиция участкаларини таъмирлаш бошланди. Илгари маошлари 20 доллар бўлган полиция ходимларининг иш ҳақи ўн бараварга оширилди. Вазирликда ўз-ўзини назорат қилиш тизими – порахўрлик фактларини ички текширувдан ўтказувчи бош инспекция ташкил этилди. Илгари ҳолат шундай эдики, полициячи коррупциядан ўзини сақлай олмасди: оддий ходим ўзи йиққан ўлжани юқорига, юқоридаги эса ўз навбатида занжирма-занжир янада юқорига узатиши керак эди.

“Полицияда қуйидагича схема мавжуд эди: ўн лари пулдан тахминан икки лариси ГАИ ходимининг ўзида қоларди, қолган саккиз лари босқичма-босқич юқорига, вазиргача борарди. Бу тизим нафақат полицияда, балки барча давлат ташкилотларида қўлланиларди”, – дейди 2005 йилдан бошлаб Тбилиси шаҳри мэри лавозимида ишлаган Гиги Угулава.

Натижада шундай шарт-шароитлар яратилдики, порахўрликка бўлган тизимли талаб йўқолди. Албатта, инсон табиати ва одатлари кўпинча рационал хатти-ҳаракатдан устун келади, шунинг учун назоратни ва жазони кучайтириш коррупцияга нисбатан берилган кейинги қақшатқич зарба бўлди – пора олиш жуда қийинлашди.

Патруллар фаолиятининг биринчи ойларида етакчи телекомпаниялар эфирлари янги “гаичиларга” пора бериш лавҳалари билан тўлиб кетди. Бу кадрлар махсус хизматлар агентлари томонидан яширин камерада тасвирга олинганди. Қўлга тушган омадсизлар 50 доллар эвазига 10 йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилиндилар. Уларнинг ҳамкасблари пора олиш

*мумкин эмаслигини тушуниб етгунларича бу жараён давом этди.*¹¹

ИИВ ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи Шота Утиашвили қўйдагича ҳикоя қилади: “Биринчи йили пиар учун жуда кўп маблағ, куч-қувват сарф этдик. Навбатдаги коррупционер қай тарзда қўлга туширишини телевидение орқали доимо намойиш қилдик. Бу эса вазият ўзгараётганини инсонлар англаб етишлари учун жамиятга юборилган сигнал эди.”

Ҳозирги пайтда полициячилар ҳаддан ташқари меҳрибон ва тўғри бўлиб кетгани сабаблигина уларга таъна тошлари отилиши мумкин. Маст фуқаролар машина бошқармаслиги учун уйларига полициячилар беминнат олиб бориб қўйгани, устига-устак, машинани ҳам келтириб бергани ҳақидаги ибратли ҳикоялар ҳануз оғиздан-оғизга кўчиб юради. Бу воқеалар ҳақиқатми, билмайман. Лекин ўзим шунга ўхшаш воқеага гувоҳ бўлганман.

Ўшанда кечқурунги яхшигина зиёфатдан кейин эрталаб машинасига ўтирган ҳайдовчи билан бир машинада кетишимга тўғри келиб қолганди. Ҳайдовчининг кайфи батамом тарқамагани учун бу ҳолат унинг машинани бошқариш усулига таъсир кўрсатмай қолмади. Патруль ундан йўл четида тўхташни сўради.

– Батоно, машинани эҳтиёт бўлиб бошқариш керак, акс ҳолда, тўхтаб турган машинага урилиб кетишингиз мумкин эди.

– Ҳа, тўғри. Кутилмаган ҳодисалар бўлиб туради.

– Зиёфатдан кейинги бош оғриғими? Сизни нима қилсам экан?

– Билмайман. Қўлингда тўппончанг бор, ўлдириб қўя қол!

– Ўлдирмайман, лекин йўлда эҳтиёт бўлинг, илтимос. Соғ бўлинг!

¹¹ Зедгенидзе Г. “Саакашвили исполнил мечту майора Дымовского” // Slon.ru. 2009 йил 11 ноябрь (slon.ru/articles/180158).

Ўзгаришлар полициячи касбининг нуфузида тезлик билан ўз аксини топганди, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг полицияга бўлган ишончида ҳам акс этди.

Агарда инқилобгача бўлган даврда аҳоли ёрдам сўраб полицияга эмас, қонундаги ўғриларга мурожаат қилган бўлса, эндиликда уларнинг полицияга мурожаатлари сони 15-20 мартага ошган. 2010 йил октябрда Республикадаги Халқаро институт аҳолининг полицияга бўлган ишончи 84 фоиз даражада эканлигини қайд қилди¹² (таққослаш учун: 2003 йилда бу кўрсаткич 5 фоизни ташкил этганди)¹³.

2009 йил баҳорда очилган ИИВнинг янги биноси аэропортдан Тбилисига келадиган йўл четида кўрк тўкиб турибди. Шаффоф ойналар¹⁴ очиқлик рамзини ифодалайди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хавфсираб қараш муносабати шаклланган меҳмонда вазир ўтирадиган хона деворларидаги болалар суратлари ўзгача таассурот қолдиради.

“Биз, – дейди Вано Мерабишвили, – аҳолига хизмат кўрсатадиган маҳкамамиз. Ва доимо бу хизмат турини янада яхшилаш устида изланамиз”¹⁵.

Грузиянинг замонавий Ички ишлар вазирлиги 2004 йил бошида Давлат хавфсизлик вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар департаменти, Нефт қувурларини муҳофаза қилиш департаменти ва Чегара департаментини ўзига қўшиб олди. Бирлашиш натижасида ходимларнинг умумий сони 75 минг нафардан 27 минг

¹² IRI, USAID, Baltic Surveys // The Gallup Organization, IPM Georgian National Study, September 27 – October 7, 2010 www.iri.org.

¹³ Georgia’s Democratic Transformation. An Update Since the Rose Revolution // Government of Georgia. 2007. October. P. 8 (www.president.gov.ge/files/baners/dem_transform_3.pdf).

¹⁴ Шаффоф бино концепцияси Грузиядаги барча полиция участкаларининг ташқи кўринишида ўз аксини топган. ИИВ ва полиция участкалари биноларининг фотосуратларини www.larisaburakova.com сайтидан кўриш мумкин.

¹⁵ Латынина Ю. “Шаффоф монстр ёки Хайрли хизматлар вазирлиги” // *Янги газета*. 2009 йил 7 декабрь. №136 (www.novayagazeta.ru/data/2009/136/22.html).

нафаргача қисқарди (булардан 4 минг нафари – чегара хизмати), вазирлик ходимининг ўртача ойлик иш ҳақи эса 2003 йилда 56 долларни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 443 долларгача ошди.

Айни дамда Грузияда мамлакат ичидаги хавфсизлик учун ўзининг самарали эканини доимо исботлаб келаётган фақат бир орган жавобгардир. Масалан, қонундаги ўғрилар устидан ғалабага деярли эришиб бўлинди. Қонундаги ўғрилар собиқ СССРнинг ҳеч бир республикасида Грузиядаги каби шўхрат қозонмаганди. Қонундаги ўғрилар ҳам, худди коррупция сингари, ўтмишдаги Грузиянинг деярли ташриф қоғози ҳисобланарди. Худди коррупция билан бўлгани каби, “Авгий отхоналари” (қонундаги ўғрилар – *тахририят изоҳи*) ҳам қачондир тозалаб ташлаши мумкинлигига ҳеч ким ишонмасди.

Саакашвилининг ташаббуси билан 2004 йил, 24 июнда парламент томонидан жаҳон юридик тажрибасида ғаройиб бўлган “Уюшган жиноятчилик ва рэкет ҳақида” деган қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга “қонундаги ўғри”, “ўғрилар олами”, “орани очик қилиш” каби терминлар расман киритилди. Бу қонунга кўра “ўғрилар олами аъзоси” амалга оширилган бирор аниқ жиноят учун эмас, балки бу каби уюшманинг аъзоси эканлиги учун ҳам қамоққа олиниши ва судланиши мумкин эди. Агарда қонундаги ўғри статусини ўзи тасдиқласа, у жавобгарликка тортилиши, агарда рад қилса, ўғрилар олами қонунларига кўра, ўз “ҳамкасблари” томонидан янада қаттиққўл жазоланиши мумкин.

Бу қонун эркин йиғинлар тушунчасига мос келмайди, дея танқидга учраганини эшитишимга тўғри келган. Лекин бу ерда гап бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қиладиган уюшма ҳақида кетмоқда. Ихтиёрий давлатда худди шу сингари асосга кўра миллатчилар ёки секта уюшмаларига қар-

ши курашилади ва бу каби йиғилишлар эркинлиги чекланади.

Қонундаги ўғри (ҳаттоки бирор жиноят содир этмаган тақдирда ҳам) уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилинади ва нафақат унинг ўзига, балки оила-аъзоларига ҳамда унга қандайдир йўл билан алоқадор бўлган кимсаларга тегишли, қонуний эканлиги исботланмаган мол-мулклар ҳам мусодара қилинади. Айтгандек, 2009 йил Марказий банкка қўшиб юборилгунга қадар Молиявий назорат агентлиги жуда таниқли қонундаги ўғрилардан бўлган Захария (Шакро) Калашовнинг аввалги уйида жойлашганди. 2006 йилда мусодара қилинган бу муҳташам бинода 74 та хона бўлиб, Тбилиси шаҳри атрофи ҳисобланадиган ва қурилиш ишлари олиб бориш расман тақиқланган Цкнетидаги қарағайзорда жойлашган.

Бевосита хавф-хатарни ҳис қилган аксарият грузин жинойи авторитетлари асосан Россияга қочиб қутулди. Қочишга улгурмаганларни шахсан шу тоифа инсонлар учун мўлжалланган махсус қамоқхоналарга тикдилар ва бу юқумли иллат учун охириги зарба бўлди. Одатий қамоққа қамалса, қонундаги ўғри бу ерда имтиёзга эга бўлар, қолган маҳбуслар эса унинг хизматкорларига айланарди. Улар махсус қамоққа тушганларидан сўнг шароитлари қийинлашган бўлса-да, бошқа қамоқхонадаги маҳбусларнинг аҳволи энгиллашди.

“Илгари оиладан кимнингдир қамалиб қолгани бир ташвиш бўлса, маҳбуснинг қариндошлари қонундаги ўғрилар учун ҳар ой пул олиб келиб туриши шартлиги яна битта ортиқча ташвиш эди. Қонундаги ўғрилар умумий қамоқхоналарда шундай тартибни ўрнатардилар”, дея эслайди Утиашвили.

Қонундаги ўғриларнинг биринчи гуруҳи қамоққа олинганидан сўнг Гордий тугуни ҳали чопиб таш-

ланмагани аниқ бўлиб улгурди, чунки улар ўз гуруҳларини мобил телефонлар орқали бошқаришда давом этардилар. Шунда уларга ташқи дунё билан алоқа қилиш умуман тақиқланди, фақатгина адвокат билан учрашишга рухсат берилди. Қамоқда мобил алоқани “сўндиргичлар” ўрнатилди. Бу каби қаттиққўллик натижасида 2006 йил мартда қамоқхонада қўзғолон кўтарилди ва у ИИБ махсус бўлинмаси томонидан бостирилди. Натижада ўн бир нафар махбус ҳалок бўлди. Тартибсизликлар бошқа такрорланмади.

2002 йилда Кутаиси (жиноят оламининг бир вақтлардаги пойтахти) шаҳри мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари бугунги кунда узоқ ўтмиш сифатида эсланади: ўшанда ўғил болаларнинг 25 фоизи, қизларнинг эса 35 фоизи келажакда қонундаги ўғри бўлишни хоҳлашини билдирган эди.

Ўзим билан ҳам жуда оғир ҳолат юз берганди – ўшанда грузиялик дўстларимга телефон қилиб, бир танишининг хонадонига кечқурун махсус кийим кийган, автомат билан қурулланган шахслар келгани, уни полицияга олиб кетганини хабар қилгандилар. Барча саросимага тушиб қолган ва турли тахминлар қила бошлаганди. Шу ҳолатнинг ўзиёқ мамлакатларимиз (изоҳ: Россия ва Грузия) бир-биридан қанчалик фарқ қила бошлаганини кўрсатиб берди. Шунда хаёлимга дарҳол “Қандайдир хатолик рўй берган, ҳеч нарсани тушуниб етмаган полиция ҳаммани оммавий равишда ушлаяпти”, деган ўй келганди. Дўстим эса “Бу қандай содир бўлди? Нега оғайним ноқонуний ишларга аралашиб қолди, акс ҳолда, полиция унинг олдига келмаган бўларди!” деган ўйга борган.

Албатта, ҳали муаммолар бор. Масалан, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолат жуда кўрқинчли даражада. Ҳозиргача бу офатга қарши амалий таъсир кўрсатадиган услублар топилмаган. Гиёҳванд модда-

лар қабул қилганларга нисбатан жазо кучайтирилган: улар наркотик таъсири остида машина ҳайдамаган бўлсалар ҳам, ҳайдовчилик гувоҳномалари уч йилга бекор қилинган, қурол олиб юриш ҳуқуқидан маҳрум этилган, давлат ташкилотларида ишлашлари тақиқланган. Лекин бу тадбирлар фақатгина кўчадаги гиёҳвандларни йўқотиш имконини берди, холос.

Шу билан бирга, Грузияда энди одамлар ўғирлаб кетилмаяпти, тунда машинани кўчада бемалол қолдириб кетиш мумкин, ҳар бир муюлишдан чиқиб келадиган ГАИ ходими билан ҳисоб-китоб қилиш учун машинада майда пуллар солинган қутичани сақлашга эҳтиёж йўқолган.

“Мени кўпинча ҳукуматнинг адвокати, деб кесатадилар. Йўқ, мен адвокат эмасман. Отам, акам ўғирлаб кетилган ва менга ҳеч ким ёрдам беришни хоҳламаган ўша пайтлар такрорланмаслигини хоҳлайман, холос. Инсонларнинг ўғирлаб кетилиши – энг жиддий ҳисобланган ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг бизнеси бўлганини ҳозир ҳеч ким эсламайди”, – дея хотираларини баҳам кўради “Грузия иқтисодиёти” журналининг муҳаррири, 2003-2004 йилларда иқтисодиёт вазирига маслаҳатчилик қилган Эмзар Жгереная.

Янги полиция ўша заҳотиёқ янги ҳокимиятнинг ислохотлари тимсолига айланди. Полициянинг ислоҳ қилиниши ҳокимиятга бўлган ишонч мандатини мустаҳкамлади ва бошқа ислохотларни амалга ошириш учун куч, ишонч берди. Грузия яхши полицияга эга бўла олиши, ажратилган маблағлар эса, агар талон-торож қилинмаса, ҳолатни яхшилаш учун етарли бўлиши аниқлашгач, бошқа турдаги муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкинлиги ва муқаррарлиги ойдинлашди.

• Тўртинчи боб •

Иккинчи сабоқ: хусусийлаштириш

“Хусусийлаштириш учта натижани беради. Энг асосийси бўлмаса-да, биринчиси – бюджетга даромад олиб келади. Иккинчиси – мулкнинг давлат ихтиёридан хусусий қўлларга ўтишига сабаб бўлади, натижада самаралироқ бўлган хусусий сектор ривожланади. Учинчиси – коррупцияга қарши курашиш имкониятини беради, давлат ва пул тўқнаш келган жойда эса шубҳасиз коррупция мавжуд”, – дея тушунтиради Каха Бендукидзе.

Барча собиқ совет мамлакатларида бўлгани сингари, Грузияда ҳам ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаёқ давлат мулклари хусусий қўлларга ўта бошлади. Хусусийлаштириш жараёни иқтисодий устувор йўналишлар даражасига кўтарилди, лекин бу жараён фақат кичик ва ўрта катталиқдаги объектларга тегишли бўлиб, уларнинг аксарияти 1998 йилда бутунлай хусусийлаштириб бўлинганди. Йирик объектлар эса хусусийлаштиришдан деярли четда қолганди. Шу билан биргаликда бу йиллардаги оммавий хусусийлаштириш алоҳида даромад келтирувчи самарани бермади.

Эдуард Шеварднадзе “объектларни сотишда жуда эҳтиёткор бўлишга ҳаракат қилганини” ҳамда “давлат корхоналарининг хусусийлаштирилишини тез суръатларда амалга оширганини”¹ ўзи йўл қўйган хатолар сафига қўшишини, йирик “стратегик” объект-

¹ Шеварднадзе заявил: “Я никогда не прощу русских” // Newsru.com. 2003 йил, 3 декабрь (www.newsru.com/arch/world/03dec2003/never_.html).

ларни сотиш эса Михаил Саакашвилининг хатоси бўлганини хотирлайди.

2004 йил якунларига бағишланган нутқида Саакашвили шундай деганди: “Шеварднадзе раҳбарлиги даврида давлатнинг 90 фоизгача мулки сотилган, лекин мамлакат бундан ҳеч қандай наф кўрмаганди. Биз эса бир йил давомида қолган 10 фоизни сотиш орқали 200 миллион долларгача пул ишлаб топишни режалаганмиз”².

Бу сўзларда янги ҳокимиятнинг масалага қандай ёндашуви акс этган. 2003 йилда фақат иккита йирик битим амалга оширилди ва улар чемпионлик битимлари деб аталди. Мазкур битимлар – бинони Хитой элчихонасига 1 миллион долларга, шунингдек, (Атиргуллар инқилобидан озгина олдин) Зестафон темир-қотишмалар заводининг 51 фоиз акциясини 7,5 миллион доллар эвазига сотишдан иборат бўлди. Қизиғи, ҳар икки битим ҳам кимошди савдоларисиз амалга оширилди: битимни ҳукумат тайёрлади, Президент эса маъқуллади. Инқилобгача Грузияда энг кенг тарқалган хусусийлаштириш усули – уни кимошди савдоси орқали ташкиллаштириш бўлган, лекин бу савдолар фақат расмиятчилик учун эди, холос. У ёки бу объектнинг сотилиши ҳақидаги эълон бор-йўғи 300 нусхада чиқадиган “Собственник” газетасида чоп этиларди. Агар кимдир кўчмас мулк харид қилишга жиддий бел боғласа, у газетанинг барча ададларини сотиб олар, шу тарзда амалга ошириладиган аукцион ҳақида бошқа ҳеч ким билмай қоларди.

Каха Бендукидзе қуйидагича тушунтиради:

Хусусийлаштиришнинг икки усули мавжуд. Биринчиси, гўзаллик танлови деб аталади – харидор келиб, “онам билан қасам ичаман” дея нималарнидир вавда қила бошлайди.

² Президент Грузии ожидает до 200 млн долларов доходов в бюджет от приватизации // *Civil Georgia*. 2004 йил, 22 декабрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6755).

Иккинчиси, ким яхши нарх таклиф этса, объект ўшанга сотилади. Объектни ваъдаларга эмас, пулга сотиш керак: у учун ким кўп тўласа, ўша бошқаришни яхшироқ уддалайди. Паст бошланғич нархдаги шаффоф аукционларни ташкил қилиш керак, у ёғига вазиятга қараб бўлади! Бу каби ёндашув Грузияда умуман оммалашмаганди. Ҳаттоки ҳамкасбларим орасида ҳам бу нарса тушунарсизлигидан улар “У корхонани ёпиб қўйса, ҳеч нима қилолмаса, нима бўлади?” дердилар. Бунга жавобим шундай эди: агар кимдир катта пул тўлаб олса, маблағи кетган корхонасининг ишлаши учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилади. Лекин бу фикрлар ҳеч кимни қизиқтирмасди.

Ўшанда мен қандайдир катта гоё кераклигини тушуниб етдим. Шунда барча асосий вазирлар – Бош вазир, молия вазири, мудофаа вазири, ички ишлар вазири, бош прокурорни бир жойга жамладик. Биздаги мавжуд барча давлат хусусий мулкларини тахтага ёздим ва уларни қанчага сотиш мумкинлигини ўйлаб кўришни таклиф этдим. Барча йиғилганлар иштиёқ билан ҳар хил рақамларни таклиф эта бошладилар. Мен ҳар бир объект бўйича ўртача қийматларни ёздим, сўнгра уларни қўшиб чиқдим, натижа (Грузиянинг бюджети 400 миллион долларни ташкил қилган ҳолда!) 700 миллион доллардан сал кўпроқ бўлди.

Барчанинг кўзи чақнаб кетди. “700 миллион? Бундай пулга жуда кўп нарса қилишимиз мумкин-ку!” Ростдан ҳам, хусусийлаштиришга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди.

Грузия Иқтисодиёт вазирлиги томонидан биринчи босқичда (2004–2006 йилларда) хусусийлаштирилиши

керак бўлган 372 та объект тақдим қилганидан сўнг 2004 йил 15 июлда кенг кўламдаги хусусийлаштиришга старт берилди.³ Ҳаммаси бўлиб 1800 та кичик, ўрта ва йирик корхонани сотиш режаланганди.

2004 йил, 1 июнда Бендукидзе ўзи Тбилисига келган самолётнинг трапидан туриб эълон қилган “Виждондан бошқа ҳамма нарса сотилади!” деган концепцияни амалга ошириш шу тарзда бошланганди.

Биринчи савдо-сотиқ

Катта эҳтимол билан, 2004 йил сентябрига келиб, жумладан, ерга оид ҳужжатларнинг ҳам тўғри расмийлаштирилгани ва ҳоказолар нуқтаи назаридан Батуми шаҳридаги “Интурист” меҳмонхонаси сотиш учун энг тайёр иншоот эди. Таниқли совет архитектори Алексей Шчусев лойиҳалаштирган бу жой ўз даврида энг олий меҳмонхоналардан бири саналарди. У Қора денгиз яқинидаги шаҳар марказида, ярим гектарлик ҳудудда жойлашганди.

Каха Бендукидзе ҳикоя қилади: “Президент маъмурияти раҳбари (Ираклий Чубинишвили)га мурожаат қилиб, ортимдан яширинча иш қилмайдиган бирор номзодни тавсия этишини сўрадим. Ираклий акасининг телефонлар сотиш бизнеси билан шугулланадиган ҳамкор дўстини таклиф қилди. Шундан сўнг мутахассислиги шифокор бўлган жуда одобли бир йигит ёнимга келди, менга маъқул бўлди ва уни ўз ёрдамчим сифатида расмийлаштирдим”.

Бу Шалва Кочладзе эди. У ҳеч қачон шифокор бўлиб ишламаганди, аммо Австрияда бизнес бўйича олган таълими қўл келди. Инқилобгача бўлган даврда Кочладзе бир неча йирик корпорацияларнинг Кавказорти бўйича ҳудудий директори сифатида ишлаган. У савдо-сотиқ ишларига жуда уста эди.

³ Хронология событий в 2004 году // *Civil Georgia*. 2005 йил, 7 январь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6853).

Хусусийлаштириш жараёнининг ўзига хос лойиҳа-менежерига айланган Шалва биринчи объект учун сармоядорлар қидиришга киришди. Бир қанча вақтдан сўнг унга эски танишларидан бўлган Бадри Патаркацишвили қўнғироқ қилди.⁴

“Биринчи сафар Бадри 150 минг лари таклиф қилди.⁵ Мен унга, Бадри, биз эски танишлармиз, лекин сенга рад жавобини беришга мажбурман. Меҳмонхонани кимошди савдода сотамиз ва бошланғич баҳоси 3 миллион долларни ташкил этади, дедим. Шунда у икки ҳафталардан сўнг яна қўнғироқ қилди, меҳмонхонанинг нархи бунча турмайди, лекин мен уни 500 минг лари⁶ эвазига сотиб оламан, деди. Бадри худди аввалгидек жавобни эшитди, мен эса аукционнинг эҳтимолий иштирокчиларини излашда давом этдим”, – дея эслайди Шалва Кочладзе. Халқаро молиявий ташкилотлар ва тижорат банклари учун тақдимотлар ташкил этилди. Меҳмонхона биноси тепасига бантикча қилиб боғланган катта қизил тасма билан ўраб чиқилди, “SALE” деган ёзув илинди, савдога қўйилган бошқа меҳмонхоналар фотосуратлари ёпиштирилди.

Бендукидзе ҳикоя қилади:

Сермазмун масалалар муҳокама қилиниши мўлжалланган матбуот анжуманидан олдин Бош вазир тадбиркорлар билан бирга қаҳва ичишни таклиф этди.

Хонага кирдик, стол усти қаҳва, ширинликлар билан тўлдирилган, хонада эса бош вазирдан

⁴ Бадри Патаркацишвили 2001 йилгача Россияда бизнес билан шуғулланган, биринчи рус миллиардерларидан бири саналадиган Борис Березовскийнинг бизнес ҳамкори бўлган. Ўзининг таъкидлашига кўра, Владимир Путинни сиёсатга олиб келган. 2008 йил январида Грузия президентлигига ўз номзодини қўйган, учинчи ўринни эгаллаган. 2008 йил феврилида Лондонда вафот этган.

⁵ 80 минг долларга яқин.

⁶ 270 минг долларга яқин.

ташқари Ажария ҳукумати раиси, Ажария иқтисодиёт ва молия вазир, Патаркацишвили ҳамда бошқа бир неча грузин тадбиркорлари ҳозир эдилар.

Бош вазир мендан “Тахминан қанчага сотасизлар?” деб сўради. Мен “Аслида у 5 миллион доллар туради, лекин 3 миллионга сотилади”, дея жавоб бердим.

Ажария ҳукумати бошлиғи “Бу қанақаси, биз уни пулга сотамизми? Унда сармоя киритиш мажбурияти нима бўлади?” деб сўради. Мен унга жавобан “Агарда меҳмонхонани кимдир 3 миллионга сотиб олса (меҳмонхона бир йил давомида ўзига сарфланган маблағнинг 10 фоизи у ёқда турсин, ҳаттоки 2 фоизини ҳам қайтара олмайди), сотиб олган шахс албатта меҳмонхонага сармоя киритади ёки уни қайта сотиб юборади”, дедим.

Шунда Бадри Бош вазирга “Зураб, ўйлашимча, бу ишнинг охири ҳалокатлидир. Ҳозиргина эшитганларимизга кўра, сизлар тадбиркорларнинг пулларини олиб қўймоқчисизлар. Янги нарсаларни барпо этиш ва ривожлантириш ўрнига бизнесни ўлдирмоқчи бўляпсизлар. Меҳмонхонани грузин тадбиркорларига бериш керак, кимга беришни ўзаро келишиб оламиз, ўзимиз сармоядорлар қидириб топамиз. Бу ерда 3 миллион доллар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас – меҳмонхонанинг нархи 300 минг лари⁷ туради”, деди.

Шунда мен “Агарда менсиз нимадир қилишни хоҳласангиз, қилаверинглар, фақат у ҳолда мени ҳеч нарсага аралаштирманглар. Агарда бу ерда менинг ҳам ўрним бўлса, биз кимошди савдосида сотамиз”, деб қўшимча қилдим.

⁷ 160 минг долларга яқин.

Аслида бу биринчи кимошди савдоси эди. Агар у амалга ошмаса, “хусусийлаштириш иш бермаяпти” деган таассурот юзага келган бўларди. “Ўйлаганларимиз амалга ошмаслиги учун Бадри ҳамма нарсани қилди. У барча тадбиркорларга шов-шув қилиш шарт эмаслигини, керак бўлса, бу режалар барбод бўлаверсин-у, ўшанда ҳукумат билан келишиш ва барчасини ака-укалардек тақсимлаб олиш мумкин бўлишини айтди”, – давом эттиради Бендукидзе.

Кочладзе Сибирдан бир тадбиркорни қидириб топди. Маълум бўлишича, у меҳмонхона ёнидаги уйда ўсиб-улфайган ва бу масканнинг энг яхши даврларини ўз кўзи билан кўрганди. “Бу тадбиркор учун меҳмонхонани сотиб олиш худди Кремлни ёки Василий Блаженный соборини харид қилишдек гап эди. Тадбиркор билан телефон орқали суҳбатлашдик. У ўз номидан битим имзолаш учун Батумида яшайдиган укасини жўнатди. Маҳаллий ишбилармонлар эса нархни қиммат деб ҳисоблаб, қизиқиш билдирмадилар”, – дея ҳикоя қилади у.

Кимошди савдосида иштирок этиш учун аввало гаров пули киритиш керак эди (гаров пулини қабул қилиш муддати тушки соат иккигача бўлиб, савдонинг ўзи эса ўша куни кечки пайт ўтказиларди). Харидорнинг пул билан йўлга чиққан укаси ярим йўлдан қайтиб кетгани охириги куни маълум бўлди. Бендукидзе шундай эслайди:

Ўзим ўтказаётган мажлисни тўхтатиб, сибирлик тадбиркорга “Нима бўлди?” деб қўнғироқ қилдим. У эса “Йўқ, биласизми, бундай ўйинларни ўйнашни хоҳламайман! Бу кимошди савдоси тузоқ эканини англаб етдим. Тўғриси айтганда, илгари ҳам шунга ўхшаши шубҳаларим бор эди, бунинг ҳаммасини Бадри аллақачон сотиб олиб бўлгани ва кимошди савдоси фақатгина чалғитиш учунгина амалга

оширилаётгани ҳақидаги миш-мишлар менга олдин ҳам етиб келганди. Бугун барчаси унинг номига расмийлаштирилганини айтишди, мен эса укамга қўнғироқ қилдим ва уни қайтардим”, деб жавоб берди.

Бадри бу каби миш-мишларни атайлаб тарқатаётганини айтдим. Сибирлик тадбиркор менга ишонди! Лекин пули бор-йўғи миллион доллардан сал кўпроқ эканини, чунки савдо амалга оширилмайди, деб ўйлаганини айтди. Шунда мен уни москвалик банкирлар билан таништириб қўйдим ва улар қолган пулни йиғиш учун ишбилармонга ёрдам бериб юбордилар.

Натижада “Интурист” меҳмонхонаси 3,02 миллион долларга сотилди. Батумида туғилган инсон меҳмонхонанинг янги эгасига айланганини эшитган шаҳарликлар бу янгиликни ижобий қабул қилдилар. “Ўша тадбиркорнинг айтишича, у ўчиб келган биринчи кўчада унга бир нотаниш кимса яқинлашган, уни қучоқлаб ўпган ва меҳмонхона ўзиникиларга насиб қилганидан ҳамма хурсанд эканлигини айтган. Президент уни қабул қилди, худди шу каби инсонлар бизга кераклигини, бәрчалари Грузияга қайтишлари мумкинлигини айтди”, – дея эслайди Бендукидзе.

“Стратегик” объектлар

Грузия максимал очиқ бўлган иқтисодиёт йўлидан кетди, шунинг учун давлатнинг аксарият йирик компаниялари харидор учун ҳеч қандай чеклов ўрнатмаган ҳолда сотувга қўйилди. 2004 йил августдаги “Вечерний Тбилиси” газетасида хабар берилганидек, эндиликда “Давлат мулкини хусусийлаштиришда ҳар ким иштирок этиши мумкин, асосийси пули бўлса бас...”⁸ эди. Бундан ташқари, маҳаллий тадбиркорлар учун ҳеч қандай енгиллик йўқ, фақатгина улар

⁸ *Вечерний Тбилиси*. 2004 йил, 17–18 август. № 90 (17630).

бўлажак савдо ҳақида эртароқ хабар топардилар, холос. Ислоҳотчилар учун давлат корхоналарини грузин, рус, америкалик ёки бошқа ишбилармонлар сотиб олишининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Асосийси – хусусийлаштиришдан иложи борича кўпроқ пул олиш. Корхоналар кўпинча максимал пул таклиф этганларга сотилган бўлса-да, сиёсий сабабларга кўра уларга нисбатан аниқ бир сармоявий шартлар қўлланилган ҳолатлар ҳам кузатилди (масалан, электр энергияси объектларини сотишда).

Маҳаллий компаниялар кичик объектларнинг асосий харидорлари бўлган бўлсалар, йирик иншоотларни хорижий компаниялар сотиб олди. Масалан, АҚШнинг “Basel Group” компанияси 2004 йил охирида ҳукуматнинг Крцанисидаги резиденциясини – Шеварднадзенинг Тбилиси яқинидаги асосий қароргоҳини 15 миллион долларга сотиб олди.⁹ Бу воқеадан бир йил олдин – Саакашвили, Жвания ва Буржанадзе билан 23 ноябрдаги учрашув чоғида, амалдаги Президент истеъфога кетиш ҳақидаги қарорни айнан шу бинода қабул қилганди.¹⁰ “Крцаниси резиденциясининг асл баҳоси ўша пайтлари 9 миллион доллар эди. Лекин савдо, бу – савдо. Шунинг учун менинг таклифим 20 миллион доллар бўлди, натижада 15 миллионга келишдик. Бу амалга ошганига ўзим ҳам ишона олмагандим!” – дея эслайди Кочладзе.

2006 йил, майда мамлакатдаги энг йирик симли алоқа оператори ҳисобланадиган Бирлашган телекоммуникация компанияси (“Телеком”) Қозоғистоннинг “ТуганАлем” банки шўъба корхонасига 90

⁹ В Тбилиси прибыл новый владелец Крцанисской резиденции // *РИА Новости*. 2005 йил, 1 февраль (www.rian.ru/economy/20050201/15014265.html).

¹⁰ 2004 йил майда М. Саакашвили Крцаниси, Цинандали, Варцихе, Боржоми, Цхалтубо ва Кобулети шаҳарларидаги ҳукумат резиденцияларини тугатиш тўғрисида қарор чиқарди (*Вечерний Тбилиси*. 2004 йил, 25–28 май. № 55 (17595)га қаралсин).

миллион долларга сотилди.¹¹ Айнан ўша пайтларда Қозоғистоннинг “Казтрансгаз” компанияси касодга учраган Тбилиси газ тақсимооти компанияси – “Тбилгази” активларини 12,5 миллион доллар эвазига қўлга киритди.

Шубҳасиз, “агрессив” хусусийлаштириш ва хорижий капиталнинг бунча кўп оқими кўпчиликни хижолатга солмай қўймади. Грузия собиқ иқтисодиёт вазири Владимир Папаванинг фикрича, “2004 йилда бошланган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилган. Айнан шу йўл билан Грузияга рус, қозоқ ва араб сармоялари кириб келган... Баъзи ҳолатларда бошқа давлатлар Грузия давлат мулкининг эгасига айланган эдилар (масалан, “Тбилгази” сотиб юборилгандан сўнг Қозоғистон давлат компанияси унинг эгасига айланганди), буни эса хусусийлаштириш деб атаб бўлмайди”¹².

“Агарда қонун бузилишлари бўлганида, ким ҳам қатта пул эвазига корхона сотиб оларди”, – дея Каха Бендукидзе танқидчиларга эътироз билдиради.

“Сотиш мумкин бўлган барча нарсани сотаётгандик. Лекин сув таъминоти инфратузилмасини хусусийлаштириш энг оғриқли нуқта эди (“Тбилцалканал”¹³). Рақибларимиз “Тасаввур қилинг, улар ҳатто сувни ҳам сотиб юбордилар”, дейишни бошлади. Нега телекоммуникация компаниясини хусусийлаштириш мумкин-у, сув таъминоти – йўқ, буни сира тушунмайман. Ахир сув таъминоти маҳаллий хизмат турига киради-ку!” – дейди Екатерина Шарашидзе. 2007 йил октябрида Швейцариянинг “Multiplex Solutions” компанияси Тби-

¹¹ Объединенную телекоммуникационную компанию приобрел казахский банк // *Civil Georgia*. 2006 йил, 12 май (www.civil.ge/rus/article.php?id=10813)

¹² Папава В. “‘Розовые’ ошибки МВФ и Всемирного Банка в Грузии” // *Вопросы экономики*. 2009 йил № 3. 143–152 саҳифалар.

¹³ “Тбилводоканал”.

лиси (“Тблицкалканал”) ва Мцхета (“ЖинвалГЭС”) сув таъминоти билан шуғулланувчи компаниялари, шунингдек, Гадабани шахри яқинидаги сувни тозалаш компаниясини хусусийлаштириш танловида ғолиб чиқди. Шартнома шартларига кўра, хусусийлаштирилаётган компанияларнинг янги эгаси барча объектлар учун 85,7 миллион доллар тўлаб берди ва мазкур объектларни қайта тиклаш ва келажакда ривожлантириш учун умумий миқдорда яна 350 миллион доллар сармоя киритиш мажбуриятини олди.¹⁴

Екатерина Шарашидзе

1974 йил, 1 февралда туғилган. Ўрта мактабни тамомлаганидан сўнг оиласи билан Грузиядан АҚШга кўчиб кетган ва у ерда 15 йил истиқомат қилган.

Ўзбекистондаги Жон Кеннеди давлат бошқаруви мактабини ва Массачусетс технологиялар университетининг Слоун бизнес-мактабини тамомлаган.

Грузияга қайтганидан сўнг Грузия Президентининг иқтисодий ривожланиш ва тўғридан-тўғри хорижий сармоялар бўйича махсус маслаҳатчиси сифатида ишлаган. 2006 йил ноябрда Грузия Президентининг маъмурияти бошлиғи лавозимига тайинланган. 2008 йил февралдан декабргача иқтисодий ривожланиш вазири лавозимида ишлаган. Шундан кейин 2010 йил январгача яна Президент маъмуриятини бошқарган.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Грузиядаги йирик корхоналарни хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар сезиларли даражада яхшиланганини

¹⁴ “Тбилводоканал” и “ЖинвалГЭС” переходят во владение швейцарской “Multiplex Solutions” // ИА Regnum. 2007 йил, 28 октябрь (www.regnum.ru/news/906122.html).

таъкидлади ва 2003 йилда 3,3 баллни ташкил этган мос кўрсаткични 2007 йилда 4 баллгача кўтарди.¹⁵

Ривожланиш кўрсаткичи унчалик катта эмасдек кўриниши мумкин, лекин бозор иқтисодиётига ўтаётган 29 мамлакатдан 7 тасигина шу каби кўрсаткичга эга бўла олди, холос (ўша пайтлардаги Россиянинг кўрсаткичи 3,3 дан 3 баллгача пастлаган эди). 4 га тенг индекснинг маъноси – давлат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги активларининг 50 фоизи хусусий мулк кўринишига ўтгани ҳамда уларни корпоратив бошқаришда сезиларли ўсишга эришилганини англатади.¹⁶

“Грузия почтаси” компаниясини сотиш учун қонуний тайёргарлик кўриш – йирик компаниялар (стратегик аҳамиятга эга корхоналар)ни хусусийлаштириш бўйича охирги чора-тадбирлардан бири бўлди. Охирги ўттиз йил ичида бу компаниянинг ҳатто пойтахт бўлимларида ҳам деярли ҳеч нарса ўзгармаганди (албатта, фақатгина путур етказилганини ҳисобга олмаса).

Грузия темир йўллари хусусийлаштириш масаласи ҳамон ҳал этилмаган ҳолда қолмоқда. 2007 йил охирида сотиш муддати ва эҳтимолий харидорлар номзодларини фаол муҳокама этиш бошланди. Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ҳаттоки ноябрда

¹⁵ Georgia Human Development Report by UNDP. The Reforms and Beyond. 2008 (hdr.undp.org/en/reports/nationalreports/europethecis/georgia/NHDR-Georgia-2008.pdf)

¹⁶ Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг тузилма ва институционал кўрсаткичлари динамикаси ЕТТБ томонидан 1989 йилдан бери баҳолаб борилади. Ривожланиш кўрсаткичлари бозор иқтисодиёти амал қиладиган ва саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг меъёрларига асосан ўлчанади. Бунда қандайдир “соф” бозор иқтисодиёти ва унга ўтишнинг охирги нуқтаси мавжуд эмас, деб ҳисобланади. Кўрсаткичлар “1” дан “4+” гача баҳоланади, “1” – марказлашган режали иқтисодиётга нисбатан жуда оз ўзгариш ёки ўзгаришнинг умуман мавжуд эмаслиги бўлса, “4+” – саноат жиҳатидан ривожланган бозор иқтисодиёти стандарти.

аризаларни қабул қилиш учун танлов ҳам эълон қилди. Қозоғистон, Швейцария, АҚШ ва Россиядан бешта компания савдода иштирок этиш хоҳишини билдирди, лекин вазирлик ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сотиш тартиби муҳокамасини тўхтатиб қўйди.¹⁷

Бунга ўхшаш воқеа олдин ҳам кузатилганди – Буюк Британиянинг “Parkfield Investment” компанияси Грузия темир йўллари тармоғига ўн йил давомида 1 миллиард доллар сармоя киритиш эвазига тармоқни 99 йилгача бошқариш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида ҳукуматга мурожаат қилганди. Лекин музокаралар охирига етмасдан тўхтаб қолганди.

Ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири лавозимида ишлаган вақтида Бендукидзе бу масалани босқичма-босқич ҳал қилиш сценарийсини тақдим этганди. У компанияни акциядорлик жамиятига айлантиришни, сўнгра акцияларни Грузия ва хориждаги фонд биржаларига жойлашни таклиф қилди. Бу ҳолатда Грузия темир йўллари бир-бирини мувозанатлаб турадиган бир неча хўжайинлар қўлига ўтган бўларди. Лекин айнан ушбу объектни хусусийлаштириш борасида кўпчилик хавфсиради. Хавфсирашларни Екатерина Шарашидзе қуйидагича баён этганди: “Темир йўлларни хусусийлаштириш – қийин масала, чунки унда бизга қўшни мамлакатларнинг ҳам стратегик қизиқишлари мужассамлашган. Биз IPO (акцияларни биржага эркин жойлаштириш) жараёнини жон деб амалга оширамиз, унча катта бўлмаган 15–25 фоизини хусусийлаштирамиз. Лекин муаммо шундаки, уни сотиб олган Россия қандай йўл тутиши номаълум. Озарбайжон томони Қозоғистондан келадиган маҳсулотларга тўсиқ қўйиши мумкин. Қозоғистон томони эса, аксинча, Озарбайжон маҳсулотларига тўсиқ

¹⁷ В Грузии приватизируют стратегические объекты // *Капитал.kz*. 2008 йил 31 январь. №4 (141) (www.gazetakapital.kz/2008/01/31/v-gruzii-privatizirujut-strategicheskie.html).

қўяди. Шунинг учун қотиб қолган нуқтадан ҳалигача олға сурила олмадик”.


Лекин ҳаёт шуни кўрсатяптики, стратегик жиҳатдан муҳимлиги кам бўлмаган соҳа – энергетикада амалга оширилган хусусийлаштириш вазиятнинг тубдан яхшиланишига олиб келди. Грузия пойтахтидаги электр таъминоти компаниясининг россиялик эгаси 2008 йилги рус-грузин уруши вақтида ҳам ўз мажбуриятларига холис ёндашди. “Иқтисодиётни максимал равишда очиш – энг яхши ҳимоя ҳисобланади: хусусийлаштириш жараёни қанчалик шаффоф бўлса, объектни рус компаниялари сотиб олишлари учун имконият шунча кам бўлади”¹⁸, – деб ҳисоблайди Бендукидзе.

Хусусийлаштириш натижаларини уч мезон бўйича баҳолаш мумкин.

Пора ҳақида гап борганда, у совет давриданок Грузия учун табиий ҳол саналарди. Пора олиш ҳоқимиятнинг барча қатламларига кириб борган, мамлакат фуқаросининг давлат органлари билан муносабатлари асоси эди. Лекин олти йил ичида ҳеч бир давлат коррупциядан холи бўлиш йўлида Грузия сингари жадал ҳаракат қилгани йўқ: “Transparency International”¹⁹ ташкилотининг рейтингда мамлакат 2003 йилда 133 та давлат орасида 124-ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йилда 180 та давлат ичида 66-ўринга кўтарилди олди. Бу давр мобайнида Россия тескари йўналишда ҳаракатланди ва 133 давлат орасида 86-ўриндан 180 давлат орасида 146-ўринга тушган ҳолда, Грузиядан 80 поғона ортда қолди.

¹⁸ Жлуктенко В. Бизнес и государство построены по-разному. Управлять компанией проще // *Экономические известия*. 2006 йил, 18 май (www.liga.net/smi/show.html?id=190822)

¹⁹ Transparency International – жаҳоннинг турли мамлакатларида коррупция даражасини мониторинг қилиш билан шуғулланадиган халқаро нодавлат ташкилоти.




Хусусийлаштирилган корхоналар сони ва бунинг натижа-сида олинган даромад, 1995–2008 йиллар. Манбалар: Statistical Yearbook of Georgia. 2003. 161-саҳифа; Statistical Yearbook of Georgia. 2009. 136-саҳифа (www.geostat.ge/index.php?action=wnews&lang=eng&npid=2).

Бюджет даромадлари қандай ўзгарди? 2001–2003 йилларда капитал фойдалар умумий фойданинг 1 фоизинигина ташкил этган бўлса, хусусийлаштириш эвазига 2005–2007 йилларда умумий бюджетнинг 10,7–12,9 фоизини ташкил этди. 2004 йил охирида Саакашвили кейинги йил якунида хусусийлаштиришдан 200 млн доллар тушум қилмоқчи эканини айтганида, кўплар учун бу ақл бовар қилмас ҳодисадек кўринганди (бунгача 199,6 млн доллар пул 1996 йилдан 2004 йилгача тўққиз йил давомида келиб тушганди). Лекин унинг тахмини анча паст бўлиб чиқди: 2005 йилда хусусийлаштиришдан келиб тушган даромад 231,4 млн долларни ташкил этди.

Мулк эгалари ўзгариши билан хусусий корхоналарда шиддатли ўсишлар кузатилди: агарда бундан олдинги беш йилликда мазкур сектордаги маҳсулот ҳажми 73 фоизга ўсган бўлса, кейинги беш йилликда (2004–2008 йилларда) 2,3 бараварга ўсди.

Натижада 2010 йилда давлат корхоналарининг маҳсулот ҳажми 2006 йилги нарх бўйича 500 миллион долларни ташкил этган бўлса, хусусий корхоналар маҳсулот ҳажми бундан ўн баравар кўп бўлди.



Хусусийлик тури бўйича таснифланган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, 1999–2010 йиллар (миллион доллар, 2006 йилги баҳолаш бўйича). Манба: Грузия статистика хизмати маълумотларига кўра, “Business Statistics” (www.geostat.ge/index.php?action=page&p_id=212&lang=eng).

2003 йилда, яъни йирик хусусийлаштириш жараёнидан олдин давлат корхоналари 2006 йилги нарх бўйича деярли юқорида келтирилган сўмма миқдоридан – 576 миллион доллар, хусусий корхоналар эса 2010 йилги миқдордан 4,8 марта кам маҳсулот ҳажмига эга эди.

Самарали хусусий тадбиркор механизми наф келтиряптими? 2004–2007 йиллардаги йиллик ўртача иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 9,3 фоизни ташкил этди – одатда бу каби кўрсаткичлар иқтисодий мўъжиза деб аталади. Албатта, бу фақат хусусийлаштириш туфайлигина рўй бергани йўқ, лекин мулк давлат ихтиёридан муваффақиятли тарзда чиқарилгани муболаға эмас.

Энергетика

Мамлакатдаги ҳар бир инсон энергетика соҳасининг самарасизлиги билан кўп йиллар давомида тўқнаш келган. Сиёсатшунос Александр Рондели қуйидагича ҳикоя қилади: “2000 йил 17 февралда оғир инфарктни бошимдан ўтказдим. Эрталабки соат уч ярим. Кўчада ҳарорат минус тўққиз даража. Электр чироғи йўқ,

газ йўқ, иссиқлик йўқ, фақатгина сув бор эди (у ҳам доим берилмасди, чунки насослар ўчирилди). Ўзингни худди муздек қабристонда ётгандек ҳис қиласан. Устимда пальто, унинг устидан иккита кўрпа ёпиб олганман. Ойнани очаман, тақиллатаман ва ёрдамга чақираман. Ниҳоят, еттинчи қаватдан қўлида шам билан кимдир тушиб келди. “Тез ёрдам” ҳам етиб келди, кардиограмма қилишди ва шифохонага боришим кераклиги ойдинлашди. Лекин бунинг иложи йўқ: кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида тураман, бунинг устига, эски, қаватлар баланд, лифт ишламайди, менинг аҳволимда эса фақат ётиш керак. Шунинг учун кечки соат тўққизгача – электр берилмагунча менга тегишмади. Фақат тўққиз яримдагина касалхонага етиб бордим. Ҳаётимни зўрға сақлаб қолишди...”

Совет ҳукумати вақтида Грузияда электр муаммоси бўлмаган. Республика ҳудудида тўлиб оқадиган дарёлар сони етарли даражада, лекин грузин энерготизими бутунлай умумиттифоқ тизимига уланган эди ва автоном таъминот кўзда тутилмаганди. Чироклар ўчирилса ҳам, бу каби ҳодисалар фақат декабрнинг охири кунларида кичик шаҳарча ва қишлоқларда рўй берар, бунинг замирида эса йил якунига кўра энергетикларнинг мукофот олишга бўлган интилишлари ётарди.

1993 йилга келиб вазият ўзгариб кетди. Гувоҳлардан бири шундай эслайди:

Январь ойида Грузия пойтахти электр ва газсиз қолди. Воқеаларнинг бундай тус олишига умуман тайёр бўлмаган инсонларнинг қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш мумкин. Туркиянинг газ фонуслари, моторли электр қурилмалари, аккумуляторлар, сув учун мўлжалланган баклар ва бошқа микроинфратузилма жозибалари у вақтда йўқ бўлиб, улар кейин пайдо бўлганди. Керосини борларга

омад қулиб боққан бўлса, қолганлар эса ҳовлига чиқиб ўтин ёриш ва болаларининг қорнини тўйдириш учун овқат тайёрлашга киришдилар. Нон билан боғлиқ муаммо юзага келди ва улкан, турнақатор навбатлар пайдо бўлди... Грузия пойтахтида биринчи оммавий норозиликлар 2000 йилнинг кузида бошланди – “чироқ ва газ” талаб қилган аҳоли кўчаларни тўсиб қўйди. Аслида, бу норозиликлар 90-йиллар бошидан бунга биринчиси эди. Ҳукумат ўша заҳотиёқ бунга жавобини берди: кейинги йил баҳордан бошлаб Грузия пойтахтида электр энергиясида узилишлар кузатилмади, шу билан биргалликда, Грузиянинг қолган қисми барибир электр энергиясисиз қолаверди.²⁰

1990-йилларнинг бошидаёқ Грузияда электр энергияси тизимини ислоҳ қилишга уринишлар кузатилганди. Ўша вақтларда европача намунани мамлакатга мослашга ҳаракат бўлганди, бунинг учун бозор иштирокчилари ўртасидаги вертикал интеграция ва тўғридан-тўғри шартномаларга қонунан тақиқ кiritилганди.²¹

Бу умумий келишув Буюк Британияда, ҳокимият тепасида Маргарет Тэтчер бўлган вақтида ишлаб чиқилганди ва келишув қатнашчилари ўзлари ишлатган электр энергияси учун пул тўлардилар. Лекин Грузияда фойдаланилган хизмат учун пул тўлаш интизоми паст эди, иқтисодий асосланмаган ҳолда ўрнатилган паст тарифли тушумлар масаласи эса кучли сиёсийлаштирилган ҳамда коррупцияга ботганди ва шунинг учун ҳам ишламасди. 2007 йилдан бошлаб энергетика вазири бўлган Александр Хетагури шундай эслайди:

²⁰ Васадзе Г. “Миша и его команда – накануне” // 2009 йил, 27 октябрь (gelavasadze.livejournal.com/337607.html).

²¹ Грузияда ҳам ҳозирги кунда Россияда қўлланиладиган тизим ишлатилган, фақат кичикроқ мамлакатга мослаб бироз ўзгартирилган.

Тушумлар йўқлиги, барча харажатларни қоплай олмайдиган даражадалиги туфайли гидростанцияларнинг бари яроқсиз ҳолатга келиб қолганди. Иссиқлик электр станцияларидаги ёқилғи қийматини қоплашнинг иложи йўқ, тушум миқдори тахминан 30 фоизни ташкил этар, қарзлар йиғилиб кетган, шу туфайли иссиқлик электр станциялари тўхтаганди. Натижада занжар реакцияси бошланди – электр энергияси чекка ҳудудларга кунига саккиз соатгагина берилса, Тбилисига 16–18 соатга узатиларди. Баъзи ҳудудларга икки-уч ой давомида электр энергияси умуман берилмади ҳам.

Тез-тез такрорланиб турадиган қўпоровчилик ҳаракатлари ҳам электр энергияси таъминотидаги узил-шилнинг сабабларидан бири эди. Грузин газеталарида шу каби хабарлар бериларди:

Ғарбий Грузиядаги “Колхети” юқори кучлишлик электр линиясида 2003 йил, 18 августда бўлиб ўтган авария натижасида деярли бутун мамлакат электр энергиясисиз қолди. Мавжуд маълумотларга кўра, носозлик электр узатиш линиясига ўқотар қуролдан узилган ўқ сабабли юзага келган бўлиши мумкин ва бу каби ҳолат илгари ҳам бир неча бор кузатилган.²²

2003 йил, 3 сентябрда “Имерети” юқори кучлишлик электр линиясида авария тартибидagi узил-шил рўй берди, натижада бутун Тбилиси ва Шарқий Грузиянинг аксарият ҳудудлари электр энергиясисиз қолди. Грузия энергетика вазири Мамуки Николаишвилининг сўзларига кўра, электр узатиш линиясига нисбатан қў-

²² Электроснабжение восстановлено частично // *Civil Georgia*. 2003 йил 19 август (www.civil.ge/rus/article.php?id=3074).

*порувчилик ҳаракати амалга оширилган.*²³

*Ёқилги ва энергетика вазирининг сўзларига кўра, 2003 йил, 10 сентябрда “Кавкасионни” юқори кучланишли электр узатиш линиясига қасддан зарар етказилган.*²⁴

*2004 йил, 14 сентябрда “Картли-2” юқори кучланишли электр узатиш линиясида кўпорувчилик ҳаракати амалга оширилди.*²⁵

*2004 йил, 20 сентябрда “Кавказ” юқори кучланишли электр узатиш линиясида иккита портлаш рўй берди, натижада Грузиянинг катта қисми электр энергиясисиз қолди.*²⁶

*2004 йил, 10 октябрда Ғарбий Грузиядаги юқори кучланишли электр узатиш линиясида иккита портлаш рўй берди. Мазкур ҳодисадан бир кун олдин Гори шаҳри ёнидаги “Картли-2” юқори кучланишли электр узатиш линиясида портлаш кузатилганди.*²⁷

Хетагури хотираларини давом эттиради:

2006 йилнинг 21 январиди, бу кунни жуда яхши эслайман, эрталабки соат тўрт яримда магистрал газ узатиш тармоғи диспетчери ва марказий электр узатиш линиялари диспетчери менга қўнғироқ бўлди. Бир вақтнинг ўзида

²³ Диверсия на высоковольтной линии электропередачи // *Civil Georgia*. 2003 йил, 4 сентябрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=3167).

²⁴ Вновь повреждена высоковольтная линия электропередачи // *Civil Georgia*. 2003 йил, 10 сентябрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=3213).

²⁵ Взрыв на электролинии “Картли-2” министр энергетики называет диверсией // *Civil Georgia*. 2004 йил, 15 сентябрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6047).

²⁶ Из-за аварии на линии электропередачи Грузия осталась без света // *Civil Georgia*. 2004 йил, 21 сентябрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6093).

²⁷ Еще один взрыв на высоковольтной линии // *Civil Georgia*. 2004 йил, 11 октябрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6240).

икки носозлик – рус-грузин чегараси яқинидаги Россия томонида жойлашган магистрал газ узатиш линиялари ҳамда Грузияни Россия билан боғлаб турувчи “Кавказ Шимолий” юқори кучланишли электр узатиш линиясида портлашлар рўй берганди. Яъни бир-биридан 150 километр масофада жойлашган иккита газ узатиш ва битта электр узатиш линияси бир вақтнинг ўзида портлатиб юборилган. Бу каби ҳодисалар шунчаки тасодифан рўй бермайди. Ҳозир шунини аниқ айта оламани, бу воқеаларнинг барчаси пухта режаланган ва ҳисоб-китоб қилинганди. Чунки ўша кунни жуда кучли бўрон кириб келган, қаттиқ қор ёғиши кузатилганди. Айтиб ўтилаётган газ узатиш линиясини таъмирлаш учун кетган ўн кун давомида ҳарорат 15–20 даража совуқни ташкил этди. Грузияда бу каби қор ва совуқ ҳаво ўн-ўн беш йилдан бери биринчи марта кузатилди. Мамлакатнинг асосий электр таъминот магистраллари айнан ўша кунни портлатиб юборилганди.

2003 йил 31 августда, Россиянинг “Интер РАО ЕЭС” давлат компанияси АҚШнинг AES компаниясидан “Теласи” тақсимлаш компанияси акцияларининг тўртдан уч қисмини сотиб олганидан сўнг Грузия энергетика соҳасида Россиянинг ўрни сезиларли даражада ошди (у шусиз ҳам электр энергиясини етказиб берувчи асосий давлат эди). AES компанияси “Теласи” акцияларининг бу пакетини 1998 йилда 22,5 миллион доллар эвазига қўлга киритганди (қолган 25 фоиз акция Тбилиси муниципалитети ихтиёрида қолганди). Активларни қайта тиклаш учун яна 210 миллион доллар сарфлаган AES ўз ҳиссасини 23 миллион доллар эвазига “Интер РАО ЕЭС” компаниясига сотиб юборди ва бу қарорни 2003 йилнинг иккинчи уч ойлигидаёқ

129 миллион доллар зарар кўргани билан асослади.²⁸

Бу битим Грузия сиёсий доираларида катта муҳокамаларга сабаб бўлди. Мамлакатдаги энергетика инқирозини ўрганаётган Парламентнинг махсус комиссияси ўша вақтдаги энергетика вазири Давид Мирцхулавадан Россиянинг давлат компанияси қандай қилиб Грузия энергетика бозорига кириб келганини тушунтириб беришини сўради.²⁹ Шунга қарамасдан, “Интер РАО ЕЭС” компанияси Шеварднадзенинг қўллаб-қувватлашига эриша олди. Шеварднадзе ҳаттоки “Ўзининг Грузиядаги бизнес фаолияти даромадли бўлиши учун мазкур компания барча кафолатларни тақдим этди” деб изоҳ беришгача борди.³⁰

Тўғри, бу каби қўллаб-қувватлашларга қарамасдан, 2,6 миллион доллар қарзга кириб улгурган “Теласи” 2005 йил июлга келиб тахминан 180 та ташкилотга, жумладан, Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги, полиция ва Тбилиси шаҳар ёнғинга қарши кураш хизматига электр етказиб беришни бир қанча муддатга тўхтатиб туришга мажбур бўлди.³¹

Шундай қилиб, юзага келган баҳсларда Россия аъло даражадаги дастак ва далилларга эга эди: энергияни у етказиб берарди, лекин тўловлар кечикиши туфайли энергия етказиб беришни ҳар доим тўхтатиб қўя оларди. Шунинг учун бу босимдан қутулишнинг ягона чораси миллий энергетика тизимини ислоҳ қилиш эди.

²⁸ Американская компания сообщила о планах продажи активов в Грузии ОАО РАО “ЕЭС России” // *Civil Georgia*. 2003 йил, 1 август (www.civil.ge/rus/article.php?id=2972).

²⁹ Руководители грузинского энергосектора дали объяснения парламентской комиссии по поводу появления в Грузии ОАО РАО “ЕЭС России” // *Civil Georgia*. 2003 йил, 7 август (www.civil.ge/rus/article.php?id=3013).

³⁰ “РАО ‘ЕЭС России’ будут предоставлены все гарантии безопасного бизнеса в Грузии”, – утверждает Шеварднадзе // *Civil Georgia*. 2003 йил, 11 август (www.civil.ge/rus/article.php?id=3034).

³¹ *Вечерний Тбилиси*. 2005 йил, 12–13 июль. № 76 (17763).

Муҳокама

Энергетика соҳасини янгилаш режалари ҳокимиятга ислоҳотчилар келиши биланоқ бошланган бўлса-да, аниқ концепция йўқ эди.

Бендукидзе қуйидагича эслайди:

2004 йилнинг режаси сармоя киритиш, сармоя киритиш ва яна бир бор сармоя киритишдан иборат бўлиб, у ёғига бир гап бўлар, деб умид қилинарди. Давлат назоратидан чиқариш ва хусусийлаштириш заруриятини ўша заҳотиёқ англаб етгандим. Лекин бунга ҳамма қарши эди. Мавжуд тизим шусиз ҳам яхши ва текис ташкил қилинган, фақатгина уни яхшироқ ишлаб чиқиш керак, деган фикрда эдилар. Катта эҳтимол билан, энг кўп баҳслар айнан шу мавзу атрофида борарди. Бир воқеани эслайман, вазирликлар мажлиси бўлаётган ва унда энергетика масаласи муҳокама қилинаётган кунни (Бош вазир Зураб) Жвания: “Энергетика соҳасидаги ислоҳотларимизнинг муваффақиятлилик мезонлари қандай бўлади?” – деб сўради. “Жуда оддий, – деб жавоб бердим, – мажлисларда қайси ҳудудларда электр бор, қайси бирида йўқ, деб муҳокама қилмаслик муваффақият мезони бўлиб хизмат қилади”. “Йўқ, – деди Жвания, – бундай бўлиши мумкин эмас, бу муаммо бизга узоқ йиллар ҳамроҳлик қилади”. Шунда муҳокамага Молия вазири Зураб Ногаидели қўшилди: “Эслайсанми, Шеварднадзе даврида солиқлар йиғиш бўйича деярли ҳар кунни мажлис ташкил қилинарди. Ҳозирги кунда ҳамма ишлаётгани учун ҳам бунақа мажлислар йўқ-ку!”³²

³² Янги солиқ кодекси кейинроқ, 2004 йил, 22 декабрда қабул қилинди, лекин янги ҳукумат ҳокимият тепасига келиши биланоқ вазият ўша заҳоти ўзгарди – ўғирлашлар сезиларли даражада камайди.

Жвания охир-оқибатда Бендукидзенинг фикрига қўшилди ва энергетика соҳасини ривожлантиришнинг муқобил стратегиясини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берди.

Бендукидзе Жаҳон банки кредитлари ҳисобига фаолият юритадиган ва Иқтисодиёт вазирлигининг таркибий қисми ҳисобланган Корхоналарни қайта ташкил этиш ва бошқариш бошқармаси қошидаги Ёрдам маркази(CERMA)га кўмак сўраб мурожаат қилди. Марказ раҳбарияти фақатгина олти нафар маслаҳатчини ажратиб берди ва бу маслаҳатчилардан икки нафари – Ираклий Берекашвили ва Кетеван Кинкладзе лойиҳани охирига етказдилар. Ислохотларга тайёрланишнинг фаол босқичи 2004 йил сентябрида бошланганди: Бендукидзе ўз ғояларини таклиф этар, Жвания кўпинча бу ғояларга рози бўлмас, лекин икки-уч ой давом этадиган муҳокамалардан кейин ўз розилигини билдирарди.

Берекашвили ислохотчилар тўқнаш келган барча қийинчиликларга гувоҳ бўлганди:

Каха эришган энг катта натижа – у барчани тубдан ислохотлар қилиш зарурлигига ишонтира олгани. Соҳага раҳбарлик қилаётганларнинг фикрлашлари умуман бошқача эди: улар давлат назоратидан ташқари бошқа назорат турини тасаввур ҳам қилмасдилар. Улар билан ҳамкорлик ўрнатиш учун жуда кўп куч сарф қилинди. Уларнинг аралашувларисиз, розиликларисиз ҳеч нарсани ўрндан қўзғатиб бўлмасди. Бунинг учун ярим йилга яқин вақт кетди.

Зураб Жваниянинг вафотидан сўнг³³ Зураб Ногаидели Бош вазир этиб тайинланди ва соҳани ислох қилиш билан янада фаолроқ шўғуллана бошлади. Янги Бош вазир ўша заҳотиёқ энергетика масалалари

³³Расмий тахминга кўра, Жвания 2005 йил, 3 февралда ис газидан заҳарланиб вафот этган.

бўйича давлат комиссияси таркибига кирди³⁴, бу комиссияни бошқара бошлади ва Бендукидзени ўз ўринбосари этиб тайинлади. Кўплаб вазирлар комиссия аъзоси эдилар, таклифлар эса CERMA томонидан тайёрланарди. Бендукидзе қуйидагиларни ҳикоя қилади:

Маъмурий ҳокимиятга эга бўлмаган ҳолда ислохотни қандай амалга ошириш мумкинлигига бу ҳолат одатий мисол бўла олади. Мен ўша вақтдаёқ ислохотлар бўйича давлат вазири лавозимини эгаллагандим³⁵, лекин қўлимда ҳеч қандай таъсир дастаклари мавжуд эмасди. Саволлар ва жавоблар ягона қуролим эди. Аксарият ҳужжатларда жуда кўплаб хатолар мавжуд, бу каби хатолар учун ҳар доим айблашга сабаб топиш мумкин. Комиссия эътиборига ҳавола этилган, лекин менга ёқмаган нарсаларни аёвсиз чиқитга чиқарардим, рад қилардим ва шундан сўнг ўзлари олиб чиққан масала қабул қилиниши учун уни мен билан муҳокама қилишлари кераклигини тушуниб етдилар.

2006 йил, 7 июнда Грузия парламенти “Энергетика секторида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”ни тасдиқлади. Унга кўра, энергетика объектларини хусусий мулкка айлантириш Грузия электр таъминоти тизимини яхшилашнинг асосий воситаси сифатида тан олинди.

³⁴ Бош вазирнинг 2005 йил, 25 январдаги №21-сонли қарори билан Энергетика соҳаси ҳамда хусусийлаштириш стратегиясини институционал равишда назоратдан чиқаришни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи комиссия тузилган.

³⁵ “Бу лавозим (иқтисодий ислохотлар бўйича давлат вазири) фақатгина рамзий бўлмайди. Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида жадаллик билан ислохотларни амалга ошириш учун у Президент ва Бош вазир томонидан берилган мандатга эга бўлади”, – дея фикр билдирди Жвания 14 декабрда // *Civil Georgia*. 2004 йил, 16 декабрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6710).

· Амалиётга татбиқ қилиш

Уч йўналишдан иборат бўлган ислохотни амалга ошириш икки ярим йилга яқин вақтни талаб қилди. Биринчидан, энергетик тизимлар тузилмалари ва мазкур тузилмалар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш ўзгаришга учради. Иккинчидан, нархлар сиёсати қайта кўриб чиқилди. Ва ниҳоят, биринчи икки чора-тадбир туфайли учинчи босқич – энергетика объектларини хусусийлаштириш мумкин бўлди.

Иш эса жорий вазиятни таҳлил қилишдан бошланди. Ҳар қандай мамлакатнинг энергетика тизими энергияни ишлаб чиқариш; уни етказиб бериш, марказий назорат қилиш ва бошқариш; истеъмолчигача етказиб олиб бориш (тақсимлаш) каби уч босқичли жараён учун масъул объектлар мажмуасидан иборат бўлади.

Амалиётда эса бу қуйидагича эди: барча электр станцияларида ишлаб чиқарилган энергия марказий тармоққа узатиларди. Узатилган электр энергияси ҳажми ва унга бўлган эҳтиёж ўртасидаги мувозанат алоҳида станцияларни тармоққа улаш ва узиш орқали таъминланарди.

Электр энергияси истеъмолчига 1990-йилларда ташкил этилган электрнинг улгуржи бозори (ЭУБ)³⁶ орқали келиб тушарди. Барча энергия (шунингдек, импорт қилинадиган энергия ҳам) ЭУБга келиб тушар, сўнгра улар энергияни тўғридан-тўғри сотиб оладиган йирик компаниялар ва энергияга бўлган эҳтиёжларини 95 фоиздан ортиқ миқдорда таъминлай оладиган дистрибьюторлардан иборат харидорлар орасида тақсимланарди.

Улгуржи бозор ғояси қуйидагича асосда яратилганди – у ёзда пул йиғиш билан банд бўлса,

³⁶ Грузия электр энергиясининг улгуржи бозори – Россия электр энергияси Федерал улгуржи бозори (ФОРЭМ)нинг аналоги ҳисобланади.

қишда йиғилган пулга ташқаридан қимматроқ нархга электр энергияси сотиб оларди. Аслида эса пул йиғишнинг иложи йўқ эди. Чунки ЭУБ на харидор, на сотувчи эди, у бор-йўғи бир воситачи эди, холос. Бу қанчалик ғалати туюлмасин, энергияни сотиб олувчи харидор ва сотувчи ўртасида бирор ҳуқуқий доирадаги муносабат йўқ, шунинг учун улар ўртасида қарздорлик келиб чиқиши ҳам мумкин эмасди. Бошқача қилиб айтганда, компания электр энергиясини пул тўламаган ҳолда “сотиб олиши” мумкин эди ва бу ҳолда ЭУБ қарздор бўлиб қоларди. Шу билан бирга, бу пулларни қайтариб олиш учун ЭУБ ҳеч қандай ваколатга эга эмасди: масалан, қарз тўланмагани учун у электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўя олмасди. Натижада кўрсатган хизматига керакли тарзда тўлов ола билмаган энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бошида калтак синди.

Бендукидзе шундай хотирлайди:

Энергия ишлаб чиқарувчи майда генераторларни хусусийлаштириш вақтида синглим билан ишлайдиган бир аёлнинг эри икки турбинали кичик ГЭС сотиб олганди. Турбиналардан бири ишдан чиққанида у жуда хурсанд бўлганди, чунки чиқим камайганди. Яъни ўша одамнинг харажатлари етарлича бўлиб, келадиган фойда эса йўқ эди. Ҳеч ким пул тўламасди.

Устига-устак, юқори даражали коррупция туфайли қарздорларни излаб топишга бўлган уринишларга батамом нуқта қўйилганди. Ҳаммада ҳисоблагични “орқага айлантириб қўйиш”, тўлов миқдорини камайтиришга қизиқиш устун эди. Шунингдек, чекка ҳудудлардаги истеъмолчиларда электр энергиясини ҳисобга олишнинг ҳеч қандай тури мавжуд эмасди. Электр энергиясини қанча хоҳласа, шунча ишлата оладиган турли хил имтиёзли тоифалар вакиллари

(масалан, қочоқлар) борлиги эса муаммони янада чуқурлаштирарди.

Бендукидзенинг гувоҳлик беришича, 2002 йилда оилалардан бири бир ярим миллион лари миқдоридоги электр энергиясини сарфлаган³⁷, чунки у уйдан электр энергияси симини ноқонуний ўтказган, бу электр энергияси эса бир нечта саноат корхоналарининг ишлатилишига кетган.

Электр энергиясидан бу каби рухсатсиз фойдаланиш техник йўқотишлар сифатида қайд қилинарди. Тўғри, эскирган инфратузилма тўфайли асл йўқотишлар ҳам меъёрдагидан икки-уч баравар юқори эди.

Дистрибьюторлик компаниялари тўртта эди: Тбилисидаги “Теласи”, Грузия ҳудудининг 70 фоизидан кўпроғига энергия етказиб берувчи UEDC (United Energy Distribution Company), Кахетия вилоятидаги ҳудудий дистрибьюторлар (“Кахетия электр тақсимооти”) ва Ажария (Ажария тақсимоот компанияси) компаниялари. 75 фоизи “Интер РАО ЕЭС” компаниясига тегишли бўлган “Теласи”дан ташқари қолган уч компанияга давлат эгалик қиларди.

Энергия тарифларини тартибга солиш бўйича Миллий комиссия (GNERC) деб аталадиган ноҳукумат ташкилоти Грузия электр таъминоти тизимининг муҳим бирлиги эди.³⁸ Давлат томонидан ташкил этилган бу ташкилот сиёсатдан мутлақо холи бўлиши, мутлақо эркин бўлган раҳбарият ҳар етти йилга тайинланиши, унинг маоши эса вазирниқидан юқори бўлиши

³⁷ 700 минг долларга яқин. Таққослаш учун: тариф оширилганидан сўнг Тбилисидаги Эркин университет (800 нафар ходим ва талаба) электр энергияси учун ойига 4 минг доллар (2009 йил охири ҳолатига кўра), яъни йилига 60 минг доллар тўлайди.

³⁸ Мустақил тариф комиссиялари ғояси янги эмас, у дунёнинг кўплаб мамлакатлари ва регионларида амалга оширилган. Масалан, Техасда самарали равишда ишлаб келмоқда.

тахмин қилинганди. Расмий мақоми жиҳатидан мазкур комиссия биринчи инстанциядаги судга ўхшаб кетарди, у томонидан ташкил этилган йиғилишларда энергетика бозори аъзолари тарифлар ҳақидаги таклифлари билан иштирок этардилар. Қатнашчилар позициялари ва улар келтирган далилларни кўриб чиққан комиссия натижавий тарифни ўрнатарди.

Амалда эса GNERC тизимнинг энг заиф бўғини бўлиб чиқди. Тарифлар қуйидагича аниқланарди: GNERC энергия ишлаб чиқарувчи компаниядан келгуси йил учун бюджет миқдорини сўрар ва бу миқдорни компания ишлаб чиқарадиган электр энергияси ҳажмига бўлиб қўя қоларди. Шунингдек, компания энергия ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, жараёни бошқариш ҳамда энергияни экспорт ва импорт қилиш фаолиятлари учун лицензиялар берар, бунинг учун ҳар бир лицензия эгасидан йиллик тўлов оларди. Компания айнан шу пуллар эвазигагина мавжуд эди.

Мураккаб чигал тизим, ғоятда паст тўлов интизоми ва тўловларни рағбатлантириш учун дастакларнинг мавжуд эмаслиги туфайли тизим молияланмас, инфратузилмани янгилашнинг иложи йўқ эди. Электр билан боғлиқ муаммолар кучайиб борар, тўлов ҳажмлари эса ўз-ўзидан камайишда давом этарди. Шу тарзда нуқсонли бир доира ташкил топган бўлиб, уни бузишга эса ҳеч кимда хоҳиш йўқ, чунки жуда кўпчилик бундан манфаатдор бўларди.

Юзага келган вазиятни ҳал қилишга уринган CER-MA ходимлари кўз ўнгида жуда даҳшатли манзара намоён бўлди. Ислоҳотгача бўлган даврда “Интер РАО ЕЭС” томонидан янги электр ҳисоблагичлар ўрнатилгани учун ҳам Тбилисида тўловлар бўйича нисбатан унча ёмон бўлмаган 82 фоизли кўрсаткичга эришилганди. Чекка ҳудудларда вазият анча ёмон эди: электр ҳисоблагичлар йўқ, ҳамма олдиндан белгиланган суммани тўлар, электр энергияси эса

қунига 3-4 соатгина бериларди. Натижада UEDC 32 фоиз тўлов йиға олди, холос. Ўз навбатида, дистрибьюторлик компаниялари ҳам улгуржи бозорга етарлича тўлов қилмасдилар: “Теласи” олинган энергиянинг 28 фоизи, UEDC 8 фоизи, Кахетия ва Ажария компаниялари эса мос равишда 13 ва 63 фоизи учун пул тўлардилар. Шартнома бунга рухсат берарди, чунки унда компаниялар фақат ўз харажатларини қоплаб бўлганларидан кейингина улгуржи бозорга тўлов қилишлари кўрсатиб қўйилганди. Шу сабабдан ҳам кўпинча сарф-харажатлар ҳам олдиндан “саҳналаштирилган” бўлиб чиқарди. Натижада, улгуржи бозор ҳам энергия учун бўғиннинг кейинги ҳалқалари – энергия ишлаб чиқарувчиларга 81 фоиз, энергияни етказиб берувчи ва жараённи бошқарувчи компанияларга эса 80 фоиз тўловни амалга оширарди.

Бундай ҳолатларда хусусийлаштиришни амалга оширишнинг ўзи имконсиз эди – аниқ зарар келтирадиган корхонани ҳеч ким сотиб олмасди. Компанияларда фойда олиш имкони пайдо бўлиши учун аввало бозор тузилмасини тартибга келтириш зарур эди.

Барча тартибга солувчи органларни тугатиш ва ҳудудий жойлашувига кўра шартли равишда “East” ҳамда “West” деб номланган, мос равишда Грузиянинг шарқида ва ғарбида фаолият юритадиган компаниялар уюшмасини ташкил этиш бирламчи ғоя бўлганди. “East” ҳамда “West” алоҳида равишда ишлаб чиқариш ва тақсимлаш қувватларига эга бўлиши тахмин қилинганди. Функциялар бундай мослаштирилишининг сабаби – ГЭСга сармоя киритиш фойдали саналса ҳам, электр энергиясини якуний истеъмолчига етказиб бериш инфратузилмасининг ўша пайтдаги кўриниши сармоядорларда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмасди, чунки мазкур инфратузилмада барчасини бошидан бошлаш керак эди. Сармояларга

бўлган талаб юқори, ишлаб чиқариладиган маҳсулот эса сиёсий жиҳатдан долзарб эди. Активларни бепул беришга қарор қилинди, лекин даъвогарлар бу объектларга сотиб олишлари мумкин бўлган нархдан кам бўлмаган суммада сармоя киритишлари талаб қилинарди. Устига-устак, активларни қарздан халос қилган ҳолда бериш назарда тутилганди. Амалда эса қарздор компаниялар мавжудлигича қолаверарди, фақатгина улардан барча активлар олиб қўйиларди. Кейинчалик бу сингари компаниялар банкротлик жараёнидан ўтардилар: давлатнинг ўз компаниялари давлат олдида қарздор эдилар. Албатта, бу каби схема “Теласи”га тегишли эмасди, чунки бу компаниянинг хусусий эгаси бор эди.

Шундай қилиб, ислохотчилар назарий жиҳатдан хусусийлаштириш, сармоялаш ва қайта қуришни бирлаштира олдилар. Бу каби схемада GNERC аста-секин ўз ўрнини йўқотиб борар, охир-оқибат, бозор тўлиқ мустақилликка эришарди: аҳолининг харажатларни қоплай олиши ва тўлов қобилиятига кўра компаниялар тарифлар белгилаши; “East” ҳамда “West” ўзаро рақобатлашиши, шунингдек, географик жойлашуvidан қатъи назар, ихтиёрий компаниядан электр энергиясини сотиб олиш мумкин бўлиши керак эди. Электр энергиясининг улгуржи бозори тугатилар, унинг иштирокчилари бутунлай тўғридан-тўғри шартномаларга ўтишар, ҳисобот даври охирида истеъмолчиларга тўлов қоғозлари тақдим этувчи клиринг хизматлари ташкил этиларди. Юқори кучланишли узатиш эса бутун дунёда бўлгани каби давлат ихтиёрида қоларди.

Лекин сиёсий сабабларга кўра ислохотчиларнинг ўйлаганлари бу каби мукамал кўринишда ҳаётга татбиқ этилмасдан қолиб кетди. Бу тартиб афзалликларини кўпчилик кўра олган бўлса-да, орага хавфсизлик масаласи қўшилди. Тартибга солишнинг бекор қилиниши тарифларнинг ошишига олиб ке-

ларди. Одамларни эса тарифни ошириш кераклигига ишонтириш қийин эди. Барчанинг фикри бир хил эди – тотал коррупция туфайли қўшимча тўланган бир тетри³⁹ ҳам электр таъминотининг яшиланишига сарфланмайди, аксинча, коррупционерларга насиб этади.

Натижада, бу “мукамал” схемани социал ижтимоий воқеликка мослаштиришга тўғри келди.

Биринчидан, вертикал равишда ажратиш талаблари бекор қилинди – компанияларга ишлаб чиқариш бўғинларининг бир неча босқичларини бирлаштиришларига рухсат берилди. Бозор тузилмаси ўзгарди, унинг ҳар бир ўйинчисига тегишли бўлган роллар ва жавобгарликлар аниқ қилиб қўйилди. 2006 йил сентябрида қабул қилинган “Электр энергияси ва табиий газ тўғрисида”ги қонунга киритилган тuzатишларга кўра, улгуржи бозор тугатилди – ҳозирги пайтда унинг барча иштирокчилари тўғридан-тўғри шартнома асосида фаолият юритмоқда. Сотувчи кимга электр энергия сотишини билади, агарда тўлов амалга оширилмаса, қарздорни тармоқдан узиб қўяди ва ишни суд орқали кўриб чиқишни бошлаб юборади. ESCO (Electricity System Commercial Operator) деб аталадиган янги оператор пайдо бўлган. У ортиқча энергияларни сотиб олади, уларни мамлакат ичида сотади ёки экспорт қилади. Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маркетинг хизматлари бўлиши шарт эмас ва ортиқча ишлаб чиқарилган энергияни ўзлари сотиш жараёнида келиб чиқадиган бошоғриқлардан фориф бўладилар. Шу билан бирга, ESCO мувофиқлаштирадиган электр энергияси улгуржи бозорга қараганда анча кам.

ESCO операторининг ташкил этилишига Бендукидзе қарши бўлганди:

*Агарда бозорда кучли ўйинчилар бўлмаса,
ESCO операторининг кўзини ёғ босиб, семира*

³⁹ 100 тетри = 1 лари.

бошлайди, тобора кўп ҳажмда энергия олиб-сотишга ўтади, деган хавфда эдим. Ортиқча нарсалар билан савдо қилиш бу тизимнинг ичига ҳам кириб бориши мумкин эди. Лекин ҳаётда бу хавф унча катта бўлиб чиқмади, ҳозирда эса кучли ўйинчилар мавжуд.

Иккинчидан, тарифларни тартибга солишга қисман барҳам берилди. Бу бир неча босқичда амалга оширилди: аввало узоқ муддатли шартномалар татиқ қилинди, сўнгра хусусийлаштириш жараёнида компанияларга ўзлари тарифларни белгилаш ҳуқуқи тақдим этилди. Фақатгина охириги истеъмолчи учунгина тартибга солинадиган тариф сақланиб қолинди. 2006 йил 1 июндан Бендукидзе томонидан “энг кам зиёнли субсидиялаш тури” деб номланган уч босқичли тариф амалга киритилди⁴⁰. У истеъмол кўламига кўра ҳисобланади – истеъмол ҳажми қанчалик кўп бўлса, энергия бирлигига тўланадиган тўлов ҳам шунча юқори бўлади. Шундай қилиб, ислохотгача бўлган даврда Тбилиси аҳолиси ҳар қандай истеъмол ҳажмидан қатъи назар, 100 кВт·соат энергия учун 6,75 доллар тўлаган бўлса, 2006 йил июнидан бошлаб энг арзон тариф 7,6 долларни, энг қиммат тариф эса 9,9

⁴⁰ Давлат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдан воз кечмаган ва қўшимча равишда бир марталик субсидиялаш акцияларини амалга оширмақда. Масалан, 2007 йил октябрида 2,8 миллион киши (нафақахўрлар, педагоглар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари)ни қўллаб-қувватлаш мақсадида, электр энергияси ва табиий газга тўлов қилишлари учун уларга ҳар бири 25 доллар қийматга эга бўлган иккита ваучер тақдир этган ҳолда, давлат 60 миллион долларга яқин маблағ ажратди. Бошқарувдаги партиянинг нуфузли депутати Гига Бокерия ҳукумат ислохот йўналишига содиқ қолаётганини маълум қиларкан, “Лекин бу ислохотлар аҳолининг бир қисми учун оғриқли бўлади, шу сабаб биз ёрдам орқали бу муаммоларни енгиллаштиришни хоҳлаймиз”, дея баёнот берди (Н. Гилаури иккита, что программа социальной помощи вызовет инфляцию // *Civil Georgia*. 2007 йил, 23 октябрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=14586 мақолага қаранг)).

долларни ташкил этди. Ҳудудлар аҳолиси учун тариф 4,5 доллардан 7,3–9,9 долларгача ортди.

	Тбилиси		Регионлар	
	Май 2006 й.	Июнь 2006 й.	Май 2006 й.	Июнь 2006 й.
100 кВт.с	11,97	13,5	7,97	13
101-300 кВт.с		16		16,5
300 кВт.с. дан балаңд		17,6		17,5

Электр энергияси учун тарифнинг ўзгариши (1 кВт-соат учун тетра ҳисобида). Манба: Georgia Human Development Report by UNDP. The Reforms and Beyond. 2008.

Бендукидзе 300 кВт-соатдан ортиқ электр энергияси истеъмол қиладиганларни тариф орқали тартибга солишдан тўлиқ озод этишни таклиф қилди. Лекин бу ғоя рад этилди.

Ҳозирги схема тўловчининг иқтисодий ҳолатини эътиборга олиш имконини беради: агарда тўловчи кўп электр энергияси истеъмол қилса, демак, унинг электр қурилмалари сони кўп, у яхши таъминланган ва ўз-ўзидан тўловни амалга оширишга қодирлик даражаси ҳам юқори.

Александр Хетагури қуйидагича ҳикоя қилади:

Босқичма-босқич ортиб борадиган тартибдаги тарифни белгилаганимизда, кўплаб экспертлар бизни танқид остига олдилар, бозор қоидалари бошқача эканлиги – қанчалик кўп сарфланса, тарифлар шунчалик арзон бўлиши кераклиги ҳақида бонг ура бошладилар. Лекин биз ўзига хос электр энергияси секторига эгамиз. Барча ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 85 фоизини ГЭСларда, 15 фоизини эса иссиқлик электростанцияларида (ИЭС) ишлаб чиқарамиз. Импорт газни асосида ишлайдиган ИЭСда

ишлаб чиқариладиган энергия ГЭСларда ишлаб чиқариладиган энергияга қараганда қимматроқ. Ўз-ўзидан, ИЭС тарифлари ГЭСга қараганда баланд. Шундан келиб чиқиб, агарда Грузиядаги энергия истеъмоли 15 фоизга камайса, истеъмолчи камроқ тўлаши мумкин, чунки у ҳолда бизга қимматбаҳо ИЭСлар керак бўлмай қолади.

Шундай қилиб, босқичли тартибдаги тарифлар электр энергиясининг камроқ истеъмолини ҳам таъминлашга йўналтирилган. 100 кВт-соат атрофида электр энергияси истеъмол қилинганда, мижозлар камроқ пул тўлайдилар, чунки бу биринчи босқич ГЭСлар тарифига тўғри келади. Агарда учинчи босқич даражасида энергия истеъмол қилинса, ИЭС ресурслари учун ҳам қўшимча пул тўланади.

Уч босқичли тариф фақат аҳоли учун мўлжалланган. Ташкилотлар учун бошқа схема қабул қилинган. Улар икки турга бўлинади. Истеъмол ҳажми катта бўлган биринчи тур ташкилотлар ўзлари савдоларда иштирок этишлари ёки ишлаб чиқарувчи билан электр энергияси учун шартнома тузишлари мумкин. Иккинчи турдаги, яъни тижорий компаниялар – масалан, офислар, марказлар (улар кам электр энергияси истеъмол қилади) учун барча уч босқичли тарифларнинг ўрта меъёрадаги қиймати ҳисобланади.⁴¹

Энг қизиғи, тарифларни иқтисодий асосланган даражагача кўтариш маҳаллий сайловларга тўрт ой муддат қолганда амалга оширилди ва кўплаб

⁴¹ Унчалик катта бўлмаган компаниялар учун ўрта меъёрадаги тариф қуйидагича ҳисобланади: биринчи 100 кВт учун истеъмол тарифининг қуйи ставкаси (1 кВт-соат учун 13-13,5 тетри) бўйича тўлов олинади, кейинги 200 кВт учун ўрта ставка (1 кВт-соат учун 16-16,5 тетри) қўлланилади, 300 кВт дан ошган истеъмол қилинган барча электр энергияси учун энг юқори тариф (1 кВт учун 17,5-17,6 тетри) бўйича тўлов қилинади.

норозилик акцияларига қарамасдан, сайловларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмади.⁴²

Аввалига улгуржи даража, сўнгра катта шаҳарлардаги жисмоний шахслар ва йирик тижорий корхоналарнинг электр энергияси ҳисоблагичлари учун бюджетдан маблағ ажратилганини таъкидлаб ўтиш керак. Бундан ташқари, ГЭС ва ИЭС қувватларини қайта тиклаш учун ҳам давлат томонидан маблағлар ажратилди.

Тартибга солувчи орган ҳисобланган GNERC комиссиясининг вазифалари ҳам ўзгарди. Эндиликда бозор қоидаларини белгилаш билан Энергетика вазирлиги шуғулланади. Лицензиялар бериш ваколоти ҳозир ҳам комиссия ихтиёрида қолдирилган, фақатгина импорт ва экспорт учун лицензия бекор қилинган. Бозор тўғридан-тўғри шартномаларга ўтганидан кейин бу турдаги лицензиялашга бўлган эҳтиёж йўқолди. Кимдан энергия сотиб олиб, кимга сотишини истеъмолчининг ўзи ҳал қилади ва бу ҳақда шартномада қайд этади. Илгари бунинг учун рухсат талаб қилинарди.

GNERC тарифларни тартибга солади, лекин буни фақатгина охириги истеъмолчилар ва етказиб бериш ҳамда жараённи бошқариш билан шуғулланадиган давлат компаниялари – GSE (Georgian State Electrosystem) ва “Sakrusenergo” (50 фоизига Грузия, 50 фоизига Россия эгалик қилади) учун амалга оширади. GNERC комиссиясининг умумий таъсир даражаси камайган, буни комиссия офисининг пойтахтдан Кутаисига кўчирилгани ҳам тасдиқлай олади.

Шунингдек, бир компания бошқа компаниянинг қувватидан фойдаланган ҳолда ўз энергиясини охириги истеъмолчиларга етказиб бера олиши учун давлат

⁴² 2006 йил, 5 октябрда маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари учун бўлиб ўтган сайловларда бошқарувдаги “Умуммиллий ҳаракат” партияси катта устунлик (овозларнинг 56 фоизи) билан ғалаба қозонди.

узатиладиган қувватга уланишнинг тенг ҳуқуқлилигини қонунан мустаҳкамлаб қўйди.

Лекин бу каби ёндашувни Бендукидзе тўлиқ қўллаб-қувватламайди:

Тенг ҳуқуқли уланишга унчалик қўшилмайман. Ахир бу шахсий мулк ҳуқуқининг бузилиши-ку! Бу масалада шахсий мулк ҳуқуқининг бузилиши қандайдир фойда келтиради, деб ўйламайман. Электр энергияси бозорини тартибга солишни бекор қилишнинг ёмон томони йўқ, деган фикрдаман. Электр энергияси қимматлашади, лекин агар лицензиялаш тизими бекор қилинса, муқобил етказиб берувчилар пайдо бўлади. Тўғри, икки сим ўтишига тўғри келади. Хўш, нима бўпти? Қолаверса, муқобил етказиб берувчилар пайдо бўлиш эҳтимоли борлигини тушунган компания ўз рентабеллик меъёрини шундай даражада ушлаб туришга мажбур бўладики, натижада бу бозорга кириб келиш учун бошқаларда қизиқишнинг ўзи бўлмайди.

Бундан ташқари, хусусийлаштириш ҳақидаги шартномада тарифни аниқ белгилаш, шунингдек, унда тарифларни ошириш усуллари, уларнинг инфляция, девальвация ва бошқа умумтизим кўрсаткичларига боғлиқлигини қайд қилиб қўйиш имкони пайдо бўлди. Натижада эркин бозор тарафдорлари, биринчи навбатда Бендукидзенинг ўзи унчалик маъқулламайдиган механизм юзага келди. Лекин ислохотнинг умумий ғоясини сақлаб қолиш мақсадида, улар бу механизмни қабул қилишга мажбур эдилар. Бу эса ягона мураса эмасди.

Ҳали ислохотни ишлаб чиқиш босқичидаёқ низоли ҳудудда жойлашган ва Грузиядаги энг йирик Ингури ГЭСи билан боғлиқ келишувга эришилганди.⁴³ 1992–

⁴³ Ингури дарёси Грузиянинг Зугдид тумани ва Абхазия Автоном Республикасини ажратиб туради.

1993 йилларда Абхазияда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг⁴⁴ бу ГЭСнинг асосий агрегатлари Грузияга, Гал туманида жойлашган тақсимлаш қутиси эса Абхазияга тегишли бўлиб қолди. Ишлаб чиқариладиган энергиянинг 40 фоизини Абхазия олиб қўяр, бу эса бутун Грузия истеъмол қиладиган электр энергиясининг 1/6 қисмидан кўпроғини ташкил этарди⁴⁵ ва Абхазиянинг ўзига кетадиган электр энергияси миқдоридан кўпроқ эди. Абхазия ортиб қолган энергияни Россияга экспорт қилса, Грузия эса Россиядан электр энергиясини импорт қиларди.

Бу вазиятни Бендукидзе қуйидагича тавсифлайди:

Ўйлашимча, барча объектлар – Ингури ГЭСи ҳам, симлар ҳам, жараённи бошқариш ҳам хусусий мулк кўринишида бўлиши мумкин. Чунки давлат мулки деган тушунчани мен унча яхши тушунмайман. Фақатгина қиролликнинг катта муҳригина давлат ихтиёрида бўлиши мумкин! Лекин давлат мулкчилиқ шакли ва ихтиёрий тартибга солишни бутунлай тугатиш ҳамда Ингури ГЭСини сотиб юборишни таклиф қилганимда, ҳеч ким бу таклифни охиригача эшитмаган бўларди.

Ҳар доим ўзинг тўғри деб билган фикр ва радикал нуқтаи назардан бўлса-да, бошқалар қуроқ солишлари мумкин бўлган қараш ўртасидаги муроса йўлини қидириш керак. Иккинчи вазифа – ҳар доим радикалроқ ечимлар таклиф қилган маъқул, чунки агар таёқ қоқ ўртасидан сенишни истасанг, уни икки ёнидан тутишинг

⁴⁴ 1992–1993 йилларда Абхазияда абхаз ва грузин ҳарбий тузилмалари ўртасида уруш бўлди. Расмий маълумотларга кўра, бу уруш 4 минг грузин ва минглаб абхаз миллатига мансуб аҳолини ҳаётидан маҳрум қилди, 250 мингдан ортиқ грузинлар Абхазиядан қочишга мажбур бўлдилар.

⁴⁵ Шүльгина Н. "Энергетика: ситуация остается сложной" // Абхазия Республикаси. 2004 йил, 29–30 январь. №10 (1658).

керак. Синишини хоҳлаган жойингдан тутсанг, у бошқа жойидан синади. Баъзан шундай қилардим: парламентга атайин қабул қилиб бўлмайдиган, шу ўринда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган қоидалар киритилган қонун лойиҳасини жўнатардим. Натижада, бутун диққат-эътиборни уларга қаратган ҳолда, муроса йўлини танлашга тўғри келади. Айнан шу болада баҳс бошланганида, мен гўёки ён босардим, яна ва яна ён босардим ва охир-оқибат асосий ўйланган нарсани ҳимоя қилишга эришардим. Яъни бошланишида кескин битимни таклиф қиласан, ҳақиқий битим эса кейин тугилади.

Ниҳоят, энергетика тизими хусусийлаштирилди. Таклиф этилган “East” ва “West” компаниялари ўрнига битта умумий компания ҳосил бўлди. 2007 йил, 5 февралда Чехиянинг “Energo-Pro” компанияси Грузия ҳукумати билан иккита дистрибьюторлик компанияси (“United Distribution Company” ва Ажария энергетика компанияси) ва олтита⁴⁶ ГЭСни⁴⁷ хусусийлаштириш бўйича келишувга имзо чекди.

Бугунги кунда “Energo-Pro” компанияси аҳолига хизмат кўрсатиш сони бўйича Грузия энергетика бозоридаги энг йирик иштирокчи саналади:⁴⁸ компания Грузиянинг барча регионларини (пойтахт ва Кахетиядан ташқари; охири айтилган ҳудудда дистрибьюторлик билан Литванинг “Achema Group” концерни шуғулланади) электр билан таъминлайди, яъни мамлакатнинг 70 фоиздан ортиқ ҳудудини эгал-

⁴⁶ Дзеврула ГЭСи, Ладжанур ГЭСи, “Гумати”, “Шаори”, Рион ГЭСи ва АЦГЭС.

⁴⁷ 2010 йил охири ҳолатига кўра компания Грузиядаги ўнта гидроэлектростанцияга эгалик қилади (компаниянинг “Energo-Pro” сайти маълумотларига кўра: www.energo-pro.ge/index.php?lang_id=ENG&sec_id=11).

⁴⁸ Компаниянинг “Energo-Pro” сайти маълумоти: www.energo-pro.ge/index.php?lang_id=ENG&sec_id=11.

лаган. Грузия бюджетига 132 миллион доллар ўтказиб берганидан ташқари, “Energo-Pro” компанияси реабилитацион лойиҳаларга ҳам сармоя киритишга мажбур. Натижада бу келишувнинг умумий миқдори 427 миллион долларни ташкил этган бўлиб чиқади.⁴⁹

Газ

Электр энергияси ислоҳотига муваффақиятли старт берилганидан сўнг ҳукумат газ секторида ҳам мос ўзгаришлар қилишга киришди. Грузияда унчалик кўп газ ишлаб чиқарилмайди, шунинг учун мамлакат ҳар доим импорт қилинадиган ёқилғига боғлиқ бўлган. Газ арзонлиги ва фойдаланиш осонлиги тўғрисида асосий энергетик ресурс бўлиб қолган – Грузия регионларининг 55 фоизи газлашган. Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг ҳам арзон газ келишда давом этди, лекин 1990-йиллар охирида газ нархлари кескин қимматлади. Рус ва туркман компаниялари олдидаги доимий қарздорликлар натижасида газ етказиб беришда кўплаб узилишлар рўй бера бошлади.

Александр Хетагурининг сўзларига кўра, 2006 йил январь ойида икки магистрал газ ўтказиш линияси ва юқори кучлинишли электр линиясидаги “тасодифий” авариялар тўғрисида мамлакат раҳбарияти энергия манбалари импортини диверсификация қилишга ва – компаниялар қаердан газ импорт қилишни ўзлари ҳал қила олишлари учун – тижорий бозорни тартибга солишдан воз кечишга мажбур бўлди.

Бендукидзе шундай хотирлайди:

Газ соҳасини ислоҳ қилишимиз учун асос бўлган кўргазмали чиқишимнинг номи “Газ соҳасини тартибга солишдан воз кечиш – Грузия энер-

⁴⁹ “Чешская компания входит на энергетический рынок Грузии” // *Civil Georgia*. 2007 йил, 5 февраль (www.civil.ge/rus/article.php?id=12945).

*гетик хавфсизлиги ва мустақиллигининг асо-
си” деб номланганди. Аслини олиб қараганда,
табиий монополиялар гоёси – ёлгон гоё, чунки
улар маҳсулотга нисбатан эскича қарашлар
туфайли келиб чиққан, холос. Сен менга етказиб
берадиган газ бошқалар етказиб берадиган газ
билан эмас, электр энергияси, ўтин, кўмир,
чиқитлар, дераза изоляцияси каби воситалар
билан рақобатлашади. Шу сабабли бу соҳани
тартибга солишдан воз кечиш жамият учун
хавф тугдирмайди.*

Ислохотчилар олдида соҳага хорижий сармоя-
ларни жалб қилишга эришиш, газ нархини бошқа
ёқилғи манбалари нархларига нисбатан рақобат-
бардош даражага келтириш ва тақсимлаш тармоғини
кенгайтириш каби вазифалар турарди.

Давлат биринчи навбатда улгуржи тарифларни
белгилашдан воз кечди. Транспорт ва тақсимлаш тар-
моғини қурган компания тарифнинг ҳар қандай тар-
тибга солиш тизимидан озод қилинарди. Чакана ис-
теъмолчилар учун мўлжалланган тартибга солинган
тарифлар иқтисодий жиҳатдан асосланган, яъни ет-
казиб берувчилар ўзларининг амалий харажатлари-
ни қоплай оладиган даражагача ошди. Бу каби тако-
миллаштиришдан сўнг минтақавий дистрибуторлик
компанияларини сотувга қўйиш мумкин эди. 2006
йилнинг май ойидаёқ Қозоғистоннинг “Казтрансгаз”
компанияси Тбилисининг “Тбилгази” газ тақсимлаш
тармоғини 12,5 миллион долларга сотиб олди.

Кейинчалик барча газ тақсимлаш компаниялари
хусусийлаштирилди. Айни пайтда давлат ихтиёрида
фақатгина магистрал қувур ўтказмалари қолган; улар
учта, шу сабабдан табиий газни бўлиб импорт қи-
лиш имконияти мавжуд. Ҳозирги кунда бу ёқилғини
Грузияга етказиб берувчи компаниялар бешта бўлиб,

2006 йилда эса битта етказиб бериш қувури ва битта импортёр бор эди, холос.

Аввалги ҳукумат “Газпром” билан 2003 йилда шартнома тузганидан сўнг натижада келиб чиқадиган салбий оқибатлар ҳақида кўплаб фикрлар билдирилди. Аввалига 2005 йил сентябрида 1000 кубометр газ учун нарх 62,5 доллардан 110 долларга, сўнг рус-грузин муносабатларининг кузги кескинлашуви оқибатида⁵⁰, 2006 йил декабрида 235 долларгача кўтарилганидан кейин диверсификация қилиш кераклигига ҳеч кимда шубҳа қолмади. Бугунги кунда Грузияга газни асосий етказиб берувчи давлат Озарбайжон ҳисобланади. Келишувга кўра, 2009–2013 йилларда 1000 кубометр газ аҳоли учун 167 доллардан, ИЭСлар учун эса 143 доллардан етказиб берилади. Россиядан Арманистонга етказиб бериладиган газнинг ўндан бир қисми Грузияга транзит учун тўлов сифатида берилади. Грузиянинг бир неча йирик корхоналари эса газни Россиядан тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб оладилар.


2010 йил ёзда ҳукумат “Шимол-Жануб” магистрал газ етказиб бериш қувурини хусусийлаштириш тақиқланган объектлар сирасидан чиқариб, сотиш мумкин бўлган объектлар сирасига киритгани туфайли кескин баҳс-мунозаралар келиб чиқди. Лекин уни сотиш ҳозирча режага киритилмаган.

Натижалар

2005 йил феврилида Саакашвили йўналишни қўйидагича белгилади: “2006 йил қишга бориб Грузиядаги ҳар бир хонадон электр энергияси билан

⁵⁰ 2006 йил, 27 сентябрда Тбилиси ва Батумида РФ Мудофаа вазирлиги Бош разведка бошқармасининг тўрт нафар зобити жосусликда гумон қилиниб, қўлга олинди. Бир неча кундан кейин улар мамлакатдан бадарға қилиндилар ва Россия томонидан Грузия билан ҳаво, автотранспорт, денгиз ҳамда темир йўл алоқалари бекор қилинди, почта алоқаси ва пул ўтказмаларига тақиқ қўйилди. 1300 нафар Грузия фуқароси Россиядан чиқариб юборилди, икки киши депортацияни кутиш жараёнида вафот этди.

туну кун узлуксиз таъминланиши керак”⁵¹. Шу йил охирига борибоқ, нафақат мамлакат пойтахти, балки регионлар ҳам сўнгги ўн йилда биринчи марта узлуксиз энергия билан таъминланди. Лекин истеъмол қилинган энергиянинг 15 фоизи импорт тарзида сотиб олинди.




Истеъмол улуши сифатидаги соф энергия экспорти, 2000–2009 йиллар (%). Манба: Грузия Энергетика вазирлиги.

Энергетика вазири Александр Хетагури ишонч билан шундай дейди:

Биз 2003 йилда ҳам нафақат бутун Грузияни таъминлаш, балки экспорт қилиш учун ҳам етарли миқдорда электр энергияси ишлаб чиқара олардик. Лекин коррупция билан боғлиқ муаммолар ҳали ҳал қилинмагани, ислоҳотлар бошланмагани туфайли электр станцияларини атайин тўхтатиб қўйдик. Қишда электр энергиясини импорт қилиш керак эди, савдо эса жуда қиммат монопол нархларда амалга ошириларди. Ўзимизнинг ИЭС ва ГЭС қурилмаларимиздан ҳосил бўладиган электр учун ҳақ тўланмас, импорт энергия учун эса 100 фоиз миқдорда ҳақ тўланарди.

⁵¹ Вечерний Тбилиси. 2005 йил 1–4 февраль.

Хетагурининг сўзларига кўра, 2003 йилгача бўлган даврда электр таъминот тармоқларини таъмирлаш учун 700–800 миллион долларга яқин маблағ ажратилганди⁵² (мазкур сумманинг 70 фоизга яқини кредитлар ҳисобидан, қолгани эса грантлар ҳисобидан амалга оширилди). Лекин умумий қувватнинг учдан биригина ишларди, холос. 2003 йилдан кейин бу соҳани таъмирлаш учун давлат 350 миллион доллар ажратди, хусусийлаштириш натижасида бу пуллар давлат бюджетига қайтарилди; шунга қарамай, Грузия 2007 йилда нетто-импортчидан нетто-экспортчига айланиши учун шу маблағнинг ўзи етарли бўлди.




Энергия экспорти ва импорти, 2000–2010 йиллар (млн кВт·соат). Манба: Грузия Энергетика вазирлиги.

Қиммат импорт маҳсулот – газ истеъмолини камайтириш механизмини ўз ичига олган уч босқичли тариф ўз самарадорлигини исботлади. 2007–2009 йилларда электр энергиясини ишлаб чиқариш 2000-йилларнинг биринчи ярмидагига нисбатан 18 фоизга кўпроқ, газдан фойдаланиш эса 2003–2006 йилларда жадал ортган бўлса, кейинги уч йилда 1/3 қисмдан кўпроққа камайди.

⁵² Грузиянинг 2003 йилдаги консолидация қилинган бюджетини (750 миллион доллар) барча харажатлари билан таққослаш мумкин бўлган катталик.

Тўловлар йиғилиши 2003 йилда 20 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб 95 фоизга етди.⁵³



Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва газ истеъмоли, 2000–2009 йиллар. Манба: Грузия Энергетика вазирлиги.

Тартибга солиш бекор қилиниши натижасида Энергетика вазирлигининг функциялари сезиларли даражада қисқарди. Хетагурининг сўзларига кўра, иш ҳажми 30-50 баравар камайди. Ҳозирги кунга келиб, жорий ҳолатни мониторинг қилиш ҳамда транзит салоҳиятини ошириш ва сармоялар жалб қилиш каби халқаро лойиҳалар мазкур тизим ихтиёрида қолган. Молиялаш ҳажми ҳам сезиларли даражада қисқарди: 2006 йилда вазирлик бюджети 140 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб, у 13 миллион долларгача камайди.

Тўсиқлар, осон бўлмаган бошланғич шартлар, реализацияда қийинчиликлар мавжуд – демак, норозилар ҳам бор. “Янги ўнглр” муҳолиф партияси аъзоси Манана Начкебия 2006 йилда энергетика билан боғлиқ вазиятда амалдаги ҳукумат йўл қўйган хатолардан бирини қўйидагича таърифлади: “Грузия 24 соат узлуксиз энергия билан таъминланган,

⁵³ Georgia Human Development Report by UNDP. “The Reforms and Beyond”. 2008 (hdr.undp.org/en/reports/nationalreports/europethecis/georgia/NHDR-Georgia-2008.pdf).

дея ҳукумат вакилларининг пиар қилишларига қарамадан, бу ниманинг ҳисобига амалга оширилганини ҳамма билади. Улар соҳада бирор жиддий иш амалга оширилгани тўғрисида эмас, балки аҳоли чўнтагидан ўғирланган пуллар эвазига бунёд этилди. Натижада тўлов тарифлари тўхтовсиз ўсиб бормоқда⁵⁴.

Аслида эса тарифлар фақат бир мартагина ошди – 2006 йил июнидан бошлаб эса ўзгаришсиз қолмоқда.⁵⁵ Бундан ташқари, “Теласи” компанияси ҳукумат билан имзолаган шартномага кўра, 2015 йилгача бўлган муддатда истеъмол тарифини ошириш кўзда тутилмаган. Масалан, Россия билан солиштириганда, устунлик яққол кўринади: Россияда электр энергияси соҳаси ислоҳ қилинди, тарифлар эса нафақат ислохотлар даврида, балки ундан кейин ҳам ошишда давом этди ва барқарор равишда истеъмол нархларидан қиммат юрди. Масалан, Россия Федерацияси бўйича ўртача кўрсаткичга қаралса, электр иситкичи бўлмаган квартираларда 2010 йилги электр энергияси нархи 2006 йилдаги ҳолатга нисбатан 79 фоиз қимматроқ бўлган, айтиб ўтилган давр мобайнида истеъмол нархи 47,8 фоизга ошган⁵⁶ (шу даврда Грузиядаги истеъмол нархининг ошиши 26,7 фоизни ташкил этган)⁵⁷. 2011 йил январида Тбилиси аҳолиси учун энг юқори тариф худди тўрт йил олдингидек ҳали ҳам 1 кВт·соат энергия учун 17,6 тетрини ташкил этди, бу вақт давомида Москвада

⁵⁴ Десять ошибок власти // *Georgian Times*. 2006 йил 24 май (www.inosmi.ru/world/20060524/227694.html, InoСМИ.ru таржимаси).

⁵⁵ Unique Investment Opportunity in the Georgian Hydro Power Generation Sector. 2009 йил, февраль (www.georgia.gov.ge/pdf/2009_10_09_18_23_31_1.pdf).

⁵⁶ Росстат статистик маълумотлари марказий базаси www.gks.ru/dbscripts/Cbsd/DBInet.cgi#1.

⁵⁷ CPI (Inflation) Грузия статистика хизмати сайти www.geostat.ge/index.php?action=page&p_id=128&lang=eng.

1 кВт·соат энергия учун бир ставкали тариф 1,84 рублдан⁵⁸ (12,2 тетри) 3,8 рублгача (22,7 тетри) ошди.⁵⁹

Грузия ислоҳоти уни амалга оширувчиларнинг изчиллиги сабабли ҳам муваффақиятли бўлди. Энергетика соҳасининг аксарият қисми хусусийлаштирилди, муносабатларнинг асосини тўғридан-тўғри шартномалар ташкил этди, тарифни тартибга солиш камайди, вертикал интеграция туфайли хусусий мулк ҳуқуқи тизими соддалашди. Кўзланган асосий мақсадга эришилди – одамлар ёруғликка, чироққа етишдилар. Албатта, инсонларнинг чиқимлари таркибда ёқилғи ва электр энергияси харажатлари улуши 2001–2004 йилларда 7,5 фоизни ташкил этган бўлса 2008–2009 йилларда 10,4 фоизгача ошганини таъкидлаб ўтиш керак. Лекин эндиликда бу пуллар қаерга кетди ва нима учун тўланди, деган саволлар келиб чиқмаяпти.

2009 йил ноябрида Тбилиси шаҳар ҳокимияти Янги йил олдидан шаҳарни безашга киришди. Руставели номли марказий шоҳ кўча гўёки бошдан-оёқ чироқлар маржони билан қоплангандек бўлди: ҳар бир уй, ҳар бир дарахт, махсус ўрнатилган сунъий пальмалар, фаришталар ҳайкаллари ёритилди, нур сочувчи толалар ва Янги Йил безаклари билан безатилди. Шаҳарнинг бутун маркази гўёки XXI аср бошига келиб, Грузиянинг уйлари ва кўчаларида электр энергияси тақчил эмаслиги ҳақида “бонг” ураётгандек тасаввур берарди.

2009 йилда Грузия биринчи марта қўшни мамлакатлар – Россия, Туркия, Арманистон ва Озарбайжонга электр энергиясини экспорт қилди. Айни дамда ҳукуматнинг бу йўналишдаги мақсадлари янада

⁵⁸ “Мосэнергосбыт” ОАЖ Москва шаҳри аҳолиси учун 2006 йилда қўллаган электр энергияси тарифлари: www.mosenergosbyt.ru/portal/pls/portal/docs/1/146210.HTML

⁵⁹ “Мосэнергосбыт” томонидан 2011 йилда жисмоний шахслар учун қўлланилган электр энергияси тарифлари: electrim.ru/index.php?id=253

улуғвор – Грузияни региондаги асосий экспортчига айлантириш. Бунинг учун 1977 йилда қурилган Ингури ГЭС иншоотидан кейин биринчи марта иккита муҳим сув объекти – Параван ГЭС ва Мтквари ГЭС иншоотларини қуришга киришилган.⁶⁰ Юқори кучланишли электр узатиш линиялари қурилмоқда. 2010 йилда аввалги йилга қараганда икки баравар кўп электр энергияси экспорт қилинган.

Қишлоқ хўжалиги ерлари

460 минг гектар ер (қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерларнинг тахминан ярми) хусусийлаштирилиши назарда тутилган ислоҳотдан мақсад, аввалбошиданок давлатга молиявий фойда келтириш эмас, балки аграр соҳа самарадорлигини ошириш эди. Бунинг учун эса ер тезроқ ўз эгасини топиши керак бўларди.

Грузия раҳбарияти аҳолининг қўллаб-қувватлашига эришиш учун 1992 йилдаёқ ер ислоҳотларини ҳам амалга оширишга уринган. Ҳукумат қарорига асосан, иморатга туташиб кетган ерлар бир умрга хусусий мулкка айланганди. Ерни хусусийлаштириш жараёни кўп йиллар давомида фақат ислоҳотларнинг ушбу биринчи тўлқини билангина кифояланиб қолди – ер майда участкалар кўринишида тарқатилди. Аслида бу жараён ҳам жуда муҳим эди, чунки шу тўфайли мамлакат ҳақиқатан ҳам очлик балосидан қутулиб қолди. Давлат ерларининг бошқа қисми узоқ муддатли ижарага берилганди. Лекин асосан ҳукумат аъзолари билан яхши алоқада бўлган кимсаларгина ижарачиларга айланган⁶¹, мазкур жараёнга 2003 йил охирига келиб бутунлай барҳам берилди.

Қонун ижарачига ижарага олинган ерни шахсий мулкка айлантириш имконини кафолатламасди, шунинг учун одатда вақтинчалик эгалари ернинг

⁶⁰ Мтквари – Кура дарёсининг замонавий номи.

⁶¹ Адлия вазири ўринбосари Д. Эбаноидзе билан 2009 йил июлида бўлиб ўтган интервьюдан олинган.

сифатини сақлашга интилмас, аксинча, ҳар йили харажат қилмаган ҳолда иложи борича кўпроқ ҳосил олишга уринардилар. Устига-устак, ҳоқимиятдаги кучлар ўзгариши билан тахминан ҳар икки йилда бир марта ижарачилар ҳам ўзгарарди. Шунини эътиборга олган ҳолда, ҳар бир ижарачи ўзига ажратилган ердан фойдани имкон қадар кўп ва бирданига чиқариб олишни хоҳларди.

Атиргуллар инқилобигача ҳам ердан фойдаланишни ислоҳ қйлиш учун бир неча уринишлар бўлган. Бугунги кунда Ички ишлар вазири бўлиб ишлаётган Вано Мерабишвили бу соҳанинг асосий етакчиларидан бири эди. У 1996 йилдан 1999 йилгача Ер эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ассоциациясига раҳбарлик қилган. Мазкур Ассоциация қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштириш ғоясини астойдил, лекин ҳеч қандай натижасиз олға сурганди.

Ассоциация раҳбарияти Бендукидзе билан хусусийлаштириш зарурияти ҳақида, унинг айтишича, лавозимига тайинланганидан икки-уч ҳафта ўтибоқ суҳбатлашган.

Ўшанда Бендукидзенинг ёнига Жаба Эбаноидзе келган ва аллақачон ижарага берилган ерлар (хусусийлаштирилиши керак бўлган 460 минг гектар ердан 300 минг гектари)ни хусусийлаштириш тартиби ҳақида сўзлаб берганди. Эбаноидзе бунини қуйидагича эслайди:

Ижарачига манфаатли бўлган хусусийлаштириш шаклини таклиф этишга интилгандик: агарда бу вақтга келиб, кимдир аллақачон ерни ижарага олиб улгурган бўлса, у мазкур жойни давлатдан бозор нархига қараганда сезиларли даражада арзонга – сотиб олиниши мўлжалланган ер учун тўланадиган йиллик давлат солиғи қийматининг ўн бараварига сотиб олиши мумкин эди.⁶² Бундан ташқари, қўшим-

⁶² Ер солиғи солиқлар тўғрисидаги қонун билан амалга киритилган;

ча кредитлар олиш ва маблағлар қидириш зарурияти пайдо бўлмаслиги, ўша заҳоти ерни ишлашни бошлаш, ердан фойда олиб, бу фойдани хусусийлаштириш учун маблағ сифатида тўлашини назарда тутган ҳолда, бу пулни бир неча йил давомида (узоеи билан тўққиз йил) бўлиб тўлаш мумкин эди. Қолган ерларни эса кимошди савдосига қўйиш назарда тутилганди.

Ер эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ассоциацияси ўз таклифларини собиқ грузин ҳукуматига етказиш учун илгари ҳам бир неча марта уриниб кўрган, аммо бу муваффақиятсиз бўлганди. Бу таклифларга биринчи бўлиб эътибор берган янги иқтисодиёт вазири ишни тегишли қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишдан бошлади. Қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштириш ҳақидаги қонуннинг парламентдан ўтиши бошқа қонунларга қараганда қийинроқ кечди, деса ҳам бўлади.

Бендукидзе шундай хотирлайди:

Совет Иттифоқи даврида турли қуроллардан фойдаланиш қоидалари баён этилган “ўқотар қуроллар бўйича йўриқномалар” мавжуд эди. Калашников автоматига нисбатан йўриқномаларда бу қурол ўқ отиш, пичоқ санчиш ва қўндоқ билан уриш орқали душман кучларини маҳв этиш учун мўлжаллангани баён этилганди. Бу ислоҳотда ҳам барча усуллардан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиш талаб этиларди: бу турдаги ислоҳотдан сиёсий ёки моддий манфаатдорликка эга бўлиши мумкин

ҳар бир ҳудуд учун алоҳида тариф мавжуд. Ижарага олинадиган ер эгалари ерни қўлга киритишнинг турли схемаларини, масалан, биринчи тўлов – 20 фоизини тўлаш, қолганини шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлиқ қоплаш усулини қўллашлари мумкин эди. Агарда ижарачи ерни беш йил ичида сотиб олишга тайёр бўлса, умумий миқдорнинг 70 фоизини, бир йил ичида сотиб олишга тайёр бўлса, 30 фоизини тўлашига тўғри келарди.

бўлганлар коалицияси тузилди, баъзи бир жаб-ҳаларда ён беришлар орқали рақиблар шаш-тларидан туширилди.

Қизиқарли жиҳати, ерни хусусийлаштиришга қарши бўлган турли доиралар мавжуд эди. Германия ҳукумати томонидан молиялаштирилган ва Грузияда ерни баҳолаган ҳолда (қаерда ва қанча миқдорда калий, магний, фосфор ва бошқа минерал элементлар борлигига кўра), ер кадастри тузиш учун ўн беш йил муддатга жалб этилган немис мутахассислари қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштириш ташаббусига қарши бўлганларнинг биринчи гуруҳи бўлди.

“Сочига оқ оралаган барваста бир немис мутахассиси олдимга келиб, агар инсон ўзи сотиб олмақчи бўлган ернинг қандайлигини билмаса, қанақа қилиб уни харид қилиши мумкин, деб сўради. Мен ‘Ҳаммаси худди қишлоқдагидек – тупроқдан бир ҳовучини олиб, майдалайди ва ҳидлаб кўради. Сўнгра сотиб оладими ёки йўқ – бу унинг иши’, деб жавоб бердим”, – дея ҳикоя қилади Бендукидзе.

Бир томондан олиб қараганда, экспертлар ўзлари шуғулланаётган иш самара беришига ишонисарди, бошқа томондан эса бу дастур кўплаб маслаҳатчиларга, қанча бошқарма ва ноҳукумат ташкилотлари ходимларига бир неча йил давомида ҳеч бир эҳтиёжсиз яшаш имконини берарди.

Қаршилиқ кўрсатганларнинг бошқа гуруҳи грузин олимлари эди. Бендукидзе шундай хотирлайди:

Улардан бирини болалигимдан – онам билан экспедицияларга боришни бошлаганимдан билардим. Шунинг учун бошида мен билан қарама-қаршилиққа бориш унга бироз ноқулай бўлди: экспедиция жараёнида бир ярим ой бирга бўлгандик, ўшанда унинг ёши йигирма бешда, мен эса ўн беш ёшда эдим. Лекин кейинчалиқ таслим

*бўлмоқчи эмаслигимни у тушуниб етди ва га-
заб билан анъанавий грузин қишлоқларини як-
сон этаётганимни айта бошлади. Ростдан ҳам
бу нарса мен учун бироз сирли бўлиб туюлганди
– у қандайдир юксак инсонийлик нуқтаи наза-
ридан келиб чиқиб ҳаракат қилаётгани аниқ
эди-ю, лекин далиллари мен учун барибир тушу-
нарсиз эди. Грузияда ер аввалдан хусусий бўлган.
Масалан, бобомнинг бобоси ўзига тўқ тўрт ўғли
жўнатган пулларга XX аср бошларида ер сотиб
оларди.*

Лекин сиёсий қаршилик энг қийини бўлиб чиқ-
ди ва айнан у мураса йўлини излашга мажбур қил-
ди. Грузиядаги ерларнинг бир қисми (460 минг гек-
тардан 160 минг гектари) давлатга тегишли эди ва
улар ижарага бериларди. Бу каби ерлар учун мах-
сус кимошди савдолари ташкил қилиш лойиҳани
муҳокама қилишнинг бошланғич босқичидаёқ му-
росали ечим бўлди: бу савдоларда ён-атрофдаги
қишлоқлар аҳолисигина иштирок эта олардилар.
Бошланғич нарх шу ер учун белгиланган йиллик со-
лиқ миқдоридан бор-йўғи икки баравар қиммат
эди, холос. Шунингдек, ҳар бир лотга қўйиладиган ер
ҳажми ҳақида маҳаллий аҳолининг ўзи шартлаша
олиш ҳуқуқига эга эди (лекин агар ер участкаси ўр-
мон ва дарё сингари табиий чегараларга эга бўлма-
са, лотга қўйиладиган энг кам ер ҳажми 3 гектардан
кам бўлмаслиги керак бўларди). Шубҳасиз, бу каби
ёндашув иқтисодий самарадорликни пасайтирди,
аммо сиёсий жиҳатдан вазиятни мўътадиллаштирди
– барча ерларни тбилисиликлар сотиб олади, деб
қўрққан маҳаллий аҳоли тинчланди.

Чегарада жойлашган ерлар учун кураш жараёни-
да кейинги мурасага боришга тўғри келди. Ислохот-
лар барча ерларни, шу жумладан, чегара яқинида

жойлашган ерларни ҳам хусусийлаштиришни назарда тутганди, лекин 1990-йилларда “хавфсизликни таъминлаш мақсадида” бутун чегара бўйлаб тортилган беш километрли ер чизиғи фойдаланишдан чиқариб ташланганди. Чегара хизмати раҳбари Бадри Бицадзе ўз турмуш ўртоғи – парламент раиси Нино Буржанадзе ёрдамида ислохотга қарши етарлича қаршилик тўлқинини қўзғатишга эриша олди: чегара хизмати раҳбарининг фикрича, хусусийлаштириш туфайли миллий хавфсизликка нисбатан хавфхатар пайдо бўлиши мумкин эди. Бендукидзенинг фикрича, бу каби қарама-қаршиликнинг сабаби кенг оммалашган англашилмовчилик билан боғлиқ:

Ерга эгалик ҳуқуқи нима эканини одамлар тушунмайди. Бу бир буюм ёки ашё эмас, сен уни ўзинг билан бирга олиб кета олмайсан. Бу фақат сайёрамизнинг бир қисмидан фойдаланиш учун эгалик ҳуқуқи, бошқа ҳеч нарса эмас.

Бу ҳуқуқлар тўплами турли мамлакатларда турлича: ҳудудларга ажратиш, қурилиш олиб бориш, мақсадли фойдаланиш ва бошқа турдаги ҳуқуқлар бор – лекин мутлақ ҳуқуқлар ҳеч қаерда йўқ. Демак, бу номукамал ҳуқуқлар тўплагини бошқа турдаги ҳуқуқ билан, масалан, ернинг мутлақ хўжайинини ўз ҳудудига бўлган ҳуқуқи билан асло солиштириб бўлмайди. Лекин нима сабабдандир бу каби тушунчаларнинг аралаштириб юборилиши кузатилади ва одамлар хусусийлаштирилган ернинг эгаси ҳам худди ернинг мутлақ хўжайини каби ҳуқуқларга эга, деб ўйлайди. Мамлакатимизда “Грузия чегараси бўйлаб ёйилиб кетган ерни озарбайжонликлар сотиб олса, бу ерлар Озарбайжон ерларига айланадими?”⁶³ деганга ўх-

⁶³ 2001 йил, 9 январда Россияда “Хорижий фуқаролар, фуқаролиги йўқ шахслар ва хорижий юридик шахслар хусусий аснода ер

шаш гап-сўзларни ҳам эшитиш мумкин эди.

Қонун қабул қилиниши учун коалиция тузиш бошланди. Бендукидзенинг буюртмасига кўра, бутун чегара бўйлаб чўзилган ерлар Ер эгалари ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ассоциация томонидан аэрофотосуратга олинди. Чегара яқинидаги ҳосилдор ерлар қайта ишланадиган кичик қисмларга ажратилгани суратларда яққол акс этганди. Жаба Эбаноидзе қуйидагича хотирлайди:

Бу ерлардан чегара хизмати раҳбарлари ноқонуний фойдаланарди, уларнинг жуда яхши бизнеси бор: машина ва бензинни давлат ҳисобидан олишар, ер учун ҳеч ким ҳеч нарса сўрамас, ишчи кучи – солдатлар ҳам тайёр эди. Барча ҳаракатлар давлат гарданида, фойдани эса чегара хизмати раҳбарлари кўрарди. Ёки улар ерни норасмий тарзда ижарага беришар, ижарадан тушган пулни эса чўнтақларига урардилар.

Мамлакат майдони унчалик катта эмас⁶⁴ – бор-йўғи 70 минг квадрат километр, холос ва чегара бўйлаб чўзилиб кетган 5 километр (бутун ҳудуднинг тахминан 1 фоизи) ҳам иқтисодиёт учун жуда муҳим.

Бендукидзе Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларига мурожаат қилди ва улардан замонавий қурол-аслаҳа воситалари учун 50 метрли ажратиш чизиғи етарли бўлишини кўрсатиб, хулоса ёзиб беришларини сўради. Парламентдагилар бундай тор чизиқни маъқулладилар, лекин охир-оқибат барибир мурасага эришилди: 500 метр – чегара ҳудуди

участкаларига эгалик қила олмайдиган чегара ҳудудлари рўйхати тўғрисида”ги Президент фармони чиқди. Россия Федерациясининг 48 та субъектида жойлашган 380 та муниципал тузилма (район ва шаҳарлар) рўйхатдан ўрин олган. (www.kremlin.ru/acts/10033)

⁶⁴ Солиштириш учун: Россия регионлари ичида ҳудуди бўйича Грузияга энг яқин бўлган Курган области – 71 минг квадрат километр ва Татаристон Республикаси – 68 минг квадрат километр.

(бу ҳудуддаги ерларда ҳеч нарса қилиб бўлмайд), 5 километр – чегарага яқин ҳудуд (бу ҳудуддаги ерларни ишлатиш мумкин, лекин фақат ҳукумат рухсати билан).

Бу воқеалардан сўнг кўпчилик ислоҳотчилар томонга ўтган бўлса-да, барибир қўшимча қўллаб-қувватловчиларга эҳтиёж бор эди. Бендукидзе ва унинг жамоаси “ўз томонларига оғдириш” йўлидан кетдилар:

Худудлар депутатларига қонун моҳиятини тушунтира бошладик. Баъзилар агар ҳозир ерни ижарага олсалар, кейинчалик уни жуда арзон сотиб олишлари мумкинлигини тушуниб етдилар, ерни аллақачон ижарага олиб фойдаланаётганлар эса бу ҳақда ўйлашларига ҳожат ҳам йўқ эди. Шу тарзда яна битта қўллаб-қувватловчи қатлам ҳосил қилдик.

Лекин кураш шу билан тугаб қолмади. Грузия жамиятидаги жуда обрўли куч – черков баҳсга қўшилди. Совет тузумига барҳам берилган даврда давлат черков билан келишув имзолаган. Унга кўра, черков мулки давлат ҳисобига ўтказилса, етказилган зарар қоплаб берилиши кўрсатилганди. Бендукидзенинг сўзларига кўра, қонун лойиҳаси парламентда иккинчи ўқилишидан олдин черков қатъий норозилигини баён этган. Бироқ қишлоқ хўжалиги бўйича қўмита раҳбари баҳсга қўшилди ва у муросали ечим топа олди: ҳукумат қарорига кўра, черков қишлоқ хўжалиги ерларини бутунлай ўзиники қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлди.

2005 йил, 8 июлда “Давлат ихтиёридаги қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун 82 овоз билан қабул қилинди (қабул қилиниши учун энг ками 79 овоз олиши керак эди). Вақт ўтиши билан бу қонун бир неча марта соддалаштирилди. Масалан, ердан мақсадли фойдаланиш тушунчаси бекор қилинди. Ҳозир мамлакат пойтахтидан ташқари

ихтиёрий ҳудудда сотиб олинган ердан ихтиёрий мақсадда фойдаланиш мумкин ва бунинг учун бирламчи мақсад ўзгаргани туфайли ҳеч қандай тўлов талаб қилинмайди.

Охирги маълумотларга кўра, собиқ ижарачиларнинг 85 фоизи ўз ерларини сотиб олганлар. Ижара ҳақидаги қолган шартномалар аста-секин кучини йўқотиб бормоқда (ижара шартномаси тузилганидан бошлаб ўн йил ичида ижарачи шу ерни сотиб олиши мумкинлиги қонунда кўрсатиб ўтилган), ижарадан бўшаган ерлар эса Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган очиқ кимошди савдоларида сотилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерлари хусусийлаштирилганига қарамай, ҳал қилинмаган муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Масалан, кўпчиликда қачонлардир ерни эгри йўллар орқали қўлга киритган ва “коррупцион тизимнинг ўрта қатлами” сифатида аввалги ҳукуматга боғлиқ бўлганлар билан ҳисоб-китоб қилишга иштиёқ бўлган.

“Буни қонуний бўлса-да, қайтадан тузиб чиқиш ҳалокатли тугаши мумкин эди, ундан кўра қонунийлаштириб қўйган осон бўлади, деган хулосага келдик. Бунинг учун мени мухолифат, турли радикаллар ва миллатчилар койиган бўлсалар-да, лекин парламент қўллаб-қувватлади”, – дея ҳикоя қилади Бендукидзе.⁶⁵

Легаллаштириш жараёнида бўлғуси ер эгаларининг расман танланган уч тоифаси иштирок этди. Биринчи тоифадагилар 1990-йиллар ўрталарида реестрга киритилмаган ерларга эга бўлганлар эди. Иккинчи тоифага ўзлари эгалик қилаётган ер вақти келиши билан ихтиёрларига ўтиши ҳақида ижара шартномасига эга бўлганлар киритилди. Ўзларига

⁶⁵ Блаунт М. “Большие надежды маленькой страны” // *Большой бизнес*. 2006 йил, декабрь. №12 (37) (www.bolshoybusiness.ru/archive/1/9/).

тегишли бўлган ер участкаларига уланиб кетган ерлардан фойдаланиш учун ҳеч қандай ҳуқуқий исботлари йўқлар учинчи тоифага мансуб бўлдилар. Молиявий ва мулк амнистияси эълон қилинди⁶⁶ (бу амнистия ер участкаларига ҳам тегишли эди), натижада шу ондан бошлаб ҳар қандай маъмурий идора бу мулкнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартирадиган қонуний ҳужжат чиқара олиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Оммавий мол-мулк реестри

Ислоҳот қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун билан тўхтаб қолмади, чунки қўшни соҳалардаги камчиликлар ҳам юзага чиқди. Оммавий мол-мулк реестрини ислоҳ қилиш ерни хусусийлаштиришнинг мантиқий давоми бўлди.

Инқилобдан аввалги давлат ташкилотлари билан ўрнатилган деярли барча муносабатлар сингари, мол-мулкни рўйхатга олиш жараёни ҳам коррупция учун жуда яхши негиз бўлганди. Ернинг янги эгаси рўйхатга олиш жараёнини ойлаб кутар, бусиз кредитни расмийлаштиришнинг ҳам, демакки, бизнесни тўлиқ бошлашнинг ҳам иложи йўқ эди.

Мулк ҳуқуқини рўйхатга олиш билан Ер тузилмаси бўйича департамент шуғулланарди ва у бевосита президентга бўйсунарди. Хусусийлаштириш муаммолари ҳам мазкур департаментнинг зиммасида эди. Янги ҳукумат ҳокимиятга келганидан кейин бошланган тузилмавий ислоҳотлар давомида бу департамент тугатилди ва унинг функцияларидан бир қисми Иқтисодиёт вазирлигига, яна бир қисми Оммавий рўйхатга олиш бўйича миллий агентлик (ОРОМА) ихтиёрига ўтказилди. Адлия вазирлиги таркибида оммавий ҳуқуқ ташкилоти сифатида ташкил

⁶⁶ 2004 йил, 24 декабрда Грузия парламенти “Декларизация қилинмаган молиявий мажбуриятлар ва мол-мулкларни амнистия қилиш ва легаллаштириш тўғрисида”ги қонунни тасдиқлади ва у 2005 йил, 25 январдан кучга кирди. Батафсил маълумот учун бешинчи бобнинг “Солиқ ислоҳоти” қисмига қаранг.

этилган ОРОМАга Техник инвентаризация бюросининг (БТИ) вазифалари ҳам юклатилди. Авваллари Давлат мулкани (квартиралар) хусусийлаштириш бўйича битимларни рўйхатга олиш, квартираларни режалаштириш ва бошқа техник тафсилотларга оид маълумотларни йиғиш билан БТИ шуғулланарди.

2006 йил, июнда Жаба Эбаноидзе ОРОМА бошлиғи этиб тайинланди. У айнан Ер эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ассоциациясида қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштириш билан шуғулланган бўлиб, ерга эгалик ҳуқуқини (худди бошқа турдаги мулкка эгалик ҳуқуқи сингари) рўйхатга олиш жараёнида юзага келадиган кўплаб муаммолар билан яхши таниш эди.

“Мазкур лавозимга тайинланганимда, коррупция ва улкан навбат кутишлар энг жиддий муаммолар саналарди. Шунинг учун биринчи бўлиб амалга оширган ишимиз электрон рўйхатга олиш тизимини ишга тушириш бўлди”, – дея ҳикоя қилади Эбаноидзе.

Электрон ҳужжат алмашиш имконини берувчи бу тизимни икки ойда ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди ва 2006 йил 8 сентябрга келиб, дастур ишга туширилди. Агар 2006 йил ёзида Тбилиси реестрида кунига 300 та ариза рўйхатдан ўтказилган бўлса, ўша йилнинг декабрь ойида бу кўрсаткич икки бараварга ошди. Илгари мол-мулкни рўйхатга олиш учун реестрга биринчи ташриф чоғида ариза қолдириш, сўнгра тайёр бўлган ҳужжатни олиб кетиш учун белгиланган кунда келиши керак эди. Шу билан бирга, амалда бу жараён чўзилиб кетар, бўлажак ер эгаси муассасага бир неча марта боришига тўғри келарди.

Юқорида айтиб ўтилган тизимнинг амалиётга киритилиши натижасида рўйхатга олувчиларнинг фуқаролар билан муносабатлари максимал даражада соддалаштирилди. Эндиликда ОРОМА сайтида “Рўйхатдан ўтилганми ёки йўқ?” ёки “Жараён тўхта-

тилганми, шундай бўлса, нима сабабдан?” ёхуд “Рўйхатга олиш янгиланиши учун қандай ҳужжатлар керак?” каби саволларга жавоблар ва бошқа барча маълумотлар мавжуд.⁶⁷ Ходимларнинг ўзлари эса фақат электрон ҳужжатлар билан ишлайдилар (келиб тушадиган барча ҳужжатлар сканер қилинади). Шу тўғрисида барча тўхталишлар ёки эҳтимолли йўқотишлар кескин камаяди. Бундан ташқари, у ёки бу рўйхатга олувчи ходимнинг ихтиёрида “осилиб қолган” нечта ҳужжат борлиги ва ҳужжатлар қанчадан бери “осилиб” турганини билиш орқали унинг иш самарадорлигини тез аниқлаш имкони пайдо бўлади.

“Жараён шаффоф эмаслигидан фойдаланиб манфаат топаётган бир гуруҳ ходимлар тизим тўғрисида ноқонуний пул ишлаш олмаслигини билгач, уни тўхтатишга ҳаракат қила бошладилар. Ҳаттоки раҳбариятни алмаштириш талаби билан Тбилиси реестрида қўзғолон ҳам кўтардилар. Улар бир неча соатга реестрни ёпиб қўйдилар ва шу тарзда ишнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлдилар. Сўнгра бу қўзғолончилар ҳеч қандай ғаламислик қилмаслиги учун уларнинг ихтиёридаги барча маълумотлар ва ҳужжатлардан бир ҳафта давомида нусха олиб, ўзимизга ўтказишимизга тўғри келди. Шундан кейин 65 нафар ходим ишдан бўшатилади. Реестр иш фаолиятида бу каби тўхталишлар бошқа рўй бермади”, – деб эслайди Жаба Эбаноидзе.

Иш тартиби ва жараёни жиддий соддалаштирилиши тўғрисида рўйхатга олиш муддати ҳам қонуний равишда ўзгарди: бир ой ўрнига аввалига ўн кун, сўнгра тўрт кун, ундан кейин уч кун ва ниҳоят, бир кун этиб белгиланди. Кейин эса рўйхатга олиш жараёнининг ўзи қонуний жиҳатдан ўзгартирилди. Илгари реестрдан кўчирма учун рўйхатга олувчи идоранинг муҳри ва имзоси керак бўларди. Рўйхатга олишлар сонининг ортиши билан бу каби талаблар жараёни

⁶⁷ npr.gov.ge

секинлаштира бошлади, интернетда ҳамма учун очик бўлган маълумотлар базаси ҳосил бўлиши натижа-сида эса бу талабнинг ўзи маъносиз бўлиб қолди ва у бекор қилинди. Ҳозирги кунда барча амалиётлар учун реестрдан идентификацион рақамли электрон кўчирманинг ўзи етарли ва маълумот бу рақам орқали ОРОМА сайтидаги маълумот билан солиштирилади.

Рўйхатга олиш анча соддалаштирилганига қара-май, одатда мулк олди-сотдиси ва рўйхатдан ўтказиш-ни ўз зиммаларига олувчи брокерлик компанияла-ри вакиллари реестрга бир вақтнинг ўзида бир неча аризалар олиб келиши ёки банк ходимлари бир вақтнинг ўзида бир неча ипотека шартномаларини рўйхатга олиши туфайли навбат кутишлар ҳали ҳам бор эди.

Бу муаммони ҳал қилиш учун ваколатли фойда-ланувчи тамойили жорий этилди. Ўзи жўнатган маълумотнинг ҳаққоний эканини тасдиқлаш учун шартнома тузишга ва йилига тахминан 560 доллар тўлашга тайёр ҳар бир инсон ваколатли фойдала-нувчига айланиши ҳамда реестр маълумотлар ба-засига VPN алоқаси⁶⁸ орқали чекланган ҳолда ўла-ниш имкониятига эга бўлиши мумкин эди. Ваколатли фойдаланувчи барча ҳужжатларни сканердан ўтка-зади ва ўз аризаси билан биргаликда реестрга жўна-тади, яъни мантиқан олганда, ўз мулкини ўзи рўйхат-дан ўтказди, ҳужжатларнинг асл нусхасини эса бир ойда бир марта олиб келади. Жўнатилган маълумот-нинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик реестрда эмас, ваколатли фойдаланувчининг ўзида бўлгани туфай-ли, бу тизимнинг ишлашида тўхталишлар деярли кузатилмади: уч йил давомида кўчирмаларда бор-йўғи икки марта ёлғон маълумот бериш ҳолатлари

⁶⁸ VPN-алоқа – камроқ ҳимояланган тармоқ устидан ҳимояланган бошқа бир тармоқ алоқаси ўрнатиш имкониятини берувчи технология (*Муҳаррир изоҳи*).

аниқланди. Илгари эса бу каби сохталаштиришлар ҳар ойда уч-тўрт марта кузатиларди.

Реестрнинг ваколатли фойдаланувчилари саналадиган банкларда мижозлар билан ишлаш сезиларли даражада ўзгарди: аввалгидек реестрдан кўчирма олиш, сўнгра уни нотариус тасдиғидан ўтказиш, банкка ва яна қайтадан реестрга бориш, фақат шундан кейингина кредитни олиш ўрнига эндиликда уни жойларда тўғридан-тўғри олиш мумкин. Бу тизим туфайли ҳужжатларнинг мажбурий нотариал тасдиқланиши қонуна бекор қилинди. Ҳужжат барча иштирокчилар томонидан имзоланганини реестр ходимининг ўзи тасдиқлаши мумкин, лекин ҳужжат ичида қонунга зид ҳолатлар мавжуд бўлса, бу ҳолатларни ҳал қилиш рўйхатга олувчининг эмас, балки иштирокчиларнинг вазифаси ҳисобланади.

28 доллар қийматдаги ягона рўйхатга олиш ставкасидан ташқари, тезкор хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган қўшимча тарифлар – ўша заҳоти рўйхатга олиш 17 доллар, ҳужжатлар кейинги куниеъ тайёр бўлиши учун 8,5 доллар миқдоридан тўлов қилиниши – қонунан белгилаб қўйилди.

Кўчмас мулк бозорининг ривожланиши билан бир пайтда жараёнларнинг соддалаштирилиши рўйхатга олиш жараёнларида ҳам ўз аксини топган: Тбилиси шаҳри реестрида кунига минглаб трансакциялар амалга оширилади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи, ипотека ҳуқуқи, кадастр ўзгаришларини (яъни ўз иштиёридаги ерлар чегараларини ўрнатиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш) рўйхатга олиш функцияларидан ташқари, мулкни ҳибсга олишни рўйхатдан ўтказиш функцияси ҳам оммавий реестрга қўшилди. Ҳозирги кунда ҳаракатланадиган мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатга олиш дастури устида ишлар давом этмоқда.

Компанияларни рўйхатга олиш билан аввал солиқ хизмати шуғулланган бўлса, реестр иш самара-

дорлигининг оширилиши натижасида 2010 йилда бу вазифа ҳам реестр ихтиёрига ўтказилди. Натижада компания ва унга тегишли мол-мулк ҳамда акциялар ҳибсга олинмагани тўғрисидаги барча керакли маълумотларни битта ҳужжатнинг ўзида белгилаш имкони пайдо бўлди. Бундан ташқари, барча районларда реестр ваколатхоналари (уларнинг сони 67 та ва яна қўшимча 350 нафардан ортиқ ваколатли фойдаланувчилар) мавжуд бўлгани учун шусиз ҳам соддалашган янги бизнесни яратиш янада енгиллашди.⁶⁹

Оммавий реестр ислоҳоти натижасида Грузиядаги рўйхатга олиш энг яхши тизимлардан бирига айланди: Грузия Жаҳон банки томонидан тавсифланадиган бизнес юритиш осонлиги бўйича рейтингнинг “мулкни рўйхатга олиш” тоифасида кетма-кет уч йил давомида дунёда учинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Грузияда оммавий реестрдан ташқари Адлия вазирлиги тизимига қарашли бўлган фуқаролик реестри ҳам мавжуд эканини эслатиб ўтиш даркор. У ҳам оммавий реестрга ўхшаш усулда яратилган ва барча шахсий ҳужжатлар (паспортлар, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар, никоҳ қайдномалари, яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ва ҳоказо)ни беришга мўлжалланган. Унинг электрон ҳужжат алмашиш тарзига ўтказилиши мамлакатнинг барча регионларидаги маълумотларни умумлаштириш, ҳужжатларга эга бўлиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштириш ва бу соҳадаги коррупцияни камайтириш имконини берди.

Бугунги кунда хорижий сафарларга паспорт олиш учун фуқаро қаерда рўйхатда туришидан қатъи назар, фуқаролик реестрининг ихтиёрий бирор агентлигига келиб учраши, шу ердаёқ расмга тушиши, фақатгина шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотларни

⁶⁹ Бешинчи бобнинг “Молиявий ислоҳот” бўлимига қаранг.

ва яшаш манзилини кўрсатган ҳолда керакли қоғозларни тўлдириши, давлат божини тўлаши ва, агар хоҳласа, ўша заҳоти паспортни олиши мумкин. Грузияда паспорт бепул тарзда – 10 кунда, 14 доллар тўлов эвазига – 5 кунда, 31 доллар эвазига – 3 кунда, 70 доллар эвазига – 24 соатда, 95 доллар эвазига – мурожаат куни қўлга тегади. Ислохотларгача бўлган даврларда бунинг учун энг камида бир ой керак бўлар, хизматлар учун кўпинча норасмий тарзда пул тўлашга мажбур бўлинарди. Иш жойидан маълумотнома ҳам, ҳарбий хизматга мажбурлар учун ҳарбий гувоҳнома ҳам, ҳужжатларни фақатгина яшаш манзилидаги агентликка топшириш ҳам талаб қилинмайди (Масалан, Россияда бундай эмас). Чунки паспортнинг асосий маъноси – паспорт эгасининг шахси ва фуқаролигини тасдиқлашдан иборат, холос.

Давлат ўзининг ҳар бир фуқароси тимсолида эҳтимолий жиноятчини кўрмасдан ҳам ишлаши мумкинлигини Грузия яна бир карра исботламоқда.

Янги чизгилар

Иқтисодиётнинг ёпиқлиги, рақобатнинг мавжуд эмаслиги ва қишлоқ хўжалиги бўйича СССРда энг яхши иқлим шарт-шароитларига эга эканлиги туфайли совет даврида Грузия табиий равишда қишлоқ хўжалигига мослашганди. У вақтда харажат ва даромад нисбати ҳам унчалик аҳамиятга эга эмасди. Шунинг учун, масалан, Батуми шимолида мономаданият – чой етиштириш учун улкан ер майдонлари ажратилди. Ҳақиқатан ҳам, бу жой чой етиштириш учун СССРдаги энг яхши ерлардан бири бўлишига қарамай, дунё миқёсида олиб қараганда, у мутлақо қуйи ўринларни эгаллайди. Чой бутаси ўсиши мумкин бўлган энг шимолий нуқталардан бирида етиштирилган грузин чойи Ҳиндистон, Кения ёки ихтиёрий бошқа турдаги чой нави билан рақобатлашиши жуда қийин.

Ёки яна бир мисол. Қадимги Рим вақтидан таниш бўлган Гонио-Апсар қалъасида (Батумидан 12 км масофада) қазиш ишларини олиб бориш ўрнига унумдор тупроқ ташиб келтирилди, мандарин боғлари яратилди ва киви дарахтлари экилди. Улар эса пишиб етилишга ҳам улгурмасди.

Очиқ бозор шароитида мамлакат ривожланишининг қишлоқ хўжалигига асосланган йўлини танлаш унчалик мажбурий эмас: гарчи иқтисодий фаол аҳолининг ярмидан кўпи аграр соҳада ишласа ҳам, меҳнат унумдорлиги деярли ўзгармай қолаверади. Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши 2003 йилда 19,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 8,3 фоизгача камайди. Лекин шунга қарамай, мазкур соҳа Грузия иқтисоди учун энг муҳим тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Эндиликда халқаро рақобат шароитида янги йўлларни танлаш талаб қилинмоқда. Бу йўналишда аллақачон биринчи қадам ташланган: соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишида қишлоқ хўжалиги ерларини якка шахслар ихтиёрига бериш энг самарали ҳаракат бўлди. Ерни бошқариш ва мукамаллаштириш йўлларини мустақил излаш ҳуқуқига эга бўлган ер эгасига бу ерни тақдим этишдан ҳам яхшироқ “субсидиялаш” усулини ўйлаб топиш мумкин эмас.

Агарда грузин ерида помидор етиштириш ноқулай бўлса (нима сабабдандир бу мавзу қишлоқ хўжалигини давлат томонидан субсидиялашга чақирувчи экспертлар суҳбатларида энг оғриқли бўлиб қолмоқда), давлатнинг улкан маблағларини зиён келтирадиган ишлаб чиқаришнинг тубсиз уммонига сарфлаш ўрнига помидорни Туркия ёки бошқа мамлакатлардан олиб келиш керак. Айтгандек, чорвачилик қишлоқ хўжалиги экспортининг энг тез ўсаётган соҳаси эканлиги аниқланди: тирик чорва экспорти ҳажми 2004 йилда 700 долларни ташкил

этган бўлса, 2009 йилда 34 миллион долларга етди.⁷⁰ Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Иордания, Ливан, Қатар, Қувайт сингари мамлакатлар кахетин зотига мансуб қўйларни бажонидил сотиб олмоқда. Грузия учун анъанавий бўлган экспорт маҳсулотлар – ёнғоқлар ва мевалар ҳолати ҳам яхшиланмоқда: улар 2003 йилда 16 миллион доллар, 2009 йилда эса 90 миллион доллар маблағ келтирди.

Бир ишлаб чиқарувчи ишлаб топган маблағлар ҳисобига бошқа бир ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш самарадорликни оширмайди, балки мавжуд муаммоларни вақтинча ёпиб туради, холос.

Вино

Анъанавий вино маркаларини хусусийлаштириш амалга ошириб бўлмаган ғоялардан бири бўлиб қолмоқда.

Грузия учун виночиликни экспортнинг асосий маҳсулотларидан бири, дейишдан кўра қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси дейилса, тўғри бўлади. Бу миллий ғурур, маданиятнинг узлуксиз бир қисми, анъаналар давомийлигидир. Грузия ҳудудидаги вино билан боғлиқ бўлган қадимги археологик топилмалар эрамиздан аввалги 6–5-мингйилликларга бориб тақалади.

Грузияда виночилик ҳар доим ишлаб чиқаришнинг энг консерватив соҳаларидан бири саналган. Лекин ислоҳот учқунлари муқаддас саналган бу соҳага ҳам тегиниб ўтди.

Каха Бендукидзе виночилик муаммолари сабабларини шахсий мулкка эгалик ҳуқуқидаги камчиликлардан ва ортиқча назорат қилишдан деб билади:

⁷⁰ Грузия Статистика хизмати (www.geostat.ge/cms/site_images/_files/english/bop/2000-2009/Export_products.zip) маълумотларига кўра.

Машҳур вино номларининг эгаси йўқ, винони кимдир яхши, кимдир эса ёмон тайёрлайди. Умуман узум ўсмайдиган, фақатгина айиқлар яшайдиган Сенакида⁷¹ бир завод бор эди. Унда маҳаллий технологлар узумсиз вино ишлаб чиқаришни ўрганиб олдилар, бу винони эса ҳақиқийсидан лаборатория таҳлиллари орқали ҳам аниқлаб бўлмайди. Спирт, шакар, ранг берувчи моддалар, экстракт, чиройли ёрлиқ ёпиштирилган шиша идиш, қарабсизки, аъло даражали бизнес, ҳеч қандай мавсумийлик ҳам, хомашё сифатига боелиқлик ҳам талаб қилинмайди. Санкт-Петербургда яқинида таркиби номаълум бўлган “грузин виноси” тайёрландиган учта завод бор эди. Венгрия компанияси томонидан Болтиқбўйи давлатлари учун Жанубий Африкада тайёрланган “Хванчкара”⁷² идишини шахсан ўзим кўрганман. Шунда қандай қилиб грузин виносини ислоҳ қилиш ҳақида ўйлай бошлаганман.

Совет давридаёқ Грузияда ўн саккизта анъанавий вино хили мавжуд бўлиб, улар винони тайёрлаш ёки узум ҳосилини териш жойи номлари билан аталганди. Бу эса келиб чиқиши бўйича асл эканлиги (appellation d’origine controlle) ва ҳеч кимга тегишли эмаслигини французча назорат қилишнинг соддалаштирилган кўринишига ўхшаб кетади. Бу тизим моҳияти шундаки, маълум ҳудудлар мавжуд, уларда вино маҳсус идоралар – давлат, ярим давлат ёки хусусий шахслар назорати остида ишлаб чиқарилади. Асосийси – умумий ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш, яъни маҳсулотнинг номига мувофиқлигини тасдиқлашдан иборат.

⁷¹ Сенаки – Грузиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар.

⁷² “Хванчкара” – грузин қизил нимширин виносининг энг машҳур навларидан бири.

Бендукидзе ҳикоя қилади:

Беш-олтита машҳур номлар мавжуд, улар яширин тарзда юзлаб миллион доллар бўлмасда, ўнлаб миллион доллар фойда келтиради. Лекин бу номлар ҳеч кимга тегишли эмас ва ҳозирда шундай номлар остида бутунлай яроқсиз маҳсулотларни учратиш мумкин. Назоратни давлат ўрнатиши, ҳар бир узум навининг ишлаб чиқарилишини қатъий қузатиб борадиган назоратчини белгилаш йўлидан бориш ҳам мумкин эди: бу ҳолда қандайдир ақлли амакилар барча ҳудудларни айланиб юришлари, пора олмасликлари, қалбаки маҳсулотлар учун жазо беришлари ва бундай маҳсулотларга қарши курашишлари керак бўларди. Лекин, албатта, бундан фойда йўқ. У ҳолда, масалан, Россия ҳудудида грузин виноларини қалбакилаштиришга қарши қандай курашиш мумкин? Басман судига⁷³ мурожаат қилиш керакми?

Энг биринчи навбатда совет истеъмолчиси учун муҳим саналадиган ва бошқа, янги бозорлар учун мутлақо нотаниш бўлган брендларни хусусийлаштириш керак, деган фикрга келдим. Яъни айтайлик, “Хванчкара” вноси бу брендни бошқарадиган, сифат учун жавобгарликни ўзига оладиган ва қалбакилаштириш билан шахсан курашадиганларга тегишли бўлиши керак. Буларни амалга ошириш учун бренд эгаси ё қоидаларини ўрнатиши ёки вертикал равишда интеграцияланган компанияга асос солиши (бу жуда самарасиз), лицензиялар ва франшизаларни сотиши, қоида бузилиши ҳолатлари аниқланганда эса судлашиши керак бўлади.

⁷³ Басман суди – рус бизнесмени Михаил Ходорковский устидан бўлиб ўтган биринчи суд жараёнидан кейин ёмон ном қозонган Москванинг район суди.

Ва мен буни татбиқ этиш учун Бош вазир ва қишлоқ хўжалиги вазирини кўндирдим, Президент ҳам бунда ҳеч қандай муаммо кўрмади. Лекин нима сабабдандир вино ишлаб чиқарувчилар кўрқиб кетдилар, барчасини ҳеч нарса ишлаб чиқаришни уддалай олмайдиган хорижликлар сотиб оладилар, деб ўйладилар. Уларнинг фикрига кўра, агар сифат назорати билан давлат шугулланса, демак, бу ишлаб чиқарувчиларни ортиқча харажатлардан ҳимоя қилади. Грузия виночилари эса жуда кичик субъект ҳисобланадилар ва, айтиш мумкинки, мавсумдан мавсумгача бўлган даврда улар тасодифий пуллар эвазигагина кун кўрадилар. Шунда биз кўпроқ “колхозча”, яъни патронат усулдаги бошқача моделни ўйлаб топдик. Бренд юридик шахснинг мулки бўлади, юридик шахс эса ўзига пул тўлаган вино ишлаб чиқарувчиларга тегишли бўлади. Бу худди Россиядаги чекли аукционга ўхшаб кетади: агар сен ишга 20 минг тиксанг, мен эса 2 миллион тиксам, унда мен сендан юз баравар кўпга эга бўламан. Агар кимдир муваффақиятли сота олса, бошқаси харид қилиши ва эртами-кечми, тизим мувозанатга келиши тушунарли эди. Лекин вино ишлаб чиқарувчилар бу таклифга қарши бўлган лоббистларни топа олдилар, улар орасида парламент вице-спикери (бир вақтнинг ўзида Савдо-саноат палатаси раиси) Жемал Инаишвили ҳам бор эди – тўғри, у ҳозир ўша пайтда ноҳақ бўлганини тан олади. Инаишвили Президент олдига бориб, одамларнинг ўзлари яхши винони ёмондан фарқ қила олишларини, шунинг учун ҳеч нарса ни ўзгартириш керак эмаслигини таъкидларди. Бу вақтда эса эмбарго ҳам бошланиб қолди. Бундай вазиятда ниманидир ўзгартиришдан маъно

йўқ эди, “Хванчкара” ёки “Киндзмараули” бренди ўз қийматидан сезиларли даражада арзонлади: Россия иштирокисиз бозор икки ярим баравардан ортиққа қисқарди.

Эмбарго

2006 йил, 27 мартда Роспотребнадзор ва Россия Федерацияси бош давлат санитар врачлари Геннадий Онищенко қарорига кўра, санитария меъёрлари бузилиши аниқлангани туфайли Грузиядан вино олиб киришга тақиқ қўйилди.⁷⁴

Россия бозорида кўплаб сохта грузин маҳсулотлари мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмасди. Масалан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилотининг (FAO) 2006 йил июль ойидаги баҳолашига кўра, бутун дунё бўйлаб сотилаётган “грузин” виноларининг 90 фоизи Грузияга умуман алоқадор эмас.⁷⁵ Лекин қалбакилаштиришга қарши кураш Россияда грузин экспортининг энг муҳим бўғинларидан бирига эмбарго қўйишдек радикал шаклда амалга оширилиши сиёсий қарордан бошқа нарса эмас, дея талқин этилди.

Грузиянинг амалдаги ҳокимияти ҳам юзага келган муаммони ҳал қилиш учун сиёсий қадамлар ташлади. Грузин виносини янги бозорларга олиб кириш билан шуғулланиш Мудофаа вазири Ираклий Окруашвили (ўтмишда – муваффақиятли тадбиркор) зиммасига юклатилди, Бош вазир Зураб Ногаидели эса мамлакат ичидаги ва МДХ давлатларидаги грузин виноси муаммосини ҳал қиладиган бўлди.

⁷⁴ Молдавия виноси ҳам тақиққа учради (тўғри, бу эмбарго 2009 йил июлида бекор қилинди). Грузин маҳсулоти ҳақида гап борганда эса винодан ташқари коньяклар, кўпикли винолар, шунингдек, минерал сувлар ҳам рўйхатга киритилди.

⁷⁵ Georgian wine producers over a barrel // Food and Agriculture Organization of the United Nations. 2006 йил, 20 июль (www.fao.org/newsroom/en/field/2006/1000366).

“Мен бизнес эркинлиги тарафдориман, лекин ҳозир айтадиган гапларим биринчиси ва охиргиси бўлади. Узум ҳосили ва маданиятини сақлаб қолиш учун ҳар бирингиз бу йили деҳқонлардан 10 тоннагача узум сотиб олишингиз шарт. Узумни ўз ходимларингизга тарқатишингиз ёки сотиб юборишингиз мумкин, лекин бугунги кунда бу нарса Кахетияга ёрдам бериш учун керак”, – дея Саакашвили 2006 йил августда тадбиркорларга мурожаат қилди.

Шубҳасиз, бу каби таклиф баҳс ва танқидларни келтириб чиқармаслиги мумкин эмасди. Тадбиркорларнинг баъзилари ҳозиргача ҳақиқатан ҳам узум сотиб олишга мажбурланганини эслайдилар. Қизиғи, пулини тўлаган ҳолда маҳсулотдан воз кечиш мумкин эмасди. Айтишларича, (Қора денгиз қирғоғида жойлашган) Батуми шаҳридаги қурилиш фирмаси мамлакатнинг энг шарқий ҳудуди саналадиган Кахетиядан 30 тонна узумни сотиб олишга мажбурланган. Ҳўл мевани сақлаш ва ташиш масалаларида тажрибасиз бўлган бу тадбиркор ўз харидини бутун Грузия бўйлаб белгиланган жойга етказиб боргунча узум эскириб қолди, манзилга етказилган пайтда фақатгина 2-3 тонна узум яроқли эди, холос. Қолган қисмини ташлаб юборишга тўғри келди.

Албатта, “иқтисодий уруш” ички ресурсларни ишга солишни талаб қилади. Лекин, афсуски, бундай услублар бизнеснинг давлатга бўлган ишончида яққол акс этди. “Эртага менинг ёнимга ҳам келиб, қайсидир ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашимни сўрамайдилар, деб ишонч билан айта олмайман, – деб ўз хавотирини изҳор қилади исми-шарифи номаълум қолишини истаган тадбиркорлардан бири. – Бу каби ҳолатлар аввал ҳам юзага келиши мумкин эди – унда ҳамма сукут сақлаган бўларди. Ҳозир эса мамлакатда кўп нарса ўзгарди, шу жумладан, биз-

нинг талабларимиз ҳам. Давлатнинг бундай ҳаракатларини оқлаб бўлмайди”.

Вино мавзуси тадбиркорларнинг бошқа қўрқувларига сабаб бўлди. Молия вазирлигига бўйсунадиган ва иқтисодий жиноятларга қарши курашувчи молия полицияси 2006 йил, 14 ноябрда “Бадагони” компанияси ишлаб чиқарган ва экспертизада қалбаки деб топилган 200 тонна “Саперави” виносини йўқ қилди. Орадан бир ҳафта ўтиб, можарога Президент аралашди ва молия полицияси хатти-ҳаракатлари нотўғри бўлгани, бу ҳаракатлар ёрдамида улар яқиндагина қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинланган Петрэ Цискаришвилига ёқишга урингани ҳақида баёнот берди.⁷⁶

Бу мисол баъзида грузин ҳукуматига хос бўлган ҳаракатларнинг номувофиқлигини намоён этади. Бир томондан, ҳукумат ўз самарадорлигини ошириш йўлида ҳақиқий шижоат билан ҳаракат қилаётган бўлса, бошқа томондан, бу йўлда оқилона чегарадан чиқиб кетяпти. Натижада қайсидир сиёсий кучлар бундай хатолардан сабоқ чиқариш учун эмас, балки амалдаги ҳукуматга қарши норозиликларни аланга олдириш учун фойдаланмоқда.

Россия эмбаргоси натижасида урғу бериладиган муаммо ўзгарди, лекин шахсий мулк ҳуқуқини аниқлаш муаммолари бартараф этилмасдан қолаверди. Шунда Бендукидзе янада аниқроқ таснифни қўллашни таклиф этди:

Одамлар ўз шахсий узумзорларида оригинал номланган ўз виноларини ишлаб чиқара оладиган шароитларни яратдик. Бу эса уларни бренднинг тўлақонли эгасига айлантиради – улар ўз брендларини ҳимоялайдилар, қалбакилаштиришни тазқиб қиладилар, сифат


⁷⁶ Боткина А. Была ли фальсификация грузинского вина? // Портал “Акциз”. 2006 йил, 21 ноябрь (akcuz.com.ua/news/wine/5307/3).

устидан назорат ўрнатадилар.

Етарлича йирик компаниялардан бири янги турдаги оқ винони ишлаб чиқаришни бошлагани бу гоё устида иш олиб бориш учун жуда қўл келди. Вино у ишлаб чиқарилаётган қишлоқ номи билан аталди. Айнан шу сингари компаниялар учун янги назорат тизимини ишлаб чиқдик.⁷⁷

Ўйлашимча, мазкур намуна жуда омадли чиқди ва бу йўналиш кейинчалик ҳам ривожланади.


Эмбарго қўлланилган биринчи йилдаёқ Грузия Россияга вино экспорти тўхтагани туфайли 50 миллион доллар йўқотди.⁷⁸ Шунингдек, грузин виночилик маҳсулотларини жадал суратда бошқа бозорларга йўналтиришга мажбур бўлди. Икки йиллик пасайишдан сўнг 2008 йилга келибоқ экспорт даромадларида ўсиш кузатилди, бу кўрсаткич қиймат жиҳатидан 2002 йилги кўрсаткичдан юқори бўлди.



Грузиядан вино экспорти, 2001–2010 йиллар (миллион доллар). Манба: Грузия Статистика хизмати.

⁷⁷ Ҳозирча Грузияда бундай рўйхатга олишнинг фақат бир ҳолати кузатилган – Кахетиядаги кичик бир қишлоқ номи билан аталган “Кондоли” виноси.

⁷⁸ Грузия Миллий банки ҳисоблашларига кўра (Қ.: Грузия под-считала потери от российской экономической блокады // correspondent.net/business/190117).



Грузияга келган хорижий фуқаролар сони, 2000–2010 йиллар (минг киши). Манба: Грузия Туризм миллий агентлиги.

Афтидан, “Ҳозирги пайтда грузинлар аввал ўзлари Россияга сотган миқдорнинг ўндан бирига тенг миқдорда сотяптилар, холос. Бу грузин винолари ҳам, грузин сабзавотлари ҳам, грузин курортлари ҳам ҳеч кимга, ҳа, ҳеч кимга керак эмас. Ягона истеъмолчи фақат Россия, холос”, – дея қатъий таъкидлаган журналист Павел Шеремет⁷⁹ ноҳақ бўлиб чиқяпти. Экспортда пешқадамлик қилаётган ўнта маҳсулот орасидан анъанавий равишда вино ҳам ўрин олган, лекин энди унинг тўртдан уч қисми Украина, Қозоғистон, Беларусь ва Польшага жўнатилмоқда.⁸⁰

Айтгандек, курортлар ҳақида. Грузиянинг Туризм бўйича миллий агентлиги маълумотиغا кўра, 2010 йилда мамлакатга 2 миллиондан ортиқ хорижликлар ташриф буюрган.⁸¹ Бу эса 2003 йилдагига нисбатан 6,5 баравар кўпдир. Албатта, Россия фуқаролигига эга бўлган грузинлар ҳам, иш бўйича келган меҳмонлар ҳам бу рақамлар ичига қўшилган, лекин туризм

⁷⁹ Павел Шеремет – “Саакашвили / Грузия. Погибшие мечты” китоби муаллифи (М.: Партизан, 2009)

⁸⁰ Georgian External Trade 2009. P. 132 (www.geostat.ge/index.php?action=wnews&lang=eng&npid=34).

⁸¹ Грузиянинг Туризм бўйича миллий агентлиги сайти www.gnta.ge/?61/statistics/&lan=en.

агентлиги маълумотларига кўра, дам олиш учун келаётганлар улуши ортиб бормоқда ва бу барча сафарларнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади. Сайёҳлар асосан Арманистон, Туркия ва Озарбайжондан келмоқда.

Россиядан келадиганлар сони ҳам ортиб бормоқда: 2010 йилда 171 минг россиялик Грузияга саёҳат қилди, бу эса олдинги йилгига нисбатан 33,8 фоизга кўп (таққослаш учун: урушгача – 2007 йилда 91,4 минг россиялик Грузияга борган). 2005 йилда бир неча ўнлаб мамлакатлар учун виза бекор қилинганидан кейин хорижий туризмнинг шиддатли ўсиши кузатилди.⁸² Саёҳатчиларнинг умумий сонидаги россияликлар улуши эса ўшандан бери – 2004 йилдаги 16,7 фоиздан 2010 йилдаги 8,4 фоизгача камайиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш

2006 йил баҳорда Бендукидзе Тбилисидаги онасининг ҳOLIDан хабар олиш учун 9-сонли шаҳар касалхонасига борди. Бу ерда у нималарни кўрганини тахмин қилишгина мумкин, лекин шундан кейин соғлиқни сақлаш тизимини қандай ислоҳ қилиш ҳақида бош қотирди.

Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг кўп нарсалар аста-секин яроқсиз ҳолатга кела бошлаганди. Бу тақдирдан касалхоналар ҳам қочиб қутула олмаган, баъзида энг оддий нарсалар ҳам етишмасди. Бу ислоҳот жараёнида иштирок этганлардан бири – Георгий Ахалая шундай хотирлайди: “Бир воқеа бўлди. Дўстимнинг онаси касал бўлиб қолди, уни касалхонага олиб борганимизда, ўша заҳоти жонлантириш бўлимига жойлаштирдилар. Операция қилиниши керак эди. Шифокорлар эса олдимизга келиб, ‘Тезроқ бориб, ёриткич чироқларини сотиб олинлар, чунки

⁸² “Эркинлик мамлакатни қандай ўзгартиради?” бобида батафсил баён этилган.

жарроҳлик хонасида чироқ йўқ, операция қила олмаймиз!’ дейишди”.

Грузияда нафақат касалхоналар инфратузилмаси ачинарли ҳолатда эди, балки соғлиқни сақлаш расман бепул саналса-да, аслида шифокорларнинг “совғаларсиз” ишламаслиги ҳеч кимга сир эмасди. Радикал ўзгаришлар жуда зарур эканини шифокорлар ҳам, беморлар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам англаганди.

Мутлақо янги ишга қўл уриш учун Бендукидзе 2006 йил ёзда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя⁸³ вазирининг ўринбосари Нина Морощкинадан ходимларни Грузиядаги жорий ҳолат, шунингдек, бошқа мамлакатлар тажрибаси билан таништиришини сўради. Ислохотларни мувофиқлаштириш вазирининг бошчилигидаги ўн икки кишидан иборат ишчи гуруҳ икки ой давомида мавзуга чуқурроқ кириб борди, 2006 йил сентябрда амалга оширила бошлаган ислохотлар дастурини ишлаб чиқди.

Биринчи босқичда ҳақиқий аҳволни аниқлаш керак эди. Касалхоналар мулкани рўйхатдан ўтказиш, совет давридан бери амалда ўзгармаган статистика билан боғлиқ улкан муаммолар мавжуд эди. Бир неча киши ҳудудлар бўйлаб айланиб, зарур маълумотларни йиғди: яроқли ётоқ ўринлари сонини ҳисоблади, касалхона майдонини ўлчади ва ҳоказо. Профессional врачлар ва экспертлар, Ислохотларни мувофиқлаштириш, Соғлиқни сақлаш ва Иқтисодий ривожланиш вазирликлари ходимларидан ташкил топган норасмий комиссия иштирокидаги стратегик ишлар Бендукидзининг кабинетига олиб борилди.

“Грузиянинг 100 та янги касалхонаси” дастури концепцияси айнан шу кабинетда тайёрланди. Давлатнинг нураган касалхоналар тизимидан янги хусусий клиникалар тармоғига ўтиши дастурнинг

⁸³ Ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бандлик вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрнига 2000 йилда ташкил этилган.

асосини ташкил этди. Аҳоли талаби (ҳар минг аҳолига битта ўрин), касалхоналар 30 дақиқалик масофада бўлиши қондаси ва, ҳақиқий аҳволни инобатга олган ҳолда, “Айни пайтда мавжуд хусусий клиникалардаги ётоқ ўринлари сони билан бирга умумий ётоқ ўринлари сони 7800 тага етиши керак, бунинг учун эса Тбилисида 23 та, регионларда 77 та касалхона қуриш керак”, – деб ҳисоблади Бендукидзенинг ўринбосари Вато Лежава. Рақамлар ўша вақтда расмий айтиладиган, совет давридан қолиб кетган 17 минг ётоқ ўриндан анча кам. Эски ётоқ ўринлари фонди нафақат аянчли ҳолга келиб қолган, балки унча катта бўлмаган мамлакатнинг талаблари даражасидан ортиқча эди. Концепция Бош вазирга тақдим этилди ва маъқулланди. Ҳатто парламент ҳам қарши чиқмади ва 2007 йил январда ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилинди.⁸⁴

Бу ягона ғоя эмасди. Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги аҳоли сони ва зичлигини ҳисобга олган ҳолда, бутун мамлакат бўйлаб энг катта еттита касалхона қуришни, сўнгра уларни хусусийлаштиришни таклиф этди. Лекин кейинчалик касалхоналарни сотишга ҳукуматнинг журъати етмаслигидан чўчиган Бендукидзе мавжуд касалхоналарни бошиданоқ хусусийлаштиришни ва бир вақтнинг ўзида улар сонини муқобиллаштиришни таклиф этди.

Унинг сўзларига кўра, сиёсатчилар билан тўғри тил топиша олгани учун ҳам, у ва жамоаси истаган натижаларига эриша олди.

Янги схема

Ярим йил зўр бериб ишлаш натижасида анча ғаройиб концепция пайдо бўлди. Тижорий жиҳатдан истиқболли ҳисобланган жойдаги касалхона биноси сармоядорга таклиф қилинди. Бу трансакция нати-

⁸⁴ 2007 йил, 26 январдаги №11-сонли ҳукумат қарори.

жасида тўланадиган маблағ бюджетга келиб тушиши шарт эмасди, лекин энг кўпи билан 36 ой ичида сармоядор шартномада кўрсатилган ҳудудларда янги касалхоналар қуриши керак эди. Сармоядорнинг бундай мажбуриятлари суммасини сотиладиган бинонинг номинал нархи ва ҳудуддан келиб чиққан ҳолда Иқтисодиёт вазирлиги аниқларди. Сўнгра янги касалхоналарнинг қурилиш жойлари ва қўлланилиш мақсади акс этган ёпиқ танлов учун лотлар ташкил қилинарди. Албатта, барча меъёрларни ҳисобга олган ҳолда, энг кўп сонли ўринлар таклиф этган томон ғолиб бўларди. Агарда сармоядорлар тегишли мажбуриятларни зиммаларига олсалар, ўз бизнесларини ташкил этишлари учун уларга бир томонлама капитал гранти тақдим этиларди.

Хусусийлаштиришнинг принципал жиҳатдан янги схемасини ишлаб чиқишга киришиш жараёнида ислохотчилар хусусий сармоядорларнинг харажатлар юқори, тўлов қобиляти паст бўлган соҳага унчалик қизиқмасликларини ҳисобга олишларига тўғри келди. Ислохотгача бўлган даврда Грузияда кенг кўламдаги хизматлар таклиф эта олмайдиган ва жиддий операцияларни амалга ошира олмайдиган кам сонли хусусий клиникалар мавжуд эди, холос. Булар асосан гўзаллик салонлари ва стоматология кабинетларидан иборат эди.

Янги концепциянинг мақсади бюджетни тўлдириш эмас; у давлат маблағларини сарф этмаган ҳолда бутун тизимни жонлантиришга қодир бўлган шахсий қизиқишни рағбатлантиришга йўналтирилганди. Ислохот ўтказиш стратегиясидан ташқари, муаллифлар уни амалга оширишнинг уч босқичли тактикасини ишлаб чиқдилар.

Биринчидан, сармоядор ўзи қурган касалхонанинг ихтисослашган йўналишини етти йил давомида ўзгартирмаслиги мажбур қилиб қўйилди. Агар белгиланган муддатдан кейин у ўз бизнеси йўналишини

Ўзгартирмоқчи бўлса, камида бир йил олдин давлатни оғоҳлантириши керак бўлади. Аслида бу банд бор-йўғи бир расмиятчилик, холос, чунки етти йил ишлаб, катта маблағ сарфлаган тадбиркор ўз фаолиятини кескин ўзгартиришни хоҳламаслиги турган гап эди.

Концепцияни ишлаб чиқиш жараёнининг энг бошида сармоядор янги касалхонани қуриб тугатмагунча, ўзига берилган бу иншоотдаги фаолиятини тўхтата олмаслиги кўзда тутилганди. Ходимлар сонини қисқартириш, мукамаллаштириш мумкин эди, лекин касалхона эгаси уни бутунлай ёпиб қўя олмасди.

Кейинчалик схема содалаштирилди. Банк орқали кафолат пули тўлаган тақдирда сармоядорга танлов имконияти тақдим этилди. Энг кам кафолат пули битта ётоқ ўрни учун 15 минг долларни ташкил қиларди. Бундан мақсад, агар шартномада кўрсатилган муддатда қурилиш ниҳоясига етмаган тақдирда, давлат тадбиркорга жарима сола олишини таъминлаш эди. Лекин агар сармоядор битта ўрин учун 45 минг доллар миқдорида кафолат пули кирита олса, у қўлга киритган мулкни ўзи хоҳлаган мақсадда ишлата олиш ҳуқуқига эга эди. Масалан, касалхона бизнеси билан шуғулланиш мажбуриятсиз бинони сота олиши, ундан меҳмонхона ёки шунга ўхшаш бошқа йўналишда фойдаланиши мумкин эди. Лекин шу билан бирга, сармоядор худди шу аҳоли пунктининг бошқа объектида тўлиқ доирадаги тиббий хизматни кўрсатишга мажбур эди. Сармоядор мажбуриятларга риоя этмаган тақдирда, давлат янги касалхона қуришга кетадиган харажатлардан шу тарзда сўғурталанди: янги касалхонадаги битта жойнинг ўртача қиймати 45 минг доллар қилиб белгиланди. Шартнома талаблари бажариб борилгани сари банк кафолати ҳам мутаносиб равишда қисқариб борарди.

Иккинчидан, агарда шартномада кўрсатилган режаларини амалга ошириш жараёнида сармоядор

банкрот бўлса, ўзи эга чиққан мулкни сотиш имкониятига эга эди. Ўз навбатида, давлат билан тузилган аввалги шартнома мажбуриятларини янги харидор ўз зиммасига оларди.

Учинчидан, давлатга қарашли касалхоналардаги ижарага олинган кичик хоналар билан боғлиқ вазиятга ойдинлик киритилди. Бу дастурга асосан, хонани ижарага олган шифокорлар уларни ўз касбий эҳтиёжлари учун бозур нархидан арзон нархда сотиб олишлари мумкин эди. Бу каби кичик тиббий хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бинолар соҳага ёт сармоядорларга таклиф қилинмасди.

Ислохотларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳам кўзда тутилганди. Илгари Грузияда монотармоқ касалхоналар (масалан, алоҳида офтальмологик, онкологик, психоневрологик, туберкулёз диспансерлари) кўп бўлган бўлса, ўзгаришлар вақтида жамият кўпроқ кўп тармоқли касалхоналарга муҳтож эканлиги ойдинлашди. Ҳар бир регионда барча турдаги даволашлар тақдим этилиши керак – географик хусусиятларни (Грузия – тоғли мамлакат), шунингдек, яқиндагина қайта тиклаш ва созлашга киришилган йўлларни эътиборга олган ҳолда, бу муҳим аҳамиятга эга. Кўп тармоқли касалхоналар таркибида психиатрия бўлими ҳам мавжуд бўлиши керак эди.

Ислохот доирасида қишлоқ поликлиникалари ҳам соғлиқни сақлашни бирламчи ривожлантиришдан четда қолмади. Грузияда Европа моделига ўтишга ҳаракат 2000 йилдан бошланганди: қишлоқларга педиатрлар, гинекологлар, офтальмологлар сингари тор мутахассислар керак эди. Лекин бу тизим тўлиқ равишда ривожланиши учун бюджет маблағлари етмаганди, натижада беморлар тиббий хизматдан умуман фойдалана олмагандилар. Аслида гап мамлакатнинг деярли ярим аҳолиси ҳақида кетмоқда: Грузия аҳолисининг 47 фоизи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади. Шунинг учун умумий соҳадаги

қишлоқ врачлари институтини қайта тиклашга қарор қилинди. Ҳар бир қишлоқ врачлари ўз эгаллаб турган хонасини (одатда, қишлоқ жойларида битта хона) сошлаши ва замонавийлаштириши учун давлат томонидан 1200 доллар грант ажратилди, шунингдек, шифокорлар зарур жиҳозлар билан таъминландилар. 2009 йилда бу акцияда 800 нафар врач иштирок этди. Ҳақ йил узлуксиз равишда давом этган амбулатория-поликлиника корхоналари қувватидаги камайиш тенденциясини ўзгартириш режаланди: бир сменада 84,8 минг нафар ташриф буюрувчи сони билан 2007 йилда энг қуйи даражани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2008-2009 йилларда илк бор 3 минг нафарга ошди.

Район марказларидаги унча катта бўлмаган амбулаторияларни хусусийлаштириш масаласи тартибга солинди. Касалхоналарни қўлга киритган сармоядорлар янги қурилаётган биноларни ишга туширганлари заҳотиёқ, шартномага асосан бу амбулаторияларни врачлар ихтиёрига бепул беришлари керак эди. Шунингдек, чекка ҳудудлардаги касалхоналарда тез ёрдамнинг ("03") ҳуқуқий ҳолати белгилаб қўйилди. Тбилисида бу хизмат касалхоналардан мустақил, чекка ҳудудларда эса "03" хизмати сармоядор ихтиёрига берилган бинонинг бир қисмида жойлашган. Касалхонанинг янги эгаси "03" хизмати учун бепул равишда хона ажратиши ёки бошқа бино сотиб олиб бериши кераклиги қарор қилинди. Сармоядор тез ёрдам хизматини таъминламайди, жиҳозлар олиб бермайди, фақат бўш хона ажратиб беради, холос.

Фақат мавжуд объектларни ислоҳ қилиш жараёнидагина давлат бу каби қатъий назоратни амалга оширганини тушуниб етиш жуда муҳимдир. Агар хусусий сармоядор ер, бино сотиб олишни ёки нолдан бошлаб касалхона қуришни хоҳласа,

Ўринлар сони, даволаш муассасаси йўналиши, тез тиббий ёрдамнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги фақат сармоядорнинг хоҳиши ва имкониятига қараб аниқланади.

Концепцияга асосан, бешта энг йирик касалхона (умумий олганда, тахминан минг ўринли) давлат ихтиёрида қолади: булар ҳарбий госпиталь, пенитенциар тизим эҳтиёжлари ва фахрийлар касалхоналаридир. Бунга соғлиқни сақлаш соҳасини бутунлай хусусийлаштиришга қарши бўлганларни биров тинчлантириш учун концепцияни амалга ошириш йўлидаги сиёсий ёнбосишлар, шунингдек, жамиятни бозор муносабатларининг янги схемасига мослаштириш сифатида қараш мумкин.

Амалга ошириш

Грузия касалхоналарини хусусийлаштириш 2007 йил феврида бошланди. Касалхоналар секторини ислоҳ қилиш 2010 йил охиригача тугаши, 15 та хусусий компания томонидан бошқариладиган 100 та янги даволаш муассасаси қуриб битказилиши тахмин қилинганди.

Сармоядорларнинг бирламчи рўйхати ўн иккита грузин ва хорижий компаниялардан ташкил топганди.⁸⁵ Иқтисодий ривожланиш вазирлиги Тбилиси марказидаги йирик касалхоналардан бирини 2007 йил майида “Новый стиль” грузин компаниясига берди. Эвазига сармоядор 29 ой ичида Тбилиси атрофида 300 ва Руставида 100 ўринли янги клиникалар барпо этиши, шунингдек, Грузия район марказларида тўртта унча катта бўлмаган касалхоналар қуриши ва бу касалхоналар учун бозор нархида 3 миллион доллар атрофида турадиган жиҳозлар сотиб олиши, Тбилисидаги 9-сонли касалхона ва архитектура ёд-

⁸⁵ Block Georgia, Medimex, Award Capital, Meridiani, Aversi-Pharma, PSP-Pharma, New Style (кейинчалик IHOP томонидан сотиб олинган), GRDC, Vellagio, MGI, GPC, New Hospital.

горлигини таъмирлаши керак эди.⁸⁶ 2007 йил июлида эса тўрт компания (“PSP-Pharma”, “Aversi-Pharma”, GPC ва “Block Georgia”)дан иборат консорциум Батумида 100 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли ва юқори технологияли клиника ҳамда Шуахеви райони марказида 15 ўринга мўлжалланган касалхона қуриш мажбуриятини олди.⁸⁷

Лекин бу режаларга ҳаётнинг ўзи тузатиш киритди. Узоқ давом этган ички сиёсий инқироз 2007 йил ноябрида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Бутун куз давомида муҳолиф партиялар етакчилари Тбилиси кўчаларида Саакашвилининг сиёсий йўналишига қарши норозилик митинглари ташкил этди. Президентнинг собиқ сафдоши, ички ишлар экс-вазир Ираклий Окруашвили шахсан Михаил Саакашвилининг хабардорлиги остида унинг сиёсий рақиблари йўқ қилингани ҳақида тўғридан-тўғри эфир орқали баёнот берган ҳолда, оловни янада кучайтирди. Хусусан, у Зураб Жваниянинг қайғули ўлимини мисол сифатида келтирди; ҳақиқатан ҳам, грузин сиёсатидаги бундай ёрқин шахслардан бирининг ўлим ҳолати ҳали ҳам кўпларда савол уйғотади. Ҳозирча ҳамма “i”лар устига ҳам нуқта қўйилмаган, натижада турли хил сиёсий кучлар бу қайғули воқеадан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келмоқда.

Турли тахминларга кўра, 50 мингдан 100 минг нафаргача бўлган муҳолифат тарафдорлари 2007 йил, 2 ноябрда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказиш, сайлов қонунчилигини ўзгартириш ва барча сиёсий маҳбусларни озод қилиш талаблари билан парламент биноси олдида тўпландилар. Кейинча-

⁸⁶ Грузия отдала инвестору больницу в обмен на обещание новых // 2bFinam.ru. 2007 йил, 10 май (2b.finam.ru/news/onenews072F9/default.asp).

⁸⁷ Компании PSP-Pharma, Aversi-Pharma, GPC и Block Georgia строят в Батуми госпиталь // *Новый регион*. Жанубий Кавказ мамлакатлари интернет нашри. 2007 йил, 24 июль (www.nregion.com/news.php?i=15115).

лик бу талабларга президент истеъфоси ҳам қўшилди. Ҳукумат ён босиш йўлидан бормади, натижада намоишчилар сони кундан кунга камайиб борди. Парламент биниси ёнида икки юзга яқин одам тўп-ланган 7 ноябрь куни жамоат транспорти қатновига халақит беряпти, майдон эса тозаланишга муҳтож, деган сабаб билан акция қатнашчиларини полиция ходимлари ҳайдаб солди. Митинг қатнашчилари ва полиция ўртасида келишмовчиликлар чиқди, муҳолифатчиларнинг кўп сонли кучлари воқеа жойига йиғила бошладилар, бир муддат ўтиб, майдонга махсус қўшинлар жалб қилинди ва улар кўздан ёш оқизувчи газ ҳамда сув пурковчи қуролларни қўллашди. Ўша куни кечга бориб Тбилисида фавқулодда ҳолат эълон қилинди ва у ўн бир кун давом этди.⁸⁸

360 дан ортиқ инсоннинг касалхоналарга тушиши билан якунланган намоишнинг давлат томонидан кескин бостирилиши ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар, муҳолифлар ва халқаро кузатувчиларнинг нафратига дучор бўлди ҳамда норозиликнинг янги тўлқинини келтириб чиқарди. 25 ноябрда муҳолифат яна кўплаб киши иштирок этган митинг ташкил этди. Натижада Михаил Саакашвили 2008 йил январда муддатидан олдин президентлик сайлови ўтказиш қарорини қабул қилди. 2008 йил 5 январда ўтказилган сайловнинг биринчи турида 53,47 фоиз овоз тўплаган Саакашвили ғолиб бўлди. Сайловчилар тўрт йил олдинги сайловдан фарқли ўлароқ, ислохотчилар таклиф этган ривожланиш йўлидан юришга тайёр эканликларини бу сафар янада онгли равишда тасдиқладилар. Мамлакат раҳбариятида сиёсий бўҳронлар натижасида қалқиб қолган Грузиянинг сармоявий жозибадорлигини қайта тиклаш имкони пайдо бўлди.

⁸⁸ Тищенко М. "Шестой день" // Lenta.ru 07.11.2007 (www.lenta.ru/articles/2007/11/07/disperse).

2008 йил августда Грузия яна бир синовга дуч келди – рус-грузин уруши бошланди. Уруш қандай сабаблар билан бошлангани, ким ҳақ ёки ноҳақлигидан қатъи назар, мамлакат тарихи ва фуқаролар ёдида битмас чандиқ бўлиб қоладиган фалокатдир. 2008 йилги уруш ҳам бундан холи бўлмади. Грузия ўзгарди. 2008 йил кузида рўй берган, кўплаб мамлакатларни ўз домига тортган молиявий инқироз таъсирида дунё ҳам ўзгарди. Масалан, грузин иқтисодиётидаги тўғридан-тўғри хорижий сармоялар оқими динамикасидан бу жараён кўламини англаш мумкин: жўшқин ўтган уч йиллик ўсишдан (2008 йил иккинчи чорагида 605,4 миллион доллар келиб тушди) сўнг сармоялар оқими кескин пасайди – 2008 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб 2010 йил учинчи чорагигача ўртача миқдор 168 миллион долларни ташкил қилган ҳолда, амалда 2005 йил охири – 2006 йил бошидаги ҳолатга (162 миллион доллар) қайтди.⁸⁹ 2009 йилги асосий капиталдаги сармоялар бир йил олдин эришилган энг юқори кўрсаткичнинг 60 фоизини ташкил этди.⁹⁰

Мазкур ўзгаришларнинг барчаси бошқа ислохотларга қараганда “100 та янги касалхона” дастурида кўпроқ акс этди. Банклар кредитлашни тўхтатди, кўчмас мулк нархлари сезиларли даражада арзонлади, келажак нотайин бўлиб қолди ва аксарият сармоядорлар ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажара олмай, лойиҳани тарк этишга мажбур бўлдилар. 2009 йилда лойиҳада фақат иккита компания – “PSP-Pharma” ва “Block Georgia” қолди. Қурилиш режасининг 24 фоизи мазкур компаниялар ҳиссасига тўғри келарди ва улар ислохотда иштирок этаётган эски касалхоналарнинг умумий сонидан 28

⁸⁹ Грузия Статистика хизмати сайти, Foreign Direct Investments www.geostat.ge/index.php?action=page&p_id=140&lang=eng.

⁹⁰ Грузия Статистика хизмати сайти, Gross Domestic Product www.geostat.ge/index.php?action=page&p_id=119&lang=eng.

фоизига эгалик қилишлари керак эди. “PSP-Pharma” фақат бир лойиҳани ўз ихтиёрида қолдирган ҳолда, Тбилисида 150 ўринга мўлжалланган касалхонани қуриб битказишга яқин турганди. “Block Georgia” эса ўзи ҳамда бошқа компанияларга тегишли бўлган тўққизта лотни бириктирган ҳолда, шартномага кўра, умумий 1715 ўринга мўлжалланган 24 та касалхона қуриши керак эди. 150 ўринга мўлжалланган битта касалхонани компания Зугдидида қуриб бўлган, Санзоне ва Дигомида (Тбилисининг иккита райони) эса қурилишни бошлаганди.

Ўз вақтида ислоҳот лойиҳасини ишлаб чиқишда маслаҳатчи бўлган, сўнгра “Block Georgia” компаниясига ишга ўтган Арчил Почхуа бу схемани муваффақиятли дея ҳисоблайди, бироқ жараёни “олти ой ёки ундан кўп муддатга” суриб юборган сиёсий вазиятни айблайди.

Санзонедаги касалхона кластери кардиология бўлими, туғруқхона, педиатрия институти каби бир неча блоклардан ташкил топган. Ҳар жойга тарқалиб кетган бу бинолар ўрнига 150 ўринга мўлжалланган янги касалхона (туғруқхона бўлимининг ўрнида) қуриш режаланганди. “Block Georgia” компанияси регионларда олтита йирик ва йигирмадан ортиқ кичик (15-20 ўринга мўлжалланган) касалхоналар қурилишини амалга оширмоқда. Масалан, Санзонедаги касалхоналар янги раҳбарият томонидан минимал тартибга келтирилганига қарамай, уларнинг умумий кўриниши ҳозир ҳам биринчи марта ташриф буюрувчиларни қаттиқ таажжубга солишидан аввал бу ерда нималар рўй берганини тасаввур қилиш қийин эмас. Мажмуа ҳудудидаги унча катта бўлмаган бинолар қочоқлар томонидан тўлиқ эгалланган, касалхона корпуслари ярим авария ҳолатида, ичкаридан чиринди ҳиди келади ва жиҳозлар ҳам аллақачон эскириб кетган.

Янги объектлар қурилиши узоқ вақт давом этар

экан, ҳаттоки гигиена қоидаларига ҳам доим амал қилинмайдиган эски касалхоналар тақдим этадиган барча хизматларни сақлаб қолишга тўғри келади. Фақатгина Санзонедаги операция қилиш блоки янгиланган илк 11 ойнинг ичидаёқ жонлантириш хонасидаги ўлим деярли икки баравар – 53 фоиздан 28 фоизгача камайди. Кадрлараро ўзгаришлар ҳозирча фақат маъмуриятга нисбатан қўлланилганига қарамай, вазият яхши томонга ўзгара бошлади.

Кассадан ташқари амалга ошириладиган йиғимларни камайтиришга эришилди ва пуллар инфратузилмани яхшилашга йўналтирилди. Албатта, нафақат врачлар орасида, шунингдек, беморларнинг ўзларида ҳам қўшимча моддий “рағбатлантириш” одатини тезлик билан жиловлашнинг иложи йўқ. Масалан, мазкур ислоҳот устида иш олиб борган аёл ходимлардан бири касалхонадаги порахўрлик ҳолати билан тўқнаш келган, лекин бу ҳолатни эътиборсиз қолдирган:

2008 йил августида фарзандимни дунёга келтириш учун хусусий клиникага бордим. У ерда иккита бўлим мавжуд эди: биринчи бўлимда 1500 лари, иккинчисида эса 600 лари тўлаш керак эди.⁹¹ Фарқ ётиш шарт-шароитларида эди ва мен арзонроғига йўл олдим. Лекин охиروқибат 1000 лари тўлашимга тўғри келди. Аслида эса, 600 ларидан 200 лари врач учун, 400 лари беш кун клиникада ётиш учун сарфланиши ҳақидаги эълон деворга осиб қўйилганди. Яна агар кимдир пора талаб қилгудек бўлса, кўрсатилган телефон рақамига шахсини маълум қилмаган ҳолда қўнғироқ қилиб, бу ҳақда албатта хабар бериш зарурлиги ёзилганди. Лекин мен ҳеч кимга қўнғироқ қилмадим. Бизнинг камчилигимиз шунда.

⁹¹ Мос равишда 700 ва 300 доллар.

Масалан, етарлича мувофиқлаштириш мавжуд эмаслиги туфайли бутун соҳада, хусусан, “Block Georgia” компаниясида инқироз оқибатлари жуда чўзилиб кетди. “100 та янги касалхона” лойиҳаси доирасидаги қониқарсиз хусусийлаштириш жараёни туфайли иқтисодиёт вазири Лаша Жвания 2009 йил августда лавозимидан озод қилинди.⁹² 2010 йилда ислохотни амалга ошириш бошқа йўлдан кетди. Кам таъминланганлар суғуртаси билан шуғулланувчи тўққизта суғурта компанияси дастурга қўшилди. Эндиликда ҳудудлардаги ҳаммаси бўлиб 1100 ўринга мўлжалланган 46 та касалхона қурилишини улар олиб бормоқда. “Block Georgia” компанияси 24 касалхонадан фақат 10 тасини сақлаб қолган, холос. Бундан ташқари, бу дастур доирасидан ташқарида ҳам ўндан ортиқ хусусий клиникалар бунёд этиш назарда тутилгани жуда муҳимдир. Бундан кўриш мумкинки, жамият ўзига жўнатилган сигнални тўғри қабул қилган. Ҳозир ҳам давлат ихтиёрида қолаётган касалхоналарнинг кўп қисмини бир неча йил давомида хусусийлаштириш режаланган. Тўғри, бу “100 та янги касалхона” лойиҳаси доирасида аввалдан кўзда тутилганидек эмас, бошқача тарзда амалга оширилади.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш

“Биз ислохотлар ҳақида суҳбатлашадиган Янги иқтисодиёт мактабидаги⁹³ маърузаларда кўпинча ёшлар менга “Нега соғлиқни сақлашни хусусий тадбиркорликка айлантириш керак? Бепул касалхоналар ҳам мавжуд бўладими, хизматларга пул

⁹² Министра экономии отправили в отставку // *Civil Georgia*. 2009 йил, 21 август (www.civil.ge/rus/article.php?id=19754&-search=%C6%E2%E0%ED%E8%FF).

⁹³ “Янги иқтисодий мактаб – Грузия” – 2001 йил Тбилисида П.Шешелидзе ва Г.Жандиери томонидан ташкил этилган нодавлат ташкилот. ЯИМ классик либерализм ғояларини қўллаб-қувватлайди ва уларни кўплаб семинарлар, маърузалар ва конференциялар, шунингдек, нашрий фаолият орқали тарқатади.

тўлашлари учун аҳолига ким ёрдам беради?” сингари кутилмаган саволлар билан мурожаат қилардилар”, дея эслайди касалхоналар ислоҳотини ишлаб чиққан жамоа аъзоларидан бири Мариам Жапаридзе.

Бизга совет давридан ғаройиб мерос қолган. Бир томондан, давлатнинг эътиборсизлиги туфайли уни ҳар томонлама алдашга уринишлари табиий. Бошқа томондан, давлат ҳаётий муҳим хизматларни “бепул” тақдим этган ҳолда, ўз фуқаролари ҳақида “қайғуриш”га мажбур, деган мустаҳкам ишонч ҳали ҳам мавжуд. Жавобгарлик зиммасида бўлган давлат бу каби ҳолатларни эътиборсиз қолдира олмайди. Шў сабабдан, бозор шароитларига аста-секин мослаб борилиши назарда тутилган ижтимоий ҳимоянинг янги схемаси ишлаб чиқилгани туфайли соғлиқни сақлаш ислоҳотининг иккинчи йўналиши – молиялашни амалга ошириш мумкин бўлди. Бендукидзенинг сўзларига кўра, камбағаллик билан фақат икки шартга – “иқтисодий ўсиш ва беҳуда эмас, балки аниқ йўналтирилган ижтимоий сиёсат”га риоя қилган ҳолда курашиш мумкин.⁹⁴

Вахтанг Мегрелишвили

1972 йил, 28 февралда Тбилисида туелган.

1992 йилда Ставрополь тиббиёт институти, 1998 йилда Тбилиси тиббиёт академияси аспирантурасини жарроҳлик йўналиши бўйича тамомлаган.

1998 йилдан бошлаб давлат секторидида ишлаган – аввал (1998–2000 йилларда) Грузия парламенти мутахассиси, сўнгра (2000–2001 йилларда) адлия вазири маслаҳатчиси бўлган. 2001–2003 йилларда “Беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уюшмаси” ноҳукумат ташкилотини

⁹⁴ Каха Бендукидзе: за высокое качество грузин! О причинах и последствиях политического кризиса в Грузии // *Новая газета*. 2008 йил 21 январь. № 4 (www.novayagazeta.ru/data/2008/04/13.html).

бошқарган, 2003–2004 йилларда Ижтимоий сугурта давлат фонди директори ўринбосари лавозимида ишлаган.

2004 йилдан 2005 йилгача меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазири ўринбосари, кейинчалик (2005–2007 йилларда) эса биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазири ўринбосари лавозимида ишлаган Вахтанг Мегрелишвили 2004 йилда вазирлик қандай бўлганини қуйидагича эслайди:

Вазирликка ижтимоий ёрдамнинг катта бўлими сифатида қараш мумкин эди. Бу ерда ногиронлик аравачалари ва бир марталик ёрдам пуллари тарқатиларди. Вазир ўринбосарининг вазифаси ҳар куни эликдан юз нафаргача қўмак сўраб келганларни қабул қилиш ва улардан қайсиларига бир марталик ёрдам пули ажратишни ҳал қилишдан иборат эди. Бу қандай амалга оширилишини умуман тушунмаганман. Кимга пул бериш, кимга бермасликни қандай аниқлаш мумкин?

Аҳолининг 15 фоизи ўта ёрдамга муҳтожлар гурӯҳи (ҳатто озиқ-овқат билан ҳам муаммо мавжуд эди) эканлиги ҳақида хулоса чиқарган Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги 2004 йилдаёқ кам таъминланганларни манзилли қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқишга киришди. Энг арзон озиқ-овқат саватининг қиймати 32 долларни ташкил этган ҳолда, энг кам таъминланган 15 фоиз аҳолининг ойлик ўртача даромади 21 доллар эди. Шеварднадзе вақтидан бери мамлакатдаги ижтимоий дастур ишлаймайдиган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, етимлар ва кўп фарзандли оилаларга йўналтирилган ҳамда ижтимоий таъминот олувчиларнинг даромадлари

ёки моддий ҳолатига боғлиқ эмасди. Устига-устак, ягона тақсимлаш шкаласи амалда муҳтожларнинг камситилишига олиб келади. Натижада шундай вазият юзага келардики, ижтимоий таъминот учун ажратилган пулнинг 10 фоизи эмас, бор-йўғи 5 фоизи аҳолининг энг қуйи децил(энг муҳтож 10 фоизи)ига насиб этар, энг юқори децил(энг бой 10 фоиз)идагилар эса 13,2 фоизига эгалик қилардилар.⁹⁵ Ўша вақтда амалда бўлган тизим эса 15 фоиз энг муҳтожларнинг ҳар бешинчисинигина қамраб олган эди, холос. Энг қизиғи, бу субсидиялар ижтимоий дастур билан эмас, балки пенсия тўловлари билан боғлиқ эди. Натижада пенсия миқдори юқори бўлган пенсионерлар кўпроқ миқдордаги ижтимоий ёрдамга эга бўлардилар.

Мегрелишвилининг сўзларига кўра, қайта тақсимлаш схемасини ўзгартириш ғояси унга эмас, вазирлик маслаҳатчиларига тегишли бўлиб, у ташкилотга ишга келишидан икки йил олдин тайёрланган ҳисоботда бу ҳақида таъкидланганди. Уни амалга ошириш 2004 йилдан бошланди.

Лекин пенсия тизимини зудлик билан янги вазиятга мослаштириш зарурияти тўғрисида янги махсус дастурни ишлаб чиқиш кейинги йилга келиб тўхтаб қолди. Совет тузуми тугатилган даврдаги Грузиянинг пенсия фондида пул деярли мавжуд эмасди. Баъзан шундай вазиятлар ҳам бўлардики, масалан, ойлик пенсия пули бор-йўғи учта тухум сотиб олишга етарди, холос. 2003 йилда барча пенсионерларнинг 94 фоизи энг қуйи ставка бўйича 7 доллар атрофида пенсия олгандилар. Лекин шу вақтнинг ўзида пенсиялари базавий қийматдан 6–7 марта, ҳаттоки 220 марта кўп бўлган имтиёзли шахслар ҳам мавжуд бўлиб, булар парламентнинг собиқ аъзолари, куч тузилмалари ва бошқа тизимларнинг собиқ ходимларидан иборат 50 минг киши эди.⁹⁶

⁹⁵ Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирининг собиқ ўринбосари Мегрелишвили маълумотларига кўра.

⁹⁶ Ўша манба.

Саакашвилининг пенсия миқдорини икки бара-вар ошириш тўғрисидаги сайловолди ваъдаси 2004 йилда бажарилди. Ўша заҳотиёқ бутун мамлакат бўйлаб ойлик маошларнинг ўсиши бошланди. Агар пенсионернинг аввалги ишлаган жойида ойлик маоши ошган бўлса, пенсия пули ҳам мос равишда ўсиши керак эди.

“Бош прокурор ўз маошининг оширилишига бор кучи билан қаршилиқ кўрсатди, чунки маоши оширилса, ўзидан олдинги порахўр бош прокурорнинг пенсияси унинг маошидан анча кўпайиб кетишини тушуниб турарди”, – дея эслайди Бендукидзе.

Пенсиянинг энг кам миқдори 15 долларни ташкил этган ҳолда, эндиликда бир неча минг пенсионерга 275 долларгача, баъзи ҳолатларда эса 3310 долларгача тўлаш керак эди. Бошқача қилиб айтганда, пенсиялар тўлови учун ажратилган миқдорнинг 45–50 фоизи 7 фоиз атрофидаги пенсионерларга тегишли бўлиши керак эди. Ўша йили рўй берган ва 40 мингга яқин ходимлари пенсияга жўнатилган ИИВ ислоҳоти натижасида пенсия тизимига қўшимча юкламалар тушди.

Бу муаммо билан қандай тўқнаш келганини Мегрелишвили қуйидагича хотирлайди:

Кейинги йил учун бюджет тайёрлаётгандим, пенсия ҳақида умуман ўйлаганим ҳам йўқ эди. Ўша пайт кимдир ўз пенсиясини қайта ҳисоблашларини талаб қила бошлади. Шунда агар янги схема ўйлаб топмасак, йил охирига келиб, яна қўшимча 300 миллион лари пул керак бўлишини англаб етдим.⁹⁷ Бир сўз билан айтганда, қисқа муддат ичида пенсия фондини икки баравар ошириш керак бўларди. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлашга оид ўттиз учта

⁹⁷ 166 миллион доллар.

қонун ҳужжатига зудлик билан ўзгартиришлар киритишни бошладик.

Давлат хизматида ишлаганларга маошининг учдан бир қисми миқдорида пенсия тўлашга асосланган ҳисоб-китоб усули бекор қилинди ва пенсиянинг энг юқори қиймати энг кам пенсия миқдори бўлган 21 доллардан деярли 15 марта кўп – 309 доллар қилиб белгилаб қўйилди. Схемани зудлик билан қайта кўриб чиқиш ва имтиёзли гуруҳга тўланадиган пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилиш натижасида энг кам пенсия миқдори учун маблағ топишга эришилди. Пенсия тизимига ўзгартириш киритиш режаси инқилобдан кейинги биринчи митингга сабаб бўлди. 2005 йил, 2 декабрда минглаб пенсионерлар “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга киритиладиган ўзгартиришларга ўз қаршиликларини билдириш учун Грузия парламенти биноси ёнида йиғилдилар. Акция қатнашчилари иш стажлари ва давлат олдидаги хизматларини ҳисобга олинишини талаб қилдилар, лекин ҳукумат ўз ёндашувида қатъий турди. “Биз (собиқ) ҳукумат 14 лари⁹⁸ миқдоридаги пенсия пули билан ҳам таъминлай олмаган мамлакатда яшаётганимизни ёддан чиқармаслигимиз керак. Аммо бу қарздорликни қоплаш ва пенсия пулини икки баробар (14 ларидан 28 ларига) оширишни уйдаладик, ҳозир эса пенсияни яна 10 ларига оширяпмиз. Бу факт... Грузин давлатининг ҳозирги босқичда қўлидан келадигани ҳозирча шу. Қолган барчаси – демагогия ва популизм. Икки кунда Грузиядан Швейцария яратиб бўлмади”, – дея баёнот берди “Миллий ҳаракат” партияси депутати Гига Бокерия.⁹⁹

“Давлат пенсиялари тўғрисида”ги қонун 2005 йил, 23 декабрда қабул қилинди. Ижтимоий ёрдам

⁹⁸ 7 доллар атрофида.

⁹⁹ Сепашвили Г., Гуларидзе Т. “Изменения в пенсионной системе на политической повестке” // *Civil Georgia*. 2005 йил 5 декабрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=9431).

тўғрисидаги янги қонун кучга кириши билан пенсия тўғрисидаги барча қонунлар¹⁰⁰ орқали аниқланган ижтимоий имтиёзлар бекор қилиниши бу қонунларда ҳам кўрсатиб кетилди. Дастурни ишлаб чиқиш жадал давом этарди. Парламент 2006 йил 29 декабрда 2007 йил бюджети билан биргаликда мазкур қонунни ҳам қабул қилди.

Ижтимоий имтиёзлар тўғрисидаги аввалги қонун 1995 йилда – парламент сайловлари арафасида қабул қилинганди. Бу қонун бир турдаги пенсионерлар учун ўттиздан ортиқ имтиёзлар беришни кўзда тутганди. Аслида бу имтиёзларнинг барчасидан жуда камчилик фойдаланса-да, сиёсий савдолашиш учун сабаб бор эди. Масалан, метрода бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёз фақат Тбилиси аҳолиси учунгина аҳамиятли бўлиши мумкин, яъни бу ҳуқуққа эга бўлганларнинг тўртдан уч қисми имтиёздан фойдалана олмайдилар.

Ижтимоий имтиёзларни (жамоат транспортида бепул юриш, коммунал хизматлар учун тўлов ва ҳоказо) пулга айлантиришга қарор қилинди. Бутун мамлакат бўйлаб барча имтиёзларга аслида қанча сарфланиши ҳисобланиб, бу суммага яна 4,4 миллион доллар қўшилди ва пенсия пулларига қўшимча тариқасида берилди. Янги кўринишдаги пул таъминоти бутун мамлакат бўйлаб бир хил тақсимланганини эслатиб ўтиш керак: йирик шаҳарларда истиқомат қиладиган ва илгари бу имтиёзлардан фойдаланганлар ҳам, тоғу тошларда истиқомат қилган ва бундай имтиёзлари фақат қоғоздагина қолиб кетганлар ҳам пул кўринишидаги янги имтиёздан бир хилда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Лекин шу билан бир вақтда, пенсионерлар тоифалари (ногирон, Чернобилъ

¹⁰⁰ Пенсия ислоҳоти даврида ислоҳот муаллифлари пенсияга оид 33 та қонунни санадилар, 2009 йил охирига келиб, фахрийлар учун ижтимоий имтиёзларни кўзда тутувчи ва амалда ҳеч ким томонидан қўлланилмаган яна бир қонун “сизиб чиқди” (уни пайқамай қолгандилар).

ҳалокати иштирокчиси ва ҳоказо) ва имтиёз миқдоридаги фарқ аввалгидек қолдирилди. Шунинг учун пенсияга пул қўшиб беришнинг энг кўп миқдори 24 долларни, энг ками эса 4 долларни ташкил этди.

Шундай қилиб, 2003 йилда энг кам пенсия миқдори 6,5 долларни ташкил этган бўлса, икки марта оширилганидан сўнг 2006 йилга келиб, 21 долларга етди. Энг кам пенсия миқдори 2009 йилда 48 долларгача кўтарилди. Айниқса, энг кам таъминланган ва ўрта аҳоли қатламлари бу ўсишни яққол ҳис қилдилар.

Бугунга келиб, Грузияда бюджет пенсиялари тизими мавжуд. Бу асло “pay as you go” деб номланадиган, бугунги пенсионерларнинг пенсия пуллари айни вақтда ишлаётганлар ҳисобига тўланадиган тизим эмас. Шунингдек, бу 1980-йилларда Чилида Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазири Хосе Пиньера раҳбарлигида амалга оширилган ихтиёрий ёки мажбурий шахсий суғурта тизими ҳам эмас. Айтиш мумкинки, бу икки ёмон усулдан яхшироғини танлаш эди. Пенсия тизими умуман мавжуд бўлмагандагина юзага келувчи бу схема асосий либертарианлик тамойилини ўзида мужассамлаштирган: ҳар бир инсон ўз ҳаёти учун ўзи жавобгардир ва давлат унга мажбуран аралашмаслиги керак. Грузияда пенсия фонди ҳам, ижтимоий суғурта фонди ҳам мавжуд эмас, универсал давлат бюджети бор ва маблағлар шу бюджетдан ажратилади.¹⁰¹ Аслини олганда, ислохотнинг асл мақсади ҳам давлат бюджетини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ресурсларни самаралироқ тақсимлашдан иборат. Бошқача айтганда, давлат фақат бажара оладиган мажбуриятларнигина ўз зиммасига олади.

Агар пенсионер ўта ёрдамга муҳтожлар гуруҳига тушиб қолса, қўшимча равишда камбағаллик таъминот

¹⁰¹ Батафсил маълумот учун бешинчи бобнинг “Солиқ ислоҳоти” бўлимига қаранг.

пулини ҳам олиши мумкин ва бу ҳақда “Ижтимоий ёрдам тўғрисида”ги қонунда қайд этиб қўйилган.

Аввалги ижтимоий дастурга хос бўлган асосий камчилик – янги дастурда манзилсиз таъминот мавжуд эмас. Ҳозирги пайтда ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтожлар текшириш йўли билан аниқланади ва манзилли хизмат кўрсатилади.¹⁰² Статистик маълумотга асосланиб мамлакатдаги энг камбағал оилалар аниқланди. Бу тавсифларни ҳисобга олган ҳолда 150 хилдаги турлича кўрсаткични ўз ичига олган формула ишлаб чиқилди. Баҳолаш методологияси жуда аниқ, унда субъектив қарор учун деярли ўрин йўқ: баллар компьютер дастури ёрдамида ҳисобланади. Фақатгина маълумот керак, холос ва у қуйидагича тўпланади: бу маълумотлар очиқ-ошкор эканини билган ҳолда¹⁰³ оила ўзининг ёрдамга муҳтожлиги кўриб чиқилиши учун ариза топширади. Бу ерда ушбу тамойил амал қилади: фуқаро тўлайдиган солиқларидан қайсидир оилага ёрдам кўрсатилиши туфайли ўзининг пулларига ким эга чиқаётганини билишга ҳаққи бор. Сўнгра ижтимоий агент келиб, махсус сўровнома тўлдиради ва ўзига тақдим этилган маълумотнинг ҳаққонийлик даражасига баҳо беради. Агар маълумотлар шубҳа уйғотса, назорат гуруҳи жалб қилинади ва аниқ бир хонадондаги ҳолатни синчковлик билан ўрганади. Лекин бундай ҳодисалар

¹⁰² Ижтимоий сиёсат мустақил институти маълумотларига кўра, 2007 йилда Россияда турли хил йўналишдаги (бола учун таъминот, турар-жой субсидиялари, қашшоқликка қарши минтақавий таъминотлар) манзилли ижтимоий ёрдам умумий ҳажмининг 55 дан 64 фоизигача бўлган қисми камбағал бўлмаган хўжаликларга тўғри келган бўлса, камбағалларнинг тахминан ярми ижтимоий ёрдамнинг манзилли дастурларидан фойдаланиш имконига эга эмасдилар (Малева Т. Стратегия социальной модернизации: Конференция “Россия и мир: вызовы нового десятилетия” АНХ. 2010 йил, январь. opec.hse.ru/data/851/623/1233/maleva.ppt).

¹⁰³ Маълумотлар Ижтимоий ҳимоялаш агентлигининг ssa.gov.ge сайтида берилган.

камдан-кам, тахминан 10 фоиз ҳолатларда кузатилади, холос.

Ижтимоий ёрдам олувчи шахснинг текширилиши оралиғидаги максимал вақт тўрт йилни ташкил этади. Амалда қайта текшириш икки йилда бир марта амалга оширилади. Қашшоқлик ҳолатидан чиқа олмаган баъзи оилалар (масалан, тоғлардаги кичик қишлоқларда истиқомат қиладиган жуда кекса ёлғиз инсонлар) деярли бошқа текширилмайди. Ёш оилалар ёки келажакда ўз ота-оналарини боқа оладиган болалар ўсаётган оилалар бошқалардан кўпроқ текширилади, чунки уларнинг ҳолати анчагина тез ўзгариб кетиши мумкин.

Иқтисодиёти ривожланаётган бошқа ихтиёрий давлатда бўлгани сингари Грузияда ҳам фақат моддий фойда ҳақидаги маълумотларнинг ўзидан фойдаланиш мумкин эмаслиги туфайли статистик ёндашув зарурияти пайдо бўлди: кўпинча ҳақиқий молиявий ҳолат турли йўллар билан эришилган воситалардан ташкил топади. Масалан, мамлакатнинг кўплаб аҳолиси ўз-ўзини банд қилган, табиий хўжалик билан шуғулланади ва қонуний солиқ тўловчилар тизимида мавжуд эмас.¹⁰⁴

Мисол учун, колумбияликлардан (статистик ёндашувни ишлаб чиқишда айнан колумбияча тажриба қўлланилган) фарқли равишда, грузинлар ҳаёти анчагина ўзгарувчан. Колумбияда аниқ бир қашшоқ районлар мавжуд бўлиб, бу ҳудудда камбағалларнинг бир неча авлодлари истиқомат қилади, бу эса ижтимоий ёрдамга муҳтожларнинг манзилли гуруҳини анчагина осон аниқлаш имконини беради. Грузиядаги ҳолат ўзгарувчанроқ: кимдир камбағалга айланса, кимдир камбағалликдан чиқиб кетади¹⁰⁵, шунинг учун кам таъминланганларни аниқлашнинг яхшироқ усуллари талаб қилинади.

¹⁰⁴ Ўз-ўзини банд қилиш статистикаси учун “Кўп билдириладиган фикрлар” бўлимига қаранг.

¹⁰⁵ Йиллик 10 фоиз айланма.

Дастур сурункали қашшоқликни жуда яхши аниқлайди, шу билан биргаликда яқиндагина камбағаллашган инсонларни аниқлаш бироз қийинроқ. Агар кимдир бир йил олдин ишсиз қолган бўлса-ю, лекин унинг яхшигина уйи, машинаси бўлса ва у босқичма-босқич ниманидир сота бошласа, тизим бу одамни давлат кўмагига муҳтож, деб ҳисобламайди. Шунга қарамай, Жаҳон банкининг баҳолашига кўра, Грузияда ишлаб чиқилган тест тизими дунёдаги энг яхши тизимлардан биридир.¹⁰⁶

Минтақавий маҳаллий бошқарув органлари, нотижорий ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий донорлар имтиёзлар ҳамда субсидиялар тақдим этиш мақсадида ижтимоий ҳимоялаш агентлиги томонидан ташкил этилган муҳтожларнинг маълумотлар базасидан (аҳолининг 45 фоизга яқини ижтимоий таъминот олиш мақсадида мурожаат қилган) фаол фойдаланадилар. Айтишларича, ўз бойлигини Россияда ишлаб топган ва “Forbes” журнали маълумотига кўра 2010 йилги жаҳон миллиардерлари рўйхатида 167-ўринни эгаллаган¹⁰⁷ грузин тадбиркори ва меценати Бидзина (Борис) Иванишвили ҳам бу тизимга мурожаат этиб туради. 2004 йилда ватанига қайтган миллиардер ўзи туғилиб ўсган Сачхер районида соғлиқни сақлаш хизматлари учун кимга пул тўлаб бериш керак, кимга моддий ёрдам кўрсатиш кераклигини аниқлайди.

Мегрелишвили бу тизим қашшоқлик чегарасида яшаётганлар ва молиявий кўмакка муҳтожларни аниқлаш учун энг ишончли эканига ишонади. “Ҳаётимда ўзим амалга оширган энг яхши иш шу тизимни ишлаб чиқишда қатнашганимдир”, – дейди у. Албатта, мукамал тизимнинг ўзи йўқ. Тбилисилик

¹⁰⁶ Georgia Poverty Assessment, Report No 44400-GE, Human Development Sector Unit, South Caucasus Country Unit, Europe and Central Asia Region // World Bank. 2009. April www-wds.worldbank.org.

¹⁰⁷ www.forbes.com/lists/2010/10/billionaires-2010_Boris-Ivanishvili_AGG5.html.

журналист қиз менга ўзининг қўшниси – зўр-базўр кун кечирадиган кекса, ёлғиз аёл ҳақида ҳикоя қилиб берганди. Шу уйда яшовчиларнинг кўпчилиги унга қўлларидан келганича ёрдам кўрсатаркан: баъзан ёғ, баъзан тухум ёки ун олиб келиб берарканлар. Тест тизими эса унга рад жавобини берган, сабаби, ижтимоий агент бу аёлнинг ошхонасида нисбатан қимматроқ маҳсулотларни кўриб қолган. Мухтож инсоннинг давлатдан қўшимча маблағ ололмаслиги ёмён албатта, лекин бу аёлнинг ҳолати энг оғир эмаслигини тизим тўғри аниқлади-ку! Қўшнилари ёрдам кўрсатмайдиган кўплаб мухтож инсонлар мавжуд, демак, давлат маблағини энг аввало шундай кишиларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтириш зарур. Шундай қилиб, ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчиларни самарали аниқлаш ҳисобига давлат маблағини ҳам самарали тақсимлаш муаммоси ҳал этилади.

Мегрелишвили ислоҳотларгача унинг бошқармасида қандай даҳшатли коррупция ҳукм сургани ҳақида қуйидагиларни сўзлайди: “Янги методология ёрдамида имтиёзликларни аниқлаганимизда, ижтимоий ёрдам олувчиларнинг 30 фоизи аслида ёрдам сўраб мурожаат қилмаган бўлиб чиқди. Эҳтимол, улар аслида мавжуд ҳам эмас, шунчаки пуллар ўғирланган, холос”.

Балл қўйиш тизими орқали ҳисоб-китоб қилиш натижаларига кўра барча аҳоли гуруҳларга тақсимланади, камбағаллик чегараси аниқланади, шундан кейингина давлат биринчи ўринда бу чегарадан қуйида жойлашганларга ижтимоий ёрдам кўрсатади. Камбағаллик чегараси фақатгина бюджет имкониятларидан келиб чиқиб аниқланади – давлатнинг ижтимоий харажатлар учун қанча маблағи бўлса, шунча сарфланади. Энг аввал асосий эҳтиёжлар субсидияланади, сўнг агар давлат маблағи етарли

бўлса, бошқа эҳтиёжларга сарфланади. Айнан ягона бюджет ва ижтимоий ёрдамнинг янги дастурини қўллаш натижасида эришилган қулайлик ҳам шунда намён бўлади.

Дастур соғлиқни сақлаш хизматлари учун ваучерлар тақдим этишдан бошланди. Ижтимоий ҳимояланмаган қатламга тегишли бўлган киши ўзи эга бўлган чек билан ихтиёрий суғурта агентлигида тиббий суғуртани расмийлаштира олади. Ваучер – давлат маблағларини тақсимлашнинг принципиал янги молиявий воситаси: давлат ўз маблағини ташкилотга эмас, инсонларга беради. Бу нафақат самарадорликни оширади, шу билан бирга коррупция кўламини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Ваучер ҳам пул, фақат маълум бир шахсга бириктирилгани сабаб уни ўша одамгина ишлата олади. Бендукидэ ҳикоя қилади:

Албатта, молиялаш тизимини тубдан ўзгартирганимиз инқилоб бўлди: ҳар ким ўзи хоҳлаганидек танлов қилиш имконини қўлга киритди. Сенга ваучер тақдим этилади, уни қаерда ишлатишни эса ўзинг ҳал қиласан. Шубҳасиз, сотиб олишлар, аниқроғи, “Келинг, биз сизга бирор совға берамиз, сиз эса бизда суғурта қилдиринг!” сингари маркетинг ҳолати бўлиб туради. Лекин инсонларга мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини берувчи ихтиёрий тизим бошқаларидан юз марта яхшироқ, чунки одамлар бу туфайли фуқароларга айланадилар: улар ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгар бўла бошлайдилар.

Ваучер бўйича суғурталаш минимал даражадаги барча зарур тиббий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади ва аҳолининг шахсий суғуртани сотиб олиш имконига эга бўлмаган камбағал қатламларига тарқатилади. 2009 йилда давлат дастури бенефициарлари сафига

қўшимча тоифадаги шахслар – 2008 йил августдаги урушда жабр кўрганлар қўшилди.

Имтиёзлилар тоифаларига қўшилмаган аҳоли суғурта ёки бевосита тиббий хизмат учун ўз ҳисобидан пул тўлайди. Мана бу ҳолатни эса инқилоб деб атаб бўлмайди: бунгача тиббий хизмат фақатгина қоғозда бепул бўлган, аслида шифокорларга совғалар (жумладан, пул кўринишида) беришга тўғри келган. Ҳозирги кунда эса бу каби бозор муносабатлари қонуний тус олди. Бу эса “коррупцияни қонунийлаштириш” деб аталувчи (автомашиналарнинг “чиройли” рақамларини сотувга қўйиш ва хусусий мулкни рўйхатга олишни тезлаштириш сингари) кенг қўлланиладиган амалиётнинг яна бир кўринишидир.

Давлат томонидан субсидияланадиган яна бир қанча дастурлар мавжуд. Психиатрик ёрдам кўрсатиш, туберкулёз, ОИТСни даволаш сингари махсус хизматларни тақдим этиш барча аҳоли учун давлат ҳисобидан амалга оширилади. Уч ёшгача бўлган болаларга ва олтмиш ёшдан ошган кексаларга, яъни аҳолининг бешдан бир қисмидан кўпроғига тиббий хизмат кўрсатиш бюджет ҳисобидан амалга оширилади. 2009 йил мартда “Арзон суғурталаш” акцияси амалга кирди ва ўша йилнинг 21 июлигача давом этди. Бу давр мобайнида ойига 3 доллар турадиган йиллик суғуртага эга бўлиш мумкин ва унинг 2 долларини давлат тўлаб берарди.

“Арзон суғурталаш” аҳоли ўрта қатламининг суғурталаш тизимига киришини рағбатлантиришга йўналтирилганди. Барча жойда бўлгани каби Грузияда ҳам бўшлиқ деб аталадиган муаммо мавжуд: камбағаллар суғуртасини давлат тўлаб беради, бойлар ўзларини ўзлари суғурта қиладилар, ўрта синф эса ўз молиявий муаммолари билан ўзи қолиб кетади. Лекин эндиликда аҳолининг тахминан ҳар бешинчиси – 4,4 миллион кишидан 900 минг нафари – давлат ҳисобидан суғурталанади. Айниқса, 2006 йил охири-

да бутун мамлакат бўйлаб бор-йўғи 100 минг, 2009 йилда эса 1,4 миллион нафар аҳоли суғурталангани эътиборга олинса, бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади.¹⁰⁸

Соғлиқни сақлаш учун ваучердан ташқари 2007 йил октябрида давлат томонидан пенсионер, педагог ва аҳолининг муҳтож қисмига электр энергияси ва газга тўлаш учун 31 доллар миқдоридagi бир марталик ваучер тақдим этилди. Бу маблағ энг қуйи тариф бўйича 385 кВт ва энг юқори тариф бўйича 285 кВт электр энергияси тўлови учун етарлидир. Умуман олганда, ижтимоий муҳтожлик учун сарфланадиган барча бюджет воситаларининг 95 фоизи айнан манзилли қўллаб-қувватлаш тизими воситаси орқали тақсимланади.

2009 йил охирига келиб, 160 минг хўжалик (умумий миқдорнинг 14 фоизигача қисми), яъни 430 минг киши камбағаллик бўйича ёрдам пулига эга бўлди. Манзилли ёндашув туфайли ижтимоий таъминотнинг барча соҳаларида давлатдан ёрдам оладиган аҳоли тузилмаси сезиларли ўзгарди. Ислохотлар бошланганидан сўнг манзилли ижтимоий ёрдам етти баравар ошди. Лекин Мегрелишвилининг фикрига кўра, энг кам пенсия миқдорини ошириш учун ижтимоий бюджетга қўшимчалар манзилли ёрдам дастури бўйича тақсимланганида эди, ҳаддан ташқари қашшоқлик амалда тугатилган бўларди. Гарчи давлат бюджетида ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун кетадиган харажатлар 2003 йилги 30 фоиздан 2009 йилда 27,9 фоизгача камайган бўлса-да, асл рақамларда (2003 йилги нарх бўйича) бу йўналишдаги харажатлар 2,6 марта кўпайган.

¹⁰⁸ Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги Соғлиқни сақлаш департаменти бошлиғи С.Лебанидзе ва Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирининг собиқ ўринбосари В.Мегрелишвили билан сўхбатдан.

• Бешинчи боб •

Учинчи сабоқ: либераллаштириш

Ошкора иқтисодиётга ўтиш моҳиятига кўра, географик саҳифаларни кашф этишдан фарқ қилмайди. Қачонлардир Совет Иттифоқи “темир тўсиқ” ортида яшаган ва мамлакат ичидаги кўпчилик бу ҳолатни табиийдек қабул қилган. СССР, ГДР ёки ХХДРда яшамаганлар буни ҳатто тасаввур қилолмайди. Қалпоқ остида етиштирилаётган хуфия иқтисодиёт ва бозор муносабатларини давлат назорат қилиши ҳам вақти-соати келиб, шу каби сарқитга айланиши менга хомхаёл бўлиб кўринмайди.

Замонавий ривожланган жамиятларда инсон эркинлиги ҳуқуқининг очиқ-ойдинлигини эндиликда ҳимоя қилиш ёки исботлашга ҳожат йўқ. Қандайдир “жамоа”га алоҳида инсон тақдирини ҳал этиш ваколатларини бермаслик керак. Нега бизнес, иқтисодиёт эркинлиги инсон эркинлигининг мантиқий ва ажралмас давоми сифатида қабул қилинмаслиги керак? Нега шахсан ишга жойлашим, маҳсулот айрибошлашим ёки ҳамкорлик келишувларига эришимда мен учун нима яхши-ю, нима ёмонлигини қандайдир “жамоа” ҳал этиши керак?

Айниқса, Россия ва Туркия орасида “сиқилиб қолган” кичик мамлакат учун эркинлик – жамият ривожланишининг ягона йўли. Грузин ҳукуматининг у ёки бу вакилларига нисбатан турлича муносабатда бўлиш мумкин, лекин эркинликка эришиш йўлида Грузия эришган муваффақиятларни беэътибор қолдириш энг камида ақлсизлик бўларди.

Либерал иқтисодиётни яратиш учун нима қилиш

керак? “Бу ҳақда мендан ўн беш йил олдин сўраганларида, – деганди Милтон Фридман 2004 йил апрелда Москвада бўлиб ўтган “Янги аср учун либерал дастур: глобал назар” халқаро конференцияси очилишида, – учта сўз билан оддий жавоб қайтарардим: хусусийлаштириш, хусусийлаштириш, хусусийлаштириш. Бироқ ўтган йиллар тажрибаси бу жуда содда жавоб эканлигини кўрсатди. Уни хусусий мулк учун ҳуқуқий доира ва барқарор оқилона пул-кредит сиёсатини таъминлаш каби камида иккита қўшимча қўшиш билан кенгайтириш керак экан”¹.

Дунёнинг турли бурчакларидан келган муваффақиятли ислохотчилар тўпланган ушбу нуфузли конференциядан бир ярим ой ўтгач, унинг қатнашчиларидан бирида Грузияда ислохотлар бошлаш ва мазкур баёотни амалда синаб кўриш учун ноёб имконият туғилди.

Монополияга қарши курашиш хизматини ислоҳ қилиш

Каха Бендукидзеинг иқтисодиёт вазири сифатида 2004 йилдаги жиддий қадамларидан бири Монополияга қарши курашиш хизматини тугатиши бўлди.

Барча эркин иқтисодиётга хос бўлганидек, бизнес учун шароит яратишга йўналтирилган мамлакатнинг янги иқтисодий сиёсати рамзий маънода чекловчи тўсиқни тугатиш (кўплаб замонавий давлатларда бу тўсиқ сифатида тан олинмайди ҳам) билан бошланди. Гарчи давлатнинг монополияларга қарши кураши қонун билан мустаҳкамланмаган бўлса-да, Грузияда анъанавий антимонопол қонунчилиқнинг бекор қилиниши ва бир вақтнинг ўзида эркин рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат функцияларининг қайта кўриб чиқилиши ноёб ҳодиса эди.

¹ Граник И. “Милтон Фридман поставил задачу Владимиру Путину” // *Коммерсантъ*. 2004 йил, 9 апрель. №64 (2903) (www.kommer-sant.ru/Doc/465163).

Грузияда бозор муносабатлари энди-энди пайдо бўлаётган 1992 йилнинг октябридаёқ монополистик фаолиятнинг олдини олувчи ва рақобатни ривожлантирувчи қарор чиқди, 1996 йил июнида эса Грузия парламенти “Монополистик фаолият ва рақобат тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонунга кўра, монополияга қарши давлат хизмати ўзи аралашishi талаб этиладиган ҳолатларни аниқлаш, компанияларнинг бирлашиши ва бир-бирига синдирилишига рухсат бериш, шунингдек, нархни белгилаш, реклама, маркетинг сиёсати ва бошқа тадбиркорлик фаолияти соҳаларида ихтиёрий ташкилот фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқига эга эди.

Ўша вақтларда давлат ветеринар хизматини кўрсатиш, телеграф хизматларини тақдим этиш ёки сабзавотлар савдоси қоидалари билан шуғулланиш учун ҳам вақт ва имкон топганди. Масалан, 1996 йил, 19 декабрдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси тўғрисида”ги қонун билан нон ҳамда нон маҳсулотлари савдоси қоидалари ўрнатилган бўлиб, бу қонуннинг биринчи бандида “Нон ва нон маҳсулотлари савдо қилинадиган жойларда маҳсулотлар бутун расмий иш вақти давомида мавжуд бўлиши керак” дейилганди. Шунингдек, шу магазинларда “...чай, шакар, қаҳва, какао, ун, макарон маҳсулотлари, болалар таомлари билан ҳам савдо қилиш мумкин”лиги белгилаб қўйилганди.

2004 йилда иқтисодиёт вазири маслаҳатчиси бўлган, ислоҳот пайтида монополияга қарши хизматга раҳбарлик қилган Эмзар Жгереная кунлик фаолиятни тўғридан-тўғри тартибга солувчи бу каби барча меъёрий ҳужжатларни тўплашни мақсад қилганди. Ўшанда бу каби ҳужжатлар сони 670 та бўлган, уларнинг аксарияти кичик бизнесга тегишли эди. Қонунга биноан зиммасига компанияларни текшириш юклатилган Монополияга қарши курашиш хизмати

ходимлари ихтиёрий дўкон ёки қаҳвахонага келиб, қонун бузилиш ҳолатларини осон аниқлашлари табиий эди. Савдо нуқтасининг эгаси эса фақат “ўлпон” тўлаш билан бу каби қонун бузилишларидан қутулиб кетарди. Шубҳасиз, Монополияга қарши курашиш хизматининг ўзига хос устунлик томонлари ҳам мавжуд эди: юқори даражали коррупциялашув туфайли бу хизмат бизнесга унчалик халақит ҳам бермас, фақат ишлаб чиқариш харажатларининг бироз ошишига кўмаклашарди, холос.

Бозордаги улуши 35 фоиздан ошган компания ўз нархларини Монополияга қарши курашиш хизмати билан келишишга мажбур бўлиши бизнес учун яна бир зўриқиш эди. Албатта, тадбиркорлар қонунчиликни четлаб ўтиш учун тўйнуқ қидирардилар, масалан, компанияларни аслида бир киши бошқарадиган бир неча сохта шўъба корхоналарга бўлиб ташлардилар.

Хусусан, “Маҳсулот ҳақида нотўғри тасаввур келтириб чиқарадиган ва аниқ бир иқтисодий хатти-ҳаракатларга сабаб бўладиган хабарни коммуникациянинг ҳар қандай шакли орқали тарқатиш” каби адолатсиз рақобатнинг олдини олиш ҳам Монополияга қарши курашиш хизмати вазифаси ҳисобланарди.² “Реклама тўғрисида”ги қонун³ Монополияга қарши курашиш хизмати ходимларини қандай иқтисодий хатти-ҳаракатларга ундаши мумкинлиги ҳам очиқ-ойдин эди. Реклама тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши учун жарима сифатида Грузия бюджетига қўшиладиган барча сумманинг 30 фоизи Монополияга қарши курашиш хизмати ҳисобига ўтказилади ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хизмат ходимларини рағбатлантириш ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлатилади”. Бундан ташқари,

² 1996 йил, 25 июндаги “Монополистик фаолият ва рақобат тўғрисида”ги қонундан.

³ “Реклама тўғрисида”ги қонун 1999 йил, 24 декабрда қабул қилинган.

1990-йиллар бошида нархлар эркинлаштирилганига қарамай, Нархларни ташкиллаштириш департаменти 2004 йилгача сақлаб қолинди, департамент ходимлари эса нима билан шуғулланишларини аниқ тушунтириб бера олмасдилар. Бу ҳақда Бендукидзе шуларни эслайди:

Вазирликнинг бу даҳшатли тизими ҳақида билганимдан сўнг ҳар бир агентлик, хизмат ва инспекция билан алоҳида шуғулланишни бошладим. Нархлар бўйича инспекция хизмати ўринбосаридан нима билан машғуллиги ҳақида сўрадим. У қандайдир тушунарсиз жавобларни берди. Сўнг уларда нечта ходим ишлашига қизиқдим. Йигирма беш нафар, деб жавоб берди. Илтимос, уларни ёнимга олиб келинг, деганимда, “Бугун пайшанба, ҳеч ким йўқ, ҳаммалари қишлоқларга тарқаб кетган”, деди.

Нархлар бўйича инспекциянинг бошлиқ ўринбосари ва ҳисобчини иш жойида учратиш, Монополияга қарши курашиш хизматида эса олтамиш нафар ходимдан нари борса, ўн бешта одам ўтирганининг ўзиёқ бу институтларнинг фойдасизлигига очиқ исбот эди. Натижада, 2004 йил августида Монополияга қарши курашиш хизмати ва нархлар инспекцияси тугатилди, бир йилдан сал кейинроқ уларнинг ўрнига Эркин савдо ва рақобат агентлиги⁴ ташкил этилди, унда атиги олти нафар ходим⁵ ишлайди.

⁴ Эркин савдо ва рақобат агентлиги 2005 йил, 3 июндаги “Эркин савдо ва рақобат тўғрисида”ги қонунга ва Иқтисодиёт вазирининг 2005 йил, 23 августдаги №1-1/948-сонли қарорига асосан 2009 йил, 9 октябрда ташкил этилди.

⁵ Шу билан бирга, органнинг бюджети деярли аввалгидек қолди (2007 йилда 87,4 минг доллар, 2008 йилда 98 минг доллар, 2009 йилда 91 минг доллар), бу эса расман жуда оз бўлган маошларни сезиларли даражада – 2006 йилда ўртача маош 269 доллар, 2007 йилда 452 доллар, 2008 йилда 744 доллар, 2009 йилда 731 доллар – ошириш имконини берди (Эркин савдо ва рақобат агентлигининг competition.ge сайтига қаранг).

Вато Лежава шундай мулоҳаза юритади:

Қандайдир мувозанат ҳолати (эквилибриум) мумкин бўлса, инсонлар унга эришиш имконини берувчи формулаларни ярата оладилар. Агарда бу эквилибриум мавжуд эмас, деб ҳисобланса, бозорда нечта компания фаолият юритиши зарурлиги, маржа (фойда) ҳажми қандай бўлиши лозимлиги ва бир компания бошқа компания томонидан қўлга киритилишини ким ҳал қилиши кераклигини биладиган, юқорида зикр этилган ақлли инсонларни қидиришдан маъно йўқ.

Лекин нафақат тизим ўзгарди. Асосийси, бу ташкилотнинг фаолияти янги мазмун касб этди: бизнесни назорат қилувчи хизмат ўрнига қонунларни ишлаб чиқарувчиларга тавсиялар берувчи қўмита пайдо бўлди. Эркин савдо ва рақобат агентлигининг мақсади – якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига алоҳида имтиёз берадиган қарорларга қарши туриш ҳисобланади. Давлат тизимлари фаолиятини тадқиқ қилиш ва адолатсиз рақобат омиллари аниқланган жойларда жиноят кодексларини қўллаш эса бу институтнинг таъсир воситаларидир.

Бир компаниянинг бошқасини қўшиб олиши ва бир-бирига сингдирилишига таъсир қилган, натижада компаниянинг бозордаги улушини мустаҳкамлаган ҳолда рақобатни чегаралаш имконияти нафақат янги агентликда, балки ихтиёрий бошқа муассасада ҳам мавжуд эмас. “Эркин савдо ва рақобат тўғрисида”ги қонун эркин нархлаш жараёнида тўлиқ равишда эркин савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратди. Қандайдир маҳсулот учун бозор нархлари кўтарилганда ёки тушганда ҳукуматнинг бунга аралашуви ҳуқуқи йўқ. “Электр энергияси ва табиий газ тўғрисида”, “Электрон коммуникациялар тўғрисида”ги қонунлар каби тегишли ҳужжатлар орқали давлат фақат электр энер-

гияси, газ, алоқа учун тарифларни тартибга солиди, холос.

Монополияга қарши курашдаги органнинг тугатилишини кўпчилик нархларни оширувчи, натижада аҳоли бир қисмининг асосий маҳсулот ва хизматлардан фойдаланишини мураккаблаштирувчи йирик ўйинчилар учун карт-бланш бериш, дея талқин этганди. Лекин, биринчидан, воқеаларнинг бу каби ривожини иқтисодий қонунларга мос келмаган бўларди. Иккинчидан эса, агар тарифларнинг давлат томонидан оширилиши натижасида бундай ҳолатлар келиб чиқса, айнан Эркин савдо ва рақобат қўмитаси буларнинг олдини олиши керак бўлади. Охир-оқибатда, ислохотга қарши бўлганларга товон сифатида ҳамда ишонтириш ва сиёсий кучга вақт сарфламаслик мақсадида, махсус мулк (газ қувурлари, электр узатиш симлари ва ҳоказо) эгалари ўз инфратузилмаларига учинчи шахсларнинг беғараз уланиш ҳуқуқини таъминлаши қонуний мажбурият қилиб қўйилди.

Албатта, аслини олганда бу хусусий мулк ҳуқуқининг бузилиши бўлиб, эркинлик қадриятларига зид саналади. Лекин назарияни тўғридан-тўғри ҳаётга татбиқ этишнинг иложи йўқ. Аммо қонун барибир қандайдир чекловларни кўзда тутган: агарда талабгор бутун тизимнинг техник ёки молиявий хавфсизлиги даражасига ҳамда узлуксиз ишлашига хавф туғдирган тақдирда, мулк эгаси бундай талабгорни ўз инфратузилмасига улашга рад жавоби бериши мумкин. Шундай қилиб, бу тамойил ўз моҳиятига кўра табиий монополиялар ҳақидаги муҳокамаларнинг олдини олади.

Инфратузилма ягона бўлган тақдирда ҳам, бир неча хизмат кўрсатувчининг мавжуд бўлишига имкон бериш – қабул қилинган қонун ҳужжатлари монополияларга йўл очди, дея қоралашга асос йўқлигининг яна бир сабаби. Лекин Монополияга

қарши курашиш хизматини тугатиш йўли билан янги ҳукумат монополияни рағбатлантирмоқда, деган фикр ҳам йўқ эмас. Баъзан бу каби танқидларни тадбиркорларнинг ўзлари ҳам билдириб қолади. “Монополияга қарши курашиш хизмати ўрнига ҳеч нарса қилишга ярамайдиган қандайдир тушунарсиз агентлик ташкил этилди. Бизнес тартибга солинмай қолди”, – дея ишонади “Ниба Инвест” сармоявий компанияси раҳбарларидан бири Нико Лекишвили.⁶

Уни тушуниш мумкин: Монополияга қарши курашиш хизматининг аввалги вазифалари рақобатчиларнинг бозорга кириб келишида аъло даражали тўсиқ эди. Масалан, пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи “Казбеги” компанияси раҳбари Гоги Топадзе 2003 йилда импорт пиволарни юқори солиққа тортиш учун қонунчиликка ўзгариш киритишни таклиф этди. Натижада маҳаллий пиво маҳсулотлари сезиларли даражада арзонлашди ва “Казбеги”нинг савдо ҳажми ортди.⁷ Монополияга қарши курашиш хизмати бу ҳолатда ҳеч қандай рақобатни чегаралашни кўрмади.

Баъзида жорий ҳукумат сиёсатидан экспертлар ҳам норози бўладилар. 1994–2000 йилларда Иқтисодиёт вазирлиги раҳбари бўлган ва ҳолатни ичкаридан туриб кузатган Владимир Папава шундайлардан биридир: “Атиргуллар инқилобидан кейин грузин давлатини заифлаштириш мақсадида давлат институтларини демонтаж қилиш бошланди. Хусусан, амалга оширилаётган ислохотлар доирасида 2004 йил охирига келиб Монополияга қарши курашиш хизма-

⁶ Бизнесмены Грузии заявляют о необходимости создания анти-монопольной службы // *Союз грузин в России*. 2009 йил, 2 май (www.georgians.ru/news.asp?idnews=22196).

⁷ Какие компании являются монополистами в Грузии? // *Business Грузия*. 2009 йил, 14 ноябрь (bizzone.info/government/2009/1258247011.php).

ти тугатилди, бу эса бозор монополиясининг ўсишига олиб келди”⁸.

Бу каби фикрлар ҳар доим ҳам чуқур таҳлилга асосланадими ёки бу субъектив идрок натижасими?

Каха Бендукидзе ўз хатоларини тан олади:

Агарда Монополияга қарши курашиш хизматининг номини қолдирсам-у, лекин унинг барча таркибий вазифаларини олиб ташласам, эътирозлар бўлмасди. Ҳозир эса ҳамма “Бу нимаси, бизда Монополияга қарши курашиш хизмати йўқ!” деб жар солмоқда. Бу биринчи ислоҳот эди, ўзим ҳам жуда гўл эдим. Менга, номини ўзгартиришнинг нима кераги бор, дегандилар, лекин айнан ўзим шу хизмат иқтисодиётимизда мавжуд бўлмаслиги керак, деб ҳисоблагандим.

Иқтисодиётни монополлаштириш ҳақида экспертларнинг фикрлари ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат субъектив баҳолаш бўлиб қолмоқда, чунки Монополияга қарши курашиш хизмати мавжуд бўлган ва у тугатилган даврлардаги ҳолатни баҳолайдиган бирорта ҳам тадқиқот амалга оширилмади.

Авиация ва фармацевтика сингари иккита аниқ бозор мисолида қараб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Авиация соҳасининг бозорга чиқиши катта харажат, демакки, тор доирадаги ўйинчиларни талаб қиладиган ушбу тармоқ давлат томонидан тартибга солинишга муҳтож. Монополияга қарши курашиш хизмати мавжуд бўлган (2005 йилгача) пайтда Грузия ҳудудида олтита чет эл авиакомпанияси – “Turkish Airlines”, “British Airways”, “Austrian Airlines”, AZAL, “Belavia” ва “Arkia” мавжуд эди. Ислоҳотдан кейин улар сафига яна саккизта авиакомпания – “Lufthansa”, “AirBaltic”, “Armavia”, “Skat”, CZA, “Аэросвіт”, FlyLAL, “Ukraine

⁸ Папава В. “‘Розовые’ ошибки МВФ и Всемирного Банка в Грузии” // *Вопросы экономики*. 2009 й. № 3. 143–152-бетлар.

International Airlines” қўшилди.⁹ Албатта, фақатгина давлатнинг антимонопол сиёсати туфайлигина эмас, балки хусусан, очиқ осмон сиёсати орқали намоён бўладиган фуқаро авиациясининг либераллаштирилиши ҳам соҳанинг бундай жадал ривожланишига сабаб бўлганини эслатиб ўтиш даркор.

Ҳаво кодексига бир қанча ўзгартиришлар киритилди.¹⁰ Ҳукумат чегараланмаган, яъни ҳар ким, ҳар қачон уча оладиган парвозлар тўғрисида ҳар бир мамлакат билан шартнома тузишга интилмоқда. Рейслар аукционда сотилмоқда. Байроқдор авиакомпания статуси деярли бекор қилинган (аксарият давлатларда бу белгиланган тартибга солиш ҳуқуқларига эга бўлган, масалан, бошқа авиакомпаниялар нархларининг “ҳаққоний” эканини баҳолайдиган, имтиёзли парвоз ҳуқуқи ва бошқа имтиёзи бор битта авиакомпаниядир). Грузияда расман байроқдор статусига эга бўлган “Airzena” авиакомпанияси ҳам, худди рақобатчилари сингари ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаган ҳолда ишламоқда.¹¹ Монополияга қарши курашиш хизмати ислоҳ қилинганидан сўнг хорижий авиакомпаниялар сони ошиши бозор монополиясининг исботи сифатида қабул қилинмаслиги турган гап.

Фармацевтика соҳаси яна бир мисолдир: аввалги антимонопол қонунчилиги вақтида учта энг йирик компаниянинг бозордаги улуши 29,4, 22,4 ва 13,2

⁹ Feedback of Government of Georgia to the Report Competition in Georgia. Prepared by “Transparency International Georgia”. 2009.

¹⁰ Ҳаво кодекси инқилобгача бўлган даврдаёқ парламент аъзоси Нино Буржанадзе (ўша вақтда Парламентнинг Конституцион, ҳуқуқий масалалар ва қонунийлик масалалари бўйича қўмитаси аъзоси) томонидан ишлаб чиқилганди. Парламент раиси сифатида фаолият юритаётган Буржанадзе тузатишлар киритиш вақтида муҳолиф кучларга бошчилик қилди – радикал ўзгаришлар натижасида кодексни қабул қилишга эришиб бўлмади.

¹¹ Feedback of Government of Georgia to the Report “Competition in Georgia”. Prepared by “Transparency International Georgia”. 2009.

фоизни ташкил этарди. 2009 йилга келиб, бу қийматлар камайди ва йирик компаниялар улуши 23 фоиздан ошмади.¹² Шунга қарамай, замонавий Грузияда айнан монополияларга қарши ҳаракатларнинг мавжуд эмаслиги туфайли норасмий тил бириктиришлар ва дори-дармонлар нархларининг ошиб кетиши ҳолатлари юзага чиқмоқда, деган фикрларни кўп эшитиш мумкин.

Монополияга қарши курашиш хизматининг мавжудлиги рақобат миқдорининг ошишига олиб келмайди, компанияларнинг бозордаги улушлари эса ҳар доим ҳам маҳсулотлари нархининг ошишига бевосита боғлиқ эмас. Дори-дармонлар ҳолатида эса нарх-наво бутун фармацевтика соҳасининг қатъий тартибга солиниши билан боғлиқ. Қийинчилик ва тўсқинликларга қарамай, бу тартиб охириги беш йил ичида соддалаштирилди.

1997 йилда бир неча йирик компаниялар босими остида Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтик маҳсулотлар тўғрисидаги қонунни тайёрлади, натижада бозорда ушбу компанияларнинг амалий жиҳатдан ҳукмронлиги таъминланди. Ҳужжатда фармацевтик маҳсулотлар импортига шунчалик катта тўсиқ қўйилган эдики, оқибатда юқоридаги компаниялардан бошқа ҳеч бир компания ушбу бизнес билан шуғуллана олмади. Бундан ташқари, вазирлик ваколатлари нафақат маҳсулотлар импортига, балки улгуржи ва чакана савдога ҳам шу каби тўсиқлар қўйиш имконини берарди. Натижада Грузияда импортчилар билан келиша олмаган кичик дорихоналар сони доимий равишда камайиб борди, учта йирик дори ишлаб чиқариш корхонасининг тармоқлари эса кенгайди.

2005 йилда фармацевтика бозорини либераллаштириш йўлидаги биринчи қадамлар қўйилди – бизнесни йўлга қўйиш учун олинадиган лицензиялар сони сезиларли даражада камай-

¹² Ibid.

тирилди.¹³ Натижа узоқ куттирмади: яна иккита дорихона тармоғи пайдо бўлди ва улардан ташқари Грузияда етмишга яқин кичик дорихоналар фаолият юритмоқда. Лекин 2005 йилда фақат шу билангина чекланишга тўғри келди: дори-дармонлар импортини либераллаштиришнинг имкони бўлмади. Фармацевтика компанияларидан бирининг эгаси парламент депутаты сифатида мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этди, натижада дори-дармон олиб киришни соддалаштириш тўғрисидаги барча ғоялар бир неча йиллар давомида муваффақиятли равишда тўсиққа учради. Ихтиёрий мамлакатдан импорт қилинадиган ҳар бир алоҳида дорини Грузия учун махсус рўйхатдан ўтказиш керак эди, бу эса энг камидан икки ой вақтни олар ҳамда импортчидан сезиларли равишда вақт ва харажатни талаб қиларди. Фақат яқиндагина вазиятни ўзгартиришга эришилди. 2009 йил октябрда амалдаги “Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида”ги қонун тузатишлари кучга кирди. Унга асосан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) мамлакатларида фойдаланиш учун маъқулланган фармацевтика маҳсулотлари учун қўшимча процедуралар бартараф этилди, шунингдек, супермаркетлар ва чакана савдо дўконларидаги бир неча турдаги дорилар савдосига қўйилган чекловлар олиб ташланди.¹⁴

Ривожланган мамлакатлардан келтириладиган дори-дармонлар учун қўшимча текширувлар бекор қилинишидан олдин Грузияда импорт фармацевтик маҳсулотларнинг 5400 тури рўйхатга олинган эди. Қонун кучга кирганидан бор-йўғи ярим йил ўтиб

¹³ Батафсил маълумот учун мазкур бобнинг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини ислоҳ қилиш” бўлимига қаранг.

¹⁴ Айтгандек, Италияда рўй берган ўхшаш ўзгаришлар – дориларни супермаркетларда сотишга рухсат берилганидан бир неча ҳафта кейин баъзи дори-дармонлар нархлари 30 фоизга тушиб кетган (қ.: Алесина А., Жавацци Ф. “Либерализм как левая идея”. М. Альпина Бизнес Букс, 2011 йил).

эса рўйхатдан ўтказилган янги маҳсулотлар сони аввалгисининг чорагидан кўпроққа – 7500 тагача кўпайди. Бу эса вазиятни меъёрга келтириш учун бизнесни цербер билан, яъни Монополияга қарши курашиш хизмати билан асло чегаралаш керак эмаслиги, балки бизнес эркинлигини кенгайтириш зарурлигини тасдиқлашга имкон беради. Рақобат гўёки уни қўллаб-қувватлайдигандек кўринадиган давлат муассасаси билан эмас, балки бозорни очиш билан ҳосил қилинади.

Афсуски, дори-дармонлар нархининг ўсиши ҳозир ҳам энг оғриқли муаммолардан бўлиб қолмоқда. Агар давлатнинг ўзи йирик дорихона тармоқларига шундай имконият бермаганида, аҳвол бу тарзда абгор бўлмасди, деб ўйлайдиган “элитар коррупция” концепцияси тарафдорлари учун бу энг асосий мавзулардан биридир.

Монополияга қарши курашиш хизматининг аслида фойдаси бор-йўқлиги ҳақидаги саволга жавоб бериш ҳаттоки эркинликни ашаддий равишда қадрловчилар учун ҳам осон ва аниқ-тиниқ эмас. Ўз моҳиятига кўра, монополияга қарши қонунчилик тадбиркорлик фаолиятини чеклашга йўналтирилганига қарамай, монополияга қарши тартибнинг бекор қилиниши кўпчилик томонидан *laissez-faire*¹⁵ тамойилидан оғишиш сифатида баҳоланмоқда. Эркинликнинг энг фаол ва бардавом ҳимоячиларидан айримлари эркин муносабатлар моҳиятини бирданига тушуниб ета олмадилар. Нобель мукофоти совриндори Милтон Фридман шундай хотирлайди:

Эркин рақобат тарафдори сифатида тадқиқотларимнинг бошида монополияга қарши

¹⁵ *Laissez-faire* (французча “Амалга оширишга рўхсат беринг”) – эркин бозор тарафдорларининг бозор механизмларига аралашмаслик тамойилига асосланган асосий иқтисодий доктринаси (Мухаррир изоҳи).

*қонунчиликни тўлиқ қўллаб-қувватладим...
Вақт ўтиши билан монополияга қарши
қонунчилик фойдадан кўра зиён келтиради,
ундан қутулсак яхшийдим, деган хулосага
келдим.*¹⁶

1990-йилларда иқтисодчи Виталий Найшуль¹⁷ билан Москвада бўлиб ўтган баҳсда Монополияга қарши курашиш органи адолатсиз рақобатга қаршилик қилувчи, демак, бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи восита сифатида зарур, деган фикрни ёқлаганини Бендукидзенинг ўзи ҳам тан олганди.

Ҳа, айнан либертариан қадриятларни амалга оширишга интилувчи инсонларнинг мамлакат бошқарувида келиши Грузия учун омадли бўлди. Лекин бу қарашлар келгусида қанчалик даражада ҳимоя қилиниши катта сўроқ остида қолмоқда. Кичик бир мамлакатнинг муваффақиятсиз давлат деган тамғадан энди-энди қутула бошлаши бир йўл бўлса, масалан, тенг томонлама ҳамкорликка умид қилган ҳолда Европа мамлакатлари билан муносабатларга киришиши – умуман бошқа йўл. Бендукидзе монополияга қарши ислоҳот ҳақида жуда хотиржам, одатий бир ҳол сифатида сўзлар, мен учун эса бу ислоҳот бамисли барча иқтисодий ўзгаришларнинг тимсоли сингари кўринарди. Мендаги жўшқинликни жуда қисқа жавоб осон сўндирди: “Лекин бизнинг монополияга қарши қонунчилигимиз узоқ яшай олмайди-да”.

Грузия 1996 йилдаёқ Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик келишувини имзолаган, лекин эркин савдо тўғрисида ҳали келишувга эришмаган (бундай ҳужжат имконияти биринчи марта

¹⁶ Friedman M. The Business Community's Suicidal Impulse // Cato Policy Report. Vol. 21–22. 1999. March-April (www.cato.org/pubs/policy_report/v21n2/friedman.html).

¹⁷ Виталий Найшуль – Москвадаги Миллий иқтисодиёт модели институти президенти, 1985 йилдаёқ хусусий чек-ваучер ғоясини баён этган рус иқтисодчиси.

2006 йил 14 ноябрда қабул қилинган Европача яхши қўшничилик сиёсати доирасидаги ҳаракатлар режасида келтирилади). Европа талабларига жавоб берадиган Монополияга қарши курашиш хизматини яратиш келишувнинг имзоланиши учун асосий шартлардан бири эди. Айнан шунинг учун деярли суд вазифасини бажарадиган ва суиистеъмол қилиш ҳолатлари бўйича қарорлар қабул қиладиган махсус антимонопол ташкилотни яратиш ҳақидаги қонун лойиҳаси 2010 йилда Парламентга киритилди. Бундан ташқари, ислоҳот натижасида ташкил этилган агентлик амалда режаланганидек фаолият юритмаётгани факти ҳам Европа томонидан бўлаётган босимга қўшимча бўлди. Эмзар Жгеренаянинг сўзларига кўра, ислоҳот охирига етказилмаган. Бу хизмат ҳар йили бир марта ҳукумат муҳокамасига тартибга солувчи ташкилотлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши керак эди, лекин бирор марта бундай қилмади.

Шунга қарамасдан, монополияга қарши ислоҳотлардан самара бўлди. Бизнесни давлат томонидан қонунан белгилаб қўйилган “рэкети”дан озод қилдилар. Бу эса муҳимдир.

Солиқ ислоҳоти

Агарда янги ҳукумат иқтисодиётда давлат родини қисқартириш ва бизнесга бўлган юкломани максимал равишда камайтирадиган бўлса, бу ташаббуслар энг аввало солиқ тизимини соддалаштирувчи чоратадбирларда намоён бўлади. Айниқса, солиқ соҳаси зудлик билан ислоҳ қилинишга муҳтож бўлса!

Грузиянинг собиқ иқтисодиёт вазири, айти пайтда Грузия Стратегик ва халқаро тадқиқотлар фонди эксперти Владимир Папава аввалги солиқ кодексини қуйидагича тавсифлайди:

ХВФ экспертларининг фаол иштирокида Грузия Молия вазирлиги томонидан тайёрланган

ва 1997 йил охирида Грузия парламенти тасдиқлаган Солиқ кодекси... шунчалик тушунмиш қийин қилиб ёзилганки... баъзи жойларини оддий солиқ тўловчи у ёқда турсин, мутахассислар ҳам тушунмайди. Кодекс билан тартибга солинадиган алоҳида процедуралар шу қадар мураккаблаштириб юборилганки, чалкашликлардан қочиб қутулиш учун тадбиркорлар пора беришга рози бўладилар.¹⁸

Солиқ ислоҳоти аввало бизнесга бўлган зўриқишни камайтириш ҳамда солиқларни маъмурий бошқаришни тушунарли ва осон қилиш каби икки асосий муаммони ҳал қилиши керак эди. Солиқ кодексини соддалаштириш ва либераллаштириш ҳақида Михаил Саакашвили президентликка номзод бўлган пайтидаёқ – 2003 йил, 12 декабрда, бизнес вакиллари билан бўлган учрашувда айтиб ўтганди. Сўнгра янги ҳукумат иш бошлаганидан бир неча ой кейин – 2004 йил, 13 июнда Зураб Ногаидели бошчилигида Молия вазирлиги ишлаб чиққан янги солиқ кодекси тамойилларини Бош вазир Зураб Жвания тақдим этди.¹⁹ Бир неча солиқ ставкаларини камайтирган ҳолда солиқлар сонининг 22 тадан 7 тагача туширилиши ўша пайтдаги эришилган асосий муваффақият сифатида баҳоланади.

Янги тайинланган иқтисодиёт вазири Каха Бендукидзе 2004 йил июндан Молия вазирлиги иш жараёнига жалб этилди. У асосан бизнес вакилларида ташкил топган унчалик катта бўлмаган жамоа йиғди. Кейинчалик бу жамоа бўлажак кодекснинг энг асосий қисмлари устида иш олиб борди. Уларнинг та-

¹⁸ Папава В. “О некоторых ошибках Международного валютного фонда в Грузии” // *Вопросы экономики*. 2002. №3. С. 99–112.

¹⁹ Правительство представило принципы нового Налогового кодекса // *Civil Georgia*. 2004. 14 июня (www.civil.ge/rus/article.php?id=5436).

шаббуслари узоқ баҳслар, муҳокамалар ва қатъий ишонтиришлардан кейин қабул қилинади. Фикрлар асосан Солиғистон республикасининг²⁰ намунавий солиқ кодексига ўз аксини топган анъанавий ёндашув тўғрисида фарқ қиларди.

Ўша пайтлар иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари лавозимида ишлаган Вато Лежаванинг сўзларига кўра, ҳар доим солиқ ставкаларининг камайтиришга доим қарши бўлган Жванияни²¹ бу ўзгаришларни бошлашга ишонтириш жуда қийин кечган:

У бюджет бажарилиши учун жавобгар эди, ҳаммамизда Шеварднадзе даври синдроми мавжуд бўлгани учун ҳам бюджетни бажариш қандайдир бир муқаддас нарсадек туюларди: “Бунга мен жавоб бераман – демак, солиқлар қандай бўлиши кераклигини ўзим ҳал қиламан”. Лекин биринчи қадамни қўйганидан, биринчи натижаларни кўрганидан ва бу натижалар давлат бюджетига зиён келтирмаслигига ишонганидан сўнг Жвания ўз хавотирларидан озод бўлди. Бу ҳаракати учун уни олқишлаш мумкин. Шу йўналишида ҳаракатланишимиз бутунлай аниқ бўлиб улгурганди.

Иқтисодиёт вазири Бендукидзе ва молия вазири Ногаидели мос ҳолда Сцилла ва Харибдага

²⁰ Халқаро валюта фондининг ҳуқуқий бошқармаси томонидан 2009 йилда гипотетик мамлакат (Солиғистон деб номланган ўтиш давлати) учун намунавий солиқ кодекси ишлаб чиқилди. У қонуний ҳужжатларни тайёрлаш ва қонунларни қўллаш жараёнида маълумотнома ўрнида ишлатилиши мумкин (маълумотларда ва МДҲ давлатлари учун). ХВФ. Материалы по налоговому кодексу. 2000 (www.imf.org/external/np/leg/tlaw/2000/rus/taxrus.pdf).

²¹ Масалан, давлат вазири этиб тайинланган Зураб Жвания 2003 йил, 22 декабрда фаровонликнинг ташқи белгиларига кўра жисмоний шахслар учун ҳам солиқ ставкаси қўлланилишини Муваққат ҳукумат номидан эълон қилди. Қ.: Оппозиция критикует новую налоговую инициативу // *Civil Georgia*. 2003 йил, 22 декабрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=4176)га қаралсин).

Ўшатиладиган ҳазил кенг тарқалганди: ҳар икковлон қўллаб-қувватласагина ташаббус амалга ошириллар, мабодо, иккисидан бири қарши бўлса, ташаббус муваффақиятсизликка учрарди.

Ҳукумат билан узоқ давом этган баҳслардан сўнг 2004 йил, 22 декабрда Грузия парламенти 107 та маъқуллаган ва 11 нафар қарши овоз билан янги Солиқ кодексининг охирги вариантини учинчи ўқишда қабул қилди.²² Жиддий сиёсий баҳс-мунозараларга қарамай, кўплаб радикал ўзгаришларни амалга оширишга эришилди.

2005 йил, 1 январдан кучга кирган Солиқ кодекси ислохотнинг охирги нуқтаси эмасди. Қўшимча тузатишлар пайдо бўлишда давом этмоқда: 2010 йил, 17 сентябрда кодекснинг янги таҳрири қабул қилинди.

Солиқ амнистияси

Солиқ амнистияси ислохотнинг тамал тоши бўлди. Бу ғоянинг пайдо бўлиши учун иккита асос бор эди. Биринчиси – қарздорлик ҳажми. Бендукидзе қуйидагича эслайди:

Ўша вақтдаги солиқларни тўлаш имконсиз маъносиз бўлиб, уларни иқтисодий жихатдан оқлаб бўлмасди. Натижада ҳар йили ЯИМнинг 20 фоизига яқин маблағ бюджетга келиб тушмасди. Бу эса асл яширин қарздорлик қийматини бутун ЯИМ билан солиштириш мумкин, дегани эди. Қанчалик яхши бошқарилмасин, иқтисодиётдан ЯИМга тенг бўлган маблағни чиқариб олиб бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарли.

Иккинчи асос – “кадрлар тозалови”дан сўнг коррупциялашмаган ва шиддатга тўла солиқ полицияси моҳиятига кўра иқтисод учун хавф-хатарга айланганди: қаерга борилса, ўша ерда қонун бузилиш ҳолатлари мавжуд эди.

²² Парламент утвердил новый Налоговый кодекс // *Civil Georgia*. 2004 йил, 22 декабрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6753).

2004 йилда Иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари, 2005–2008 йилларда эса ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири ўринбосари сифатида ишлаган Кетеван Кокрашвили ҳикоя қилади:

Бендукидзе қўл остида ишлашга келганимнинг иккинчи кунийёқ солиқ амнистияси ҳақида ўйлай бошладик. Муаммо шунда эдики, грузинлар бошлаб бўлинган йирик объектларни хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этишдан чўчиётганди. Улар кимдир келиб “Бунча пулни қаердан олдинг?” деб сўраб қолишидан хавотирланаётгандилар.

Бошида 2004 йил, 1 январгача тўланмаган барча солиқларга амнистия бериш назарда тутилган эди. Лекин Молия вазирлигидан келиб тушган таклифга кўра, аллақачон ҳисоб-китоб қилинган, лекин тўланмаган солиқларни афв этиш мумкин эмасди.

Бендукидзенинг фикрига кўра, бу хато эди: “Бундай солиқлар жуда кўп – пенялар билан ҳисоблаганда бир неча миллиардлаб лари миқдордаги маблағни ташкил этади, лекин бу компанияларнинг аксарияти ҳозир мавжуд эмас. Яъни бу пуллар солиқ хизмати бўйнида тош бўлиб осилиб турибди”.

Молиявий амнистия деб номланадиган жараённи амалга ошириш иккинчи таклиф эди: солиқни тўлаб қўйиб, пулларни легаллаштириш мумкин.

Бендукидзега бу ғоя маъқул келмади: “Қозоғистонда ҳам худди шу каби амнистияни амалга оширган Марченкога²³ қўнғироқ қилдим ва бу нарса кутилган натижани бермаганини аниқладим. Лекин бюджет қўмитаси солиқ амнистиясини қўллаб-қувватлаши учун шу шарт бажарилиши кераклиги сабабли ҳозиргидек гибрид қонун пайдо бўлди”.

²³ Григорий Марченко – қозоғистонлик иқтисодчи ва молиячи. Қозоғистонда банк ислохоти рўй берган 1996 йилда мамлакат Миллий банкига раислик қилган.

2004 йил, 24 декабрда парламент “Амнистия ва декларация қилинмаган молиявий мажбуриятлар ва мол-мулкларни легализация қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Қонун 2005 йил, 25 январдан кучга кирди.

Солиқ ва молиявий амнистиялар бир марталик характерга эга бўлиб, жиноят иши қўзғатилмаган ёки солиқ тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилмаган шахсларнинг (солиқ тўловчиларнинг 95 фоизи шу тоифаларга мансуб эди) 2004 йил, 1 январгача яшириб келинган солиқларини бекор қилишни кўзда тутарди. Тадбиркорларга эса ўша даврга тегишли бўлган бухгалтерия қоғозларини йўқотиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, 2004 йилгача бўлган давр учун ҳужжатларни талаб қиладиган солиқ хизмати ходимлари жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин эди.

Саакашвилининг фикрига кўра, бу нарса кўпчиликни қонун доирасида иш кўришга қайтарган:

Одамларнинг эски солиқларидан кечдик. Аввалги ҳуқумат барча бизнесменларга: “Сени қулоқларингдан тутиб турибмиз, агарда пора бермасанг ва садоқатингни намоён этмасанг, қачон хоҳласанг, шунда сени йўқотамиз” деб, уларни жиноятчиларга айлантириб қўйганди. Юқори мансабни эгаллаган амалдорларни кечирмадик. Амнистия уларга тегишли эмас, чунки бундай коррупцион тизимни айнан улар юзага келтирдилар, шунинг учун уларга нисбатан хайрихоҳ бўлишимиз керак, деб ўйламайман. Улардан азият чекканлар эса қонуний доирага қайтдилар. Энди ҳаммаси янги-ча бўлади, қонунлар инсоний қилиб қўйилди, уларга риоя қилиш ва инсонларча ҳаёт кечириш мумкин.

Солиқлардан тушган маблағни мактаблар, казармалар қуриш, атроф-муҳитни яхшилаш

*учун сарфлаймиз. Давлатга берилган пуллар қандай ишлатилаётганини ҳамма кўра олиши мумкин.*²⁴

Тезлаштирилган амортизация

Капитал харажатни юз фоизли амортизация қилишнинг киритилиши солиқ ислохотининг кейинги муҳим қисми бўлди.

Харид қилинган жиҳоз қиймати харажатларга босқичма-босқич киритиб борилишига асосланган амортизация схемаси жаҳонда (масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ва Россияда) кенг тарқалган. Грузияда эса юз фоизли амортизация қўлланилди.²⁵ Яъни компания ўз капитал харажатларини ўша йилиёқ чиқимлар сифатида қайд қилиши мумкин. Агарда бу катта миқдордаги капитал киритилиши бўлса, солиқ ҳисоботи нуқтаи назаридан зарар кўрган ҳисобланади. Бу зарар эса кейинги беш йил давомида ҳисоботларда акс этиши, демакки, беш йил давомида фойда солиғи тўланмаслиги мумкин. Ҳар қандай компания юз фоизли амортизация ҳуқуқига эга бўлди.

Кўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)нинг қайтарилиши

Ислохотчилар ҚҚСга истеъмол солиғи сифатида қарадилар ва у моҳиятан худди шундайдир. Шунинг учун капитал операциясининг²⁶ ҳар қандай турида

²⁴ Итоговый доклад президента Грузии Михаила Саакашвили за 2004 год // *Civil Georgia*. 2004 йил 30 декабрь (www.civil.ge/rus/article.php?id=6817).

²⁵ Бу ғоя янги эмас. Юз фоизли амортизация Буюк Британия премьер-министри Маргарет Тэтчер томонидан 1980-йиллардаги ислохотлар жараёнида амалиётга киритилган.

²⁶ Миллий ҳисоблаш тизимига мос равишда капитал операциялар, бу – асосий фондларга (бино ва иншоотлар, машина ва жиҳозлар, чорвачилик, боғлар ва узумзорлар, фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ҳоказо) киритилган сармоялар, яъни келажакда кўпроқ миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда катта даромад яратиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қиладиган маблағлар.

ҚҚС қайтарилиши керак. “Амалда ҚҚС мавжуд бўлган мамлакатларнинг аксариятида бу меъёр тўғридан-тўғри кўринишда мавжуд эмас. Бундан ташқари, ҚҚСнинг ўша заҳотиёқ қайтарилишини тақиқлайдиган Европа Иттифоқининг директиваси мавжуд. Лекин биз барчасини ўша заҳоти қайтариш керак, деб ҳисоблаймиз”, – дея тушунтирди Бендукидзе.²⁷

Сармоядор учун бу банд юз фоизли амортизация имкони билан биргаликда шуни англатадики, у кiritган сармойаси фойда келтиришни бошлагунча компания фақат мол-мулк учун солиқ ва компания ишчи-ходимлари ойлигидан даромад солиғи тўлайди. Бу эса иқтисодиёт ривожланишининг жорий босқичи учун жуда муҳим, чунки мамлакатга янги сармояларни жалб қилиш имконини беради.

Даромад солиғи

Даромад солиғига оид катта баҳс авж олди. Президент маъмурияти даромад солиғи текис бўлишини хоҳламади, яъни ўсиб борувчи шкалани маъқуллаган ҳолда сохта ижтимоий жавобгарликни намоён этди: маъмуриятнинг фикрича, одамлар қанча кўп пул ишлаб топса, шунча кўп (номутаносиб равишда кўп!) солиқ тўлашлари керак эди. Охириқибат Бендукидзе сўл-марказча қарашга эга бўлган Жванияни текис шкалани қабул қилишга кўндира олди:

*Даромад солиғига оид мажлис чоғида Жвания
“Россияда даромад солиғи миқдори қанча?”
деб сўради. Мен “13 фоиз” деб жавоб бердим. У*

Миллий ҳисоблашлар бўйича қўлланма. БМТ. Нью-Йорк. 2006 йил (unstats.un.org/unsd/publication/SeriesF/seriesF_85r.pdf).

²⁷ Стратегик тадқиқотлар марказининг беш йиллигига бағишлаб 2004 йил, 10 декабрда ўтказилган “Иқтисодий ислохотлар: русча кун тартиби ва жаҳон тажрибаси” конференциясида К.Бендукидзенинг нутқи стенограммаси (www.old.csr.ru/_upload/editor_files/file0056.doc).

*“Келинг, у ҳолда бизда 12 фоиз бўла қолсин”, деди.
Шу тарзда бизда даромад солиғи 12 фоиз бўлди.*

Лекин солиқнинг бундай миқдори фақатгина 2007 йил охиригача сақланиб қолди, холос. 2008 йилдан бошлаб энг муҳим ўзгаришлардан бири – даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг бирикиши рўй берди. 2004 йилда ижтимоий солиқ 33 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилдан 20 фоизгача туширилди. 2008 йилга келиб, солиқлар бирлаштирилганда умумий маблағ 32 фоизни эмас, балки 26,6 фоизни ташкил этди, чунки ҳисоблаш турли хил асосларга кўра олиб борилади. Ўша заҳотиёқ солиқ ставкаси 26 фоизгача, кейин 25 фоизгача ва урушдан кейин 2008 йил ноябрь ойида 20 фоизгача туширилди. Бундан ташқари, бирламчи қонунда, 2012 йилга келиб, бу кўрсаткични 15 фоизгача тушириш кўзда тутилганди. Лекин Солиқ кодексининг 2010 йилги таҳририда бу муддат ортга сурилди – 2013 йилда 18 фоизга ва фақат 2014 йилга келиб, 15 фоизгача камайтириш режалаштирилди.

Ижтимоий ва даромад солиқларининг бирлаштирилиши, сўнгра эса бирлашган солиқ ставкасининг камайтирилиши натижасида бюджетдан ташқари фондлар тизими деярли қайта тикланмайдиган даражага келиб қолди. Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирининг собиқ биринчи ўринбосари Вахтанг Мегрелишвили шундай эслайди:

2003 йилда, яъни инқилобдан бировгина олдин Грузияда давлат пенсия суғуртаси ҳақидаги қонунлар тўплами қабул қилинганди. 2003 йилда, Ижтимоий суғурта фондида ишлашни бошлаганимда, фондлаштирилган пенсия тизимига мос ҳолда қанча нафақа пули олиш мумкинлигини калькулятор ёрдамида ҳисоблаб кўрдим. Ва қандайдир бир ақл бовар қилмас миқдор келиб чиқди: агарда ижтимоий бадал сифатида 33 фоиздан тўлаб борсам, 40 йилдан сўнг ҳеч нарса тўламаганлардан сал кўпроқ пул олар эканман.

Ҳозирги кунда Грузиядаги нафақа пули ижтимоий таъминотнинг бир кўринишини ифодалайди, нафақа фонди эса йўқ – давлат бюджети универсалдир.

“Агарда даромад солиғи 20 фоизни ташкил этса ва ҳеч қандай ижтимоий солиқ мавжуд бўлмаса, шахсан ўзим зарарли деб биладиган фондлаштирилган пенсия тизимини яратишнинг ўзи мумкин эмас – 20 фоизлик даромад солиғини қисмларга ажратиб бўлмайди. Фондлаштириладиган тизим учун эса даромаднинг 15-30 фоизини ташкил этадиган алоҳида солиқ керак. Лекин даромад солиғи 15 фоизни ташкил этган заҳоти бу ғоя билан бутунлай хайрлашиш мумкин”, – дейди ишонч билан Бендукидзе.²⁸

Бу мисол турли ислоҳотлар қатламлари бир-бирини қандай қамраб олаётганини жуда яхши намоён этади: солиқ ўзгаришларининг бир қисми нафақа тизимининг ўзгаришига олиб келади. Лекин воз кечишга қарор қилинган нарса ўрнига нимадир таклиф қилиш керак эди. Пенсия фонди ўрнига ҳам шахсий, ҳам жамоавий равишда жамғариб бориш мумкин бўлган бошқа мақбул шароитлар яратилди. Қимматбаҳо қоғозлар тўғрисидаги қонунга бир қанча ўзгартиришлар киритилди, Бендукидзенинг фикрига кўра, унчалик зарурияти бўлмаган турли хил солиқ стимуллари таклиф этилди:

Аслини олганда, тўплаб боришни рағбатлантириш учун солиқ стимули шарт эмас, бу нотўғридир. Лекин бу нарса ўзига хос алмашиш воситасига айланди: сиёсий синфлар ичида ҳар доим ўзаро сиёсий савдо кузатилади, бу

²⁸ 2011 йил ставкаларига кўра, Россияда ишчиларнинг асосий тоифалари томонидан пенсия фондига, тиббий суғурта фондига, ижтимоий суғурта фондига тўланадиган умумий суғурта тўлови ходимлар даромадининг 34 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, жисмоний шахслар даромадидан асосий ставкаси 13 фоиз бўлган солиқ олинади.

стимуллар эса қарорни қабул қилишлари учун керак эди.

Шунга қарамай, солиқ стимуллари ғоясининг ўзини ҳам турлича амалга ошириш мумкин. Ўша вақтда уларни нафақа таъминоти соҳасидаги янги ғоялар билан бирга татбиқ қилиб бўлмади, лекин молиявий ислохотлар²⁹ доирасида бунини амалга оширишнинг иложи топилди. Эришилган натижаларни Бендуқидзе яхши баҳолайди:

Нафақа фондига пул киритишни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш – ёмон вариант, чунки бу жуда кўп миқдордаги “жавобгарлиги йўқ бўлган” пулларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, инсон уй қуриш ўрнига қўшимча равишда солиққа тортилишдан қочиш учун ўз шахсий жамғармасидан воз кечишига тўғри келади. Демак, бу пулларининг тақдири уни унча қизиқтирмайди. Дарвоқе, масалан, АҚШдагидек нафақа воситаларининг улкан миқдорлари молиявий инқирознинг асосий омилларидан бири бўлган.³⁰

Ва биз яхши натижага эришдик: фойда билан боғлиқ операциялар учун солиқ йўқ, биржа савдосига чиқарилган ва эркин муомаладаги қимматбаҳо қогозлар билан боғлиқ операциялар учун солиқлар йўқ, депозитлар ва савдо қилинадиган қарз қогозларидан фоизлар йўқ. Албатта, буларнинг барчасидан фойдаланишга ҳозирча эрта: фонд бозори аввал ҳам унчалик ривожланмаганди, инқироз туфайли эса у деярли қолмади. Лекин вақти келганида, у ўз қучини кўрсатади.

²⁹ Батафсил маълумот учун “Молиявий ислохот” бўлимига қаранг.

³⁰ АҚШ, Европа Иттифоқи ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган бир неча мамлакатларни қамраб олган 2008 йилдаги молиявий инқироз.

Қимор ўйинлари бизнесидан тушумлар

Қимор ўйинлари бизнесига йиғим жорий этилгани Грузиянинг маъмурий воситаларни эмас, балки иқтисодий воситаларни ишга солаётганининг яққол намунасидир. Илгари пойтахтда кўплаб қимор ўйинлари муассасалари мавжуд эди. Ҳукумат эса бундай муассасалар фаолиятини чеклаш ўрнига (бундай чеклашлар туфайли улар яширин тарзда фаолият юритишга ўтганди, холос) оддийроқ усулни танлади.

Қимор ўйинлари бизнеси учун махсус йиғим жорий этилди. Бошида у фақат казинолар учун қўлланилган бўлиб, 3 миллион долларга яқин суммани ташкил этганди (тўлов миқдори Батумида йилига 150 минг долларни ташкил этган бўлса, Цхалтубода йиғим умуман олинмасди). Йиғим жорий этилиши билан бутун мамлакатда бор-йўғи икки дона казино қолди ва уларнинг ҳар иккиси ҳам пойтахтда жойлашганди. Бошқа казинолар бундай улкан миқдордаги маблағни тўлай олмади. Лекин тез орада Батуми ва Цхалтубо шаҳарларида казинолар пайдо бўлди. Шу билан бирга, Бендукидзе хатоларни ҳам тан олади: “Бошиданоқ барча қимор ўйинлари бизнесини слот-машиналар, ўйин автоматлари заллари, покер-клублар ва ҳоказолар учун ҳам турли хил миқдордаги йиғимлар жорий этган тарзда тизимлаштириш керак эди”³¹.

Эндиликда эса қимор ўйинлари бизнеси билан шуғулланишни хоҳлайдиган тадбиркорлар бу масканнинг тури ва жойлашган ўрнига мос равишда қиймати ҳар хил бўлган тегишли лицензияга эга бўлишлари керак. Лотерея ва лото сингари майда қимор ўйинлари бизнеси учун лицензия нархи барча жой-

³¹ Мамлакатда қимор ўйинлари автоматларига эга жами 525 та муассаса мавжуд бўлиб, уларнинг ярми пойтахтда жойлашган (Қ.: Римпл П., Мизанте С. “Игровые автоматы: Тайное пристрастие Грузии?” // EurasiaNet / *Business Грузия*. 2009 йил, 6 ноябрь (biz-zone.info/articles/1257533805.php)).

да 8,5 минг долларни ташкил этса, ўйин заллари ва тотализаторлар учун 6,7 мингдан 16,5 минг долларгача туради.

Казино билан эса ҳолат бошқача. Казинолар учун лицензия миқдори, энг оммабоп туристик жойларни ҳисобга олмаганда, бутун Грузия бўйлаб 3 миллион долларни ташкил этади. Батуми ва Кобулетининг Қора денгиз курортлари, пойтахтдан унча узоқ бўлмаган Базалети кўли атрофлари ва Боржомида лицензия миқдори бор-йўғи 150 минг доллар туради. Бакуриани тоғ-чанғи курорти ва унча машҳур бўлмаган Цхалтубо балчиқ билан даволаш курортида, шунингдек, бутунлай янгиланган Сигнахи (Кахетияда жойлашган) шаҳарчасида лицензия умуман талаб қилинмайди. Батуми, Кобулети ва Анаклиядаги йирик меҳмонхоналар (100 та хонадан ортиқ) учун ҳам лицензия талаб қилинмайди. Бундай имтиёзлар орқали ҳукумат қимор ўйинлари тақиқланган мамлакатлардан (Исроил, Түркия, Озарбайжон) меҳмонлар ташриф буюрадиган туристик марказлардаги ушбу ўйин бизнесини қўллаб-қувватлайди. Бу бизнес эгалари бир марталик лицензиялардан ташқари йилнинг ҳар чорагида 850 доллардан 50,7 минг долларгача бўлган тўловларни амалга оширишлари шарт.

Бу соҳа фаол ривожланишда давом этмоқда. Фойдаланишга чиқарилган лицензиялар сони 2011 йилда 5 мингтадан ортиб кетди.

Бошқа ўзгаришлар

Солиқ соҳасидаги кенг кўламдаги йирик ўзгаришлардан ташқари маълум соҳаларга қаратилган ижобий ўзгаришлар ҳам амалга оширилди.

Босма ОАВ маошга боғлиқ бўлган даромад солиғидан ташқари қолган барча солиқлардан озод қилинди. Ҳисобланган солиқларнинг 25 фоизидан ортиғи тўланмасагина жиноий тергов бошлаш мумкин бўлган бошланғич қиймат белгиланди. Судгача

бўлган жараёнларни ҳал этиш учун Молия вазирлиги ходимлари ва экспертлардан ташкил топган Баҳсларни ҳал этиш бўйича солиқ кенгаши тузилди. Матнларни ҳеч қачон мукамал шаклда ёзиб бўлмади, шунинг учун ҳар доим бирорта солиқ инспектори қонунни ўзи хоҳлаганича талқин этиши мумкин бўлган вазият юзага келиши мумкин эди. Шу каби муаммоларнинг олдини олиш учун ҳам ушбу кенгаш тузилганди.

Энг охирги ўзгаришлар солиқ декларациясини электрон тарзда топшириш билан боғлиқдир: ҳозирги кунда барча солиқларни онлайн режимида тақдим этиш ва тўлаш мумкин. Бунинг учун солиқ хизматини электрон тартибга ўтказиш ва бухгалтерия ҳисоботи юритиш технологиясини электрон кўринишда олиб бориш орқали жуда катта иш амалга оширилди.

Ислоҳот омадсизликдан холи бўлмади – мисол тариқасида солиқ арбитражи ва мулк солиғига оид соҳаларни айтиш мумкин.

Солиқ арбитражи

Солиқ арбитражи муҳокамасини қўллаш ғояси энг йирик инновация бўлганди, дейиш мумкин. Уч томонлама суд ғояси нафақат давлатнинг иқтисодни эркинлаштиришга жиддий уринишларини кўрсатиш учун керак, шунингдек, бу ғоя амалга ошган тақдирда муқобил суд тизимини яратиш каби узоқ муддатли институционал натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Ишчи гуруҳда мамлакат суд тизимига катта ишонч йўқ, давлат кўпинча судлар устидан манипуляция қилади, деган фикр мавжуд эди. Шунинг учун арбитраж жараёндан, аниқроғи, *ad hoc*³² арбитраж тизимидан фойдаланишга қарор қилинди. Агарда солиқ тўловчи шахс бир ҳакам унинг ўзи томонидан, иккинчи ҳакам солиқ органи томонидан, учинчи

³² Институцион арбитраждан (белгиланган ҳудудда белгиланган қоидалар бўйича ишлайдиган) фарқли равишда, бу арбитраж тури томонларнинг келишувига кўра аниқ низони бир марталик кўриб чиқиш мақсадида ташкил этилади.

ҳакам ҳар икки баҳслашаётган тарафлар томонидан танланадиган уч томонлама муҳокамани талаб қилишни хоҳласа, бундай имкониятга эга бўла олиши керак. Муваффақиятсизликлар сабаби ҳақида Бендуқидзе қўйидагича ҳикоя қилади:

Аниқ бир матнни муҳокама этаётганимизда, ад һос арбитражи процедурасига тавсиф бериб кетишни таклиф этдим. Лекин ўша кунни импорт автомобиллари учун аққиз солигини ҳам муҳокама қилишимиз керак эди. Гўёки автомобиль импортига солиқ солишни ўзлари учун ҳаёт-мамот масаласидек қабул қилган барча депутатлар бу процедурани хусусий арбитраж муҳокамалари ҳақидаги мавжуд қонунга асосан оддийгина амалга оширишни; асосий эътиборни эса солиқларга қаратишни тавсия қилдилар. Мен ҳам уларнинг ундовларига ён бердим, кейинчалик эса хато қилганимни билдим.

Солиқ кодекси кучга кирганидан сўнг ҳам хусусий арбитраж тўғрисидаги банд қандай ишлайди, деб ўйлашдан тўхтамадим.

Бу бандни давлат билан муҳокама жараёнида ишни кўриб чиқадиган суднинг аниқ таркибини бизнеснинг ўзи аниқлайди, деб ҳам талқин қилиш мумкин эди. Яъни уч томонлама ад һос суди ташкил этилмайди, балки муҳокама жараёни аввалдан мавжуд бўлган арбитраж судида кўрилади. Ислохотнинг асосини ташкил этиши назарда тутилган уч томонлама суд амалда йўқолиб кетди. Ҳаттоки қандайдир бир компания кўп миқдордаги солиқни тўламаган-у, у билан давлат ўзи тузган арбитраж суди орқали судлашишга киришгани тушларимга ҳам кириб чиқа бошлади. Ишга келиб, ўз ходимам – ҳуқуқ фанлари докторига ад һос арбитражининг

процедураси қандай кечиши кераклигини зудлик билан ўйлаб кўриш лозимлигини айтдим. Лекин мен жуда секин ҳаракат қилгандим. Баъзи тадбиркорлар хатони сезиб қолдилар: битта етарлича йирик компания прецедент ҳосил қилиш мақсадида арзимаган муаммо устида муҳокама ташкил қилди. Яъни компания келажакда каттароқ миқдордаги солиқни тўламаслик мақсадида кичик миқдордаги солиқни тўламади. Бу вақтга келиб Жвания вафот этган, Бош вазир лавозимида Ногаидели, молия вазири эса бунгача дипломатик хизматда ишлаган ва жуда эҳтиёткор инсон Валерий Чечелашвили эди.³³ Яқинда ишга тайинлангани сабаб, у нимадир хатолик рўй беришидан жуда кўрқарди. Солиқ кодексига зудлик билан тегишли тузатиш киритилди, парламент уни қабул қилди, Президент имзо чекди ва хусусий арбитраж бекор қилинди. Албатта, бу жуда салбий реакцияни келтириб чиқарди. Биз аслида нима рўй берганини тушунтириб бера олмадик. Ҳозиргача тадбиркорлар орасида улар ҳар доим бундай ҳуқуққа эга бўлганлар-у, жорий ҳукумат уни бекор қилиб юборгандек ёлгон тасаввур бор. Аслида эса бу ҳуқуқни ҳукуматнинг ўзи ўйлаб топиб, кейин ўзи яна бекор қилди.

Мулк солиғи

Жисмоний шахсларга нисбатан мулк солиғи ҳам катта муваффақиятсизлик билан боғлиқдир.

Солиқ ислоҳотини амалга ошириш гуруҳида умумий кайфият мавжуд эди: мулк солиғини барча тўлаши керак – бу эса халқ оммасини солиқ тўловчилар жамиятига айлантиради, тартибга келтиради. Барчанинг мол-мулки мавжуд, барча солиқ тўлайди. Лекин

³³ Чечелашвили бунгача Грузиянинг Россия Федерациясидаги элчиси лавозимида ишлаганди.

бу солиқ қандай бўлишидан қатъи назар, бундай ғояни амалга оширишнинг иложи йўқлиги муҳокамалар босқичидаёқ аниқ бўлиб улгурди. Умуман олганда, ислоҳотчиларнинг концепцияси парламентда қатъий қаршиликка дуч келди. Парламентдагилар гипотетик ҳолатларни далил қилиб олгандилар. Масалан, қайсидир бир хизмат кўрсатган профессорнинг ҳозирги кунда даромади мавжуд эмас, лекин 100-200 минг доллар турадиган квартираси бор. У қандай қилиб мулк солиғи тўлай олади? Мантиқан олганда, бундай ҳолатда квартирани сотиш, ўрнига кичикроқ квартира сотиб олиш ва ортиб қолган пуллар эвазига яшашни давом эттириш тўғрироқ бўлса-да, парламент аъзолари ўз фикрларига президентни ишонтира олдилар. Ҳозирча Бендукидзе ва унинг тарафдорлари буни ўзгартира олмадилар:


Солиқнинг даромадга боғлиқлигини ифодаловчи жуда ёмон механизм уйлаб топилди: агарда йиллик даромадинг 40 минг ларидан юқори бўлсагина мулк солиғи тўлайсан. Буни ўзгартириш учун бир неча марта ҳаракат қилиб кўрдик, лекин ҳар сафар бизга сиёсий коалиция етишмади. Шу тарзда айрим қимматбаҳо мулк эгалари солиқ тўламайдиган бўлдилар – жуда галати!

Натижалар

2004 йил, декабрда қабул қилинган Солиқ кодекси вазиятни ўша заҳотиёқ ва тубдан ўзгартириб юборди: 2005 йилдаёқ солиқлар сони йигирма иккитадан еттитагача (2008 йилдан эса олтигача) камайди, қолган солиқларнинг ставкалари эса аста-секин камайиб борди. Урушдан икки ой кейин охириги камайтириш амалга оширилди. Бендукидзенинг сўзларига кўра, бу камайтириш “инқироз ва урушга жавобан ягона тўғри жавобдир” ҳамда ислоҳот

натижалари кутилганидан-да кўпроқ наф келтирди:

Тўпланган солиқлар ҳажми 2004 йилда ЯИМнинг 14 фоизини ташкил этиши режалаштирилганди. Ислоҳотни шу кўрсаткичга мослаб олиб бориш керак, деб ҳисоблагандим. Жвания эса маъмурий бошқарувнинг яхшиланиб бориши натижасида тўпланадиган солиқлар ҳажми йилига 1 фоиздан кўпайиб борадиган шарт-шароитларни яратиш керак, деб таъкидларди. Лекин аслида эса аксарият солиқларнинг ставкаларини камайтирганимиздан сўнг тушумлар ЯИМнинг 1 фоиз миқдоридан кўпаймади, балки икки бараварга ортди. Бошқа томондан олганда, бу энг яхши натижа эмасди – агар бу пуллар иқтисодиётда қолганида, иқтисодиёт янада тезроқ ўсган бўларди.



1995–2010 йиллардаги солиқ тушумлари ЯИМ улуши сифатида (%). Манба: Грузия Молия вазирлиги.

Грузиянинг консолидацияланган бюджетига келиб тушган солиқ тушумлари 2003 йилда 469 миллион долларни, 2007 йилда эса 2,2 миллиард долларни ташкил этди. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда, солиқ тушуми тўрт йилда 2,7 баравар ошди. Грузия парламенти 2007 йилда давлат хазинасининг даромад

қисмини уч марта оширди.³⁴ 2007 йилда рўйхатга олинган солиқ тўловчилар сони 2004 йилдагига қараганда 86 фоизга ошди. Грузия ўз мисоли орқали Лаффер эгри чизиқли графигининг³⁵ классик кўри-нишини амалда кўрсатиб берди: иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган солиқ ставкалари камайтирилса, бюджетга тушумлар ортади, чунки бизнес соядан чиқа бошлайди.

	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Солиқлар миқдори	22	7	7	7	6	6	6	6
ҚҚС (%)	20	20	18	18	18	18	18	18
Даромад солиғи (%)	12_20	12	12	12	26	20	20	20
Икжимой солиқ (%)	33	20	20	20				
Фойда солиғи (%)	20	20	20	20	15	15	15	15

Солиқлар сони ва асосий солиқлар бўйича ставкалар.

Россияда даромад солиғининг асосий ставкаси 2009 йил 1 январдан бошлаб 24 фоиздан 20 фоизгача камайган.

2011 йил январдан янгиланган Солиқ кодекси кучга кирди. Унда, хусусан, солиқ тўловчиларни қўшимча равишда ҳимоя қилиш учун янги солиқ омбудсмани лавозими тасдиқланди. Охириги ўзгаришларга асосан хусусий тадбиркор (яъни йиллик айланмаси 20 минг доллардан ошмайдиган микробизнес эгаси) даромад солиғидан бутунлай озод қилинди, кичик бизнес (айланмаси 65 мингдан кўп бўлмаган) учун даромад солиғи умумий айланмадан 5 фоизни (ёки 3 фоизни, фақат фаолият халқаро стандартларга асосланган бух-

³⁴ Вислогузов В., Двали Г. "Грузия продолжает борьбу с налогами" // *Коммерсантъ*. 2008 йил 25 апрель. №71 (3888) (www.kommer-sant.ru/doc.aspx?DocsID=886759&ThemesID=641).

³⁵ Артур Лаффер – америкалик иқтисодчи, иқтисоддаги таклиф назарияси асосчиларидан бири. Лаффер эгри чизиғи солиқлар тушумининг солиқ ставкаларига боғлиқлигини ифодалайди.

галтерия ҳисоботини юритган ҳолда олиб борилса) ташкил этади.

Ниҳоят, айтиш жоизки, Грузияда солиқ соҳасидаги тубдан яхшиланишларнинг яққол далили сифатида “Forbes” (Tax Misery Index) журналининг 2009 йилги “солиқ даҳшати” рейтингигаги мамлакат позициясини³⁶ мисол қилиб келтириш мумкин. Бу рейтингда Грузия энг энгил солиқ юкламалари мавжуд давлатлар орасида Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари ва Гонконгдан кейин тўртинчи ўринни эгаллаган.

Меҳнат кодекси ислоҳоти

“Нега бизга Меҳнат кодекси керак? Чунки конституциямизда иш ташлаш ҳуқуқи мавжуд. Бу қандайдир бир шартномани бир томонлама бузишингиз ва бу ҳаракатингиз учун ҳеч қандай жазо олмаслигингизни англатадиган ўзига хос бир нарсадир. Демак, бундай имкониятни келтириб чиқарадиган муносабатларга ойдинлик киритиш керак. Айнан шу муносабатлар меҳнат муносабатларидир. Иккинчиси: агарда бизда Меҳнат кодекси бўлмаса, орадан қанчадир вақт ўтиб, бу кодексни ёзиш иштиёқи кимдадир пайдо бўлади, деган шубҳам мавжуд эди. Ҳозирда эса бундай кодекс бизда бор ва у жуда либерал қилиб яратилган”, – дейди Каха Бендукидзе.

Ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазирининг собиқ ўринбосари Кетеван Кокрашвилининг сўзларига кўра, ислоҳотгача бўлган даврда мамлакатда 1973 йил намунасидаги меҳнат кодекси амал қилар, бу эса “аҳвол аслида қандай эканлиги”ни кўрсатарди.

Совет даврида меҳнатга маҳсулот сифатида қаралмасди. Шунинг учун меҳнат қонунчилиги бозор иқтисодиёти шароитида амалга ошириш қийин бўлган ва паст самарали ижтимоий шарт-шароитларнинг кенг бир тўпламидан иборат эди.

³⁶ Anderson J. Tax Misery & Reform Index. 2009 (www.forbes.com/global/2009/0413/034-tax-misery-reform-index.html).

Меҳнат муносабатларида ҳар икки томон тенглиги ва шахсий шартноманинг устуворлиги тамойиллари-ни қўллаган Грузиянинг ўз меҳнат кодексини янгидан тиклаш тажрибаси янада қизиқарлидир.

Ислоҳотнинг бориши

Бендукидзенинг таъкидлашича, меҳнат қонунчилигини ўзгартириш ғояси тасодифан, аниқроғи, вазиятлар босими остида пайдо бўлган. “Институционал тартибга солишни бекор қилиш дастури устида банд эдик ва меҳнат кодексини ислоҳ қилиш ниятимиз йўқ эди. Эски кодекс барибир бажарилмаётганди, очиғини айтганда, ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйламаётгандим. Лекин маълум бўлишича, ҳуқуқшунослар орасида (қонунларни ҳуқуқшунослар ёзадилар, бу эса унчалик ҳам тўғри эмас) янги кодексни қабул қилиш учун ҳаракат бошлаб юборилган экан. Ўша пайтдаги бош прокурор, ҳозирги пайтда эса адлия вазири лавозимида ишлаётган Зураб Адеишвили ҳаракатнинг ташаббускори эди”, – дейди у.

2005 йил ёзида парламент ҳуқуқ қўмитаси ҳамда Грузия-Европа сиёсий ва ҳуқуқий маслаҳат маркази (GEPLAC) томонидан биргаликда моҳиятан айнан 1973 йилги кодексни қайтарувчи қонун лойиҳаси тайёрланди. Бендукидзе шундай хотирлайди:

Парламентдаги биринчи ўқишдан сўнг натижага кўзи тушган Адеишвили даҳшатга тушди: лойиҳа амалдаги кодексдан ҳам сўлроқ бўлиб чиққанди. Шунда у менга телефон қилиб, бирга тушлик қилишни таклиф этди. Кура қиргоғидаги ресторанга бордик, ўтирдик ва у гап бошлади: “Биласанми, янги кодекс ёздик, лекин у менга ёқмаяпти. Менимча, бу иш билан ўзинг шуеулланишинг керак. Зиммангга оласанми?”

2005 йил, 11 ноябрда GEPLAC лойиҳаси ўрнига Бендукидзе жамоаси томонидан тайёрланган кодекснинг биринчи нусхаси тақдим этилди. У ҳаддан

ташқари либерал деб ҳисобланиб, қайта ишлашга қайтарилди. Янги ҳужжат устида парламентнинг 35 аъзоси, Меҳнат вазирлиги ходимлари ва ҳуқуқшунослар деярли дам олишсиз ишладилар. Ёш мутахассислар – институтни яқиндагина битирган амалиёт ўтовчи талабалар Бендукидзе раҳбарлик қилган жамоанинг ўзагини ташкил этди. Бендукидзенинг ассистенти Эка Габададзе “халқ овози” сифатида намоён бўлди: “Кажә хонага кирарди ва ‘Ишлар қандай кетяпти? Нима маъқул, нима ёқмаяпти? Нима тушунарсиз бўляпти?’ деб сўрарди”.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш босқичида фаол оммавий муҳокама билан кечган кам сонли ислохотлардан бири шу бўлди: меҳнат муносабатлари ҳаммага тааллуқли. Бундан ташқари, кўпинча янги қонунга биноан ўз ваколатларининг кўпидан маҳрум бўлган касаба уюшмалари тарқатадиган нотўғри маълумотга қарши туришга тўғри келди.

Грузия Бирлашган касаба уюшмалари раиси Ираклий Петриашвилининг фикрига кўра, муҳокамалар барибир етарли даражада бўлмаган:

Ҳукумат қонунларни худди большевиклар сингари ёзиши муаммо эди: беш-ўн кишидан иборат гуруҳ халқнинг келажаги ҳақида ўйлаши керак – улар стол атрофига ўтириб, қандайдир ислохотларга киришадилар. Иш берувчилар билан ҳам, касаба уюшмалари билан ҳам келишилмаган меҳнат кодексининг кимга кераги бор? Янги меҳнат кодекси лойиҳасининг тайёрланиш жараёнига на касаба уюшмалари, на иш берувчилар жалб қилинадилар.

Шу билан биргаликда, Петриашвили “илгари бу мамлакатда касаба уюшмалари институт сифатида ишламагани”ни тан олади:

Бу уюшмалар одатда ҳукуматга яқин бўлишга ҳаракат қиладиган совет даври, тўғривоғи, со-

вет даврдан кейинги ташкилотлардир. Шунга қарамай, фуқаролик жамиятининг бўғини бўлишни хоҳлагандик ва қабул қилинган янги меҳнат кодексига қарши кўплаб норозилик акцияларини ташкиллаштирдик.

Грузин телевидениесига бўлажак ҳужжат муҳокама қилинган битта ток-шоуни янги меҳнат кодексининг яратувчилари яхши эслашади. Сўхбатда етмишга яқин одам қатнашганди ҳамда бунда меҳнатқашлар ҳуқуқларининг камситилиши, европача меъёрларга риоя қилмаслик ва ҳоказоларни кўрган барча иштирокчилар радикал тузатишларга деярли қарши бўлгандилар. Лекин уларнинг далиллари фақатгина тахмин ва ҳадикларга асосланганди: реклама учун танаффус пайтида Бендукидзе қонун лойиҳасини ким охиригача ўқиб чиққан бўлса, қўлини кўтаришини сўраганида, ҳеч ким қўл кўтармаганди.

2006 йил март ойининг охирида Ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйча давлат вазири аппарати меҳнат қонунчилиги лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритди. Ўша пайтга келиб бу соҳада ўзгариш бўлишини кутаётганлар сони ўзининг энг юқори чўққисига чиққанди ва Грузия Парламенти 2006 йил, 25 майда янги кодексни қабул қилди.³⁷ Шу муносабат

³⁷1971 йилги РСФСР Меҳнат ҳақидаги кодекси ўрнига келган ҳозирги Меҳнат кодекси Россияда 2002 йил 1 февралдан кучга кирди. Ижтимоий сиёсат мустақил институтининг тадқиқотга кўра, ислоҳ қилинган меҳнат қонунчилиги бозор учун зарур бўлган радикал янгилликларга олиб келмади: бандликнинг қулай шакллари кенг тарқалмади, умумий шартномаларнинг 2000 йилда 76,8 фоизини, 2007 йилда эса 81 фоизини ташкил этган муддатли меҳнат шартномаси ҳали ҳам ишга ёллашнинг асосий тури бўлиб қолмоқда. Бандликни ҳимоя қилиш соҳасида меҳнат меъёрларининг қийинлиги бўйича Европа Иттифоқи мамлакатларидан ҳам, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлардан ҳам олдинги ўрнини эгаллайдиган Россияда иқтисодиёт субъектлари томонидан меҳнат қонунчилиги меъёрларининг тахминан ярми бажарилади, холос. (Малева Т. Социальная модернизация: институты и акторы

билан Президент Саакашвили расмий қабул ўтказди. Унда иштирок этганларнинг эслашларига кўра, бу қабул Бендукидзе костюмда ва ҳатто галстукда келган кам сонли тадбирлардан бири бўлган.

Амалга оширилган ўзгаришлар

Ўн беш саҳифада 56 моддадан ташкил топган Меҳнат кодекси оддий ва тушунарли: иш берувчи ва ишчи барча шарт-шароитлар ҳақида ўзаро келишиб олади, қонун эса болалар ва ҳомиладор аёлларни оғир ишга жалб қилишни чеклаган ҳамда икки ҳафталик меҳнат таътили, декрет таътили, иш жойининг хавфсизлигини кафолатлаган ҳолда, энг кам ижтимоий кафолатлар тўпламини тақдим этади, холос. Унда аввалги кодексдаги қоидалар сақланиб қолган, фақат энди қоидалар ходимлар учун янада қулай. Масалан, илгари тўрт ойлик декрет таътили фарзанд кўришдан роппа-роса икки ой олдин бошланиши керак эди. Энди эса қачон декретга кетишини аёлнинг ўзи ҳал қилади. Лекин илгари мавжуд бўлган кучли ижтимоий кафолатлар (масалан, энг кам иш ҳақи, асосий иш вақти тугагандан кейинги ишлар учун мажбурий тўловлар) ҳозир мавжуд эмас.

Кокрашвилининг сўзларига кўра, энг биринчи навбатда хусусий компания ва унинг ходимлари ўртасида келиб чиқадиган меҳнат муносабатларида энди давлат деярли иштирок этмаяпти. Меҳнат муносабатларининг ҳар икки томони тенглиги – янги кодекснинг асосий тамойилидир: компанияда ҳам, ходимларда ҳам имтиёз йўқ. Фақат ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган аввалги ёндашувдан энг фарқ қиладиган томони ҳам шунда.

2005–2006 йилларда янги меҳнат кодексини тайёрлашда иштирок этган Тамта Отиашвили бирор инсон баррикаданинг қайси томонида жойлашишига боғлиқ ҳолда ўз баҳолашини қанчалик ўзгартириши (opec.ru/data/2011/03/15/1233294773/Maleva-2.ppt)

мумкинлигига қизиқ мисол келтиради: “Маднеули³⁸ комбинатининг топ-менежерларидан бири илгари ишчиларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш керак, деб ўйлашини, энди – иш берувчига айланганидан сўнг – ўзининг ҳолати ходимларига қараганда камроқ ҳимоялангандек ҳис қилаётганини тан олганди”.

“Агарда муносабатлар эркин бўлса, бу меъёр даражасида ҳисобланади. Давлатни ҳам қўшган ҳолда уч томонлама музокаралар механизмининг йўлга қўйилиши фақат тентаклик, холос”, – деб ишонади Бендукидзе.³⁹

Шартноманинг бурчак бошига (энг асосий ўрин) қўйилгани жорий кодекснинг энг муҳим жиҳатидир: иш шароитлари, иш куни давомийлиги, пул тўлаш, имтиёзлар ҳақида томонлар ўзлари келишиб оладилар; қонун эса шартномада кўрсатилмаган пунктларни аниқлайди.

Бундай ҳолат эндиликда давлат бошқарувидан ортиқ танг бўлмай қўйган иш берувчиларнинг ҳам, маъқул иш шароитини ўзи танлаш имконига эга бўлган ишчиларнинг ҳам ҳаётини енгиллаштиради. Масалан, Ажарияда 10 километр масофада турли хил меҳнат шароити ва тўлов схемаларига эга бўлган тўртта тикув фабрикаси ишлайди. Ишчилар учун имтиёзлар ҳам ҳар хил: бепул ошхона, бепул шифокор хизмати ва ҳоказо.

Европалик буюртмачиларнинг талаблари ишни ташкил этишнинг ҳал қилувчи омили саналади. Масалан, “Batumitex” фабрикасига “Marks & Spencer” буюртмачи компанияси аудиторлари ҳар йили бир-икки марта текшириш мақсадида келади. Меҳнат шароитларининг европача талабларга мос келмаслиги

³⁸ “Маднеули Конларни қайта ишлаш комбинати” АЖ қазиб олиш соҳасида мамлакатдаги энг етакчи корхоналардан бири бўлиб, Грузия экспортидаги ҳиссаси 10 фоиздан ошади.

³⁹ Блант М. “Большие надежды маленькой страны” // *Большой бизнес*. 2006 йил декабрь. №12 (37) (www.bolshoybusiness.ru/archive/1/9/).

эса фабриканинг буюртмадан қуруқ қолишига, натижада бутун фаолиятнинг автоматик равишда тўхтатилишига олиб келади. Шунинг учун корхона бошлиғи Давид Жинчарадзе стандартларга риоя қилинишни доимо назоратда ушлашга мажбур.

Жамоа шартномаларини тартибга солиш ҳам сезиларли ўзгаришга учради:⁴⁰ касаба уюшмалари монополиясига деярли чек қўйилди. Эндиликда жамоа шартномаси – касаба уюшмаси ва иш берувчи ўртасидаги шартнома бўлиши шарт эмас. Ишчига танлаш ҳуқуқи берилади: улар ҳам худди касаба уюшмалари сингари жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишлари мумкин. Қолаверса, аввал бу ташкилотларга аъзо бўлиш мажбурий бўлган ва ойлик маошнинг 1 фоизи миқдоридан тўлов қабул қилинарди, ҳозир эса аъзолик шарт ҳам эмас. Шу билан бирга, иш берувчи билан музокаралар олиб бориш ва иш ташлашни ташкиллаштириш ваколатларига эга бўлган ўз уюшмасини ҳаттоки иккита ходим ҳам тузиши мумкин – бундай уюшмалар сони чегараланмаган.

“Batumitex” фабрикасида касаба уюшмаси мавжуд ва фабриканинг 80 фоизга яқин ишчиси бу уюшмага аъзодир. Касаба уюшмаси ва жамоавий шартномаларнинг мавжудлиги садоқатли ишчилар синфини шакллантиради, деб ҳисоблайди Жинчарадзе, шунинг учун у ўз корхонасидаги бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Қўшни “BTM Textile” фабрикасида эса, аксинча, касаба уюшмасига эҳтиёж сезмайдилар ва баҳсли вазиятларни шахсий тартибда ҳал қилишни афзал кўрадилар.

Шахсий шартноманинг жамоавий шартномага қараганда устунлигига янги кодекснинг муҳим ва деярли инқилобий ютуқлари сифатида қараш мумкин.

⁴⁰ Барча меҳнат муносабатларини тартибга соладиган янги меҳнат кодекси кучга кириши билан жамоа шартномаларини тартибга соладиган қонун ўз кучини йўқотган.

Шунга қарамай, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)⁴¹ томонидан эътирозлар янграмоқда.

Ишдан бўшатиш тартиби ҳам муайян ўзгаришларга учради. Илгари иш берувчи ишчини ишдан бўшатишдан бир ой олдин огоҳлантириши шарт эди, ҳозирда бу мажбурият бекор қилинди: бир ойлик маош миқдорида бир марталик пул бериш кифоя. Агарда ходим ишдан бўшашни хоҳласа, раҳбариятни бир ой олдин огоҳлантириши керак. Бу ҳолат бир қарашда ишчилар ҳуқуқининг камситилишидек туюлиши мумкин, аслида эса, биринчидан, ходимнинг ўз жавобгарлигини ҳис этиши кафолатидир: бир ойдан кейин ишдан бўшатилишини биладиган ходим корхонага атай зиён келтириши мумкин. Иккинчидан, меҳнат муносабатларининг ҳар икки томонидагилар фақат бир фарқ – иш берувчида пул, ишчида эса меҳнат ресурси бўлган ҳолда бир хил, тенг вазиятга эга бўладилар.

Лекин ўша заҳотиёқ ишдан бўшатиш ҳақидаги позиция мажбурий эмас. Аксарият иш берувчилар ишдан бўшатишдан олдин ўз ходимларига огоҳлантириш жўнатишни афзал кўрадилар. Масалан, “Batumitex” фабрикаси хўжайини Жинчарадзе: “Агар инсон ўзи йўл қўйган кичик хато учун ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ишдан бўшатилиши мумкинлигидан доимо хавфсираб яшаса, у ўз ишини виждонан бажармайди”, деб ҳисоблайди.

Замонавий талабларга жавоб бериш учун яратилган кодекс билан оғзаки шартнома ҳам қонунийлаштирилди. Албатта, шартноманинг бу тури жуда таваккал ҳисобланади ва суд муҳокамаси жараёнида барибир шартнома фактини исботлашга тўғри келади (масалан, гувоҳларни излаш орқали). Янги кодекс эса шу пайтгача мавжуд бўлган амалиётни қонунан

⁴¹ Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) – БМТнинг махсус тузилмаси бўлиб, меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича 182 мамлакатни бирлаштиради.

белгилаб қўйди, холос. Масалан, деярли барча такси ҳайдовчилари оғзаки шартнома асосида ишлардилар ва бу шартномалар ҳеч қаерда қайд этилмаганидан унчалик хавотир ҳам олмасдилар. Маълумки, режани яхши тузадиган одам пиёдалар топтаб ўтишга одатланган газонли сўқмоқни ҳар тарафдан ўраб тўсишга эмас, шунчаки ўша йўлни асфальтлашга ҳаракат қилади.

Меҳнат кодекси фақатгина хусусий секторга тегишли эканини таъкидлаб ўтиш керак: давлат сектори алоҳида қонун билан тартибга солинади ва ҳозирча бу қонунни ислоҳ қилиш босқичи давом этмоқда. Бу жараённинг қийинчиликлари ҳақида Вато Лежава шундай ҳикоя қилади:

Амалдор “оддий аскар”ликдан “генерал”ликкача кўтарилиши назарда тутилган “немисча советча солдатлик” бюрократия тизими бизда ҳам бўлиши керак, деб ўйлайдиган бир қатор депутатларнинг гоёвий қаршиликлари мавжуд. Лекин ижро ҳокимиятидаги кўпчиликда, шў қатори менда ҳам, бу тизимни кўпроқ даражада корпоративлаштирадиган гоё бор. Агар бирор инсон бирор лавозимга мос келса, у ўн йил давомида “оддий аскар” бўлиб юриши шарт эмас. Бу карьера тизими эмас, балки меритократия ҳисобланади. Лекин аллақачон ёзиб қўйилган давлат хизматчилари кодекси ҳозирча қабул қилинмади.

Муҳими, Грузиядаги меҳнат муносабатлари меҳнат кодекси билан эмас, биринчи навбатда, конституция ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.


Натижалар

Бендукидзе меҳнат кодексини ўз жамоаси ёзган энг яхши ҳужжатлардан бири деб атайди. “Жуда содда,

тушунарли, қисқа. Жаҳонда бу соҳада қачонлардир амалга оширилган радикал ислоҳотлар орасида бу ислоҳот энг яхшиси, деб ўйлайман”, – дейди у.

Грузия меҳнат бозори “Heritage Foundation”⁴² томонидан 2007 йилдан бошлаб дунёдаги энг эркин бозорлардан бири деб тан олинади, иқтисодий эркинлик рейтингида эса “меҳнат муносабатлари эркинлиги” кўрсаткичи бўйича Грузия 2005 йилда 52-ўринда бўлса, ҳозир биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Янги меҳнат кодекси шароитида мамлакатдаги ҳақиқий маош олдингидан анча тез ўсмоқда (жадвалга қаранг).




Асл маошнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, 2003–2008 йиллар (%). Манба: Грузия статистика хизмати.

2008 йилда ўртача маош 359 долларни ташкил этди, 2003 йилда эса бу кўрсаткич 300 долларга кам эди. Грузиядаги аксарият ишчилар ўз молиявий ҳолатини меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар билан боғламасалар-да, сармоядорлар бу ўзгаришларни тўғри баҳоладилар. Грузия иқтисодиётига пул киритиш қарорини қабул қилишда либерал меҳнат кодекси асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу эса

⁴² Heritage Foundation – 1973 йилда ташкил этилган АҚШ тадқиқот институти. Ҳар йили жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг эркинлик даражасини ўнта кўрсаткич бўйича аниқлаб боради. Бу кўрсаткичлардан бири – меҳнат муносабатларининг эркинлиги.

охир-оқибат ҳар бир фуқаро ҳаётида ўз аксини топади.



Грузияга тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар, 1996–2009 йиллар (миллион доллар). Манба: Грузия статистика хизмати.

Хаттоки урушдан кейинги ва инқирозга тўғри келган 2009 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори рекорд даражадаги 2007 йилга нисбатан уч баравар камайиб, 2003 йилга нисбатан деярли икки баравар ортганди. Бунга энг кўп қайси ислохотлар сабаб бўлди? Аслида ўзгаришлар бир жойда қотиб қолмасдан, барча йўналишда давом этаётгани асосий сабаб бўлса керак.

Истиқболлар

Грузия бирлашган касаба уюшмалари ХМТнинг фаол иштирокида 2007 йилдан бошлаб жорий кодексни тузатиш устида иш олиб бормоқдалар. Шартноманинг қонундан устун туриши, яъни меҳнаткашлар ҳуқуқларининг торайтирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилгани ХМТнинг асосий эътирозига сабаб бўлмоқда. Лекин меҳнат кодексига фақатгина ишчи ҳақида гап бормайди – шартнома меҳнат муносабатларининг ҳар икки томони иштирокида тузилади. Шу билан бирга, қонун инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди: фақат иқтисодий ва савдо соҳаларидагина ҳуқуқларни қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Иш берувчининг ходимларчалик ҳимояланмаган-лигига қонунни ишлаб чиқишда иштирок этган Тамта Отиашвилининг ишончи комил: “Бу қонун мияси бор инсонларни ҳимоя қилади. Бу рақобатдир”. “Кўплаб ислохотларимиз Евроиттифоқ аъзоларини безовта бўлишга мажбур қилмоқда. Чунки ўзгаришлар улар ўқиб-ўрганган китоблардан олинмади. Улар “Грузинлар жуда ғалати экан, ақлли амаки ва холалардан ақлли нарсаларни ўрганмаяптилар. Нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўзларича ҳал қиляптилар. Афсус!” деб ўйлашмоқда”, – дея ҳазиллашади Лежава.

Нима бўлган тақдирда ҳам, Европа комиссияси ва ХМТ томонидан Грузия меҳнат кодекси дискриминацион деб аталди ва Евроиттифоқдаги савдо-сотик имтиёзларидан бебаҳра қолиш хавфи билан таҳдид қилиниб, грузин ҳукуматидан кодексга ўзгартириш киритиш сўралди. Асосий ишдан холи вақтдаги қўшимча ишлар, ишдан бўшатиш, жамоавий муҳокамаларнинг юритилиши соҳаларида меҳнат кодекси ХМТ стандартларига мос келмайди. Европа касаба уюшмалари конфедерацияси котиби Йозеф Немец огоҳлантиради:

Грузиянинг Европа Иттифоқи билан савдо-сотикдаги умумлаштирилган имтиёзлар тизими (GSP+)да⁴³ иштироки Евроиттифоқ томонидан тўхтатилиши мумкин, чунки Грузияда амалдаги меҳнат кодекси инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмоқда. Савдо-сотик имтиёзлари эса инсон ҳуқуқларининг ҳолати асосида тақдим этилади.⁴⁴

⁴³ GSP+ (General Scheme of Preferences) имтиёз тизими экспорт қилиш жараёнида нолли ёки нолга яқин ставкадаги божхона божи қўлланиладиган 6 400 дан ортиқ маҳсулотлар гуруҳи номларини қамраб олади. Бу имтиёзлар БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилотининг 27 асосий конвенциясига имзо чеккан ривожланаётган ва заиф ривожланган мамлакатларга тақдим этилади.

⁴⁴ Грузия может лишиться торговых льгот от ЕС из-за нарушений

Меҳнат кодексига ўзгартириш киритиш учун фаол ҳаракат қилиш либерал доираларда оммага кўз-кўз қилиш сифатида қабул қилинмоқда: мамлакатдаги сиёсий вазият нотинч, иш берувчилар кўп эмас, ишчилар эса ҳали ҳам кўп – касаба уюшмалари аҳоли кайфияти остида ўз мақсадига эришиш ва йўқотилган ваколатларни қайтариб олишга умид қилган ҳолда фаолликни кучайтирмоқда. Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги айтиши пайтда тузатишларни расмийлаштириш билан шуғулланмоқда ва парламентга киритиш учун ўз меҳнат кодексини тайёрламоқда. Лекин амалдаги қонунни тайёрлашда иштирок этган ислохотчилар кўтаринки кайфиятни сақлаган ҳолда, ҳужжат асосини ташкил этган либерал тамойиллар ўзгармасдан қолишига ишонишда давом этапти.

Ижтимоий имтиёзлар оширилиши керакми, деган мулоҳазалар фақатгина ишчиларнинг ўзи имтиёзлар оширилиши ва, масалан, иш ўринлари қисқартирилиши ёки иш ҳақининг камайтирилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эътибор билан кузатмаётганликлари туфайли ҳам юзага чиқади. Албатта, ким ҳаммасига: ҳам имтиёзлар, ҳам юқори маошга бир йўла эришишни истамайди? Лекин ривожланишнинг жорий босқичида ишчига қўшимча имтиёзлар тақдим этиш бизнес учун манфаатли бўлмаса, давлат томонидан берилган кўрсатмани бажариш жуда оғир юк бўлади. Ижтимоий имтиёзларнинг кўпайтирилиши бизнесга оғир юк бўлмаслиги, балки рақобатбардош устунликка эришиш даражасига чиқиш имконини бериши керак. Бизнеснинг энг яхши ижтимоий жавобгарлиги – бу бизнеснинг ўзини ривожлантириш. Грузия меҳнат кодекси айнан меҳнат муносабатларини тартибга солади, ижтимоий эҳтиёжлар учун эса бошқа дастурлар мавжуд.

трудового кодекса // Финмаркет. 2009 йил, 28 сентябрь (www.finmarket.ru/z/nws/news.asp?id=1292352).

Лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини ислоҳ қилиш

“Лицензиялар ва рухсатномалар тўғрисида”ги қонун деярли ярим йиллик муҳокамалардан сўнг 2005 йил, 24 июнда қабул қилинди.

2005 йилда Ислохотларни мувофиқлаштириш вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган Лили Бегиашвилининг сўзларига кўра, бу энг асосий ислохот эди: “Бусиз бошқа ўзгаришларни амалга ошириш имконсиз бўларди. Агар бизнесни бошлаш ёки иқтисодий фаол бўлиш учун қандайдир маълумотнома ёки рухсатнома олиш керак бўлганида, қолган барча ўзгаришлар ўз маъносини йўқотарди”.

Лицензиялар беришнинг маъмурий қисмини тизимли ва содда шаклга келтириш, ортиқча рухсатномаларни бекор қилиш ва шу тарзда улкан коррупция манбаини йўқотиш зарур эди.

Бош вазир Зураб Жвания бу ислохотни Каха Бендукидзега ишониб топширди. У ўз ўринбосарлари билан биргаликда лицензия берадиган барча вазирликлар, департаментлар билан навбатма-навбат учрашиб чиқди – бундай органлар сони ўттизга яқин эди.

У ёки бу рухсатноманинг нима учун кераклигини ҳаммага ҳам тушунтиришнинг иложи бўлмади: чорвачилик, асаларичилик ёки балиқ фермасини ташкил этиш учун нега лицензия керак бўлишини тушунтириш, айниқса, қийин кечди.

“Каха кўзларига тик қараб, бу лицензия керак эмаслигини айтган пайтда, уларнинг юзларини бир кўрганингизда эди! Одамлар шу билан кун кечирарди: уларнинг маошлари кам, лекин лицензия берардилар”, – дея эслайди Бегиашвили.

Ресурслардан фойдаланиш

Атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазирлиги энг кўп – беш юзга яқин лицензия

ва рухсатнома берарди. Ўз фермаларини рўйхатдан ўтказишни хоҳлаганлар саккиз-тўққиз ойлаб навбат кутарди.

“Масалан, агарда қишлоқда юзта товуқ ёки йигирмата чўчқа боқиш учун ферманг бўлса, албатта, табиатни муҳофаза қилиш рухсатномасини олишинг талаб этиларди. Табиийки, ҳеч ким бундай қилмасди. Шунинг учун ҳар қандай назорат хизмати ихтиёрий қишлоққа келиши ва деҳқонга жарима солиши мумкин эди, лекин кўпинча улар пора олардилар”, – дея ҳикоя қилади 2005 йилда Атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазирлигининг лицензиялар ва рухсатномалар бўлими бошлиғи бўлган Звиад Чеишвили.

Металлолом

Ислоҳотлардан кейин бир неча қизиқ воқеалар маълум бўлди. Шулардан бири металл экспортга лицензиянинг бекор қилиниши билан боғлиқ. Бендукидзе шундай хотирлайди: “Шундай бизнес бор: аҳолидан темир-терсак қабул қилишга мўлжалланган кичик пунктлар очилади. Темир-терсак, қора ва рангли металл қолдиқлари экспортини тартибга солувчи қонунга кўра, бундай фаолият учун лицензия олиш керак эди. Бу эса вақт талаб қиларди. Лицензияни кимдир бир ярим ойда олса, яна кимдир маълум бир маблағ сарф этган ҳолда, ўша заҳотиёқ қўлга киритарди. Ўз вазирлигимдаги қандайдир шахслар бу иш билан шуғуллинишар, лицензия берувчи департамент бошлиғи эса “Vrabus”⁴⁵ автомобиллида юрарди. Табиийки, уни ишдан бўшатдим ва ишини прокуратурага оширдим.


Лекин кейинчалик яна бир нарса ойдинлашди.

⁴⁵ Vrabus – “Mercedes-Benz” автомобиллари тюнинги билан шуғуллинадиган немис компанияси (Таҳририят изоҳи).

Лицензиялашни бекор қилганимиздан сўнг бундай бизнес билан шуғулланадиганлар солиқ доирасидан ташқарида қолиб кетдилар. Шунинг учун ҳам кимдир уларни ҳар доим “соғишга” интилиб келган. Шунда бир тонна металллом учун унча кўп бўлмаган 28 доллар йиғим (қора ва рангли металлломга акциз солиғи) жорий этдик. Бу унчалик оғир эмасди, шунинг учун тадбиркорлар солиқ тўлашни бошладилар. Кимдир улардан пул талаб қилганда, “Мана, солиқни тўлаб қўйганмиз” деб жавоб берардилар. Улар шунгача ҳам ҳеч қандай ноқонуний иш қилмагандилар, лекин бу ҳеч қаерда ўз тасдиғини топмаган, шунинг учун ҳам бу вазиятдан фойдаланадиган одамлар ҳар доим топиларди”. 2000-йилларнинг бошида металллом грузин экспортининг асоси эди, шунинг учун бу кўплаб такрорланадиган ва аслида ҳақли бўлган ҳазиломуз қулгига сабаб бўлганди. “Асосий экспорт маҳсулоти металллом бўлган мамлакат иқтисодиёти ҳақида нима дейиш мумкин? Бу мамлакат ўтмиши бой ва келажаги эса аччиқ эканлиги аниқ”, – Россиянинг “Smart Money” таҳлилий журналида 2006 йил охирида чоп этилган⁴⁶ Грузия ҳақидаги мақола шундай сўзлар билан бошланганди. Аслида 2006 йил металллом экспорти темир-металл қотишмаларига ўз ўрнини бўшатиб берган ягона йил бўлганди. Қолган-қутганини сотиб юборган мамлакат яшашдан тўхтаган, иқтисодиёт эса ўз ишлаб чиқаришига таяна бошлаганди. Охирги пайтларда ҳукумат ҳаттоки ўта нолиберал чораларни қўллаш – 2009 йил ноябрь

⁴⁶ Злобин А. “Зона рискованного земледелия” // Smart Money. 2006 йил, 23 октябрь. №32 (www.smoney.ru/article.shtml?2006/10/23/1567).

ойида металллом акциз солигини бир тонна металл учун 28 фоиздан 48 фоизгача⁴⁷, 2010 йил августида эса бир тонна металллом учун 48 доллардан 65 долларгача⁴⁸ оширишга мажбур бўлди. Металлолом ишлашни бошлаган маҳаллий корхоналар – Рустава ва Кутаиси металлургия заводлари учун керак бўлиб қолди.



Экспортдаги нисбий улуш, 2001–2010 йиллар (%). Манба: Грузия статистика хизмати.

Лицензия берадиган муассасанинг ўзи бу бозорда ўйинчи бўлган парадоксал вазият ҳам мавжуд эди. Масалан, об-ҳавони айтиб берадиган хусусий марказни очиш учун гидрометеорология марказидан лицензия олиш талаб қилинарди. Фақат битта лицензия берилгани ажабланарли эмас. Баъзида лицензиялаш “ўз” компанияларини соҳадаги янги ўйинчилардан ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўлланарди. Масалан, геология соҳаси деярли шу соҳа амалдорлари билан монополиялаштирилганди. Чеишвили сўзлашда давом этади:

⁴⁷ Акцизный налог на экспорт черного и цветного металлолома возрастает // *Business Грузия*. 2009 йил, 4 ноябрь (bizzone.info/banking/2009/1257385769.php).

⁴⁸ Акциз на спиртные напитки и экспорт металлолома возрос // *Business Грузия*. 2010 йил, 3 август (bizzone.info/finance/2010/1280863006.php).

Бу жуда тор доирага мўлжалланган касб эди. Мазкур мутахассислик бўйича институтга кирадиганлар ҳам кўп эмасди, чунки ишга жойлашишнинг деярли иложи йўқ эди. Автоном геология департаментини тугатиб, ўрнига ҳукуматга маслаҳатлар берадиган олти кишидан иборат кичик бир хизматни яратганимизда, Грузия техника университетининг геология факультети битирувчиларига қизиқиб кўрдик. Маълум бўлишича, университетни икки йилча олдин аъло баҳолар билан тамомлаган уч нафар ёш мутахассис ўз соҳаси бўйича ишламай, балки нон ёпаётган ёки ота-оналарига узум теришда ёрдамлашаётган экан. Эндиликда уларнинг ҳар бири ўз мутахассисликлари бўйича ишлаб, мансаб пиллапояларидан юқорига қараб одимламоқда. Бу пайтгача эса уларда бундай имкониятнинг ўзи йўқ эди.

Эҳтимол, ресурслардан фойдаланишни лицензиялаш энг ноаниқ соҳа эди. Лицензия олиш учун расман пул тўланмасди, шунга қарамай, бу соҳа коррупция учун фойда манбаи эди: танловлар уюштирилар ва энг яхши “инвестицион пакет” таклиф этган компания танлаб олинарди.

Ресурсларнинг электрон базаси

Лицензиялаш ва рухсат бериш ислоҳоти доирасидан ташқарига чиқиларкан, геология соҳасининг ёпиқлик муаммоси жуда кескин ҳал этилганини эслатиб ўтиш керак. Геология департаментида ўтказилган ислдҳотгача маълумот олишнинг ўзи қийин эди, геологик буюртмалар эса тўрт-бешта лицензияли фирмалар ўртасида бўлиб олинарди. “Совет Иттифоқи давридан бери тўпланиб келаётган Грузиянинг барча эҳтимолий та-

бий ресурслари ҳақидаги маълумот Геология департаментида жамлангани, – дея хотирлайди 2007 йилда атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазири лавозимида ишлаган Давид Чантладзе. – Биз эса барча маълумотларни электрон шаклга ўтказиш ва интернетга жойлашга қарор қилдик. Бунинг учун европалик мутахассисларга мурожаат этдик. Натижага мутахассис сифатида эмас, Грузияга маблағ киритишни хоҳлаган сармоядор кўзи билан назар ташлаганимда, тизим менга мураккабдай кўринди. Шунда илтимосимга кўра мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос бўлган Михаил Авалиани ўзининг соддалиги билан мени ҳайратга солган дастурни яратди. Жуда шаффоф ва ишлатишга осон бўлган тизим дунёга келди. Бугун Ер юзининг ихтиёрий нуқтасидаги ихтиёрий сармоядор sic.gov.ge сайтига кириб, қаерда, қандай табиий ресурслар мавжудлиги, лицензияланган объектлар рўйхати, лицензия муддати ва ҳоказолар ҳақида маълумот олиши мумкин. Бу жуда катта ютуқ эди: бундай маълумот учун катта пул тўланарди, биз эса коррупциянинг мазкур манбасини йўқотиб қўя қолдик.”

Шаффофлик даражасини ошириш учун табиий ресурслар (ерости қатлами, балиқчилик, ўрмон) ва радиочастоталарга эгаллик ҳуқуқи сотувга қўйилди: ким кўп тўласа, ўша ғалаба қиларди. Бундан ташқари, аукцион қатнашчиларига маълум шартлар қўйилиши мумкин эди. Энг муҳим палла – бошланғич нархни аниқлаш эди, дейди Чеишвили:

Биз бошқа мамлакатлар формуласидан фойдаланмадик. Европа ва бошқа бир неча ривожланган давлатларда роялти тизими қўлланилади. Масалан, бирорта конни сота-

ётганингда, у ерда 10 кг олтин борлигини биласан. Давлат бу олтин ҳажмининг бозор нархидан 2–7 фоизини солиқ шаклида олади. Бундай схема биз учун яроқсиз эди: бунинг учун солиқ ва статистика хизматларидан катта ресурслар талаб қилинади. Биз Давид Чантладзе билан биргаликда доимий янгиланишни талаб қилмайдиган кўрсаткичлар ҳисоб-китобга қўшилиши керак, деган фикрга келдик.

Қонунан мустақамлаб қўйилган бошланғич нарх формуласи табиий ресурслар захиралари, бож тўлови, фойдаланилиши режалаштирилаётган ресурслар ҳажми ва фойдаланиш муддати натижаларининг тадқиқотларига асосланарди.

Давид Чантладзе

1973 йил, 10 январда тугилган.

1995 йилда Тбилиси давлат университетини “Фуқаровий қурилиш, иқтисодиёт ва менежмент” мутахассислиги бўйича аъло даражадаги диплом билан тамомлаган.

1994 йилдан бошлаб Давлат мулкани бошқариш вазирлигининг Инвестициялар ва қимматбаҳо қозғалар фондида, 1996 йилда Президент ҳузуридаги иқтисодий маслаҳат кенгашида давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлаган.

1999 йилда Буюк Британияга кетган ҳамда Лондон иқтисодиёт ва сиёсат мактабида молиявий ва тижорий тартибга солиш соҳаси магистри даражасини олган.

Атиргуллар инқилобидан кейиноқ – 2004 йил январида Грузияга қайтган ва хусусий бизнес билан шуғулланган. 2005 йил мартида атрофмуҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари, 2007 йилда эса вазири этиб тайинланган.

2008 йилда Президент маъмурияти бошлигининг ўринбосари лавозимига ўтказилган. 2008 йил декабридан бошлаб Тбилисидаги “GDC Solutions” маслаҳат агентлигида ҳамкор бошқарувчи лавозимида ишлайди.

Кечиктирилган тўлов имконияти аукционнинг таркибий қисмларидан бири бўлди. Бошқача қилиб айтганда, савдо жараёнида лот нархи белгиланган бир чегарадан ортиб кетса, лицензиатда бу суммани қисмларга бўлиб тўлаш имкони бор. Масалан, якуний қиймат 60 минг доллардан ортиб кетса, бу миқдорни 2 ойда, 600 минг доллардан ортиб кетса, 12 ойда, 3 миллион доллардан ортиб кетса, 18 ойда ва ҳоказо шу тарзда бўлиб тўлаш мумкин.

Ислоҳотгача рудани ўрганиш, очиш ва бошқа турлар учун олти турдаги геологик лицензиялар бўлган. Амалда улар ҳар бир фаолият тури учун алоҳида поралар бериш мақсадидагина мавжуд эди. Мазкур схемани соддалаштириш ва коррупция манбаини тугатиш учун олти лицензиянинг барчаси биттага бириктирилгани мантиқан тўғри: чунки рудани қайта ишлаш учун аввал уни ўрганиш, қазилмаларни татбиқ қилиш, сўнг уларни қазиб олиш керак ва ҳоказо. Чантладзе шундай ҳикоя қилади:

Кон ҳақида маълумот олган геологлар илгари тадқиқот учун ўн йиллик лицензия олардилар. Уларнинг пуллари деярли йўқ эди, ҳеч нарса қилмасдилар, асосан сармоядорларни, яна айнан хорижий сармоядорларни қидириш билан банд эдилар. Қидириб топганларидан сўнг эса ўлжани тақдим этиш учун бу сармоядордан пулни “соғиб” олардилар. Шунчаки фирибгарлар эди-да улар!

Ҳатто шундай ҳолат ҳам бўлди: эски, нотўғри берилган лицензияни бекор қилдик. Шунда тўсатдан акцияларини Лондон фонд биржасига

жойлаштирган қандайдир грек фирмаси пайдо бўлди. Фирибгарлар уларга гўё янги ҳукумат лицензияларини олиб қўяётганини айтганди. Лекин эски лицензия нотўғри берилганини, у туфайли биржада муаммога дуч келишлари мумкинлигини тушунтирганимиздан сўнг улар ҳатто бизга миннатдорлик ҳам билдирдилар.

Ислоҳот ҳозирги кундаги аукцион схема билангина чекланиб қолмаган. Бендукидзе 2004 йилдаёқ қўйидаги режалар билан ўртоқлашганди: “Ресурслардан фойдаланишда мулкый муносабатларга ўтишни хоҳлаймиз – бу ер қаърига ҳам, частотага ҳам, ўрмонлардан фойдаланишга ҳам тегишли. Биз бунга у ёки бу фаолият турини лицензиялаш орқали эмас, балки аввал ижара, кейинчалик ресурсларга одатий эгалик орқали эришмоқчимиз. Бу эса ресурслар учун иккиламчи бозорни ҳосил қилади ва улардан фойдаланишни самаралироқ кўринишга келтиради”.⁴⁹

Ўрмон соҳасида бошланган ўзгаришларни бу ғояни амалга ошириш йўлидаги биринчи қадамлар сирасига киритиш мумкин.

Ўрмон хўжалиги ислоҳоти

2007 йил февралида Атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазирлиги ўрмон хўжалиги ислоҳотига киришди. Ислоҳот икки йўналишда – узоқ муддатли лицензиялаш (келгусида хусусийлаштириш истиқболи билан) ва ўрмон хўжалиги маъмурий органларини ислоҳ қилиш йўналишларида олиб борилди.

“Албатта, ўрмон ҳудудларини ижарага бериш ва хусусийлаштириш яхшироқ бўлган бўларди, лекин

⁴⁹ Стратегик тадқиқотлар марказида 2004 йил 10 декабрда СТМнинг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган “Иқтисодий ислоҳотлар: Россияга хос кун тартиби ва жаҳон тажрибаси” конференциясида К.Бендукидзенинг нутқи стенограммаси (www.old.csr.ru/_upload/editor_files/file0056.doc).

сиёсий вазиятни ҳам эътиборга олиш керак. Одамларга ўрмонлар хусусийлаштирилади дейилса, жуда хавотирлана бошлайдилар, лекин ўрмонлардан фойдаланиш учун лицензия берилади дейилса, анчагина хотиржам қабул қиладилар”, – дея фикр билдиради Звиад Чеишвили.

Узоқ муддатли лицензиялаш муддати йигирма йилдан бошланади. Лицензия шартларида унинг эгаси 90 фоизгача ўрмон ишларига маҳаллий аҳолини жалб этиши, шунингдек, қўзиқоринлар, ўт-ўланлар ва резаворлар каби бошқа турдаги ўрмон маҳсулотларининг ўсишига тўсқинлик қилмасликлари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, лицензия эгаси ўрмон ҳудудида жойлашган маданий, тарихий ва меъморий ёдгорликлар ҳақида қайғуришга мажбурдир.⁵⁰

Аввалига ўрмонларнинг бир қисмини узоқ муддатли фойдаланиш, яна бир қисмини маҳаллий бошқарув органлари ёки деҳқонларга мулк сифатида бериш (ҳар бир деҳқонга тахминан 2 гектардан) ва ўрмонларнинг 15 фоизга яқинини ҳимояланадиган ҳудуд – миллий қўриқхоналарга айлантириш режаланганди.⁵¹ Марказий ҳокимиятда ўзига бириктирилган қандайдир ҳудудлар эмас, балки фақат қонун чиқариш ва назорат функциялари қолиши керак эди. Чеишвилининг сўзларига кўра, бу ислоҳотни охирига етказиш учун бир-бир ярим йил етмай қолди:

Янги ўрмон кодекси ва янги меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб бўлгандик, лекин бу фақат лойиҳа эди. Бу соҳадаги қонунчиликнинг жуда кам қисмини ўзгартира олдик, бошқа

⁵⁰ Грузинские защитники природы выступили против продажи лесов частным инвесторам // *Ecomir.biz*. 2008 йил 20 июнь (www.ecomir.biz/se/novosti/index.php?action=show&nid=2456).

⁵¹ Ҳимояланган ҳудудлар (қўриқхоналар, боғлар ва ҳоказо)нинг умумий ҳудуди 2010 йилда мамлакат ҳудудининг 7 фоизини ташкил этди. 2005 йилда 100 гектар ҳудудда 2 та миллий боғ мавжуд эди, ҳозир эса 250 гектардан ортиқ ҳудудда 8 та миллий боғ барпо этилган.

қисмлари эса ўзгармасдан қолиб кетди – шунинг учун ҳозирги кунда кўплаб муаммоларни ҳар хил талқин қилиш мумкин. Бундан ташқари, ислоҳот бошланишида ҳукуматда бўлганларнинг кўпчилиги ишдан кетди, уларнинг ўрнига келганлар эса мамлакатдаги қийин сиёсий вазият туфайли дадил қарорлар қабул қилишдан қўрқмоқда ва барчасини бориचा қолдиришни афзал кўрмоқда. Ҳокимиятда бўлган пайтларимизда биз ўз ҳаракатларимиз бошқаларга маъқул келмаслиги ҳақида деярли ўйламасдик. Бошлаган ишимизни тўғри деб ҳисоблаб, фақат олға интилардик.

2007 йил ноябрдаги воқеалардан сўнг очиқ сиёсий қаршилиқ вақтинча сўнди, лекин 2008 йилги рус-грузин уруши қаршилиқнинг янги оқимини юзага келтирди. 2009 йил 9 апрелида, 1989 йилги Совет Иттифоқи кучлари томонидан Тбилисидаги митингни тарқатиш чоғида ҳалок бўлганлар хотирланадиган Миллий бирдамлик кунда, номаълум муддатгача норозилик акцияси эълон қилган муҳолифат ўз тарафдорларини Руставели номидаги марказий хиёбонга олиб чиқди. Кўп минг кишилиқ оломон парламент биноси рўпарасида “Миша, кет!” деб қичқирди. Саакашвилининг аввалги сафдошлари – парламентнинг собиқ раиси Нино Буржанадзе, Грузиянинг БМТдаги собиқ элчиси Ираклий Аласания, собиқ ташқи ишлар вазири Саломе Зурабишвили ва муҳолифатнинг бошқа йўлбошчилари Президент истеъфо бермагунча митинг давом этиши ҳақида гапирдилар. Митингга чиққанлар марказий кўчани тўсиб қўйдилар, “Жамоат хабарчиси” телеканали рўпарасида ўз чодирлари ва рамзий қафасларни ўрнатдилар.

Воқеаларга ҳукумат умуман аралашмади. 2009 йил майга келиб, Тбилиси марказида митингга чиққанлардан кўра чиқиндилар кўп эди.

Кўчада рўй берган воқеалар “қонун бўйича эмас, балки ‘ўз тушунчалари’ бўйича яшайдиган, этник грузинча кўринишдаги ўлаётган совет жамиятининг ўлим-олди талвасаси” бўлганига Вато Лежаванинг ишончи комил.

Вазият икки ярим ой давомида ўзгармади. Фақатгина АҚШ вице-президенти Жозеф Байденнинг 2009 йил 22 июлида Грузияга ташрифидан олдин шаҳарнинг бутун маркази ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан беркитилди, муҳолифат митингидан қолган конструкциялар бузиб ташланди. Марказий хиёбон автомобиллар қатнови учун очилди, ҳаёт яна аввалгидек давом этди, барчаси ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди.

Лекин ҳам жамиятнинг, ҳам муҳолифатнинг, ҳам давлатнинг бу “қатъият синови” даврида барча сиёсий аҳамиятли ислохотлар секинлашди. 2007 йилда ўрмон кенгликлари кимошди савдоси шиддатли старт олгач ва ўрмонларнинг 3,6 фоизи учун узоқ муддатли лицензиялар берилгач, ушбу жараён 2009 йилнинг кузигача тўхтаб қолди.

Ўн беш объектдан олтитаси учунгина лицензия сотилди, натижада 475 минг долларга яқин пул бюджетга келиб тушди. Муҳолифат вакиллари айнан “Лейбористлар партиясининг кураши натижасида бешта лот сақлаб қолингани” ва “давлатнинг ўрмонларни сотиш ҳақидаги жиноий режаси” барҳам топганига ҳаммани ишонтирмоқчи бўлдилар.⁵²

Табиийки, бу ерда Звиад Чеишвили эътибор берган муаммо келиб чиқади:

Отам “Нега ўрмонларни сотяпсизлар?” деб сўрайверарди. Бир гал у билан ўтириб, барчасини тушунтиришга ҳаракат қилдим, лекин бир тўхтамга кела олмадик. Кейинчалик бу

⁵² Лейбористы считают, что сорвали тендер по продаже лесных массивов // *Business Грузия*. 2009 йил 22 сентябрь (bizzone.info/government/2009/1253666479.php).

мавзуни муҳокама қилмай ҳам қўйдик. Агар бирор инсон фақат шундай тарбия олгани, шунга ўрганиб қолгани сабабли ниманидир тушунишга жуда қийналаётганини кўрсанг, у билан баҳслашмасликка қарор қила қоласан. Коммуникациянинг энг асосий муаммоси ҳам шу. Ўйлашимча, бу энг катта хато бўлган.

Бу хато ҳеч бир ислоҳотчи қочиб қутула олмайдиган муаммо бўлса керак. Бир томондан – ўзинг муҳим, керак деб билган, охир-оқибатда барча учун зарур нарсани амалга оширишни хоҳлайсан. Бошқа тарафдан – шу инсонларни янги иқтисодий жараёнларга жалб этишларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, лекин айнан уларга ҳар бир қадамингни тушунтириш учун вақтинг ҳам, имкониятинг ҳам йўқ. Учинчи томондан – бу нотўғри қадамлар, хатоликлар, ноаниқликларнинг барчасини рақиблар ўзингга қарши ишлатиши мумкин. Шу билан бирга, улар ҳар доим ҳам ҳалол усулларни қўлламайдилар.

Ҳар йили давлатга FSC⁵³ томонидан ижобий аудиторлик хулосаси тақдим қилинишини қонунан мустаҳкамлаган муҳолифат ўрмон кенглиklarининг сотилиш жараёнига таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин 2009 йил июндаги ҳукумат мажлисида “яшиллар”га ён босиш сифатида қабул қилинган бу талабни бекор қилишга эришилди. Агарда узоқ муддатли лицензиялар берилса, бу тез орада ўрмонларнинг кесиб тугатилишига олиб келади, дея фикрлаган Грузия экологик ташкилотлари ўрмон хўжалигидан фойдаланиш ҳақидаги қонунга қаршилик кўрсатдилар. Шунда Атроф-муҳит ва табиий ре-

⁵³ Forest Stewardship Council (Ўрмонлар бўйича кафиллик кенгаши) – ўрмонларни бошқариш бўйича экологик ва ижтимоий жавобгарликларни тасдиқлаш тизимида асос солган халқаро но-тижорий ташкилот. FSC сертификати ўрмонни тайёрлаш жойидаги йиллик текширишларга асосан мустақил аудитор томонидан берилади.

сурсларни муҳофаза қилиш вазирлиги вакиллари бу масала бўйича ўз позициясини баён қилиш учун FSC бош офиси жойлашган Бонн шаҳрига йўл олдилар. Давид Чантладзе шундай хотирлайди:

Вазирликнинг ўрмонлардан оқилона фойдаланиш концепцияси ва ўрмон хўжалиги масалаларини уйғунлаштириш режалари тузилган тақдимотдан сўнг FSC ходимлари бизга “Сизлар тушунган одамлар экансизлар-ку! Бу ерга келишингиздан олдин Грузия ёввойи табиати халқаро фондидан кўнгироқ қилиб, ҳузуримизга ўрмонларнинг ҳаммасини кесиб тугатиш, ҳамма нарсани бузиб ташлашни хоҳлаётган грузин раҳбариятининг ёввойи вакиллари ташриф буюраётгани ҳақида огоҳлантиришганди”, дедилар.

FSC ва Грузиянинг ноҳукумат экологик ташкилотлари иштирокидаги катта конференция энди Грузияда бўлиб ўтди. Вазирлик режаларининг FSC томонидан қўллаб-қувватланаётганини кўрган экологик ташкилотлар эндиликда қарши фикр билдиришга журъат қила олмадилар – сиёсий рақиблар маҳв этилганди.

Лекин сиёсий зўриқишлар туфайли ислохотнинг иккинчи қисми – ўрмон хўжалиги самарадорлигини ошириш ҳозирча тўхтатиб қўйилган.

“Грузия ўрмон хўжалиги соҳаси ‘озуқа манбаи’ бўлиб, катта пул келтирарди. Вазирликда иш бошлаганимдан сўнг ўрмон хўжаликларидан Янги йилга яхши совға-саломлар олиб келишди. Демак, пуллари кўп экан, деб ўйладим”, – дея эслайди Давид Чантладзе.

Ислохотгача ўрмон хўжалигида 3 минг нафардан кўп одам ишларди, уларнинг ўртача ойлиги эса 30 долларни ташкил қиларди. Кўпинча электр энергиясига тўлов қилиш учун ҳам хўжаликларда пул йўқ эди. Чантладзе шундай ҳикоя қилади:

Ислоҳ қилишни бошлаб юбордик. Бошида қийинчиликлар бўлди: мамлакат ўсишни бошлаганидан сўнг унинг учун мудофаа, полиция, соғлиқни сақлаш соҳалари устувор йўналишга айланади. Бир сўз билан айтганда, экология биринчи ўринда эмасди. Қўл остимизда бўлган нарсаларни мукамаллаштиришимиз зарур эди. Биринчи бўлиб ҳаммани ишдан бўшатишдан бошладик, чунки “эгри” йўл билан пул топиш соҳада 20–25 йил ишлаганларнинг қон-қонига сингиб кетади. Уларни ўзгартириб бўлмайди.

Тест ва суҳбат натижасида 760 нафар ходим танлаб олинди, уларнинг 95 фоизи аввал ўрмон хўжалигида ишламаганди. Ишчилар штатининг кенг кўламда – 75 фоиздан ортиққа қисқариши натижасида ходимларнинг маоши 16 бараварга ошди ва тахминан 500 долларни ташкил этди. Масалан, ўрмончининг ойлиги 78 доллардан 240 долларга, бошқарма бошлиғининг маоши эса 210 доллардан 665 долларга ортди. Ҳозирги кунда бир ўрмончи назорати остида 4 минг гектарга яқин ҳудуд мавжуд. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 6 минг гектаргача етади, шунинг учун аслида ходимлар сонини кўпроққа ҳам қисқартириш мумкин эди. Ўрмон хўжалиги ишчилари учун янги кийим-бош, янги автомашиналар, отлар, GPS-йўналтиргичлар, рациялар харид қилинди, биноларни таъмирлашга киришилди. Барча инфратузилма деярли янгидан яратилди. Бошқаларга сабоқ бўлиши учун (кўпинча пора кўринишидаги) ўтмишга қайтишга уриниш жуда кескин жазоланарди. Натижада тизим оёққа турди ва самарали ишлаб кетди.

Вато Лежава

1967 йил, 22 октябрда Тбилисида туғилган.

1990 йилда Тбилиси санъат академиясининг архитектура факультетини аъло баҳолар

билан тамомлаган. 1999 йилда Штутгарт университетидан инфратузилмавий ривожланиш магистри дипломини олган.

2004 йил, 7 мартда инфратузилма ва ривожланиш вазири ўринбосари, 2004 йил августидан бошлаб (Инфратузилма ва ривожланиш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги бирлаштирилганидан сўнг) эса иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2005 йил январидан 2007 йил ноябригача ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазирининг ўринбосари ва бош маслаҳатчиси лавозимида фаолият юритган. 2007 йил ноябридан 2008 йилгача иқтисодий ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари бўлган. 2008 йилдан бошлаб Грузия бош вазири маслаҳатчилари гуруҳининг бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Параллел равишда ўрмон хўжаликларини ҳимоя қилишдан ташқари, браконьерликнинг олдини олиш, яъни нафақат ўрмонлар, балки табиий ресурслардан (фойдали қазилмалар) лицензиясиз фойдаланишга чек қўйиш сингари вазифалар зиммасига кирувчи янги орган – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комиссияси ташкил этилди.

Иккиламчи назорат тизими ташкил этилди: масалан, ўрмон хўжалиги ноқонуний дарахт кесишни назорат қилиши керак эди. Лекин агар полиция браконьерни аниқласа, демак, ўрмон хўжалиги ўз вазифасини бажара олмаётган бўлиб чиқарди. Бу тизим йиллик 110 млн доллар миқдоридан зарар келтирадиган браконьерликни деярли йўқотди – улар учун барча туйнуклар ёпилди. Хусусан, эндиликда қишга ўтин тайёрлаш учун деҳқонлар ҳам рухсатнома олишлари ва бир метр куб ўтин учун 2 доллар тўлаши кераклиги белгилаб қўйилди.

Грузияда ҳатто шундай латифа пайдо бўлди: “Браконьер ўрмонда дарахт кесаётган экан, бирдан кимдир унинг елкасига қоқибди. Браконьер ўгирилиб қараб, айиққа кўзи тушибди. Енгил нафас олиб, ‘Уфф, яна экология полицияси деб ўйлабман!’ дермиш”.

Лекин Давид Чантладзенинг сўзларига кўра, беқарор сиёсий вазият тўғайли давлат назоратни су-сайтиришга мажбур бўлган:

Браконьерлар муҳолифат овози билан “сайрай” бошладилар: “Бу нима деган гап? Ўрмондан ўтин олишга рухсат бўлмаса, қишлоқлардаги одамлар қишда совуқдан ўлади-ку?!” Шу тарзда эришилган ютуқларнинг бир қисмидан воз кечишга мажбур бўлдик. Муҳолифатнинг қилиқлари, браконьерларнинг қишлоқ аҳолисидан фойдаланишлари сабабли майда браконьерликларга кўз юмишга мажбур эканлигимиз ёқимсиз эди, албатта. Агар бундай қилмасак, улар вазиятни ижтимоий муаммога айлан-тиришлари мумкин эди.

Қурилиш ислоҳоти

Халқаро банкнинг йиллик Бизнес олиб бориш енгиллиги рейтингда “Лицензия олиш” деган умумий кўрсаткич ўрнига 2008 йилдан бошлаб “Қурилиш учун рухсат олиш” кўрсаткичи қўлланилади. Бундай рухсатларни олиш қийин эканлиги шу тарзда тан олинмоқда ва уларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кўпинча қурилиш ислоҳоти отаси сифатида иқтисодиёт вазири ўринбосари Вато Лежава тан олинади. У Иқтисодий ривожланиш вазирлигида қурилишга оид рухсатномалар ва қурилиш қонунчилиги билан шуғулланадиган гурӯҳни бошқарган. Лежаванинг бу жараёндаги ўрни беқиёс бўлганига кўз юмиб бўлмайди.

Шаҳарсозлик қурилишида давлат патернализми ҳукмрон бўлган Германияда таҳсил олганига қарамай, Лежава ҳам худди кўплаб грузин ислоҳотчилари сингари либертариан тамойилларга китоб эмас, бизнес орқали келган. Аввал Грузияда қурилиш билан шуғулланган ҳар қандай одам рухсатномалар ва келишувларнинг ўтиб бўлмас тизими ҳамда кенг тарқалган коррупция билан тўқнаш келиши муқаррар эди. 2004 йилда бошланган қурилиш ислоҳотигача Грузияда бизнеснинг яширин фаолият юритишга оид барқарор тенденцияси мавжуд эди. 2004 йилда Тбилисида қурилаётган 484 та объектдан фақат 207 тасида рухсатнома бор бўлган.⁵⁴

Лежава амалга оширилган ишдан мамнунлигини яширмайди:

Қурилиш ислоҳоти энг қийин ислоҳотлардан бири бўлганди, чунки бу соҳа ҳамма жойда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам энг коррупциялашган соҳа ҳисобланади. Балки гоёларимиз амалга ошишида қандайдир камчиликлар мавжуд бўлиши мумкин, лекин умуман олганда, Грузиядаги қурилиш соҳаси дунёдаги энг яхшилардан бирига айланди. Ва бу фақат Жаҳон банки кўрсаткичлари⁵⁵ бўйича эмас. Афсуски, грузин тилини ҳамма ҳам тушунмайди ўйлашимча, кўплар бизнинг қурилиш қонунчилигимизни ўз қонунчиликлари учун асос сифатида олиши мумкин бўларди.

Лежаванинг мажозий маънода айтган сўзларига кўра, қурилиш ислоҳоти натижа бериши учун

⁵⁴ USAID грузин бўлими томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра.

⁵⁵ Doing Business индексининг 2010 ва 2011 йиллардаги рейтингда “Қурилишларга рухсат олиш” кўрсаткичи бўйича Грузия 183 мамлакат орасида 7-ўринни эгаллаб турибди. Грузия бу натижага уч йил ичида 20 поғонага юқорилаган ҳолда эришди (www.doing-business.org/data).

Рубик кубиги барча томонлари бир вақтда йиғилиши керак. Грузиянинг қурилиш қонунчилигига учта қонун ҳужжати – “Лицензиялар ва рухсатномалар тўғрисида”ги қонун, “Қурилишга рухсат беришнинг муддатлари ва шартлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори, “Шаҳарсозлик тўғрисида”ги қонун асос эди.

Бошиданоқ ислоҳот қурилишга рухсат олиш учун керак бўладиган ҳужжатлар сонини максимал камайтириш йўлидан кетди. Одамларнинг хавфсизлиги ва қурилиш конструкцияси мустаҳкамлиги каби қурилатган объект қулаб тушмаслигини исботловчи энг зарур ҳужжатларгина қолдирилди. Авваллари фаолият қурилишнинг алоҳида босқичлари бўйича лицензияланарди. Янги қонун қурилиш ва архитектура фаолияти учун лицензия, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги экология инспекциясидан рухсатнома каби барча оралиқ лицензиялар ва рухсатномаларни бекор қилди. Эндиликда Грузия сув таъминоти, энергокомпаниялар, телекоммуникация компаниялари, Ёнғинга қарши кураш департаменти каби корхоналардан техник шартлар олиш, санитария инспекциясида санитар-гигиеник шартларни келишиш талаб қилинмайди. Ҳаммаси бўлиб 21 та талаб бекор қилинди. Лежава қуйидагича эслайди:

Бекор қилинганидан кейин қурувчилар яна тахминан олти ой давомида келишда давом этишди. Улар иншоотни лицензиясиз қандай қилиб қуриш мумкинлигини сира ақлларига сиздир олмасдилар. Ҳаттоки “Фалончилар лицензия олибди, биз эса олмадик. Лицензия тугаб қолдими?” деб сўраганлар ҳам бўлди. “Энди улар йўқ!” дея жавоб бераман. “Нима йўқ, қогоз йўқми?!” деб сўрайдилар.

Лекин ислоҳотдан олдинги қурилишга рухсат олишнинг уч босқичли тамойили сақлаб қолинди.

Биринчи босқич (архитектура-режавий топшириқ, АРТ) ариза топширгандан кейин 30 кун, иккинчи (дизайн-лойиҳани келишиш) – 20 кун ва учинчи босқич (рухсатнинг ўзи) – 10 кун вақтни олади. Шу билан бирга, қурилиш учун рухсат олиш умуман талаб қилинмайдиган ёки рухсатни соддалаштирилган тартибда – бир ёки икки босқичда олиш мумкин бўлган ҳолатларнинг тўлиқ рўйхати ҳукумат қарорида кўрсатиб ўтилган. Масалан, ҳажми 100 метр кубдан кичик объектлар, деворлар, сузиш ҳавзалари, вақтинчалик қурилиш иншоотлари учун рухсатнома талаб қилинмайди. Очиқ автотураргоҳлар, спорт майдончалари, юзаси 18 квадрат метргача бўлган реклама устунлари учун соддалаштирилган бир босқичли, элчихоналар ва хорижий давлат ваколатхоналари учун икки босқичли жараёнга рухсат берилган.

Вақти-соати келиб, ислоҳот қурилишга рухсат олиш муддатларининг сезиларли даражада қисқартирилиши билан давом эттирилди. Бошида 30, 20 ва 10 кунлик муддатлар ҳар бир босқичда зарур бўлган ҳужжатларнинг тайёр бўлиш тезлигига кўра аниқланган. Масалан, ҳар бир босқич учун эгалик, ижара ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлашга оммавий мулк реестридан кўчирма талаб қилинарди. Лекин бу маълумотнома фақат 12 кун амал қилар, шунинг учун уни ҳар сафар янгидан олиш керак бўларди. Ҳозирги пайтда бу талаб бекор қилинган, эгалик ҳақидаги маълумотга эса онлайн рухсат берилган ва бу маълумот билан ҳамма танишиши мумкин.

2009 йил баҳорда қўшимча тўлов эвазига ҳар бир босқичдаги рухсатни бир кун ичида олиш имконини берадиган (бу маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва махсус қурилиш назорати, масалан, магистрал йўллар зонасидаги қурилишлар

учун тегишли эмас) fast track процедураси амалиётга киритилди.

Давлат экспертизасидан мажбурий ўтказиш яна бир жиддий тўсиқ эди: барча лойиҳалар архитектура хизматига тақдим этилиши шарт бўларди. Моҳиятан, бу экспертиза монопол бизнес эди. Муассаса расман давлатга тегишли бўлиб, Иқтисодий вазирлиги таркибида бўлса-да, амалда эса хизматлари учун монопол равишда юқори нархлар белгиланган корхона эди. Айти пайтда департамент тарқатиб юборилган, экспертиза эса хусусий қўлларга ўтказилган.

Бундан ташқари, мажбурий экспертизадан ўтказилиши керак бўлган лойиҳалар рўйхати кескин камайтирилган. Илгари “алоҳида аҳамиятга эга бўлган иншоотлар” бино ҳажмига (18 минг метр кубдан юқори) ва мураккаблигига (темир йўли, юқори кучланишли линия ва ҳоказолар) қараб таснифланарди. Кейинчалик бу тизим ўзгартирилди. Ҳозирги пайтда “Алоҳида аҳамиятга эга” тоифаси умуман мавжуд эмас. Эндиликда бинолар хавф-хатар даражасига қараб таснифланади. Масалан, 12 метрдан узун бўлган аркасимон томнинг мавжудлиги – тўртинчи тоифа, лифт – иккинчи тоифа ва ҳоказо. Фақатгина бешинчи тоифадаги қурилиш объектлари, масалан, туннеллар, бош автомагистраллар учунгина мажбурий экспертиза талаб қилинади.


Шундай қилиб, ислоҳот максимал равишда соддалаштириш йўлидан кетди ва эътироз билдирувчиларнинг бундай соддалаштириш сифат ва хавфсизликка путур етказди, дея огоҳлантиришлари ҳозирча ўз тасдиғини топмади. Агарда қинғир қурилиш туфайли ҳаёт ва соғлиққа хавф туғилса, қурувчи жиний жавобгарликка тортилади. Бу эса қандайдир йўллар билан сотиб олинган маълумотномага қараганда кучлироқ мотивациядир. Ишламайдиган тартиб-қонданинг расмий равишда бекор қилиниши

натижага ҳеч қандай таъсир ўтказа олмаслиги аниқ эди: пулнинг бир чўнтақдан иккинчисига ўтиши ва қурилиш хавфсизлиги ўртасида ҳеч қандай умумий боғлиқлик мавжуд эмас.

Давлатнинг бинони эксплуатацияга қабул қилиш институтини бекор қилиши кейинги муҳим босқич бўлди. Қабул қилиш қўмитаси таркибига турли маъмурий идоралар вакиллари кирардилар. Аксарият ҳолларда уларнинг ҳаммаларини фақат ресуррандагина йиғиш мумкин эди ва бу ҳужжатга барча имзолар қўйилиши учун яна бир неча марта шу тарзда учрашишга тўғри келарди. Ҳозирги пайтда бинони эксплуатацияга фақат битта идора – қурилиш учун рухсатнома берган архитектура хизмати қабул қилади. Айнан унинг ўзи оралиқ назоратни амалга оширади, лекин объектга ихтиёрий вақтда келиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунингдек, қурилаётган бино рухсатномада кўрсатилган параметрларга мос келиши учун ғоятда муҳим бўлган қурилиш босқичлари аниқланди. Архитектура инспекцияси бинонинг лойиҳага мослигини (намунавий бино учун 4-5 босқичдан иборат) текшириши учун қурилиш босқичлари рухсатномада белгилаб қўйилди. Агарда қайсидир босқичнинг тугаш санаси рухсатномада кўрсатилган муддатга мос келмаса, буюртмачи ёки қурувчи назоратчи билан боғланади ва текшириш учун эртaroқ келишини таклиф қилади. Агарда назоратчи бир ҳафта ичида келмаса, буюртмачи ва пудратчи биргаликда босқичнинг тугалланганини расмийлаштириб, кейинги босқичга ўтиши мумкин.

Маъмурий тартибга солишнинг соддалашгани тақдим этилган рухсатномалар сонига ўша заҳоти таъсир кўрсатди. Фақат Тбилисининг ўзида бу кўрсаткич уч баравардан кўпроққа – 2005 йилдаги 588 тадан 2008 йилда 1729 тага ортди.



Топширилган қурилиш объектлари майдони, 2004–2009 йиллар (минг). Манба: Statistical Yearbook of Georgia 2010. P. 193.

Қурилиш ислоҳотининг яна бир томони – айнан қурилиш меъёрларининг ўзгариши бўлди. 1990-йиллар ўртасидан буён қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМҚ) ишлаб чиқилмаган ва ўзгартирилмаганди, технологиялар эса жадаллик билан ривожланишда давом этмоқда. Ҳукумат 2007 йилда ҚМҚни замонавийлаштиришга қарор қилди.

Дунёда иккита – америкача ва европача рақобат ёндашуви мавжуд. Грузияда Америка стандартини қўллашга қарор қилинди. Уни эса турли хил номлар остида деярли юз йилдан бери мавжуд бўлиб келаётган Меъёрлар ва қоидалар бўйича халқаро кенгаш (ICC) назорат қилмоқда. ICC билан унинг қурилиш меъёрларини Грузияда қўллаш ва мослаштириш ҳуқуқини берувчи англашув меморандуми имзоланди. Айни пайтда бу жараён аллақачон бошланган, бир неча стандартлар маҳаллий шароитларга татбиқ этилди ва мослаштирилди. Лежаванинг сўзларига кўра, ислоҳотчилар жуда оддий бир тамойилни қўладилар:

Одамларнинг фикрича, икки йўналиш: уй қулаб тушмаслиги ва чиройли бўлишини тартибга

солиш лозим. Айнан шу “чиройли ва тўғри” деган талаб коррупция учун замин яратади. Биз шаҳарга, қўшинингга халақит қилма ва уй қулаб тушмаслиги учун барча ишни қил⁵⁶ деган тамойилни қўллаш орқали ҳаммасини математика эмас, қонунан белгилаб қўйилган арифметика ҳолатига келтирдик. Бугун бу жуда оддий эшитилса ҳам, аслида энг катта инқилоб бўлганди.

Грузияга келган ҳар бир инсон мамлакатнинг статистика билан тасдиқланадиган янгиланиш тезлигига ҳайрон бўлмай иложи йўқ (жадвалга қаралсин). Илгари ўзгаришлар фақат пойтахтга тегишли бўлган бўлса, ҳозир бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилмоқда.

Стандартлаштириш ва сертификатлашнинг ислоҳ қилиниши

Лицензиялаш ва рухсат бериш тўғрисидаги қонунлар тўпламининг қабул қилиниши билан бир вақтда 2005 йил 24 июнда “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида”ги ва “Ўлчов бирликлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизими ислохотининг мантиқий давоми сифатидагина рўй бериб қолгани йўқ, балки Бендукидзенинг сўзларига кўра, юзага келган вазиятлар туфайли ҳам пайдо бўлди:

Менга сиёсий томондан катта кўмак беришаётганди ва бундай имконият ҳаётда ҳар доим ҳам берилавермаслигини тушунардим. Шунинг учун Бош вазир ва Президент билан гаплашганимдан сўнг бу қонунлар тўпламига

⁵⁶ Қонун билан аниқланган чекловларнинг қўлланилиши қўшимча қурилишлар, йўллар ва ҳоказолар сингари ташқи шартларга боғлиқдир.

ўша заҳотиёқ иложи борича кўпроқ нарса киритиш керак, деган хулосага келдим. Умуман олганда, бу ҳолатда рақиблар кўпаяди, биттаси бир ўзгаришга, яна кимдир бошқа ўзгаришга қарши овоз беради, лекин агар сени сиёсий томондан қўллаб-қувватлашса, бу ўзгаришларнинг барчасини амалга татбиқ этиш имкони пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бу усул кўпинча иш беради ва бу сафар ҳам шундай бўлди.

Парламентга битта тўплам шаклида киритилган қонунчилик ҳужжати устида ишлаш жараёнида сертификатлаш тўғрисидаги қонун совет концепциясининг деярли нусхаси эканлиги аниқланди. Уни ўзгартириб бўлмаслиги ойдинлашди – қайтадан ёзиш керак: шундай ҳам қилинди – натижада ҳужжат номи аввалгидек қолди, холос, мазмуни бутунлай ўзгарди.

1990-йиллар ва 2000-йиллар бошида Грузияда бу соҳада ҳали ҳам совет қонунчилиги амал қиларди. Меъёрлаштириш (худди қонунчилик фаолиятининг ўзи, лекин техник йўналишда), стандартлаштириш, сертификатлаш ва аккредитациялаш каби бир неча ўриндош вазифаларга эга бўлган Давлат стандарти деган катта ташкилот мавжуд эди. Натижада айнан бир идора ҳам сертификатлаштирар, ҳам шу сертификатлаш жараёнини ўтказиш учун бошқа ташкилотларни аккредитация қиларди – бу ўринда манфаатлар тўқнашуви очиқ-ойдин эди.

Янги қонунчилик бўйича ягона идора икки муассасага: Стандартлаштириш, метрология ва техник тартибга солиш бўйича миллий агентлик (стандартлар ва техник регламентлар депозитарийси) ҳамда Аккредитациялаш бўйича ягона миллий марказга (синов ва калибрлаш лабораториялари, маҳсулот, ишчи ходимлар ва сифатни сертификатлаш бўйича муассасалар аккредитацияси билан шуғулланади) ажратилди.

Ислоҳотлар натижасида Грузия 2000 йилда Халқаро савдо ташкилотига кираётиб, стандартлаштиришнинг ихтиёрий тизимини йўлга қўйиш ва мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар рўyxатини камайтириш каби олган мажбуриятларини бажариш имконига эга бўлди. Грузин тизимини ХСТ талабларига мослаштириш стратегияси 2002 йилдаёқ ишлаб чиқилганди. Ҳозирги пайтда Ягона аккредитация маркази бошлиғи лавозимида ишлаётган Паата Гоголидзе бу стратегияни ишлаб чиқишда иштирок этганди, лекин фақат янги ҳукуматгина уни амалга ошириш билан қизиқди.

Ҳозирги кунда Грузияда мажбурий сертификатлашдан ўтиши керак бўлган маҳсулотлар рўyxатининг ўзи мавжуд эмас. Бу ривожланган мамлакатлар тажрибасига ҳам мувофиқ бўлиб, махсус техник регламент ўрнатилган ҳолдагина маҳсулот ва хизматларнинг унга мослиги баҳоланиши мумкинлигини англатади. Фақат техник регламентнинг ўзи мавжуд бўлсагина, маълум бир маҳсулотнинг техник регламентга мослиги масаласи кўриб чиқилиши мумкинлиги сертификатлаш тўғрисидаги қонунда алоҳида қайд этиб қўйилган. Асосан экспорт қилинадиган вино, минерал сув шулар сирасига киради, чунки бу маҳсулотларни импорт қиладиган мамлакатлар сертификат талаб қиладилар.

Лекин мажбурий сертификатлаш рўyxати ва техник регламентларни қўллашни бекор қилиш бошқа мамлакатлар амалиётидан олинган бўлса, тартибга солинадиган объектларни танлашда оригинал ёндашув қўлланилди. Ҳукуматнинг 2006 йил 24 февралдаги қарорида техник регламентларини Грузияда қўллаш мумкин бўлган мамлакатлар рўyxати келтирилган. Масалан, АҚШ, Франция ёки Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Европа Иттифоқи ва Грузиянинг асосий ҳамкорлари сирасига кирадиган мамлакатдан бўлган тадбир-

кор ўз маҳсулотини мамлакатга олиб кирса, Грузия томонидан ҳеч қандай қўшимча баҳолаш ёки синовдан ўтказишга жалб қилинмаган ҳолда, фақат ўзининг техник регламентига риоя қилади. Маҳсулотнинг Грузия Давлат стандартларига мослигини текшириш мажбурияти ортиқ талаб қилинмайди. Ростдан ҳам, Грузия сингари кичик мамлакат нима сабабдан ўз ресурсларини маҳсулотни қайта текшириш учун сарфлаши керак? Ахир, бу маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакатда сертификатлаш учун сезиларли даражада кўп маблағ ажратилади-ку! Айтайлик, француз техник регламентига мос келадиган маҳсулот француз миллатига зиён етказмаса, грузин миллатига ҳам зиёни тегмайди.

Марказ бошлиғи Паата Гоголидзенинг сўзларига кўра, маълум бир маҳсулотни сертификатлашдан маъно йўқ, деб ҳисоблаган давлат энди ёндашувини ўзгартирди: масалан, колбаса ишлаб чиқариш босқичида барча гигиеник меъёрларга мос келган тақдирда ҳам, бу сифат кафолати дегани эмас – бир кун нотўғри сақлаш натижасида у хавфли маҳсулотга айланади.

2006 йил январда кучга кирган “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунга кўра санитар, ветеринар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш сингари мустақил назорат хизматлари тугатилди, барча ходимлар ишдан бўшатилади. Янги ташкил қилинган Озиқ-овқат маҳсулотлари, ветеринария ва ўсимликларни ҳимоя қилиш хавфсизлиги миллий хизматига буткул янги ходимлар ишга олинди. Маҳсулот хавфсизлиги ва сифати бўйича барча жавобгарлик янги хизматга юкланди.

“Илгари порт санитария хизмати жуда оддий ишларди: 30 минг тонна маҳсулот ортилган кема сузиб келарди, тайёр маълумотнома эса 3,5 минг доллар эвазига лабораториядан келтириларди. Ла-

бораториянинг ўзида эса 1907 йилда ишлаб чиқарилган микроскоп турарди. Лаборатория ходимасидан бу қадимий ашёни бизга сотишини сўраб ёлворгандик ҳам, лекин у рози бўлмаганди. Уялишини ҳаққоний равишда тан олганди. Энг кулгили томони – микроскопнинг линзаси ҳам йўқ эди”, – дея эслайди 2003–2004 йилларда Иқтисодиёт вазирининг ёрдамчиси лавозимида ишлаган Эмзар Жгереная.

Европа парламенти ва Кенгашининг 178-регламенти⁵⁷ янги қонун ҳужжати учун асос сифатида олинганди. Натижада қонунда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ жараёнини кўздан кечириш⁵⁸, хусусий лабораториялар орқали сертификатлаш ва синовдан ўтказиш, ташқи назорат (инглизча НАССР – Hazard Analysis and Critical Control Points, яъни хавф таҳлили ва назоратнинг муҳим жиҳатлари) каби тамойиллар пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда Миллий хизмат ташқи назорат билан шуғулланмаяпти, балки НАССР тамойилларини татбиқ қилишга тайёрланмоқда ва маҳсулот сифатини у сотилаётган жойнинг ўзида назорат қилмоқда.

Назорат тизимининг ривожланиш графиги ҳам қонунга киритилган. Бошидаги тахминларга кўра, хизмат ўз назорат вазифаларини 2008 йилдан амалга оширишни бошлаши керак эди, лекин кейин старт 2010 йилга кўчирилди. Иқтисодиётнинг ўша пайтдаги босқичида назорат вазифаларининг ўрнатилишини ҳукумат маъқул топмади, чунки бу ҳалокатли натижаларга олиб келиши мумкин эди. НАССР тамойилларини татбиқ этиш маҳсулот нархининг кўтарилишига сабаб бўларди: корхоналар қиммат турадиган такомиллаштиришни зудлик

⁵⁷ www.icqc.eu/ru/Regulation_EC_178_2002.php.

⁵⁸ Тадбиркор маҳсулот ишлаб чиқарилишидаги тўлиқ жараён – фойдаланиладиган хомашё ва материаллар сифати, ишлаб чиқариш шароити, тайёр маҳсулотни кузатиб боришни ўзи мустақил назорат қилиши керак.

билан амалга оширишлари, ишлаб чиқаришларининг тўлиқ инфратузилмаларини европача стандартларга ўтказишлари керак бўларди. Ҳозирга келиб, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар йўқ. Одатда бу иш билан кичик фермалар шуғулланади. Европача сифат тизимини қўллаш зарурияти уларга қаттиқ зарба бўлади ёки улар шунчаки “сояга ўтиб оладилар”.

“Болтиқбўйи ва Шарқий Европа мамлакатлари назоратнинг европача тизимларига ўтганларида, Евроиттифоқ ўзига қўшиб олиш учун номзод сифатида қараб, уларга 1,5 миллиард долларлик субсидиялар берганди. Бизга бундай пулни бермайдилар. Юқоридаги давлатларнинг ўтиш жараёни 25 йилга чўзилиб кетди. Бизда эса бунча вақт йўқ. Лекин ҳозир биз учун энг муҳими – трансформация натижалари бўлса керак. Маҳсулот сифатини назорат қилишнинг европача тизимига ўтиш қандай кечганини тушуниш учун атайлаб Эстонияга бордик. Натижада ислохотдан кейин тадбиркорларнинг 30 фоизи банкротга учрагани маълум бўлди. Грузияда қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур қилинг. Бу ахир Эстония эмас-ку! Бизда шундай ижтимоий тўлқин вужудга келадики! Агарда ҳукумат назоратнинг европача тизимини қўллаш мажбуриятини ҳозир олса, жуда катта жиноятга қўл урган бўлади”, – дея ишонади Лили Бегиашвили.

Шундай қилиб, қонуннинг бир нечта низомлари ҳозирча кучга кирмай туради. Лекин агар қандайдир бир компания ўз маҳсулотларини Европага экспорт қилишни хоҳласа, назоратдан ўтказишларини сўраб ўз ихтиёри билан Миллий хизматга мурожаат қилиши мумкин. Чунки Европада тегишли сифат сертификатлари талаб қилинади.

Лекин Европа Иттифоқи билан эркин савдо тўғрисида шартнома тузиши учун Грузия сифат назоратининг европача тизимига босқичма-босқич мослашиб бориши шарт. Яхши қўшничилик сиёсатини

амалга ошириш режасига кўра, давлат экспорт маҳсулотларини ҳам, шунингдек, ички ишлаб чиқариш ва импорт маҳсулотларини ҳам назорат қилиши керак.

Грузияни хавфсизликнинг базавий тамойилларини бузганликда айблаб бўлмайди. Биринчидан, худди бошқа соҳаларда бўлгани сингари, коррупция ҳеч қачон хавфсиз муҳит бўлмайди. Иккинчидан, бизнесга босим билан эмас, балки аҳолининг харид қобилиятини ошириш йўли билан натижага янада тез эришиш мумкин. Агар давлат бизнесга дахмазали чекловлар қўйиш ўрнига (чунки бу ҳолда чекловларни айланиб ўтиш учун порага одатланишади) одамларда сифатлироқ (қимматроқ бўлса ҳам) маҳсулотлар сотиб олиш имконияти пайдо бўлиши учун бор кучи билан ҳаракат қилса, фойдали бўлади. Турмуш даражасининг ошиши истеъмол хавфсизлигининг ошишига бўлган янги талабларни келтириб чиқаради. Одамларнинг ўзлари аста-секинлик билан сифатсиз маҳсулотлардан воз кеча бошлайдилар.

Учинчидан, ихтиёрий сертификатлашдан ўтиш дегани сертификатлашни бутунлай бекор қилиш дегани эмас. Кўплаб компанияларнинг ўзлари бу каби сертификатлашга қизиқиш билдирмоқдалар – чунки натижада уларнинг маҳсулотлари янада кўпроқ рақобатбардош бўлади. Ягона марказ томонидан 2006–2009 йилларда амалга оширилган 153 та аккредитациянинг ярми тартибга солиш соҳасига тегишли ихтиёрий аккредитациялардир. Сертификатлаштириш тизими ихтиёрий тартибга солиш соҳасига, инсонлар ҳаёти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа барчаси эса сертификатлаштирилган регламентлар соҳасига ўтказилди.

Нихоят, тўртинчидан, бошқа мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиёт табиий ҳолда ривожланиб боргани сари жаҳон бозоридаги муносабатларни соддалаштириш имконини берадиган

техник тартибга солишнинг янги турлари ҳам пайдо бўлади. Агарда бу соҳадаги қонунчилик иқтисодиётнинг жорий ривожланишига мос келмаса, Грузиянинг Европа бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришига халақит беради.

Стандартлаштириш ва сертификатлашни ислоҳ қилишда кўплаб муҳим ва янги элементлар мавжуд эди. Масалан, стандартларни яратиш либераллаштирилди. Эндиликда Грузиядаги исталган инсон, масалан, немисча ёки бошқа регламентни олиб кириб, рўйхатдан ўтказиши мумкин. Шунингдек, мос хорижий органларнинг метрологик текширувлари Грузияда тан олинади – масалан, ўлчов ва оғирлик бўйича инглиз хизмати томонидан амалга оширилган ўлчовлар Грузияда қайта текширувларсиз фойдаланишга татбиқ этилади. Лекин қонунчиликнинг янгича мазмун-маъно билан тўлдирилишига эришилгани барибир энг асосий ютуқ бўлди.

Натижалар

Ислохотдан олдин ҳукумат ва бизнес кўмагига таянган Грузия уч йил давомида ёш иқтисодчилар уюшмаси лицензиялаш тизимини тадқиқ қилиш билан шуғулланди. Уюшманинг ҳисоб-китобларига кўра, расмий шахслар томонидан талаб қилинадиган ҳужжатларнинг 83 фоизи ҳеч қандай моҳиятга эга эмаслиги, фақат пора олиш мақсадида фойдаланилиши аниқ бўлди.⁵⁹ Шунга қарамай, ислохот ҳам нодавлат ташкилотлари, ҳам ҳукмрон гуруҳлар, ҳам бизнес томонидан жиддий сиёсий қаршилиқка учради.

“Ислохот кўпчиликка ёқмас эди, айниқса, бу бизнес-элита орасида яққол акс этганди. Лицензия олиш учун ресурсларини (пул, вақт) сарфлаш катта компания учун арзимас нарса, лицензия эса уларга

⁵⁹ Пацурия Н. “Грузия сокращает бюрократию в лицензировании” // *Civil Georgia*. 2005 йил, 13 июнь (www.civil.ge/rus/article.php?id=8283).

бозорларини беркитиб олиш имконияти каби устунлик берарди”, – деб тушунтиради Лежава.

Ислоҳот кучли сиёсий ирода туфайлигина амалга оширилди. Биринчидан, лицензиялар (300 тадан 86 тагача) ва рухсатномалар (600 тадан 50 тагача) сонини улкан ҳажмда қисқартиришга эришилди. Фақат соғлиқни сақлаш ва давлат хавфсизлиги билан боғлиқ фаолият турларидагина мажбурий лицензиялаш сақланиб қолган.

“Умумий стратегия жуда оддий эди: лицензияга эга бўлгандан кўра, яхшиси, лицензиясиз бўлган афзал. Ҳозирги пайтда лицензиялар 16 фоиз миқдорда қолган бўлиб, уларнинг бешдан бир қисмини сиёсий сабаблар туфайли бекор қилиб бўлмайди. Уч йилдан бери ҳаракат қиялпмиз, лекин ҳозирча наф бермади”, – тан олади Лежава.

Иккинчидан, нимадир қуришни ёки ишлаб чиқаришни эндигина режалаётганлар учун ҳам дастлабки лицензия бериш имкони пайдо бўлди.

Учинчидан, қонунчилик сезиларли соддалаштирилди, натижада тадбиркорларнинг қонунчиликдан хабардорлиги ортди.

“Бунгача жуда кўплаб тадбиркорлар шунчаки қонунни билмасдилар. Қонунлар жуда чалкаш бўлиб, айнан бир хил фаолиятни бир неча ҳужжатлар тартибга соларди. Агарда бирор соҳада иш бошлашни хоҳласанг, энг камида ўн-ўн бешта қонунни билишинг керак эди. Албатта, бюрократлар эса бундан фойдаланган ҳолда чўнтақларини пулга тўлдирардилар”, – дейди Звиад Чеишвили.

Бугун эса мавжуд лицензиялар ва рухсатномалар рўйхати битта қонунда мужассамлашган, бошқа меъёрий ҳужжатлар ёрдамида янгиларини киритиш тақиқланган.

“Илгари вазирликлар қонуности ҳужжатларини қўллаган ҳолда қандайдир янгидан-янги тўсиқлар яратарди, масалан, маълумотнома сўраши мумкин

эди. Бундай ҳужжатлар сонининг саноғига етиб бўлмасди, улар мингтадан ҳам кўп эди. Ҳаммасини бекор қилдик ва барча процедураларни аниқ қилиб қонунга ёзиб қўйдик”, – дея тушунтиради Лили Бегишвили.

Ягона қоидалар ва муддатлар ҳам қонун билан белгилаб қўйилди: рухсатнома бериш муддати 20 кундан кўп эмас, лицензия бериш муддати эса 30 кундан ошмаслиги керак. “Ягона ойна” тамойили жорий этилди: эндиликда лицензияни расмийлаштириш ва олиш учун тадбиркор турли инстанцияларга қатнамайди. Турли хил давлат тузилмаларидаги маълумотларни тўплаш билан давлатнинг ўзи шуғулланади. Шунингдек, “сукут – аломати ризо” тамойили қонун билан белгилаб қўйилди. Авваллари тадбиркор лицензия олиш учун ариза топширса ва ҳеч қандай жавоб олмаса, бу рад жавоби берилганини англатарди. Ҳозир эса бунинг аксини билдиради: агар белгиланган муддат давомида жавоб олинмаса, фаолиятни бошлаш мумкин. Шу орқали амалдорларнинг иши рағбатлантирилади, чунки лицензия олиш учун рад жавоби берилган тақдирда, жавобни асослаб беришга тўғри келади. Агарда давлат хизматчиси процедурани бузса, бу ишга беш йил давомида қайта тикланмаслик шарти билан ишдан бўшатилади.

Лицензия шартларига мосликни текшириш шакли ҳам ўзгарди. Илгари текширувчи тадбиркор ҳузурига ихтиёрий пайтда бориб, ҳатто лицензияга тааллуқли бўлмаган камчилик учун ҳам уни лицензиясидан маҳрум қилиши мумкин эди. Бу ҳудди йўл ҳаракати қонунларини бузган врачга даволаш амалиёти билан шуғулланишни тақиқлаб қўйишдек гап. Ислохотдан кейин эса иш шароитлари ҳақида лицензия эгасининг ўзи йилда бир марта ҳисобот тақдим этади, агар ҳисоботда баён қилинган шароитлар лицензиядагидан фарқ қилса ёки текширувчи идорада шубҳа

уйғонсагина, давлат текшируви ўтказишга рухсат берилади.

“Албатта, яхшиланиши керак бўлган жойлар ҳали ҳам мавжуд, лекин асосий таянч тамойиллари аллақачон ўрнатилди. Кейинги ривожланиш учун бошланғич даража жуда юқори олинди”, – дея ишонади Бегиашвили.

Лекин ислоҳот жуда муҳим бўлганига қарамай, мамлакатдаги бизнес муҳитига бевосита таъсир кўрсатгани учун бу ўзгаришлар ҳақида унчалик кўп гапирилмади. Президентнинг ҳукумат мажлисида лицензиялаш соҳасидаги асосий қонунлар тўплами муваффақиятли тайёрлангани ҳақидаги баёнотидан ташқари, амалда бу маълумот бизнес муҳитига деярли тарқатилмади. Бегиашвилининг фикрига кўра, бу англашилмовчилик бўлганди:

Каха [Бендукидзе], биз ва ҳукумат – ҳаммамиз жуда катта хатога йўл қўйдик: ислоҳотни етарли даражада пиар ҳам қила билиш керак. Лекин ҳаммасини тушунтириш учун вақтимиз йўқ эди: бир ислоҳотдан кейин ўша заҳоти бошқа ислоҳотга ўтардик ва худди аввалгидек тартибда ишлашни давом эттирдик. Бундан ташқари, яхши ишляймиз, демак, ҳамма бунга ўз-ўзидан ҳис қилади, деб ўйлагандик.

Молиявий ислоҳот

Кадрларнинг иш жойини тез-тез ўзгартириш мамлакат раҳбарияти услубининг ўзига хос қирраси бўлди. Бу ўзгартиришлар давлат ишини мукамаллаштириш ва ижтимоий кайфиятларга мослашиш учун амалга оширилди.

Зураб Ногаиделининг Бош вазирлик даврида (2005–2007 йиллар) Грузияда кўплаб асосий ислоҳотлар амалга оширилди, лекин Саакашвилининг сўзларига кўра, 2007 йил ноябрдаги сиёсий қийинчи-

ликлар ва кейинги сайлов кампанияси “ислоҳотларни ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун янги энергия ва янги кучларни талаб этарди”. 2007 йил 22 ноябрда Грузия парламенти янги Бош вазир Владимир (Ладо) Гургенидзе номзодини тасдиқлади. Молиявий ислоҳот айнан унинг номи билан боғланади. Янги Бош вазирни Саакашвилининг ўзи қуйидагича тавсифлайди:

*Бу инсон Ғарбда таҳсил олган, Англия ва АҚШда иш тажрибасига эга энг муваффақиятли грузин тадбиркорларидан бири эди. У мутлақо ўлик бўлган грузин банк тизимини жонлантира олди, муваффақиятли молиявий тузилма яратди, биринчи бўлиб грузин банки акцияларини Лондон фонд биржасига олиб чиқди. Бизга худди шу каби энергия, шу каби муваффақият модели, шундай даражадаги менежер керак.*⁶⁰

Бендукидзе 2006 йилдаёқ молиявий қонунчиликка ўзгартириш киритишга ҳаракат қилганди:

Молиявий ҳужжатлардаги тузатишлар маълум вазият доирасидаги аҳамиятга эга эди. Анчадан бери уни жиддий ўзгартиришга ҳаракат қилардик, лекин биринчи сафар бу ҳеч қандай натижа бермади: Буржанадзе қаноти остидаги парламентнинг катта қисмига фақат ўзим қарши турган бўлиб чиқдим. Иккинчи сафар энди биз Гургенидзе билан биргаликда ҳаракат қилдик. Бу энг асосий иши эканини у тушуниб етди ва ислоҳотни фаол амалга ошира бошлади.

Кўламларига кўра ўзгаришларнинг биринчи сафар тайёрланган тўпламини иккинчи сафар тайёрлангани

⁶⁰ Президент Грузии назвал Ладо Гургенидзе “самым успешным грузинским бизнесменом” // ИА Regnum. 2007 йил 16 ноябрь (www.regnum.ru/news/916843.html).

билан асло солиштириб бўлмасди. 2006 йилда баъзи процедураларни бироз либераллаштириш ҳақида гап борганди, холос, сиёсий устуворликлар ҳам бошқа эди. 2008 йил 5 январдаги президентлик сайловида Саакашвили иккинчи марта ғалаба қозонди. Унда ҳали жаҳон молиявий инқирози ҳақида гап ҳам йўқ эди холисона айтганда, жиддий молиявий ислохотни бошлаш учун бу энг маъқул давр эди. Деярли куну тун давом этган иш уч-тўрт ойга чўзилди. Бендукидзе ҳикоя қилади:

Қонунлар тўпламини тайёрлаётганимизда ҳам ислохотларни мувофиқлаштириш вазири сифатида ишлаётгандим, тўпلامни парламентга Гургенидзе тақдим этди (бу пайтга келиб мен Давлат иш юритиш бўлими бошлиғи эдим⁶¹). Парламентга Гургенидзе билан икки-уч марта бирга бордик, бу эса кучли газабни келтириб чиқарди: ахир мен ким бўлибман, ишим котибиятда қогозбозлик билан шугулланиш бўлиши керак-да! Шу билан бирга, барча танбеҳларга вақтида муносабат билдиришига, уларни эътиборга олишига улгура олмаслигимизни истаган қарши гуруҳ қонунни тезда қабул қилиш тактикасини танлаганди. Масалан, қонун лойиҳасининг биринчи ўқилиши душанбага, иккинчи ўқилиши эса чоршанбага белгиланди. Шунда барча изох ва танбеҳларни ёзиб олишлари учун ходимларимни парламентга жўната бошладим. Сўнгра бу маълумотларни ҳаммамиз биргаликда таҳлил қилган ҳолда, ярим тунгача тузатардик. Озроқ дам олиш учун кетардим. Бу орада тунги смена ишга келар, барча маълумотларни охиригача қайта ишлар ва натижаларни эрталаб саҳар-

⁶¹ Бендукидзе ислохотларни мувофиқлаштириш вазири лавозимидан ҳукумат иш юритиш бўлими бошлиғи вазифасига 2008 йил 30 январда ўтган.

да почтамга жўнатарди. Мен эса ўқиб, тузатиш киритардим, яқуний нусхани қозога чиқарардим ва бу нусха парламентга олиб бориларди. Натижада қонунга қарши бўлганлар унинг тезроқ қабул қилинишига ўзлари ҳисса қўшиб юбордилар.

Молия соҳасидаги йигирмадан ортиқ қонун лойиҳалари тўплами 2008 йил апрелида парламент томонидан тасдиқланди.

Владимир (Ладо) Гургенидзе

1970 йил, 7 декабрда Тбилисида туғилган. Тбилиси давлат университетининг иқтисод факультетини тамомлаган. Кейин таҳсилни АҚШда давом эттирган, у ерда Миддлбери коллежини тамомлаган ва Эмори университети қошидаги Бизнес мактабда бизнес бошқаруви бўйича магистр даражасини олган. Европанинг турли сармоявий банкларида ўн йилдан ортиқ вақт давомида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 2004 йилда Грузияга қайтганидан сўнг Грузия банкининг бош директори этиб тайинланган, 2006 йил майида эса банкнинг қузатув кенгаши раиси ва президенти лавозимини эгаллаган. 2007 йил ноябридан 2008 йил октябригача Грузия Бош вазири лавозимида ишлаган. Ҳозирги пайтда Грузия Халқ банки президенти ва Руанда мамлакатидagi энг йирик банк – “Kigali”нинг Қузатув кенгаши раиси.


Ислохотнинг биринчи учқуни Эркин саноат зонасига (ЭСЗ) тегиниб ўтди. ЭСЗ ҳудуди 10 гектардан кам бўлмаган ва маҳаллий бошқарув органлари ваколатлари амал қилмайдиган қўшимча имтиёзли тартибга эга ҳудуд эканлиги “Саноатлаштирилган

эркин зоналар тўғрисида”ги қонун билан 2007 йил, 3 июлдаёқ белгилаб қўйилганди. Грузиянинг фақат Тбилиси, Кутаиси, Батуми ва Поти каби тўртта шаҳридагина ЭСЗ ташкил этиш мумкин эди. Бундай зонани фақат ҳукумат ташкил эта оларди: ё давлатнинг ўзи ҳудудни сотиш (солиқ имтиёзлари билан) учун тендер ташкил қиларди ёки ЭСЗ ташкил этишни хоҳлаган ер эгаси бу таклиф билан ҳукуматга мурожаат этарди.

Божхона кодекси

Грузияда 2007 йилдан бошлаб янги божхона кодекси амал қила бошлади. Унга кўра, маҳсулотлар ҳаракатланиши учун давлат максимал даражада ўз чегараларини очди. Импорт ва экспорт учун барча квоталар бекор қилинди. Божхонанинг 16 та турдаги тарифи бўлиб, энг катта миқдордаги тариф 35 фоизга тенг эди. Бу тарифлар ўрнига 0,5 ва 12 фоизли учта тариф киритилди. Шу билан бирга, маҳсулотларнинг 90 фоизига 0 фоизли тариф қўлланиладиган бўлди. Шундай қилиб, импортнинг ўртача тарифи 1,5 фоизни ташкил этди, бу эса дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан бири саналади. Айнан шу жиҳат эмбарго шароитларида ва урушдан кейинги инқирозли йилда маҳсулот алмашишнинг юқори суратларини сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2011 йилдан бошлаб божхона кодекси амал қилишдан тўхтади, унинг меъёрлари эса янгиланган солиқ кодексининг қисми бўлиб қолди. Кўплаб маҳсулотлар учун импорт солиғи ҳозир ҳам нолли тарифда қолган, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материаллари учун тариф ставкаси эса 5 ёки 12 фоизни ташкил этади.



Ташқи савдо, 1998–2010 йиллар (миллион доллар). Манба:
Грузия статистика хизмати.

Эркин зонада, албатта, ишлаб чиқариш корхоналари бўлиши шарт – масалан, у ерда меҳмонхоналар қуриш мумкин эмас. Бундай чекловлар орқали давлат пул ювиш (ноқонуний йўллар билан топилган даромадларга қонуний тус бериш)га уринишларнинг олдини олмоқда. ЭСЗ ғоясига қарши бўлганлар айнан пул ювишдан хавотирда эдилар. Бу ерга хориждан хомашё келтирилади, қайта ишланади, сўнгра эса маҳсулот экспорт қилинади. ЭСЗда бухгалтерия ҳисоботларини нафақат грузин миллий валютасида, балки хорижий валютада ҳам олиб бориш мумкин. Бу эса ҳозир ҳам долзарб бўлган инфляциянинг беқарорлиги фонида сармоявий хавфни сезиларли равишда камайтириш имконини беради: йиллик ўртача инфляция 2009 йилда 1,7 фоизгача камайган бўлса-да, 2010 йилда у 7,1 фоизгача кўтарилди. Лекин шунга қарамай, ҳатто ушбу қиймат ҳам 2005–2008 йиллардаги 9,2 фоизга тенг бўлган ўртача қийматдан сезиларли миқдорда кам.

ЭСЗ ҳудудидаги мутлақ барча корхоналар экспорт, олиб кириладиган юklar ва зона ичидаги иқтисодий операцияларда ҚҚСдан, шунингдек, мулк солиғидан озод этилади.

Ҳудудда савдонинг ривожланишига туртки бў-

лувчи божхона омборининг махсус тартиби 2008 йилда жорий қилинди ва бу орқали нафақат ЭСЗ ичида, балки ундан ташқарида ҳам транзит савдо ғояси ривожлантирилди. Эндиликда тадбиркор Грузияга маҳсулот олиб кириши, уни сақлаши, сўнг учинчи мамлакатга сотиши мумкин. Бунинг учун тадбиркор ҳеч қандай солиққа тортилмайди. Ягона тўлов – омборхонанинг банд этилган квадрат метри учун йиғим. Масалан, агар компания Украинадан маҳсулот сотиб олиб, уни Грузияда қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни Туркияга сотса, у даромад солиғидан озод қилинади.

Мамлакатдаги биринчи ЭСЗ ғарбий Грузиядаги Поти портига тутшиб кетган ҳудудда пайдо бўлди. 2008 йил июнда “Rakia Georgia” номи остида эркин sanoat зонасини яратишни бошлаган RAK (БАА) инвестиция фонди порт ва унга туташ 300 гектар ер майдонини сотиб олди. 2008 йилнинг иккинчи чорагида (солиштирама натижалар бўйича энг яхши даврлардан бири: фақат 2007 йилнинг тўртинчи чорагида бундан-да кўпроқ ҳажмдаги сармоя – 703 миллион доллар жалб этилган эди) Грузияга хориждан кирган тўғридан-тўғри сармояларнинг 20 фоизи (605 миллионлик умумий сармоядан 124 миллион доллари) RAK орқали ўтди. Лекин шундан икки ой ўтибоқ мамлакатда, шу жумладан, Потидан рўй берган воқеаларнинг кейинги ривожини сармоядорларни жалб этишга имкон бермади.⁶² Шунга қарамай, 2008 йил-

⁶² АҚШнинг Грузиядаги элчиси Жон Тефтнинг 2008 йил 9 августдаги махфий хабаридан: “Кеча Грузиядаги кўплаб базалар, аэропортлар ва Поти порти рус самолётлари томонидан бомбардимон қилинди. Бомбардимонлар 9 август кунини ҳам давом этди, Грузиянинг Гори шаҳридаги фуқаролик нишонлари ҳам бомбалардан зиён кўрди... Хабарларга кўра, Сенаки ва Потидан ўнлаб қурбонлар бор... Саакашвили ва Грузия раҳбариятининг бугунги тахминларига кўра, рус ҳарбий операциялари Грузияни босиб олиш ва режимни ўзгартириш бўйича Путиннинг кенг миқёсдаги режасидан бир парчадир” (ruleaks.net/1433).

нинг иккинчи ярим йиллигида БААдан Грузияга 104 миллион доллар келиб тушди, молиялаш 2009 йилда (163 миллион доллар) ва 2010 йилда (40 миллион доллар) ҳам давом эттирилди. Поти эркин саноат зонаси 2010 йил 15 ноябрдан, янги божхона мажмуаси даромадлар хизматига берилган пайдан бошлаб расман ишга тушди, операторнинг сўзларига кўра, бу ерда Грузия, Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Туркия, Чехия ва АҚШдан жами 35 та компания рўйхатдан ўтган бўлса-да, ҳозирча фақат икkitаси фаолият юритмоқда. Уч-тўрт йил ичида янги порт терминали қуриш ва 450 та корхона ташкил этиш режаланмоқда. Натижада 5 мингдан 20 минггача киши иш билан таъминланади.⁶³

Грузия ва Россия қўшинларининг 2008 йил августда Грузия ҳудудидаги бир неча кунлик тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувларидан сўнг иккита регион – Цхинвали (Жанубий Осетия) ва Абхазия ҳудудлари Россия томонидан мустақил давлатлар сифатида тан олинди. Америкалик дипломатларнинг муносабат билдириб нашрга тайёрлаган махфий ҳужжатларидан олдин ҳаракат қилиб қолган “Русский Викиликс” қўйидагиларни ёзади: “Муаммо тарихи билан унча таниш бўлмаган ҳар қандай инсон ‘Зиддият асида Россия чегарасига яқин жойда келиб чиққанига қарамай, бевосита Россиянинг ўзига тегишли эмас эди, демак, зиддиятга аралашган Россия ‘ўзини ҳимоя қилишнинг йўл қўйилган чегараси’дан чиқиб кетди”, деб ўйлаши мумкин. Лекин ‘Гордий тугунини кесиб ташлаш’ хоҳиши ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ: Россия империяси ва СССРнинг қайсидир маънодаги меросхўри сифатида Россия бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан жавобгарлик ҳиссини сезади”. Лекин АҚШнинг Россиядаги элчиси Жон Байерлининг талқини бундан фарқ қилади: “Грузия зиддияти тутаб турган рус ватанпарварлигини алангалатиб юборди ва Россия аҳолиси орасида эгоистик нафратни келтириб чиқарди... Россия жамияти фикрига кўра, мустақилликнинг тан олиниши ягона ечимдир... Ўқимишли элитанинг ҳушёрроқ вакиллари эса ҳақиқат қачондир юзага чиқиши мумкинлигини, шундан сўнг уруш сабаблари, кечиши ва натижалари оқилона баҳоланишини башорат қилмоқдалар. Лекин бу ҳолат рўй беришигача ҳали анча бор” (ruleaks.net/2543).

⁶³ В Потийской СИЗ уже зарегистрировано 22 компании // *Business Грузия*. 2010 йил 26 август (bizzone.info/industry/2010/1282848723.php ва www.rakiageorgia-freezone.com сайти маълумотларига

Бошқа ЭСЗларидан ҳам умид катта: 2009 йилнинг бошида Мисрнинг “Fresh Electric Company” ва Грузиянинг “Georgian International Holding” компаниялари ҳамкорликда майдони 27 гектар бўлган собиқ Кутаиси автомобиль заводи ўрнида ЭСЗ яратиш устида иш бошладилар. Бир неча йиллар давомида мазкур ҳудудда сантехника, мебеллар, тўқимачилик маҳсулотлари, сопол ва чинни буюмлар, электротехника ишлаб чиқариладиган 12 та завод ва фабрика қуриш режаланмоқда. Қиймати 2 миллиард долларга тенг бўлган лойиҳа амалга ошганидан сўнг⁶⁴ бу ЭСЗда 15 мингтагача иш ўрни ташкил этилади.⁶⁵

2009 йилда ЭСЗнинг мисрлик эгаси 56 миллион доллар, 2010 йилда яна 18 миллион доллар сармоя киритди. Кутаиси эркин саноат зонаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот – “Грузияда ишлаб чиқарилган” тамғали маиший техника 2010 йилдан бошлаб Украина ва Озарбайжонга экспорт қилина бошлади. Лекин лойиҳани муваффақиятли дейишга ҳали эрта.

Молиявий ислохотнинг иккинчи қисми солиқларнинг келгуси либераллаштирилиши бўлди.

Грузия қонунчилигига ҳам, худди Люксембургдаги холдинглар ҳақидаги қонунга ўхшаш тарзда, халқаро молия компанияси тушунчаси қўшилди. Бу молия билан шуғулланадиган ва Грузияда 10 фоиздан кўп бўлмаган фойдага эга бўладиган ташкилотдир. Грузияда рўйхатдан ўтган компания (бунинг учун Миллий банкдан лицензия талаб қилинмайди) трансмилий

кўра).

⁶⁴ Ҳозирча бу сумма хомхаёлдек кўринади: рекорд саналадиган 2007 йилда Грузиядаги хорижий сармояларнинг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан сал ошган, охириги икки йил (2009–2010) да эса хорижий сармоялар ҳажмининг умумий миқдори 1,2 миллиард долларни ташкил этган.

⁶⁵ Египтяне собираются создать в Грузии свободную индустриальную зону // Информ-агентство *Факт-news*. 2009 йил 3 апрель (www.factnews.ru/article/03Apr2009_free_industry).

бўлиши, яъни ўзининг 90 фоиз фойдасини мамлакат ташқарисиди (масалан, маҳсулотни Анголадан импорт қилган, Шри-Ланкага эса экспорт қилган ҳолда) ишлаб топиши мумкин. Бундай компаниялар даромад солиғидан озод қилинади. Грузия резидентлари саналадиган жисмоний шахслар ҳам мамлакат ташқарисиди олган фойдадан солиқ тўламайдилар.

Молиявий ислохотнинг учинчи қисми мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик яратишга йўналтирилди.

2008 йил, 14 мартдаги “Глобал рақобатбардошлик тўғрисида”ги қонун билан бюджетнинг мажбурий профицити тамойили амалга киритилди, яъни бюджетни режалаштираётганида, давлат уни тақчил қилишга ҳақли эмаслиги қонунлаштирилди. Фаровонлик фондларисиз бундай қарорга келиш мумкин эмас. Бу ғоя макроиқтисодий нуқтаи назардан жуда муҳим бўлса ҳам, 2008 йил, 21 майдаги парламент сайловлари арафасидидаги сиёсий тақсимотга кўра, очиқдан-очиқ ҳужумга ўтиш учун на вақт, на ресурс мавжуд эди. Лекин бу ғояни ҳам бошқалари қатори тўпламда жуда моҳирона тарзда ўтказиб олишнинг ўддасидан чиқилди.

2008 йил апрелидан маблағни иккита – Барқарорлаштириш ва Келгуси авлодлар фондларига тўплаш бошланди. Биринчи (кичикроқ) фонддан фақатгина иқтисодий вазият ёмонлашганда – иқтисодиётнинг такрорланадиган муаммолари учун пул олиш мумкин эди. Иккинчи фонддан – фақат уруш ҳолатида ёки Грузияга Абхазия ва Жанубий Осетия қўшилганда – бу ҳудудлардаги қайта тиклаш лойиҳалари учун фойдаланса бўларди. Ўша пайтда мазкур фондлар тез орада айна муддао бўлиб хизмат қилишини ҳеч ким тахмин қилмаганди.

“Фонд яратилганидан кейин уч ой ўтибоқ, уруш бошланди ва фонддан пул ола бошладик. Умуман

олганда, фонд бизга қўл келди – сентябрда деярли ўша маблағлар ҳисобига яшадик”, – дея тан олади Бендукидзе.

Бюджет дефицитига йўл қўймаслик йўли билан инфляцияни тўхтатиш бўйича ҳукумат мажбуриятлари Грузия Миллий банки(ГМБ)га нисбатан қонуний талаблар билан ҳам мустаҳкамланди: банк бошлиғининг мамлакатдаги инфляция даражаси учун шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Агар истеймол нарҳининг ошиш кўрсаткичи тўрт чорак давомида 12 фоиздан ошиб кетса, банк раҳбари ишдан олинарди.

Лекин ҳаётнинг ўзи яна бир бор бирламчи ғояларни асл ҳолатга мослаштиришга мажбурлади. Биринчидан, 2008 йилда Россия билан уруш бошланди, иккинчидан, бутунжаҳон молиявий инқирози кенг қулоч ёзди, 2008 йил августида сармоявий бизнеснинг бутунжаҳон пешқадамларидан бири – АҚШнинг “Lehman Brothers” сармоя компаниясининг синиши бу инқирознинг энг юқори чўққиси бўлди.⁶⁶ Бундай зарба грузин ҳукуматини ўз молиявий сиёсатига тузатишлар киритишга мажбур этди. Лекин қонунчиликдаги бир қанча ўзгаришларга қарамай, 2009 йил, 18 декабрда “Глобал рақобат тўғрисида”ги қонун бекор қилинди. На бюджет профицити ҳақидаги қонун чиқариш талаби, на инфляциянинг юқори чегараси қолди. Ислоҳот доирасида ўзгаришларга учраётган молиявий институтлар аввалги, анъанавий ҳолатига қайтди.

1994–2000 йилларда Грузия иқтисодиёт вазири лавозимида ишлаган, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар бўйича грузин фонди эксперти Владимир Папава бу жараённи қуйидагича тавсифлайди:

⁶⁶ Хусусан, янги молиявий тарихнинг бу эпизоди мазкур воқеаларнинг иштирокчиси бўлган Лоуренс Макдональд томонидан батафсилроқ тасвирланган (қ.: Макдональд Л., Робинсон П. “Колоссальный крах здравого смысла”, М.: Альпина Бизнес Букс, 2010) (*Таҳририят изоҳи*).

Грузия раҳбарияти 2006 йил баҳоридаёқ, Грузия Миллий банки (ГМБ) ваколатларини қисқартиришга қарор қилганди ва бу мақсад йўлида ГМБ тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар лойиҳасини тайёрлаганди. Бу ўзгартиришларга кўра, банк назорати вазифаси ушбу мақсадда махсус ташкил этилган агентликка ўтказилиши керак эди. ГМБ раҳбарияти ва парламентнинг молия-бюджет қўмитасининг қаршилиги натижасида мазкур режа амалга ошмай қолиб кетди. ГМБ президенти ишдан кетган ва унинг вазифасини вице-президент бажаришни бошлаган 2008 йил баҳорига келиб, ҳукумат вазиятдан фойдаланиб қолди ва (парламент қўмитаси қаршилигига қарамасдан) банкларни назорат қилиш ҳуқуқини ГМБдан олиб қўйиб, банк ихтиёрида ягона вазифа – инфляцияни тартибга солишни қолдирди.⁶⁷

Ислоҳотдан олдин ГМБ тижорат банклари фаолиятини назорат қилар ва мамлакатнинг пул сиёсатини аниқларди. 2008 йил апрелида назорат ҳуқуқи ГМБ қошида махсус ташкил этилган Молиявий назорат агентлиги (МНА)га ўтказилди. Тижорат банкларидан ташқари суғурта компаниялари, брокерлар ва фонд биржаси ҳам МНА ихтиёрида эди. Илгари бу молиявий институтларни Молиявий мониторинг хизмати (ММХ) назорат қиларди. Шундай қилиб, ГМБдан фақат инфляцияни тўхтатиш ва, агар асосий мақсадга халақит бермаса, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш талаб қилинарди. Молиявий институтларни назорат қилиш билан МНА шуғулланар, ММХга эса пул ювишнинг олдини олиш вазифаси қолганди.

Бундай тақсимот назорат самарадорлигини оши-

⁶⁷ Папава В. "Розовые" ошибки МВФ и Всемирного банка в Грузии" // Вопросы экономики. 2009. №3. 143–152-бетлар.

риши керак эди: кўплаб тузилмаларга эга бўлган холдингларнинг ҳисоб рақамларини алоҳида-алоҳида текшириш деярли фойдасиз саналарди. Масалан, “Bank of Georgia” ўз брокерлик компаниясига ва биржада ўз улушига эга. Шунинг учун битта тартибга солувчи бўлгани осонроқ: бир неча тузилмалар бу иш билан шуғулланса, умумий ҳолат назардан четда қолиб кетади. Лекин 2009 йил, 1 декабрдан МНА бутунлай ГМБ таркибига кирди.

МНА собиқ раҳбари Леван Готуанинг сўзларига кўра, бундай бирлашиш фақат сиёсий қарорнинг натижаси, холос. Бу қарор фақат маъмурий ўзгаришларни келтириб чиқаради: “Фалсафа барибир ўзгармай қолаверади”.

Моҳиятан олганда, назорат вазифаларининг ГМБга қайтариб берилишини яхши ҳам, ёмон ҳам деб бўлмайди. Албатта, доимий ўрин алмашишлар натижасида, нари борса, қандайдир тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин, холос.

Молия соҳасидаги умумий тузилмавий ўзгаришлардан ташқари, алоҳида ўзгаришлар фонд биржасига ҳам тегиниб ўтди. Аввалги қонуннинг муаммоси унинг ўн йилликлар давомида ҳар хил одамлар томонидан ёзилиши эди, натижада қонун анчагина бесўнақай бўлиб қолганди. Шу билан бир вақтда, бу муаммо компанияларга ўз акцияларини биржада жойлаштиришларига халақит бермасди. Лекин қонунчиликнинг ўнқир-чўнқирликларидан ўтиш фақат Caucasus “Energy and Infrastructure”, “Bank of Georgia”, “Liberty Consumer”, “People’s Bank of Georgia” сингари компанияларда раҳбарлик лавозимида ишлаган Ладо Гургенидзе сингари инсонларгагина қизиқ эди. Айнан у ўз компаниясини беш-олти ҳафтада грузин биржасига олиб кира олганди.

Фонд биржасининг ривожланишига ўзига хос институционал ёндашув асосини айнан ислоҳот яратди. Ортиқча чеклов ва тўсиқлар олиб ташланди.

Илгариги пайтда фақат грузин фонд биржасининг ҳамкоригина биржада қимматбаҳо қоғозлар билан савдо қилиш ҳуқуқига эга эди. Албатта, бу меъёр бекор қилинди. Эндиликда нафақат барча молиявий институтлар, балки жисмоний шахслар ҳам биржадаги савдода иштирок эта оладилар: жисмоний шахсларга қимматбаҳо қоғозлар билан биржадан ташқарида ҳам тўғридан-тўғри савдо қилиш каби авваллари бўлмаган имконият берилган. Бунгача улар олди-сотди амалиётини фақат брокерлар орқали амалга оширишга мажбур эдилар.

Илгари молиявий компанияларга бир вақтнинг ўзида бир неча биржаларда ўз акцияларини олди-сотди қилишлари учун рухсат берилмаганди. Биржадаги савдо-сотиқни фақатгина миллий валютада амалга ошириш каби чеклов ҳам олиб ташланди. Янги қонунга кўра, Грузияда бир неча фонд биржалари бўлиши мумкин. Акцияларни жойлаштириш жараёни ҳам соддалаштирилган. Дунё бўйлаб тан олинган биржаларда акциялари мавжуд бўлган компаниялар грузин фонд бозорига ҳам автомат тарзда киришлари мумкин. Бунгача эса акцияларни бирламчи жойлаштириш (IPO)га ўхшаш жараёндан ўтиш талаб қилинарди.

Ҳукумат келажакда молиявий институтлар соҳасидаги барча қонун ҳужжатларини бирлаштирадиган ягона молиявий кодексни яратишга жазм қилган. Ҳозирча эса энг аввало атамашуносликдаги фарқ ва жавобгарлик соҳаларининг кесишуви туфайли баъзи қонунлар ўртасидаги номуносивлик муаммоси сақланиб қолмоқда.

Грузиядаги фонд бозори ҳозир ҳам унча катта эмас, лекин ислоҳот натижасида уни сунъий равишда кенгайтириш вазифа қилиб олинмаганди. Фонд бозорининг ҳозирги ҳажмлари иқтисоднинг ривожланиш даражалари билан тўлиқ мос тушади ва уни бир неча мамлакатлар кўрсаткичлари билан

бемалол солиштирса бўлади.⁶⁸ Ислоҳот натижасида хорижликларнинг грузин фонд бозорига кириб келиши осонлашгани эса бошқа масаладир.

Молиявий ислоҳот доирасида “Тадбиркорлар тўғрисида”ги қонуннинг ўзгаришлари устида ҳам ишлашга эришилди.

Корхоналарни рўйхатга олишнинг босқичма-босқич равишда енгиллаштирилиши 2004 йилдаёқ бошланганди. Судда, сўнгра солиқ органларида рўйхатга олиш поцедураси бирлаштирилди. Амалий жиҳатдан “ягона ойна” тамойили қўлланилди. 2008 йилдан бошлаб мажбурий низом капитали, низом⁶⁹, шахсий муҳр, шунингдек, таъсис ҳужжатларини мажбурий нотариал тасдиқлаш талаб қилинмайди. Айти пайтда Грузияда бизнес очиш учун фақатгина хоҳиш бўлса, бас; масалан, хусусий тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш учун 2010 йилдан бошлаб солиқ органлари ўрнига рўйхатдан ўтказиш поцедураси билан шуғулланадиган Оммавий реестр агентлигига ҳужжат тақдим этилиши кифоя ва бизнес ўша заҳотиёқ рўйхатдан ўтказилади. Фирма беш дақиқада рўйхатдан ўтказиладими, беш кундами – катта фарқи йўқлигини эслатиб ўтиш керак. Бу бор-йўғи давлатнинг нафақат кичик бизнес, балки ихтиёрий бизнес тури ҳақида ғамхўрлик қилишини намоён этувчи кўрсаткич, холос.

“2009 йил баҳорда Грузияда нотижорий ташкилотни рўйхатдан ўтказдим, бу жараён бор-йўғи уч дақиқа вақтни олди, холос. Россияда бу ҳақида

⁶⁸ World Development Indicators (data.worldbank.org/data-catalog/world-development-indicators) маълумотларига асосан, грузин компанияларининг ЯИМга нисбатан олинган бозор капитализация ҳажми Қирғизистон ва Арманистондаги ўхшаш кўрсаткичлардан анча юқори ҳамда Мўғулистон ва Македония даражасига яқинлашмоқда.

⁶⁹ Корхонани рўйхатдан ўтказиш вазифаси Оммавий реестр агентлигига ўтказилган 2010 йилга келиб, низом талаблари яна мажбурий бўлди.

сўзлаб берсам, ҳеч ким ишонмайди. Россияда ўз ташкилотимни қайта рўйхатдан ўтказишимга роппароса бир йил керак бўлди”, – дейди ҳозирда Грузияда истиқомат қиладиган рус журналисти Олег Панфилов.

Қайта ташкил этиш, тугатиш ва бошқариш қоидалари ҳам ўзгаришларга учради. Кредиторларнинг ҳам, компания ҳаммуассисларининг ҳам манфаатлари янада кўпроқ ҳимоя остига олинди. Аслида эса корхона ички тузилмаси бутунлай либераллаштирилди. Илгари қонун томонидан қатъий бегилашлар қўлланилган деярли ҳамма жойда ҳозирда “Агар бошқа ҳолатлар низом билан кўрсатилмаган бўлса” сингари имтиёзлар пайдо бўлган. Бизнесни ёпмаган ҳолда бошқа мамлакатдан кўчириб келиш имконияти муҳим ўзгариш бўлди. Бу эса хорижий сармоядорлар учун Грузияни янада жозибали масканга айлантирди.

Молиявий лаёқатсизлик тўғрисидаги қонун ҳам жиддий ўзгартирилди. “Банкротлик – энг қизиқ ҳуқуқий феноменлардан бири, уни қонунийлаштирилган бандитизим деса ҳам бўлаверади. Бу ҳужжат ўстида ишлаш мен учун жуда қизиқ бўлган эди. Кимнингдир мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи камситилиши ҳолатларини энг адолатли ҳал қилиш процедурасини ўйлаб топиш керак эди”, – дея ҳикоя қилади Бендукидзе.

Ислоҳотгача мавжуд бўлган ва немислардан нусха кўчирилган қонун шунчалик ноаниқ ёзилган эдики, унинг маъносини кўпинча судьялар ҳам тушунмас эдилар. Хорижий (Янги Зеландия, Буюк Британия ва Германия) комиссияларнинг қонунга ўзгартириш киритиш йўлидаги уринишлари муваффақият келтирмаганди. 2008 йил апрелида қабул қилинган ва ўша йили августдан кучга кирган қонунда ҳамма нарса, ҳатто ном ҳам ўзгартирилди. Илгари бу қонун “Банкротлик бўйича иш юритиш тўғрисида” деб аталарди. Лекин ислоҳотчилар, биринчидан, “банкротлик” сўзига бериладиган салбий тусни олиб ташлашга қарор қил-

дилар. Иккинчидан, ҳужжат эндиликда нафақат банкротликни, балки компаниянинг қайта тикланиш жараёнини ҳам тартибга солади. Шунинг учун қонун “Бизнес лаёқатсизлиги бўйича иш юритиш тўғрисида” деб номланди. Қонун устида Бендукидзе раҳбарлигида деярли тўрт йил давомида иш олиб борилди.

2004 йилда Бендукидзенинг ўринбосари бўлган ҳуқуқшунос Кетеван Кокрашвилининг эслашича: “Ло-йиҳа доим ўзгариб турарди. Қонун лойиҳасини тайёрлардик, сўнг уни ўзгартирардик, қайтадан бошлардик, яна ўзгартирардик. Мамлакатдаги ўзгарувчан вазиятга доимо ҳамоҳанг бўлиш учун ҳам кўп марта шундай қилишимизга тўғри келганди”.

Асосий жамоа олти кишидан (бу қонун ҳужжатида Ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири аппарати ходимларидан ташқари парламентнинг ҳуқуқий масалалар бўйича қўмитаси аъзоси Павле Кублашвили ҳам фаол иштирок этганди) иборат эди, янги қонун назариётчилар, адвокатлар, судьялар ва АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг грузия бўлими экспертлари томонидан экспертизадан ўтказилди.

“Ҳар бир қисмни ўзгартирдик, натижада мутлақо янги ва Грузия учун номаълум бўлган процедурага эга бўлдик. Кейинчалик эса худди шундай процедуралар бошқа мамлакатларда ҳам мавжудлигини билдик. Масалан, Колумбияда ҳам худди шунга ўхшаш вариант мавжуд экан.⁷⁰ Биз эса бу ҳақда ўйламагандик ҳам”, – давом эттиради Кокрашвили.

Аввалги қонуннинг неча марта ўзгартирилгани унинг Грузиядаги асликка нақадар мос бўлмагани

⁷⁰ Жаҳон банкининг бизнес юритиш қулайлиги рейтингдаги “Бизнеснинг тугатилиши” (Doing Business) кўрсаткичи бўйича Колумбия Грузиядан анча олдинда (2011 йилда 183 мамлакат орасида мос равишда 105-ўрин ва 29-ўрин), лекин натижавий рейтингда эса вазият аксинча – Колумбия Грузиядан ортда (мос равишда 12-ўрин ва 39-ўрин) (Doing Business сайти маълумотларига асосан, www.doingbusiness.org/data).

исботидир: амалда бўлган даврда⁷¹ бу қонунга Грузияда бор-йўғи уч марта мурожаат қилинганди (шунинг ҳам биттасида иш охиригача етказилмаганди). Қолган компаниялар эса ўз фаолиятини музлатиб қўядилар, холос. Аввалги қонун қарздорлигини ёпиш жараёнини чексиз чўзиш имконига эга бўлган қарздорнинг ҳимоясига қаратилганди.

Янги меъёрлар қарздорнинг ҳам, кредиторнинг ҳам манфаатларини бирдек ҳимоя қилади. Корхонанинг банротлик жараёни жуда аниқ қилиб ёзиб қўйилган, бу қонунан белгиланган муддатларда амалга оширилишига ҳеч нарса халақит бера олмайди. Масалан, қонун бўйича банкротлик тўғрисида ариза берилганидан сўнг суд икки кун ичида қарор чиқариши керак. Агарда ариза маъқулланса, суд 30 кун ичида кредиторлар билан биринчи учрашувни белгилайди, кафилни тасдиқлайди ва бу корхонага нисбатан ҳар қандай мажбурий чора-тадбир қўллашни тақиқлайди. Ташкилотга нисбатан қўзғатилган барча бошқа ишлар тўхтатилади ёки суд томонидан тўловлар лаёқатсизлиги ҳақидаги умумий ишга бириктирилади.

Кредиторлар йиғилишида кафилнинг ҳисоботи тингланади, шунингдек, кредитор, қарздор вакиллари ва ҳар икки томон биргаликда келишиб тайинлаган учинчи шахсдан ташкил топган уч кишилик келиштирув кенгаши ташкил этилади. Агар томонлар учинчи шахс ҳақида бир тўхтамга кела олмасалар, бу шахсни суд тайинлайди. Моҳиятан олиб қараганда, солиқ муаммоси жараёнларида қўллашнинг иложи бўлмаган *ad hoc* арбитражи тамойили шу меъёр орқали амалга оширилди.⁷²

Келиштирув кенгашининг вазифаси — корхонани тугатиш, қайта тиклаш ёки масалан, агар корхонанинг

⁷¹ Банкротлик тўғрисидаги аввалги қонун 1996 йилда қабул қилинган.

⁷² Шу бобнинг “Солиқ ислоҳоти” қисмига қаранг.

катта фойда олиш имкони мавжуд бўлган қандайдир шартномалари бўлса, йиғилишнинг 30-кунда лаёқатсизлик воситаси турини аниқлашдан иборат. Қайта тиклаш процедураси сезиларли даражада содда ва кам қўлланилади, шунинг учун қонун ўз эътиборини асосан корхонани тугатишга қаратади.

Тугатиш ҳақидаги қарорнинг ўттизинчи куни биринчи кимошди савдоси старт олади (ҳаммаси бўлиб учта кимошди савдоси ўтказилади, биринчи иккита савдода корхона бутун бир хўжалик мажмуаси сифатида сотувга қўйилади – уни қисмларга бўлиб сотиш тақиқланган). Биринчи савдода корхона нархи кредиторлар талаб қилган маблағ миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Иккинчи савдода нарх туширилади, қарздор мол-мулкнинг гаров мажбурияти бўйича кредиторларнинг талабларидан паст бўлиши мумкин эмас. Агар корхонани иккинчи сафар ҳам сотиб бўлмаса, учинчи кимошди савдоси ўтказилади ва бу савдода компания ҳар қандай ҳолатда ҳам сотилиши керак. Бунинг учун ставкалар эҳтимолий харидорлар томонидан ошириш ўрнига камайтириб бориладиган голландча аукцион ёки қатнашчилар пулли ставкаларни амалга оширадиган, нархлар эса аввалдан белгиланган қадамлар билан ўсиб борадиган скандинавча аукцион ташкил этилиши мумкин.

Мажбурият бўйича кредиторлар ҳуқуқларининг сезиларли кенгайиши қонуннинг энг муҳим такомиллаштирилиши бўлди, дейиш мумкин. Масалан, улар бошқа кредиторлар қарорларига тақиқ қўйиш ёки қайта ташкил этишга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар битта бўлса ҳам кредитор қайта тиклашга қарши бўлса, қолган кредиторлар фақат икки ҳолатда қайта тиклашни амалга оширишга эриша олади: улар қарши чиққан кредиторга ё қарздорлик ҳақини ёки кредит учун гаровни қайтариб беришлари керак бўлади. Иккинчи кимошди савдоси натижа

бермаган ҳолатда, мажбурият бўйича кредиторлар қарздор гаровини ўз мулкларига қўшиб олишлари мумкин. Бунинг учун улар бу қарз гарови майдалаб сотилиши мумкин бўлган учинчи кимошди савдосини кутишлари шарт эмас.

Таъминланган кредиторлар ҳуқуқлари тўловлар устуворлигига кўра ҳам сезиларли даражада кучайтирилди. Корхона ўз банкротлик процедурасини эълон қилганидан кейин унга қарз берган янги кредиторлар биринчи ўринда туради (фақатгина мажбурият бўйича кредиторлар розилиги билан бундай қарз берилиши мумкин). Рўйхатнинг кейинги қаторларидан суд ва маъмурий чиқимлар (масалан, кафил учун харажатлар), мажбуриятлар бўйича кредиторлар талаблари, солиқ қарздорлиги ва таъминланмаган кредитлар ўрин олган.

Эски қонундан фарқли равишда, янги қонун бўйича судьялар бизнес лаёқатсизлиги ҳақидаги жараёнда фаол иштирок этмайдилар. Моҳиятан олганда, эндиликда улар фақатгина келиштирув кенгаши қабул қилган қарорни тасдиқлайдилар. Натижада бундай жараёнлар кўпинча корхонанинг банкротлигига эмас, қайта тикланишига олиб келади, чунки томонлар анча эркин бўлгани туфайли ўзаро келишиш учун имкониятлари юқорироқдир.

Қонун фақат яна юзага чиқадиган ишларгагина тегишли эмас, балки қонун қабул қилинишидан олдин бошланган банкротлик ва қайта тиклаш процедураларини ҳам тартибга солади. Қонун амалга киритилган икки йил унинг самарадорлигини аниқлаш учун унчалик катта муҳлат ҳисобланмайди: ҳозирча судлар етарли тажрибага эга бўлганлари йўқ, бундай ҳодисалар кўп ҳам эмас. Шунга қарамай, олдинга силжишлар бошланганига далиллар мавжуд: бизнес лаёқатсизлиги ҳақидаги қонун билан қўзғатилган 63 ишдан 32 таси айни пайтда кўриб чиқилмоқда (эски

қонун бўйича бундай ишлар сони бор-йўғи учта бўлганини эсга олайлик).

Грузия иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида бизнес лаёқатсизлиги, ҳуқуқ техникасининг соддалиги ва процедураларни амалга ошириш тезлиги каби қонунчилик мезонлари ўстувор аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси янги қонунда ўз аксини топган. Лекин бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўплигига Кокрашвилининг ишончи комил:

Бизнес лаёқатсизлиги тўғрисидаги қонун, худди тадбиркорлар тўғрисидаги қонун сингари ҳозирги кунда муваффақиятли ишлаётган бўлишига қарамай, ўтиш даври учун мўлжалланган. Ишонаманки, вақти-соати келиб, жамиятда бошқа эҳтиёжлар юзага келади ва бир неча йиллардан кейин қонунга яна қайта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

Ҳозирча молиявий ислоҳот натижаларини аниқлаш қийин ва бунга ҳали эрта: ислоҳотнинг бир маромда кечишига ҳам уруш, ҳам инқироз қаттиқ таъсир кўрсатди. Лекин ислоҳотнинг келгусида ривожланиши учун ҳозирнинг ўзидаёқ тамал тоши қўйиб бўлинган.

• Олтинчи боб •

Эркинлик мамлакатни қандай ўзгартиради?

Атиргуллар инқилобидан кейинги парламентнинг биринчи йиғилишида Михаил Саакашвили Грузияда ислохотлар ўтказиш учун ноёб имкониятга эга эканини, чунки мамлакатда “ислохотчи президент, ислохотчи ҳукумат ва ислохотчи парламент” мавжудлигини айтиб ўтди.¹ Грузия бу имкониятдан фойдалана олганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб қўйди.

Ўз вақтида совет ТИВ раҳбари бўлган Эдуард Шеварднадзе бу тизим ва Совет Иттифоқи ташқи сиёсатини янгилашга эришганди. Лекин мустақил Грузияни бошқарган пайтида мамлакатни тўлиқ янгилай олмади.

Саакашвилининг ҳокимиятга келишига кўча сабабчи бўлди. Одатда энг юқори давлат постини эгаллаб турган сиёсатчининг қудратли гуруҳлар олдида мажбурияти бўлади, Саакашвилида эса бундай мажбурият йўқ эди. Устига-устак, у бошқа мамлакатда – Украинада олий маълумот олган, натижада талабалик муҳитида шаклланишни бошлайдиган ва келажакда амалдорга таъсир қилиши мумкин бўлган давралар таъсиридан холи эди. “Бегона” эканлиги сабабли ҳам, Саакашвили Атиргуллар инқилобидан кейинги етти йил ичида орқага қарамай, ўзгаришлар қилишга эришди.

Грузиянинг ҳозирги ҳукумати (Саакашвили давридаги ҳукуматга – *тахририят изоҳи*), ўнинг усуллари ва воситаларига қандай муносабатда бўлишдан қатъи назар, бир нарсани тан олиш керак: ислохотлар жуда кўп, улар ҳамма соҳада ва самарали равишда амалга оширилмоқда.

¹ *Вечерний Тбилиси*. 2004 йил, 22 апрель.

Ажария Автоном Республикаси – лакмус қоғози

Яқиндагина Ажария республикаси амалда давлат ичидаги давлат саналарди. Нафақат Туркия билан, балки Грузия билан ҳам ўз чегараларига, ўзининг ҳарбий кучларига, ўз ҳукмдори ва парламентиغا, мустақил иқтисодий тузилмалари ва ташқи сиёсатига эга эди, айнан мустақил ташқи сиёсат туфайли 2003 йилдан бошлаб Ажария ва Россия ўртасида, гарчи икки давлат ўзаро умумий чегарага эга бўлмасда, енгиллаштирилган виза тартиби амал қила бошлади (ўзгаришлар Россия ва Грузия ўртасидаги виза тартибига тегишли эмас). Батуми марказида Ажариянинг ўзгармас раҳбари Аслан Абашидзенинг резиденцияси мавжуд эди. Резиденция томида туну кун снайперлар навбатчилик қилардилар, бино атрофидаги ҳудуд эса бутун шаҳардаги энг ёритилган жой эди. Абашидзенинг ўғли спорт автомобилида ёлғиз ҳаракатланиши учун марказий кўча кўпинча ёпиб қўйилганини батумиликлар яхши эслайдилар.²

Орадан етти йил ўтди, Ажарияни энди таниб бўлмайди. Йўллар қурилмоқда, эски шаҳар қайта тикланмоқда, ярим асрдан ортиқроқ янгиланишларсиз ишлаган коммуникация тартибга келтирилмоқда.

Совет давридан Абашидзенинг йиқитилишигача бўлган вақт давомида Ажарияда фақат бармоқ билан санарли ҳолатларда давлат объектларининг хусусийлаштирилиши кузатилган. Шунинг учун инқилобдан кейинги хусусийлаштириш жараёнининг айнан Ажарияда старт олишида ҳам гўёки қандайдир маъно бор. Нотаниш турк тадбиркори Ажария ҳукуматининг ҳозирги раиси Леван Варшаломидзенинг олдига келиб, Грузияда бизнес юритишга яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдирганига ўзим гувоҳ бўлганман. Тбилисидан кўчи-

² Батуми аҳолиси билан бўлиб ўтган шахсий суҳбатлардан.

риб келтирилган Конституцион суд Абашидзенинг собиқ резиденциясига жойлаштирилганида ҳам ундан кам бўлмаган маъно мавжуд. Янги 2010 йилни Батумида расман нишонлаш тадбирини Ажария Республикасининг Грузиянинг қолган қисми билан бирлашиши жараёнининг авж нуқтаси, дея ҳисоблаш мумкин. Бу тадбир доирасида Зураб Соткилава ва Хосе Каррерас каби жаҳон юлдузлари иштирокидаги катта концерт ҳам бўлиб ўтди. 2001 йилдаги шу каби тадбирга италиялик машҳур тенор Андреа Бочелли ташриф буюрди.

Батуми ва бутун республика бўйлаб сиҳатгоҳ ҳудудлар қайта таъмирланмоқда. Ажария ҳукумати ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилга келибоқ, 5 мингдан 8 минггача ходим биринчи қурилган янги меҳмонхоналарда иш билан таъминланади. Шаҳарда қирғоқ бўйлаб Европадаги ҳар қандай денгиз хиёбонидан-да узунроқ бўлган хиёбон яратилмоқда.³ Бир араб шайхи томонидан совға қилинган пальмалар уни аллақачон безаб турибди.⁴ Саакашвилининг сўзларига кўра, яқин орада Батумида янги дельфинарий, концерт зали, замонавий меҳмонхоналар очилганидан сўнг шаҳарга нафақат Қора Денгиз ҳудуди шаҳарлари, балки Ницца ва Барселона ҳам ҳавас қилишни бошлайди.⁵

Ҳайратга солиш, доимо олдинда юриш, энг-энг зўрлардан бўлиш – буларнинг барчаси маҳаллий ислохотлар жараёнида намоён этилган грузин менталитетига хос бўлган хислатлардир. Президент ўз чиқишларида халқаро ташкилотлар томонидан Грузияга берилган юқори баҳолар, маълумотлар

³ В Батуми будет самый длинный бульвар Европы // *Грузия Online*. 2010 йил 23 август. www.apsny.ge/2010/pol/1282615498.php.

⁴ Хиёбон аввал ва ҳозир қандай кўринишдалигини www.larisaburgakova.com сайтида кўриш мумкин.

⁵ “Ницца и Барселона будут завидовать Батуми” – Саакашвили // *Business Грузия*. 2009 йил 11 май (bizzone.info/government/2009/1242107833.php).

ҳақида ғурурланиб кўп гапиришида ҳам асос бор. Грузия “Transparency International” рейтингининг корпорациядан холи бўлиш тезлиги бўйича 2003–2009 йиллари биринчи ўринни, “Forbes” журналининг солиқ юки енгиллигини баҳолаши бўйича 2009 йили тўртинчи ўринни, “Doing Business” журналининг бизнес юритиш учун энг яхши шароитли мамлакатлар рўйхатида 2011 йили 12-ўринни эгаллади.⁶

Каха Бендукидзеинг фикрига кўра, бундай рейтингларда олдинги ўринларга чиқишга уриниш жуда самарали усулдир:

Ҳар доим бошқа мамлакатларни қувиб ўтишга интилиш жуда муҳим. Билмайман, ҳозирги ҳукуматда қандай, лекин бизнинг ўша вақтлардаги вазифамиз “Doing Business” рейтингида биринчи бўлиш эди. Шу билан бирга, қонунларни рейтинг талабларига мослаштириш мақсад қилиб қўйилмагани, чунки талаблар ҳар доим ўзгариб туриши туфайли бундан маъно йўқ. Барибир бундай нарсаларга эътибор бериш керак, шундагина ислохотлар тегишли рейтингларда акс этади.

Бендукидзеинг фикрини Саакашвили ҳам билвосита тасдиқлайди:

Натижалар шуни кўрсатадики, илгариги ҳеч бир андаза ва ҳеч бир иқтисодий сиёсат эркинлик тамойилига асосланган янги максимал либераллаштирилган иқтисодиёт сингари иқтисодий ўсишни таъминлай олмаган, бу каби асосли ва самарали бўлмаган.⁷

Иқтисодий эркинлик тарафдорларининг ҳукуматдаги позицияси шу даражада мустаҳкамлиги туфайли

⁶ 2009 йил, июнь – 2010 йил, май даври учун маълумотлардан.

⁷ Саакашвилининг Грузия парламенти депутатлари олдида 2009 йил, 6 октябрдаги чиқиши, Андрей Илларионов томонидан “Живой журнал” да русчага таржима қилинган (aillarionov.livejournal.com/122216.html).

Грузияга омад кулиб боқди. Натижада бу ғоя иккинчи президентлик муддати давомида ҳам устувор бўлиб қолмоқда. Бу тамойилларни ўз мамлакатада татбиқ этишга уриниш тўфайли ҳам бундай юқори натижалар таъминланди. Ва албатта, “шахснинг тарихдаги ўрни” ҳам аҳамиятли бўлди.

Шахснинг тарихдаги ўрни

Ҳозирги кунда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакати фуқаролари Грузияга визасиз кириши мумкин. Бунга эса қуйидагича эришилган. 2004 йили Бендукидзе Президентга ривожланган давлатлар учун визаларни бекор қилишни таклиф этди:

Масалан, Швейцария фуқаросини нега текширишимиз керак, у бизга қандай хавф солиши мумкин? Бу масалани атрофлича муҳокама қилдик ва агар руслар билан келиша олсак, улар учун ҳам визаларни бекор қиламиз, акс ҳолда, русларга чегаранинг ўзида виза беришимизга тўғри келади (вақти келиб, бу амалга ошди, Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада, Япония ва бошқа давлатлар учун эса визасиз режимни жорий этдик)⁸ деган қарорга келдик. Саакашвилига гоё жуда маъқул бўлди ва бу масала билан шуғулланишни ташқи ишлар вазири Саломе Зурабишвилига топширди.

Орадан бир ярим ой ўтди, мен яна Президент билан учрашдим, таклифимни яна такрор-

⁸ Террор хавфи бўлмаган ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ грузинларникидан уч баробар юқори бўлган давлатлар фуқаролари учун (2004 йили бу мезонга Европанинг энг қашшоқ мамлакати мос келган), шунингдек, МДҲ фуқаролари учун ҳам (Россиядан ташқари) Грузияга кириш ва мамлакатда 360 кунгача қолиш учун виза олиш тартиби бекор қилинди. Йиллар ўтиши билан бу рўйхат тобора кенгайиб бормоқда. Худди шунингдек, 2010 йил октябрида Грузия Россиянинг Шимолий Кавказдаги республикалари фуқаролари учун бир томонлама визасиз тартибни жорий қилди. Бошқа мамлакатлар фуқаролари эса чегарадан ўтишда виза оладилар.

ладим. У “Нима, бу ҳозиргача ҳал бўлмади-ми?” деди. Яна Зурабишвилига қўнғироқ қилди. Зурабишвили эса қандайдир қийинчиликлар борлигини айтди. Ҳукумат йиғилишида ташқи ишлар вазирининг ёнига бориб, муаммо нимада эканини сўрадим. Маълум бўлишича, у ИИВ бунга қарши чиқиши мумкин, деб ўйлаган экан. Дарҳол уни ички ишлар вазири Вано Мерабишвилига рўпара қилдим ва “Вано, сен бунга қаршимисан?” деб сўрадим. У эса “Нега қарши бўлишим керак? Келишдик, албатта, шундай қиламиз”, деди. Масала шу тариқа ҳал бўлди.

Ҳа, Каха Бендукидзе – ғаройиб инсон. Даглаб иқтидорли микробиолог, кейин омадли тадбиркор, ҳақиқий давлат арбоби. Бироқ Бендукидзе ҳоқимиятдаги ҳамфикрлари орасидагина ижтимоий-сиёсий соҳада ўзини тўлиқ намоён қила олди. Агар Россияда қолганида, буюк ислоҳотчилар рўйхатига кириши амримаҳол эди. РФ ҳукумати ҳузуридаги иқтисодий ислоҳотлар Ишчи маркази (РЦЭР) раҳбарининг 1992–1993 йиллардаги биринчи ўринбосари, иқтисодчи Андрей Илларионов Бендукидзе билан илк учрашувларини шундай хотирлайди:

Мен Каха Автандилович билан 1992 йили – “Взаимодействие” клуби ташкил топганда танишганман. Журналистлар, олим-тадқиқотчилар, депутатлар, тадбиркорлар, сиёсий арбоблар, ислоҳотчи ҳукумат аъзоларидан иборат бўлган 150–200 га яқин инсон клуб аъзоси эди. Клуб Россия ҳукумати томонидан амалга ошириладиган ислоҳотлар ҳақидаги ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиб туриш механизми сифатида ўйлаб топилганди.

⁹ “Взаимодействие” ислоҳотчилар клуби 1992 йил декабрида тузилган. Кенгаш раислигига Егор Гайдар сайланган.

Клубда бир-икки ойда ўтказиладиган ва вазирлар, Бош вазир ўринбосарлари, Бош вазир в.в.б. нутқ сўзлаган бир неча мажлисларидан сўнг ўзини тадбиркор деб атаган бир инсонга диққатни қаратиш унча қийин бўлмади. Лекин бу инсон шундай саволлар берардики, нафақат Россия ҳукумати вакиллари, ҳатто илмий даражаси бўлган мутахассислар ҳам бундай саволларни бера олмасдилар. Кунларнинг бирида ўша тадбиркор ёнимга келиб, мендан М3 ва М4 пул агрегатлари¹⁰ орасидаги фарқни суриштира бошлади. Тан олишим керак, биринчи ва иккинчи агрегатга нима киради – дабдурустдан эслай олмадим ва агрегатларнинг ўзаро фарқлари тўғрисида ўртамизда қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Бу одам иқтисодий ислохотлар эмас, тадбиркорлик билан шугулланган ва маълумоти бўйича биолог эди.¹¹

1990-йиллари Россияда Бендукидзени олигарх, яъни жамият манфаатлари учун эмас, балки шахсий манфаати учун ҳаракат қиладиган ва катта мол-мулки эвазига ҳукмрон мавқега эга бўлган тор доирадаги шахслар гуруҳига мансуб одам, деб атаганлар. Аслида эса россиялик йирик саноатчи Бендукидзе ўз ўрнини фақат тадбиркорликда кўрмаган ва олигархлик чегарасидан ташқарида бўлган вазибаларни ўз олдига қўя олган. Бендукидзе ҳақида 1994 йили: “У сиёсатни ёқтирмайди, бироқ ҳозирча фуқаролик жамияти шаклланиб улгурмаган экан, сиёсатда қатнашмасликнинг сира иложи йўқ, деб ҳисоблайди”, – дея ёзган эдилар.¹²

¹⁰ Пул агрегати – пул массаси таркибини аниқлашда қўлланиладиган макроиқтисодий термин.

¹¹ Илларионовнинг *InLiberty* ёзги мактабидаги нутқи, Базалети, 2010 йил, 1 сентябрь: video.yandex.ru/users/shevv/view/19.

¹² “Взаимодействие” ислохотлар клуби, “Реформ-пресс” ноширлик гуруҳи, 1994.

Россияда ислохотлар бошланиши биланоқ йирик бизнес манфаатларини қонуний ҳимоя қила оладиган лобби тузилмасини яратиш заруриятини Бендукидзе дарҳол англаб етди. 1993 йил охиридаёқ у Иван Кивелиди¹³ билан биргаликда “Круглый стол бизнеса России” бирлашмасини тузди. Михаил Ходорковский, Владимир Гусинский ва бошқалар билан биргаликда “Предпринимательская политическая инициатива-92” гуруҳида иштирок этди. 1995 йилнинг май ойида Бендукидзе сиёсатчилар, тадбиркорлар ва сиёсатшуносларни ўзида бирлаштирган “Право на выбор” фуқаровий қўмитасига аъзо бўлди. Пётр Авен, Олег Дерипаска, Владимир Лисин, Владимир Потанин, Михаил Фридман, Михаил Ходорковский, Анатолий Чубайс ва бошқалар билан бирга 1997 йили илк бор ўтказилган Россия – АҚШ ишбилармонлари элитасининг RAND форумида иштирок этди. 2000 йил октябрь ойида РФ ҳукумати ҳузуридаги Тадбиркорлик бўйича кенгаш аъзосига айланди, шу йилнинг ноябрь ойида эса Россия саноатчилари ва ишбилармонлари иттифоқи (РСИИ) бюроси таркибига кирди. РСИИ бюджет ва солиқ сиёсати қўмитаси раҳбари сифатида, Бендукидзе бизнеснинг ҳокимият билан ўзаро муносабатларидаги энг нуфузли арбоблардан бири эди.

“Vox Populi” агентлиги рейтингига кўра, 2006 йилда Бендукидзе мамлакатдан ташқарида бўлиб ҳам, Россиянинг энг обрўли 50 нафар тадбиркори орасида 33-ўринни эгаллаганди.¹⁴

РСИИ бюджет ва солиқ сиёсати қўмитасининг со-

¹³ Иван Кивелиди (1949–1995) – “Росбизнесбанк” асосчиси, “Круглый стол бизнеса России” бирлашмасининг бошлиғи. Кабинетидаги телефон гўшагига суртилган тез таъсир қилувчи модда билан заҳарланган (*Таҳририят изоҳи*).

¹⁴ Georgia’s Libertarian Revolution, Part Two, European Stability Initiative, 17 April 2010 www.esiweb.org/pdf/esi_-_georgias_libertarian_revolution_-_part_two_-_bendukidze_and_russian_capitalism_-_17_april_2010.pdf.

биқ аъзоси Юрий Кузнецов Бендукидзенинг РСИИдаги фаолияти жамоатчилик асосидаги юклама бўлганига ишонади:

У бундан ўз компаниясининг манфаатларини олга суршда фойдаланмаган. Масалан, Каха кичик бизнес учун ягона тўловни жорий қилиш тўғрисида қонун лойиҳаси тайёрлашни таклиф қилди. Ёки йирик компаниялар учун ҳатто кераги ҳам йўқ деса бўладиган жараён – солиқлар йиғишни бошқаришни соддалаштириш гоёсини қўллаб-қувватлади.

Ўша вақтда РФ Президентининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлган Илларионов Бендукидзенинг Грузия иқтисодиёт вазири этиб тайинланишини шундай изоҳлайди:

Шак-шубҳасиз, бу Грузия учун катта ютуқ ва Россия учун жиддий йўқотиш. Каха Автандилович Бендукидзе – йирик ва омадли тадбиркоргина эмас. У Россиянинг ниҳоятда обрўли ва эътиборли жамоат арбоби, бизнинг иқтисодимиз ва жамиятимиз янада эркин ва самарали бўлиши учун кўп ишларни амалга оширган инсон. Унинг овозини жуда соғиниб қоламиз.¹⁵

Россия матбуоти Бендукидзенинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни тўғрисида 2004 йилнинг июнь ойида қуйидагиларни баён этди:

Каха Бендукидзе доимо валюта бозорини либераллаштиришнинг асосий тарафдори сифатида намоён бўлган. Унинг валютани тартибга солиш заруриятини исботлай олган шахсга 10 минг доллар бериш ҳақидаги таклифи ҳозиргача кўпчиликнинг ёдида. Путин даврининг сал-

¹⁵ Илларионов считает назначение Бендукидзе министром экономики Грузии “серьезной утратой” для России (*Орес.ru*, 2004 йил, 2 июнь, ores.ru/news_doc.asp?d_no=48826).

*кам энг либерал қонуни саналадиган ва (2004 йил) 1 июлдан бошлаб кучга кирган – “Валютани тартибга солиш ва валюта назорати тўғрисида”ги қонунда кўп жиҳатдан жаноб Бендукидзенинг шахсан хизмати катта. У солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш билан фаол шуғулланди. ҚҚС тўланган тақдирда солиқ ставкасини 10 фоизгача пасайтириш орқали сармоявий имтиёзни қайтариш таклифи билан чиқди. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини (МСҲС) жорий қилишни тезлаштириш учун қурашди.*¹⁶

“Российская газета” ўз навбатида Бендукидзени “россиялик тадбиркорлар орасидаги либерал иқтисодиётнинг энг қатъий тарафдорларидан бири, шу билан бирга, олигархлик қинғирликларида иштирок этмаган”, деб таърифлашгача борди. Ва қўшимча қилди:

*Бендукидзенинг тарихий миссияси муваффақиятли чиқишидан Россия жуда манфаатдор... Каха Бендукидзе Грузияда амалга оширишга уринаётган либерал-иқтисодий тажриба (агар муваффақиятли яқунланса) охир-оқибат рус либерализминини жонлантиришга олиб келади (албатта, агар бунинг имкони бўлса).*¹⁷

Грузияда амалга оширилган тажриба туфайли маълум ютуқларга эришилганини ҳозир бемалол тасдиқлаш мумкин. Энди навбат рус либерализминини жонлантиришга келди.

¹⁶ Ситнина В., Склярова И., Вигнанский М., Новопрудский С. Утечка капиталистов // Время новостей Online. 2004 йил, 2 июнь (www.vremya.ru/2004/94/52/99673.html).

¹⁷ Третьяков В. “Миссия Бендукидзе” // Российская газета. 2004 йил, 3 июнь. № 3492. (www.rg.ru/2004/06/03/bendukidze.html).

Хулосалар

Грузия тажрибасини ўрганиш давомида ислохотларнинг тактик ютуғи учта асосий сабабга боғлиқлигини хулоса қилиш мумкин. Биринчиси – бутун давлат аппаратининг бирдамлиги. Грузия ислохотларининг ютуғи нафақат амалга оширилган ишларда, балки қандай хатолар четлаб ўтилганида ҳам намоён бўлади. Ривожланиш, олға интилиш учун керак бўлган алоҳида санъат ва маҳорат малакалари жиловлаш, ишонтириш учун ҳам талаб қилинади. Ягона позициясиз бунга эришиш иложсиздир.

Иккинчиси – адаптив ёндашув. Буни Бендукидзе шундай тушунтиради:

Барча ислохотларни амалга ошириш – энг мукаммал вазият бўлган бўларди. Энг ёмон вазиятда эса ҳеч бўлмаганда айримларини амалга ошириш керак. Аслида эса бажариш мумкин бўлган ислохотлар билан шуғулланиш керак. Ўзгаришлар қилиш масаласи доимо долзарб: агар сен ҳукмрон гуруҳ ичидан сиёсий иттифоқчиларни топа олмасанг, ислохотлар барбод бўлади.

Бендукидзенинг собиқ маслаҳатчиси ва ҳозирги пайтда Бош вазирнинг бош маслаҳатчиси лавозимида фаолият юритаётган Вато Лежаванинг фикрича, “ислохотларга ишониш керак – бу сенга ҳали ўзинг қандай ишлашини тўлиқ тушуниб етмаган, шу сабабдан натижалари ҳам номаълум иш билан шуғулланишинг учун куч ва маълум даражада сурбетлик бахш этади”.

Ниҳоят, учинчиси – сиёсий капиталдан самарали фойдаланиш. Уни тежаб ўтирмасдан, кейин максимал

фойда олиш учун аямасдан дарҳол сарфлаш керак. Бендукидзе шундай хотирлайди:

Лавозимга тайинланишим бўйича муҳокамада Президент ислохотларни ўтказишга кеч эмасми, деб сўради. Мен унга “Биласизми, ислохотларни ярим йил давомида қилиш керак”, деб жавоб бердим. “Эҳ, ярим йил аллақачон ўтиб кетди, – деди Жвания, – демак, кечикдикми?” Шунда Саакашвили таклиф киритди: “Унда келинглар, бу ярим йилни Ажариянинг реал қўшиб олинмиш вақтидан бошлаб ҳисоблаймиз. Мана, ислохотлар учун қанчадир муҳлатга эга бўлдингиз”.

Ислохотчилар ихтиёрида қисқагина “асал ойи” мавжудлиги ҳақида Эстония собиқ Бош вазири Март Лаар ҳам огоҳлантирганди: “Грузия етакчиларида унчалик кўп вақт йўқ. Фавқулудда чоралар кўриш учун қулай вақт... фақат бир неча ой, балки йил давом этиши мумкин. Агар Грузия бу имкониятдан ўз манфаатлари йўлида фойдалана олмаса, биз ҳам мағлуб бўламиз”¹.

Бу каби барча маслаҳатлар, мамлакатдаги чуқур инқироз ва халқнинг ишончи ҳокимиятни модернизация ўтказиш масаласида тезлашишга ундади. Ўзгаришлар қанча тез бўлса, шунча кўп натижага эришиш мумкин: мамлакатни қутилмаган ислохотлар билан лол қилиб, бу ишларга тўғаноқ бўлишдан манфаатдор гуруҳларнинг ҳуши ўзига келгунича вақт қолдирмаслик керак.

Соғлом фикрга бироз зид бўлса-да, Грузия тажрибасидан қўйидаги хулоса келиб чиқади – тез ўзгаришлар пайтида либерал ислохотларни “қаттиққўллик” билан ўтказиш зарур. “Агар давлатни янгидан тиклаш ва иқтисоднинг тез ўсишини таъмин-

¹ Лаар М. “Грузия не должна упустить шанс для радикальных реформ” // inosmi.ru/world/20040121/205129.html

лаш зарур бўлса, дарсликлар ҳақида унутиш керак. Албатта, бу гаплар эски ва хато дарсликларга тегишли”, – дейди ишонч билан Лежава.

Кетеван Кокрашвили

1966 йил, 16 майда Тбилисида тугилган.

1990 йили Тбилиси давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини аъло баҳоларга тамомлаган.

2004 йилда иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари, 2005–2008 йилларда ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Фуқаролик кодексини ислоҳ қилиш бўйича ҳуқумат комиссияси аъзоси, ҳуқуқ доктори, Грузия техника университети (ГТУ) ва Озодлик университети профессори, ГТУ канцлери.

Мамлакатни ислоҳ қилиш жараёнининг мен мулоқотда бўлган барча иштирокчилари доимо ўта юқори тезликда ишлаганлари ҳақида гапирадилар.

Грузия политехника университети (ГПУ) профессори Кетеван Кокрашвилининг эслашича, давлат апаратига ишга таклиф этилганидан сўнг Бендукидзе билан биринчи учрашувдаёқ у мана шу тезликни ҳис қилган:

Кахани иқтисодиёт вазири этиб тайинланганига ҳали икки ҳафта ҳам бўлмаганди. Тунги соат 24 лар атрофида бир дўстим қўнғироқ қилиб қолди: “Ёдингдами, уч кун аввал сендан ҳуқуқий маслаҳат сўрагандим? Билсанг, бу Каха Бендукидзенинг саволи эди. У сен билан учрашмоқчи”.

Ярим соатлик суҳбатимиздан сўнг Каха “Ўринбосарим бўлишингизни истайман. Эртага куннинг ярмида ишга келинг”, деди. “Эртага яқшан-

ба-ку!” дея ҳайрон бўлдим, у эса “Бунинг нима аҳамияти бор?” деб жавоб берди. Худди шу он мен учун ҳеч қандай шанба, якшанба, кун, тун бўлмаслигини аниқ англаб етдим.

Бироқ бундай шошқалоқликнинг ножўя томони ҳам сезилиб қолди – жамиятда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларнинг жиддий равишда танқислиги баъъида ислохотлар самарадорлиги пасайишига сабаб бўларди. Лежаванинг фикрича, *“ислохотларнинг бундай суръатларида бошқа илож ҳам йўқ: йилига 25 та ислохот қилмоқчи бўлсанг, уларни барчага тушунтиришга вақтинг етмайди”.*

Давлат томонидан бой берилган имкониятлардан афсусланган “Новая экономическая школа – Грузия” ноҳукумат тижорий ташкилот вице-президенти Гиа Жандиери шундай дейди:

Грузия қиёфасини гўёки демократия гўшаси сифатида “сотиш” муаммоли, лекин бозор ислохотлари гўшаси сифатида сотиш жуда осон бўлиши мумкин. Ислохотчилар биринчи йилнинг ўзидаёқ кичик ҳукумат гоёсини таклиф қилдилар ва уни дарҳол ҳаётга татбиқ қилишга киришдилар. Лекин бу қандай бўлишини жамиятга тушунтириб бериш учун ҳеч нима қилмадилар. Фикримча, бекор қилиниши ҳал этилган функцияларни ҳукумат томонидан овоза қилинмагани катта хато бўлди – шу тарзда ғималар юз бераётганини жуда кўпчилик тушунмади. Тушунмаганлар сирасида эса нафақат бозорга қарши бўлганлар, ҳатто унинг тарафдорлари ҳам бор эди.

2009 йилнинг охирида Грузияга яшаш ва ишлаш учун кўчиб келган журналист Олег Панфилов ҳам Жандиерига хайрихоҳлигини билдиради: “Одамлар билан гаплашиш керак. Ёш ислохотчиларнинг

асосий камчилиги ахборот сиёсатини яхши йўлга қўймаганликларидир”.

2006 йилнинг ноябридан 2008 йилнинг февралигача ва 2008 йил декабридан 2009 йилнинг декабригача Президент маъмуриятига раҳбарлик қилган Екатерина Шарашидзе ҳам ислохотчилар йўл қўйган камчиликларни тан олади:

Ҳа, балки барчасини тўлиқ тушунтирмаганимиз хато бўлгандир. Бироқ шундай бўладики, сен тушунтирасан, одамларга барибир маъқул келмайди, шу аснода жараён жуда секин ва қийинчилик билан юради. Ёки “тутган жойингдан кесасан” ва бу ўз мевасини тез беради. Афсуски, шундай қилганимиз туфайли кўпчиликнинг ишончини йўқотдик. Ҳаракатларимиз жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишига ва анча қатъий чораларни амалга оширишимизга ишонган эдик. Бироқ йўл-йўлакай барибир қандайдир популизм билан ҳам шугулланиш керак экан. Жамиятда юз берган катта силжишлардан одамлар миннатдор бўлмаслигини тушуниб етмагандик.

Сиёсатшунос Александр Рондели бундай тушунтириш ишларини “ижтимоий анестезия” деб атади. У етарли бўлмагани учун ҳам, худди “Саакашвили янги мамлакатни қурди-ю, аммо унга тириклай пичоқ тортгандек” бўлиб қолди. Ҳақиқатан, орадан кўп ўтмай, жорий ҳокимият сиёсатидан норозиларнинг митинглари бошланиб кетди. Бу эса ўз навбатида, ислохотчилар мамлакатнинг яхшиланиши учун анча тер тўккан сармоявий жозибадорлик даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Озодликни қўлга киритган собиқ совет жамияти энди нима қилишни билмай қолганди. Илгари яхши эди – бошқалар сен учун қарор чиқарарди, нима қилиш мумкин-у, нима мумкин эмаслигини айтиб

турсалар ҳам, ҳаёт ўз маромида оҳиста давом этарди, хотиржамлик бор эди. Бирдан елкангга масъулият деган оғирлик юкланди, уни нима қилиш кераклигини тушунтиришмади ҳам... Бу ўзгаришларнинг нима кераги бор, барчаси олдингидек ўз йўлида кетавергани маъқул эди! Инқилоб арафасида мамлакатда юз берган инқироз сабабларини айтмасдан туриб, инқирозга қарши чоралар қонунийлигини тўлиқ таъминлаш мумкин эмас. Ислоҳотлар оғриқли бўлади, чунки улар шаклланиб улгурган одатлардан воз кечишга мажбур қилади. Бунинг устига, оғриқ дарҳол сезилади, ундан фориғ бўлиш учун эса бир қанча вақт талаб қилинади.

Афсуски, иқтисодиётдаги радикал ислоҳотлар ижтимоий йўқотишларсиз бўлмайди. Бундан грузин ислоҳотлари ҳам истисно бўлмади: ислоҳотларнинг ижтимоий баҳоси шундан иборатки, аҳоли барча қатламларининг манфаати ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Ёш авлод яратилаётган имкониятлардан унумли фойдалана олади, бошқа шароитларда яшашга ўрганган ва кам ҳаракатда бўлган ёши улуглар эса бу вақтда мослашишга анча қийналадилар. Уларнинг менталитетида бир фаолият турига боғланиб қолиш каби анъанавийлик ва “давлат” деб аталувчи нимагадир умид қилишда намоён бўладиган “советчилик” ўзаро қоришиб кетади. Бу каби дунёқарашларни мақсадли равишда шакллантириб келган ва собиқ тизимнинг бир қисми бўлган авлоднинг бунда ҳеч айби йўқ. Агар ўша тизим яшовчан бўлганида, ҳеч қачон қуламаган бўларди. Демак, энди янги йўл керак.

“Мен неча йиллардан буён Тбилиси университетларида дарс бериб келяпман. Бугунги талабалар – янги давр одамлари, ёш ислоҳотчилар эса тақлид қилиш учун уларга намуна бўлганини кузатяпман. Бу талабалар яхши таълим олишни, бир неча хорижий тилларни билишни, тартиб-қоидалар ўз ўрнида ба-

жариладиган мамлакатда яшашни истайдилар”, – дейди Олег Панфилов.

Шубҳасиз, Грузия ҳали кўп муаммоларни ҳал қилиши керак. Назаримда, улардан энг асосийси – ўзгаришларнинг ҳозирча етарли даражада илдиэ отмаганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Аслида ислоҳотлар натижаси ҳамма учун одатий ва кутилганидек бўлиши ва ютуқлар алоҳида инсонларнинг ташаббусига боғлиқ бўлиб қолмасдан, аксинча, бутун тизимнинг ҳамжиҳатликдаги ишига боғлиқ бўлиши учун етти йил камлик қилади.

Натижалари Грузиядаги кундалик турмушнинг бир қисмига айланиб улгурган ислоҳотлар ҳам мавжуд. Хонадонларда чироқ ва сув бор, пенсиялар ўз вақтида тўланмоқда ва ошиб бормоқда, машиналар олиб қочилмаяпти, амалдорлар пора олмаяпти – бу энди одатий ҳолга айланган. Амалдаги Президент ўрнига 2013 йилда ким келса ҳам, бу ислоҳотлар ортга қайтмайди, улар жамият томонидан онгли равишда қабул қилиб бўлинган.

Лекин бошқа мисоллар ҳам бор. Аҳоли учун унча тушунарли бўлмаган ўзгаришлар ҳали охиригача белгиланмаган. Монополияга қарши хизмат ёки Меҳнат кодекси ислоҳотларини олиб қарайлик. Фақат мамлакат ичидаги қонунни Европа қонунчилиги билан ўзаро уйғунлаштириш зарурияти борлиги учун эмас, жамият бу ислоҳотларни қўллаб-қувватламагани учун ҳам халқаро босим бу соҳадаги ички вазиятни ўзгартиришга қодир. Умуман олганда, қонун ва амалиётларни тузатиш жуда муҳим, лекин бу фақат ҳақиқий ўзгаришларнинг бошланиши, янги менталитетни шакллантириш учун зарур база, холос. Жамият янги қоидалар асосида яшашни бошлаганда, уларни тушунганда ва такомиллаштиришга киришганда ислоҳотларни қонунийлаштириш ҳақиқий муваффақиятли бўлади. Ҳозирча бунга кафолат йўқ (бу

босқичда бўлиши ҳам мумкин эмас), 2009 йил октябрь ойида президентнинг парламент олдида қилган чиқишида эълон қилинган Иқтисодий эркинлик акти деб аталган ҳужжат институтларни ташкил қилишда асосий роль ўйнамоқда:

Грузиядаги либерализация курсини ортга қайтмайдиган қилиш, на биз ва на Грузиянинг бошқа ҳукумати бу курсдан огишмаслиги, эришган ютуқларни ва янги институционал асосни ҳимоя қилишимиз, ўз иқтисодий мустақиллигимизни ўрнатишимиз, – буларнинг барчаси учун сўнги йилларда амалга оширилган иқтисодий одимларни конституцион ҳимоялашни таклиф қиламан. Келажакда ўзимиз давом эттиришни хоҳлаётган ўша курсни конституцион ҳимоя қилишимиз шарт.²

Иқтисодий эркинлик акти – конституцияга тузатма ва айни вақтда органик ёки конституциявий деб аталадиган алоҳида қонундир, яъни одатдаги қонунлардан фарқли равишда, унга тузатишлар фақат кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шундай ностандарт мақоми сабабли ҳозирча у қабул қилинмади.

Органик қонун мақоми қайд қилиниши учун конституцияга тузатиш киритилиши талаб қилинади. Бироқ мазкур ўзгартиришлар 15 октябрь куни парламент томонидан тасдиқланган ва Президент 2010 йил, 6 ноябрда имзолаган мамлакат Асосий қонунининг янги таҳририга киритилади. Янги конституцияга кўра, 2013 йилда президент бошқарувидан парламент бошқарув усулига ўтилади. Парламентнинг роли сезиларли даражада ортади, президент ваколатлари – қисқаради, бош вазирники эса – кенгаяди. Давлат раҳбари

² Саакашвилининг Грузия парламенти депутатлари олдида 2009 йил 6 октябрдаги чиқиши, Андрей Илларионов томонидан “Живой журнал”да русчага таржима қилинган (aillarionov.livejournal.com/122216.html).

қонун чиқарувчи органни тарқатиб юбора олмайди ва вазирлар маҳкамасини истеъфога чиқара олмайди. Бош вазир номзодини ҳукмрон партия кўрсатади, президент эса тасдиқлайди. Давлат раҳбарига қонун ташаббускорлиги ва парламентнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тақиқланади. Ўз навбатида, парламент ҳар қандай қонун лойиҳасига вето қўя олувчи ҳукуматга ишончсизлик билдириш ваколатига эга бўлади. Бундай вазиятда президент ҳакам вазифасини бажаради.

Иқтисодий эркинлик акти билан давлат ўзини-ўзи чеклайди: тадбиркорлик фаолиятида давлат аралашуви чегарасининг ўрнатилишида, паст солиқларда, бюрократик тўсиқлар йўқлигида ҳужжат-номидаги эркинлик сўзи ўз аксини топади. Бу ҳужжатга мувофиқ, бюджет харажатлари ЯИМнинг 30 фоизидан ортмаслиги керак, бюджет камомати ЯИМнинг 3 фоизидан юқори бўлиши мумкин эмас, давлат қарзлари ЯИМнинг 60 фоизидан ортиб кетишига йўл қўйилмайди. Назорат қилувчи органлар сони билан бир қаторда, турли лицензия ва рўхсатномалар ҳам кўпайтирилиши мумкин эмас. Бюджетнинг ижтимоий харажатлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълимга сарфланадиган маблағлар бенефициари (маблағни олувчи) сифатида институтлар эмас, балки фуқаролар келтирилган. Солиқлар миқдорини аниқлаш ҳуқуқи солиқ эгаларига, яъни фуқароларга қайтарилди: ҳар қандай солиқ ставкаларини ошириш ёки янги солиқни жорий қилиш фақат умумхалқ референдуми орқали амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бу ҳужжат – яна бир инқилоб бўлиб, фақат энди кўчадаги эмас, балки ондаги инқилобдир. Бир томондан, бу акт ҳукумат либерал ривожланиш йўлидан чекинмаслигини ҳам фуқароларга, ҳам сармоядорларга намойиш қилади. Бошқа томондан эса, у Грузиянинг либерал мўъжизаси деб аташ

мумкин бўлган барча ютуқларни мустаҳкамлайди ва ортга қайтиш йўлини бутунлай ёпиб ташлайди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: эркинлик ва демократия бир хил нарса эмас. Демократик мамлакатлар доим ҳам тўлиқ эркин эмас. Эркин мамлакатларда эса ривожланишнинг ягона йўли – демократия бор. Шу нуқтаи назардан, Иқтисодий эркинлик акти – мамлакат ривожланиши қайси йўлдан кетишини намойиш қилувчи жуда муҳим кўрсаткич. Грузия ҳали ўзининг демократия ўрнатиш йўлини босиб ўтиши керак.

Грузия ўз тажрибаси билан кўпларга ёрдам бериши мумкин. Ислоҳотларни қандай амалга ошириш бўйича тайёр рецепт йўқлиги – бошқа масала. Ташаббускорларни жалб қилиш, давлат апаратини қисқартириш, бизнес учун шароитларни соддалаштириш – барчаси тўғри. Лекин эркинлик тамойилларини китобдан, онгдан реалликка ўтказишга ҳаракат қиладиган одамларнинг критик массаси (майли, миқдор бўйича эмас, сифат жиҳатидан) бўлгандагина буларнинг барчаси амалга ошиши мумкин. Бу ҳолда сиёсий андаза қидириш керак бўлади.

“На бир грузин, на бир хорижлик ҳеч қачон Грузия – Совет Иттифоқи, деб ўйламаслиги биз учун муҳимдир. Халқимиз ва бошқа барчанинг бунга ишониши биз учун энг асосийсидир”, – дейди Екатерина Шарашидзе.

Грузия янги сиёсий элитасини совет номенклатураси билан ҳеч қандай кичик ёки асосий умумийликлар боғламайди. Янги элита ўзини бошқача тутади, баланд деворлар ва “сиренали” автомобиллар билан халқдан ажралиб олмайди. Мен ўзим бўлган бирор давлат идораси кабинетини деворида президент суратини кўрмадим – лекин давлат гербини ҳамма жойда кўриш мумкин. Демак, давлат амалдори бир одамга мамлакатга хизмат қиляпти.

Албatta мамлакатнинг ҳақиқатан ҳам мамлакатга хизмат қиляпти. Ислоҳотларни ўтказишда хатоларга йўл

қўйилди. Шубҳасиз, баъзи муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Бироқ бундан Грузия танлаган йўл хато экан, деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳеч қандай ислоҳот ҳаётни барча учун бир вақтда зўр қилиб ўзгартира олмайди. Ислоҳотлар давомида баъзилар имтиёзлардан маҳрум бўладилар. Лекин ўзгаришлар қонунга итоат қилувчи фуқаронинг ҳаётини яхшиласа, қашшоқлик даражасини қисқартирса, ёшларни ёрқин келажакка етакласа – демак, ислоҳотлардан кутилган натижаларга эришилган.

Грузия собиқ Совет Иттифоқининг кўп мамлакатларидан анча олдин бошқа даражага ўта олгани – унинг улкан ютуғи ва натижаси. Буларнинг барчаси барибир, эртами ёки кечми, амалга оширилиши керак эди. Қанчалик эрта амалга оширилишига эса бутун бир авлодлар тақдири боғлиқ – бунини мен аввало ўз мамлакатим учун куйинган ҳолда айтяпман.

Келтирилган исм-шарифлар

Абашидзе Аслан 1991–2004 йилларда Ажария Автоном Республикасига раҳбарлик қилган; ҳозирги пайтда Москвада истиқомат қилади.

Авалиани Михаил 2009 йилда Тбилиси Архитектура бюросини бошқарган.

Авен Петр 1989 йилдан 1991 йилгача СССР Ташқи ишлар вазирлигида маслаҳатчи вазифасида ишлаган, 1992 йилгача Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини бошқарган, “Альфа-банк” президенти.

Адамия Реваз 2002 йил июлидан 2006 йил августгача Грузиянинг БМТдаги элчиси.

Адеишвили Зураб 2003 йил декабридан 2004 йил февралигача Грузия адлия вазири. 2004 йил июнидан 2008 йил январигача Грузия бош прокурори.

Аласания Ираклий 2006 йил сентябридан 2008 йил декабригача Грузиянинг БМТдаги элчиси.

Ахалая Георгий Грузия соғлиқни сақлаш тизими ислохотини тайёрлаган жамоа аъзоси.

Байден Жозеф 2009 йил январидан АҚШнинг 47-вице-президенти (2021 йил январидан АҚШнинг 46-Президенти – *тахририят изоҳи*).

Барамидзе Георгий 2003 йил декабрида Ички ишлар вазири этиб тайинланган (Парламент томонидан 2004 йил, 17 февралда бу лавозимга тасдиқланган), сўнгра муҳофазат вазири, Европа ва евроатлантик тузилмаларга интеграция масаласи бўйича давлат вазири лавозимларида ишлаган.

Бегиашвили Лили 2004 йилда инфратузилма ва ривожланиш вазири ўринбосари, вазирликлар бирлаштирилганидан сўнг иқтисодий ривожланиш

вазири ўринбосари лавозимини эгаллаган. 2005 йил январидан шу йил августигача ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири ўринбосари, 2005 йил сентябридан 2008 йил апрелигача қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Бендукидзе Каха 2004 йил, 1 июнда иқтисодиёт вазири этиб тайинланган, 2004 йил августида унинг вазирлиги ҳамда Инфратузилма ва ривожланиш вазирлиги бирлаштирилгач, иқтисодий ривожланиш вазири лавозимини эгаллаган ва мазкур лавозимда 2004 йил 15 декабригача ишлаган. Сўнгра ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири этиб тайинланган. 2008 йил январдан 2009 йил февралигача Грузия ҳукумати иш юритиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.

Березовский Борис россиялик тадбиркор, собиқ миллиардер. 2003 йил сентябридан сиёсий қочоқ мақомида Буюк Британияда доимий яшаган. 2013 йилда вафот этган.

Берекашвили Ираклий 2004 йилда CERMA консультацион маркази ходими, энергетика ислохотини тайёрлаш жамоаси аъзоси.

Бицадзе Бадри 2008 йилгача чегара хизмати бошлиғи. Нино Буржанадзенинг турмуш ўртоғи.

Бокерия Георгий (Гига) 2010 йил ноябригача ташқи ишлар вазири ўринбосари, 2010 йил ноябридан Миллий хавфсизлик кенгаши котиби.

Бочелли Андреа италиялик классик ва оппабон мусиқа ижроچиси.

Бурджанадзе Нино 2001–2008 йилларда Грузия парламенти раиси, 2003 йил ноябридан 2004 йил январгача ва 2007 йил ноябридан 2008 йил январигача Грузия президенти вазифасини бажарувчи.

Варшаломидзе Леван 2004 йилдан Ажария ҳукумати раиси.

Вольский Аркадий 1992 йилдан 2005 йилгача

Россия ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар уюшмаси раҳбари.

Габададзе Эка 2004 йилдан Бендукидзеинг ёрдамчиси.

Гайдар Егор россиялик иқтисодчи. 1990 йилларда Россияда рўй берган иқтисодий ислохотлар раҳбарларидан бири. 1992 йил июнидан шу йил декабригача РФ ҳукумат раиси вазифасини бажарувчи. Иқтисодий сиёсат институти асосчиси ва директори. 2009 йилда вафот этган.

Гамсахурдия Звиад грузин миллий ҳаракати йўлбошчиларидан бири, Тбилисидаги 1989 йил апрель митинги ташкилотчиси, 1991 йил майдан декабригача Грузиянинг биринчи Президенти. Ҳарбий тўнтариш натижасида лавозимидан озод қилинган, ўрнига Эдуард Шеварднадзе давлат бошига келган. 1993 йилда ҳалок бўлган.

Гилаури Николоз (Ника) 2004 йилдан 2007 йилгача энергетика вазири, 2007 йилдан 2009 йилгача молия вазири, 2009 йил февралдан Бош вазир.

Гоголидзе Паата Ягона аккредитациялаш маркази раҳбари.

Гогришвили Хатуна парламентнинг процедура масалалари ва регламент бўйича қўмитаси бошлиғи.

Готуа Леван 2008 йил апрелидан 2009 йил декабригача Молиявий назорат агентлиги раҳбари.

Гургенидзе Ладо 2007–2008 йилларда Грузия Бош вазири.

Давиташвили Коба муҳолифатдаги “Халқ партияси” раиси.

Дерипаска Олег россиялик тадбиркор, “Базовый элемент” компанияси эгаси.

Дьянков Симеон Болгария молия вазири, Бизнес олиб бориш эркинлиги (Doing Business) рейтингни яратувчиси. Рейтинг Жаҳон банки томонидан ҳисобланади.

Дьянков Владимир россиялик тадбиркор,

“Система” молиявий акциядорлик компаниясининг директорлар кенгаши раиси ва 62 фоиз акцияси эгаси.

Жандиери Гиа “Грузия – янги иқтисодий мактаб” нодавлат тижорий ташкилот вице-президенти.

Жапаридзе Мариам Соғлиқни сақлаш ислохотини ишлаб чиқиш бўйича жамоа аъзоси.

Жванецкий Михаил россиялик ёзувчи-сатирик.

Жвания Зураб 2003 йил ноябридан 2004 йил февралигача давлат вазири, 2004 йил февралидан Грузия Бош вазири, 2005 йил, 3 февралда ҳалок бўлган.

Жвания Лаша 2009–2010 йилларда Грузия иқтисодиёт вазири.

Жгереная Эмзар 2003–2004 йилларда иқтисодиёт вазири маслаҳатчиси, “Грузия иқтисодиёти” журнали редактори.

Жинчарадзе Давид “Batumitex” тикув фабрикаси директори.

Зурабишвили Саломе 2004 йил мартдан 2005 йил октябригача Грузия ташқи ишлар вазири.

Иашвили Михаил 2004–2008 йилларда Бендукидзе аппаратида кадрлар танлаш билан шуғулланган.

Иванишвили Бидзина (Борис) грузин тадбиркори, миллиардер, Россияда “Российский кредит” банки, “Металлоинвест” холдинг компанияси, “Доктор Столетов” дорихоналар тармоғига асос солган.

Илларионов Андрей 2000–2005 йилларда Россия Президентининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси, Москвадаги “Институт экономического анализа” фонди асосчиси ва президенти.

Инашвили Жемал 2006 йилда Грузия парламенти вице-спикери, Савдо-саноат палатаси раиси.

Иоселиани Жаба грузиялик қонундаги ўғри, драматург, “Мхедриони” ҳарбийлашган миллий отрядлари ташкилотчиси, Гамсахурдияни лавозимидан туширишда фаол иштирок этган, 2003 йилда вафот этган.

Калашов Захарий (Шакро) грузиялик қонундаги ўғри, 2010 йилда Испанияда ҳибсга олинган.

Каррерас Хосе Испан опера қўшиқчиси.

Кинкладзе Кетеван 2004 йилда CERMA консултация маркази ходими бўлган, энергетика ислохотини тайёрлаган жамоа аъзоси.

Китовани Тенгиз Гамсахурдияни лавозимидан туширишда фаол иштирок этган, 1992–1993 йилларда Грузия мудофаа вазири. Ноқонуний қуролли тузилмалар ташкил этишда айбланиб, 1995 йилдан 1999 йилгача жазони ўтаган. Шеварднадзе томонидан афв этилганидан сўнг Москвада истиқомат қилади.

Китовили Дмитрий 2007 йилда Михаил Саакашвилининг пресс-спикери ва парламент котиби, 2006 йилда коммуникациялар бўйича миллий қўмита раҳбари.

Кицмаришвили Эроси “Рустави-2” телеканали асосчиси, 2004 йилда Грузия Савдо-саноат палатаси раҳбари, 2005–2008 йилларда махсус топшириқлар бўйича АҚШда элчи, 2008 йил февралдан шу йил августигача – Грузиянинг Россиядаги элчиси.

Кокрашвили Кетеван 2004 йилда Грузия иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари, 2005 йилдан 2008 йилгача ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири.

Кочладзе Шалва 2004–2005 йилларда Бендукидзенинг маслаҳатчиси.

Кублашвили Константине (Котэ) 2005 йил февралдан Грузия Олий суди раиси.

Кублашвили Павле 2008 йилда парламентнинг ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитаси аъзоси.

Лаар Март 1992–1994 ва 1999–2002 йилларда Эстония Бош вазири. 2006 йилдан 2008 йилгача Грузия Президентининг махсус маслаҳатчиси.

Лежава Вато 2004 йил мартдан Грузия инфратузилма ва ривожланиш бўйича қўмитаси аъзоси, 2004 йил августдан (Инфратузилма ва ривожланиш вазирлиги

ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги бирлаштирилганидан сўнг) иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари. 2005 йил январидан 2007 йил ноябригача ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазирининг ўринбосари ва бош маслаҳатчиси; 2007 йил ноябридан 2008 йил январигача Грузия иқтисодий ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари.

Лекишвили Нико 2009 йилдан бошлаб Грузиянинг “Ниба Инвест” сармоявий компанияси раҳбарларидан бири.

Лисин Владимир 1992 йилдан Metallурглр халқаро уюшмаси вице-президенти, 1998 йилдан “Румелко” (“Русская металлургическая компания”) бошқарув компаниясининг асосчиси ва бош директори. 2000 йил ноябрида Россия саноатчилари ва тадбиркорлари Бошқаруви таркибига киритилган.

Ломая Александр (Каха) 2004–2007 йилларда таълим ва фан вазири, 2007 йилдан Грузия Хавфсизлик кенгаши котиби.

Марченко Григорий 1999 йилдан 2004 йилгача ва 2009 йилдан Қозоғистон Миллий банки раиси.

Мегрелишвили Вахтанг 2004 йилдан 2005 йилгача Грузия меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазири ўринбосари, 2005 йилдан 2007 йилгача эса биринчи ўринбосари.

Мерабишвили Вано 2004 йил, 7 июндан шу йил 18 декабргача Грузия давлат хавфсизлиги вазири, 2014 йил, 18 декабрдан ички ишлар вазири.

Мирцхулава Давид 2003 йилда Грузия энергетика вазири.

Морошкина Нина 2006 йилда Грузия соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари.

Найшуль Виталий Россиядаги Иқтисодиётнинг миллий модели институти президенти.

Начкебия Манана Грузиянинг “Янги ўнглр” партияси аъзоси.

Немец Йозеф Европа касаба уюшмалари конфедерацияси (ETUC) котиби.

Николаишвили Мамука 2003 йилда Грузия энергетика вазири.

Ногаидели Зураб 2001–2002 ва 2003–2005 йилларда Грузия молия вазири, 2005 йил февралдан Бош вазир.

Окруашвили Ираклий 2004 йил июндан шу йил декабригача Грузия ички ишлар вазири, 2004–2006 йилларда мудофаа вазири.

Отиашвили Тамта 2005–2006 йилларда Грузия янги меҳнат кодексини тайёрлаган жамоа аъзоси.

Панфилов Олег Собик рус журналисти, айти пайтда Грузияда яшайди ва фаолият юритади.

Папава Владимир (Ладо) 1994 йилдан 2000 йилгача Грузия иқтисодиёт вазири, Грузиянинг стратегик ва халқаро тадқиқотлар фонди эксперти.

Папуашвили Георгий 2006 йилдан Грузия Конституцион суди раиси.

Патаркацишвили Бадри тадбиркор, миллиардер, 2001 йилгача Россияда тадбиркорлик билан шуғулланган, 2008 йил январида Грузия президентлиги учун номзодини қўйган. Ўша йилиёқ вафот этган.

Петриашвили Ираклий Грузия Бирлашган касаба уюшмалари раиси.

Пиньера Хосе 1978–1980 йилларда Чили меҳнат ва пенсия суғуртаси вазири, 1980–1981 йилларда Чили тоғ-кон саноати вазири.

Потанин Владимир россиялик тадбиркор. Россиядаги энг йирик бошқарув компанияларидан бири саналадиган “Интеррос” эгаси; “Норильский никель”, “Росбанк”, ОПИН, “ПрофМедиа” ва “Роза хутор” компанияларининг акциялар пакети эгаси.

Почхуа Арчил “Block Georgia” компаниясининг соғлиқни сақлаш соҳаси лойиҳалари бошқарувчиси.

Путин Владимир 2000 йил, 7 майдан 2008 йил, 7 майдан 2012 йилдан ҳозиргача Россия Федерацияси

Президенти, 2008 йил майдан 2012 йилгача Россия ҳукумати раиси.

Рондели Александр сиёсатшунос, Грузия стратегик ва халқаро тадқиқотлар фонди раҳбари.

Саакашвили Михаил 1996 йилда Грузия парламенти ҳуқуқий қўмитаси раиси бўлган, 2002 йилда Грузия Қонунчилик кенгаши раиси; 2004 йил, 25 январдан 2007 йил, 25 ноябргача ва 2008 йил, 20 январдан 2013 йил октябргача Грузия президенти.

Сорос Жорж АҚШлик молиячи, “Очиқ жамият” Институти (Сорос фонди) халқаро хайрия ташкилоти асосчиси.

Соткилава Зураб Совет Иттифоқи ва Россия опера қўшиқчиси.

Топадзе Гоги Грузиянинг пиво ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи “Казбеги” компанияси бошлиғи.

Тэтчер Маргарет 1979–1990 йилларда Буюк Британия бош вазири.

Угулава Георгий (Гиги) 2004 йил сентябридан 2005 йил апрелигача Грузия президентининг Мегрелия ва Юқори Сванетиядаги вакили, 2005 йил апрелидан шу йил июлигача Президент маъмурияти бошлиғи, 2005 йил июлидан Тбилиси мэри.

Утиашвили Шота Грузия ИИВ ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи.

Фридман Милтон америкалик иқтисодчи, 1976 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори.

Фридман Михаил 1991 йилда “Альфа-банк”ка асос солган ва 2008 йилгача мазкур банк директорлар кенгашини бошқарган, 2000 йилда Россия савдо-саноат палатаси бошқарув бюроси аъзолигига олинган, 2003 йилда эса ТНК-ВР директорлар кенгаши раиси.

Харатишвили Зураб Грузия Марказий сайлов комиссияси раиси.

Хетагури Александр 2007 йилдан Грузия энергетика вазири.

Ходорковский Михаил россиялик тадбиркор, 1988 йилда “Менатеп” банкига асос солган. 1997 йилда ЮКОС нефть компанияси бошқарувига раислик қилган. 2005 йилда қаллоблик, солиқ тўламаганлик ва бошқа жиноятлари учун умумий тартибдаги колонияга, 9 йилга озодликдан маҳрум қилинган, 2010 йил декабрида яна 14 йил қamoқ жазосига ҳукм этилган. 2013 йил, 20 декабрда Россия Президенти Владимир Путин томонидан афв этилган ва хорижга чиқиб кетган.

Цискаришвили Петрэ 2006 йилда Грузия қишлоқ хўжалиги вазири.

Цхакая Георгий 2005 йил февралидан шу йил майгача Грузия ислохотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазири аппаратида маслаҳатчи; 2008 йил июлидан шу йил декабригача иқтисодий ривожланиш вазири ўринбосари; 2008 йил декабридан 2009 йил февралигача Грузия ҳукумати иш юритиш бўлими бошлиғининг ўринбосари; 2009 йил февралидан 2011 йил мартигача Молия вазирлиги даромадлар хизмати бошлиғи.

Чавчавадзе Мари Саакашвилининг француз тили ўқитувчиси.

Чантладзе Давид 2005 йилдан Грузия атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазири биринчи ўринбосари, 2007 йилдан эса шу вазирлик вазири.

Чарквиани Гела Саакашвилининг инглиз тили ўқитувчиси; 1992 йилда Президент Эдуард Шеварднадзенинг халқаро муносабатлар масаласи бўйича бош маслаҳатчиси; 1995 йилдан 2003 йил ноябригача Грузия давлат иш юритиш бўлимининг халқаро муносабатлар хизмати раҳбари, 2005 йилдан Президент Саакашвилининг пресс-спикери.

Чеишвили Звезд 2004 йил давомида Грузия Иқтисодий вазирлигида ишлаган; 2005

йил январидан шу йил апрелигача ислоҳотларни мувофиқлаштириш бўйича давлат вазирининг бош маслаҳатчиси; 2007 йилда Грузия атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш вазири ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

Чечелашвили Валерий 2005 йилгача Грузиянинг Россиядаги фавқулудда ва мухтор элчиси, 2005–2006 йилларда молия вазири.

Чубайс Анатолий россиялик тадбиркор, 1998 йил апрелдан 2008 йил июлгача “Россия ЕЭС” Россия акциядорлик жамияти раҳбари, 2008 йилдан Россия нанотехнологиялар корпорацияси бош директори.

Чубинишвили Ираклий 2004 йилда Грузия Президенти маъмурияти раҳбари.

Шарашидзе Екатерина 2006 йил ноябридан 2008 йил январигача ва 2009 йил январидан шу йил декабригача Грузия Президенти маъмурияти раҳбари, 2008 йил февралдан шу йил декабригача иқтисодий ривожланиш вазири.

Шеварднадзе Эдуард 1972–1985 йилларда Грузия ССР Компартияси Марказий комитетининг биринчи секретари, 1985–1990 йилларда СССР ташқи ишлари вазири, 1991 йилдан СССР ташқи ишлар ва хорижий муносабатлар вазири, 1995 йилдан 2003 йилгача Грузия президенти.

Шеремет Павел россиялик журналист, “Саакашвили / Грузия. Погибшие мечты” (2009) китоби муаллифи.

Шчусев Алексей СССРда хизмат кўрсатган архитектор, Ленин мавзолейи, “Москва” меҳмонхонаси, Москванинг Лубянка майдонидаги Ички ишлар халқ комиссариати (НКВД) биносини унинг энг машҳур ишлари сифатида келтириш мумкин.

Эбаноидзе Жаба 1999 йилдан 2005 йилгача Ер эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ассоциацияси директори; 2006 йил июнидан 2009 йил январигача Адлия вазирлиги оммавий реестри раҳбари; 2009 йил январидан Грузия адлия вазири ўринбосари.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
Муаллифдан	8
КБФ (кўп билдириладиган фикрлар)	13
“Ўйин қоидаларини ўзгартиргани келдик”	29
Янги мамлакатнинг пайдо бўлиши	51
Биринчи сабоқ: бюрократиядан халос бўлиш	68
Иккинчи сабоқ: хусусийлаштириш	94
Учинчи сабоқ: либераллаштириш	195
Эркинлик мамлакатни қандай ўзгартиради?	295
Хулосалар	305
Келтирилган исм-шарифлар	316

“ASAXIY BOOKS” LOYIHXASI DOIRASIDA
ЧОП ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР

Уолтер Айзексон, “СТИВ ЖОБС”, 2019, 624 бет.

Йона Бергер, “ЮКУМЛИЛИК: МАҲСУЛОТ ВА ҒОЯЛАР ҚАНДАЙ ОММАЛАШАДИ?”, 2021, 248 бет.

Дэн Браун, “ИБТИДО”, 2021, 664 бет.

Дэн Браун, “РАҚАМЛИ ҚАЛЪА”, 2019, 480 бет.

Малкольм Гладуэлл, “ЗУККОЛАР ВА ЛАНДАВУРЛАР”, 2019, 220 бет.

Жавлон Жовлиев, “ҚҶРҚМА”, 2020, 376 бет.

Дэниел Киз, “ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР”, 2020, 320 бет.

Стивен Р. Кови, “МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7 КҶНИКМАСИ”, 2020, 438 бет.

Пауло Коэльо, “АЛИФ”, 2020, 308 бет.

Марк Мэнсон, “БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЪАТИ”, 2020, 192 бет.

Рамита Наваи, “ЁЛҒОНЛАР ШАҲРИ”, 2020, 276 бет.

Кэл Ньюпорт, “ДИҚҚАТ: ЧАЛҒИТУВЧИ ДУНЁДА МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ”, 2020, 230 бет.

Жорж Оруэлл, “1984”, 2019, 296 бет.

Жорж Оруэлл, “МОЛХОНА”, 2019, 100 бет.

Жером Сэлинджер, “ЖАВДАРЗОРДАГИ ХАЛОСКОР”, 2020, 252 бет.

Брайан Трейси, “САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙҶЛИ”, 2020, 92 бет.

Ҳенри Форд, “МЕНИНГ ҲАЁТИМ”, 2020, 300 бет.

Тони Шей, “БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ИНТЕРНЕТ ДҶКОН ТАРИХИ”, 2020, 298 бет.

Д. АжемҶғли, Ж. А. Робинсон, “МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛЛИ САБАБЛАРИ”, 2021, 672 бет.

Олдос Ҳаксли, “АЖИБ ЯНГИ ДУНЁ”, 2021, 256 бет.

Лариса Буракова

Грузия муваффақиятга қандай
эришди?

Рус тилидан
Абдулазиз Абдуллаев
таржимаси

Муҳаррир	Ш. Бозорова
Мусахҳиҳлар	М. Шарифова Г. Паттахова Г. Қодирова
Дизайнерлар	А. Тожиматов Б. Анорбоев
Саҳифаловчи	Д. Расулов

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик ҳуқуқи “Asaxiy books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy books” рухсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Босишга 23.02.2021 да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Офсет босма. Calibri гарнитураси. Шартли босма табағи
17,22. Босма табағи 10.25 Адади 1000 нусха.

GÖKSU matbaa, Истанбул, Туркия